

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Низомий номидаги тошкент давлат педагогика университети

Фуқаро муҳофазаси фанидан
маъруза матнлари

Билим соҳаси: 100000 – таълим
Бакалаврият йўналиши: 5141200 - ЧХТ

Тошкент – 2006 й.

Аннотация

Мамлакатимиз географик жиҳатдан шундай бир минтақада жойлашганки табиатнинг бирор – бир турдаги инжиқликлари бу ўлкани четлаб ўтмаган. Жумладан, табиий ҳодисалардан – ер қимирлашлар, силжишлар, ўпирилишлар, қор кўчкилари, кучли ёғингарчиликлар, довуллар ва бошқа фожиаи оқибатга олиб келиш мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар минтақамизда бўлиб туради. Шунинг учун ҳам Республикамиз ҳудудида фавқулодда вазиятни юзага келтирадиган хавф йўқ эмас. Улар ҳақида аҳолига тўла маълумот бериш, улар юз беришини олдини олиш мумкинлиги, содир бўлганда қилиниши зарур бўлган тадбир ҳақида – йўриқ бериш, уларга ўргатиш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади. Ушбу маъруза юқоридагиларни, ҳамда «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар маҳкамасининг шу соҳага алоқадор қарорларни эътиборга олган ҳолда тузганлар. Маъруза матни фуқаро муҳофазаси муаммолари билан шуғулланувчи раҳбар ходимлар, мутахассислар ва талабалар учун мўлжалланган.

Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ ЧХТ катта ўқитувчиси
Подполковник И.И.Ярашев.

Низомий номли ТДПУ ЧХТ ўқитувчиси
Майор А.Э.Турсунов

Такризчи: М.Т.Цикли ката ўқитувчиси захирадаги
капитан А.Ю.Сотволдиев

Маъруза курси Низомий номидаги ТДПУ Университетининг Ҳарбий кафедраси
Методик тайёргарлик Цикли умумий йиғинида кўриб чиқилган ва нашрга
тавсия этилган.

2005 йил « 30 » августдагидаги 1 - сонли мажлис баёни

КИРИШ

Давлатни ақл-идрок билан бошқариш халқ бошига тушган хавф- хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир.

АБУ НОСИР ФОРОБИЙ (X-аср)

Республикамиз Президента Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида умумий хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлаш муаммоларини батафсил » очиб бериб, табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва уни бошқаришда амалга оширилиши лозим бўладиган ишларга оқилона ёндошишни қайта —қайта таъкидлаб ўтган.

БМТ "Халқаро фуқаро муҳофазаси ташкилоти"нинг хужжатларида «Дунёда тараққиёт шиддат билан ривожланиб бориши билан ёнма - ён хавф - хатар ҳам ошиб бормоқла, шу боис «Барқарор ривожланиш кафолати - бу фуқаролар муҳофазасидир» деб ёзиб қўйилган.

Шунинг учун фуқаро муҳофазаси ва уни бошқаришга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаро муҳофазаси Вазирлар Маҳкамаси умумий раҳбарлик қилади. У ФМга оид вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи тадбирлар ҳажмини ва ўтказилиш муддатини белгилаб беради. Раҳбарлик функциясини ҳукумат Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги(ФВВ) орқали амалга оширади.

ФМга фавқулодда вазиятлар(ФВ)дан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли орган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги(ФВВ) бевосита раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини, камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлар ишлаб чиқилиши ва илмий тадқиқотларни амалга оширилишини ташкил этади;

ўз ваколат доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни қабул қилади;

бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишта тайёр бўлишини ташкил этади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқаришни амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади.

Санаб ўтилган вазифаларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг, вазирликлар ва идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бошқарув органлари, кучлари ҳамда воситаларидан иборат бўлган Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (фВДТ)орқали амалга оширади.

ФМга юклатилган, аҳолига ва халқ хўжалигини табиий офатлардан, авариялардан, ҳалокатлардан муҳофаза қилиш, уларнинг оқибатларини тугатишда қутқариш ва бошқа шошилиш ишларини ўтказишга йўналтирилган вазифаларнинг кўп қиррали ва мураккаб: экани ФМ раҳбар ходимлар таркибининг тайёргарлиги юксак бўлишини талаб этади ҳамда юклатилаган вазифалар муваффақиятли бажарилишининг энг муҳим шартларидан бири ФМ бўлимларининг бошлиқлари экстремал вазиятларда мустаҳкам ва узлуксиз бошқаришни таъминлаб боришларидан иборат.

1.Мавзу

Ўзбекистон республикасида фуқаро муҳофазаси ва унинг ташкилий тизими.
I ҚИСМ

Ўз - ўзини назорат қилиш саволлари:

- 1. Асосий тушунчалар**
2. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари

Асосий тушунчалар

Фавқулодда вазиятларнинг кейинги вақтларгача қабул қилинган ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларида ўз ўрнини топган айрим асосий тушунчалари умумлаштирилган ҳолда ягона тизимга келтирилди. бу тизим Ўзбекистон стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаштириш давлат марказининг махсус қарорига мувофиқ тасдиқланди ва амал қилиш учун жорий этилди. (OzDat 981:2000)

Бундан кутилган асосий мақсад фавқулодда вазиятларнинг асосий тушунчалари, атамалари ва уларнинг таърифларини турли ҳужжатларда, илмий ва оммабоп ҳамда ўқув адабиётларида бир хилда қўлланилиши ва тушунилишини таъминлашдан иборатдир.

Мазкур ягона тизим уч қисмдан иборат бўлиб, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ташкилий структурасини атамалари ва таърифларини муҳасаммлаштирилган.

Фавқулодда вазият (ФВ) – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф – табиий муҳит зарар кўришига, анчагина моддий талофотга ва инсонларнинг ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиат ҳодисаси, табиий ва бошқа офат оқибатида муайян ҳудудда юзага келган шароит, албатта бундай шароитни юзага келишида табиий, техноген, экологик, харбий ва ижтимоий сабаблар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга фавқулодда вазият камраб олган ҳудуднинг кўлами, етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳам турли хил бўлади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш - олдиндан ўтказиладиган ва фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфини иложи борида максимал даражада камайтиришга, шунингдек бундай вазиятлар юзага келган тақдирда одамлар соғлиғини сақлаб қолишга, атроф табиий муҳитга етадиган зарар ва моддий талофат миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси. Бундай тадбирлар фавқулодда вазиятнинг турларига мувофиқ турли илмий ва ишлаб чиқариш ташқилотлари томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда кўпгина давлатларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, башоратлаш тадбирларига катта – катта маблағлар сарф қилинмоқда. Бу эса юз бериши мумкин бўлган хавфни олдини олишга, энг муҳими инсонлар саломатлигини сақлашга, атроф муҳитга жиддий зарар етишини олди олинишига олиб келади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш – фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўтказиладиган ҳамда одаилар ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолига, атроф табиий муҳитга етадиган зарар ва моддий талофат миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазият зоналарини чеклаш ва хавфли омиллар таъсирини тўхтатишга қаратилган авария – кутқарув ва бошқа шошилиш ишлар комплекси.

Инсоннинг ҳаёти турли офату- фалокатлардан тўлиқ қафолатланмаганлиги ҳаммага аёндыр. Шундай экан, у ёки бу хусусиятга мансуб бўлган фавқулодда вазият содир бўлганда, унинг оқибатида юзага келган талофатларни албатта бартараф этиш лозим. Республикамизда бундай вазифаларни адо этувчи махсус бўлинмалар мавжуд. Бу бўлинмалар фавқулодда вазиятнинг турига қараб доимий шай ҳолатдадыр. Содир бўлган фавқулодда вазият ўчоғига биринчи бўлиб айнан шу бўлинма мутахассислари етиб келишади (бу ҳақда 4.1 бўлимида маълумот бурилади).

Фавқулодда вазиятларни олдиндан прогноз қилиш. Фавқулодда вазият юзага келишининг эҳтимол бўлган сабабларини, унинг илгариги ва ҳозирги манбаини таҳлил қилиш асоси фавқулодда вазият юзага келиши эҳтимолини ва ривожланиб боришини олдинроқ ақс эттириш. Бу тадбир мураккаб жараён бўлиб, прогнозлаш бўйича катта маъсулиятни талаб қилади.

Фавқулодда вазиятларни олдиндан прогнозлаш узок муддатли, қисқа муддатли ҳамда тезкор прогнозлаш турларига бўлиниб, у фавқулодда вазиятнинг хусусиятига ва содир бўлиш вақтига боғлиқдыр.

табиий хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларни прогнозлаш ақсарият ҳолларда узок муддатли бўлиб, харита кўринишида бўлади. Бундай илмий йўналишда олиб бориладиган изланишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларни прогнозлаш эса халқ хўжалиги объектининг жойлашган ўрни, фаолият кўрсатиш ва ишлаб чиқаришдаги маҳсулотининг миқдорига қараб аниқ ҳисоб-китоблар асосида олиб борилади.

Фавқулодда вазиятлардан огоҳ бўлиш - Атрофдаги табиий муҳит ва потенциал хавфли объектларнинг, фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлишини олдиндан прогноз қилиш ва профилактика қилишнинг аҳолини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этилишига, шунингдек фавқулодда вазиятлага тайёргарлик кўришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий иқтисодий, муҳандислик-техникавий, экология-муҳофаза, санитария-гигиена, санитария-эпидемиологик ва махсус тадбирлар комплексыдыр.

Ҳар бир соҳада хушёрлик, огоҳ бўлишлик орқали шахсий ва жамоат хавфсизлиги таъминланади. Бунга эришиш учун мавжуд маълумотларнинг ҳаммасидан фойдаланиш лозим. Айниқса, жойнинг табиий тузилиши, табиий манбулар (сув, ҳаво, тупроқ, рельеф ва х.к.)нинг ҳолати, ўзгариши, ўз аро боғлиқлигини, ишлаб чиқариш объектлари хусусияти орқали эса инсон

фаолияти билан боғлиқ бўлган нохуш вазиятларнинг негизидан хабардор бўлинади. асосий эътибор тез ўзгарувчан санитария –гигиена, санитария – эпидемиологик маълумотларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш – муайян ҳудуд ёки потенциал хавфли объектда аҳолини ва моддий бойликларини фавқулодда вазият манбаларининг шикастловчи омиллари ва таъсиридан муҳофаза қилиш учун – шунингдек фавқулодда вазиятларни тугатишда бошқарув органлари, куч ва воситаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун шароит яратувчи олдиндан ўтказиладиган тадбирлар комплекси.

Мазкур тадбирлар мажмуаси фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини билиш керак ва уларни уюшқлик билан ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу тўғрида ҳукуматимиз томонидан кўпгина қарорлар қабул қилинган бўлиб уларни ижросини таъминлаш ҳар бир ташкилот раҳбарларига катта масъулият юклайди.

Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш, аввало оилада, умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта ўқув масканларида ишлаб чиқариш тармоқлари ва маҳаллаларда олиб борилади. Тайёргарлик жараёни махсус дастурлар асосида олиб борилиб, ҳар қандай қўшимча мураккабликлардан холи бўлиши зарур Тайёргарликни юксак даражада бўлиши учун телерадио ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, мунтазам суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинади (1-жадвал). жумладан, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади – аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишдан, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатиш хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш. "Фуқаро муҳофазаси ўғрисида"ги Қонуни – Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилашдан ва "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонунини – радиациявий хавфсизлик, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат

Бу қонунлар том маънода ҳозирги замонда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини белгилайди.

Уларнинг амалдаги ҳаракати махсус қўлланмалар ва давлат стандартлари асосида олиб борилади.

Уларнинг амалдаги ҳаракати махсус қўлланма ва давлат стандартлари асосида олиб борилади.

Бу боради Фуқаро муҳофазаси институтининг ходимлари махсус изланиш олиб бориб, 2000 йилда юқорида қайд қилинган Давлат стандартларини тасдиқладилар. Навбатдаги асосий вазифа ҳар бир ташкилот, идора, илмий ва адабий ёзишмаларда мазкур стандартларга тўла риоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисида иқр билдирар эканмиз, уларнинг маънавий ва маърифий асослари негизига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ватанимиз ҳудудларида ўтмишда ҳам турли табиий офатлар содир бўлган ва ҳозирда ҳам давом этапти. Фарқи шундан иборатки, инсон томонидан табиий манбаларни ўзлаштириш оқибатида "табиат ва инсоният" тизимида, мувозанат бузилиб, ноҳуш вазиятлар йилдан йилга кенг қўламда, кўп тармоқли ва мураккаб хусусиятни намоён қилмоқда.

Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз ҳам табиий жараёнларни кузатишлар, йиллараро таққослаш, даврийлигини аниқлаш орқали хавфсизликни таъминлаш учун маълум чора тадбирларни қўллашган.

Бизнинг давримизгача етиб келган маънавий дурдоналар, халқ мақоллари ханузгача ҳаёт хавфсизлиги тадбирларини амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, "Ҳушёр бўлсанг, офат кўрмайсан", "Фалокат оёқ остидадир", "Сақлансанг – соғ қоласан", "Сақланганни сақлайман", "Синч уйим-тинч уйим" ва шу каби ҳаётий тажрибадан ўтган иборалар борки, йиллар ўтган сари уларнинг кадр-қиймати ортиб борса борадики, асло тушмайди.

Ҳозирги вақтда миллий маънавият тўғрисида турли хил фикрлар билдирилар экан, маънавий камолатга етакловчи ахлоқий маданият, ахлоқий тарбияда бебаҳо мулк ҳисобланмиш оти-боболаримиз ҳаёт тажрибаси ва қомусий алломаларимизнинг нодир асарларида битилган тарихий меросни ўз ўрнида ва ҳар томонлама ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Зеро, буюклигимизнинг асоси ҳам бой тарихий меросимиздадир.

Муқаддас китобларда битилган соғлом ва тинч – осуда турмуш кечириш тамойилларини ҳозирги кун талабида изоҳлаб, ҳар бир ишга тадбиқ этилса, биринчидан, бизгача бўлган тарихга эътибор, ундан унумли фойдаланиш, ота-боболарнинг буюк меросига ҳурматни юзага келтирса, иккинчидан, ҳозирги вақтда мураккаб жараёнлар заминида кечаётган ҳаётимизда учраб турадиган ноҳуш ҳолатларни ақл – идрок билан енгиб ўтишга мукамал тайёргарлик кўриш ҳамда юксак маънавиятга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

Фавкулудда вазиятларга тааллуқли**ҳуқуқий--меъёрий ҳужжатлар**

№	НОМИ	Қабул қилинган вақти
а) Қонунлар		
1.	Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида	1999 йил 20 август
2.	Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида	1999 йил 20 август
3.	Фуқаро муҳофазаси тўғрисида	2000 йил 26 май
4.	Радиациявий хавфсизлик тўғрисида	2000 йил 31 август
б) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:		
1.	Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида	1994 йил 12 апрел 201-сонли
2.	Ўзбекистон Республикаси одамлар ва ҳайвонларда қутуриш касаллигига қарши тадбирлар тўғрисида	1996 йил 18 январ
3.	Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	1996 йил 11 апрел 43-сонли
4.	Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракт қилиш давлат тизими тўғрисида	1997 йил 23 декабр 558-сонли
5.	Ўзбекистон Республикаси оқолисини Фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида	1998 йил 7 октябр 427-сонли
6.	Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавкулудда вазиятларнинг таснифи тўғрисида	1998 йил 27 октябр 455-сонли
7.	Тошқин, сел оқимлари ҳамда кўчки ҳодисаларидан огоҳлантириш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирлари тўғрисида	2001 йил 16 март 132-сонли
в) Давлат стандартлари:		
1.	Фавкулудда вазиятларда хавфсизлик асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари	2001 йил 25 октябр OzDst 981:2000
2.	Фавкулудда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавкулудда вазиятлар атамалар ва таърифлар	2001 йил 25 октябр

		OzDst 981:2000
--	--	-------------------

II ҚИСМ

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА МУҲОФАЗА ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМЛАРИ

Ўз - ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тизимлари.

2. Ўқув муассасаларида фуқаро муҳофазасини ташкиллаш.

3. Харбийлашмаган фуқаро муҳофазасининг шаклланиши, уларнинг тайинланиши ва таъминланиши.

Фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тизимлари.

Дунё миқёсида юз бераётган фавқулодда вазиятлар, уларнинг хусусиятлари, фавқулодда вазиятлар манбалари бўлиши мумкин бўлган объектларнинг фаолият кўрсатиши муҳофаза тизимларини тузиш ва уни такомиллаштириш талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва ҳудудларни хавфсизлигини таъминлаш борасида асосий муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқарув органларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни мувофиқлаштириш мақсадида вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги 558-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракатлар қилиш давлат тизими (ФВДТ) ташкил этилди

Давлат тизимининг асосий мақсади бошқариш органларини, Республика ва маҳаллий бошқарув, корхона, ташкилот, идораларни куч ва воситаларни бирлаштиради ва аҳолини ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни содир бўлишини олдини олиш ва оқибатларини тугатиш масалаларини ҳал этишга асосланган. Мазкур тизим ваколатига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлардан давлат иқтисодиётига етказиладиган зарарни камайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Давлат тизими 14 та ҳудудий, 22 та функционал ва 1 та ахборот-бошқарув қуйи тизимларидан иборат. Давлат тизими 3 даражада фаолият кўрсатади, булар Республика, маҳаллий ва объект даражаларидир (2.1-2.3-расмлар). Қайд

этилган ҳар бир даражаларда бўлиши шарт бўлган бешта бўғинлар мавжуд. Жумладан,. ҳар бир даража таркибида раҳбар органлар кундалик бошқарув органлари, фавқулодда вазият оқибатларини тугатиш куч ва воситалари, фавқулодда вазиятни бартараф этишда зарур бўладиган молиявий ва молддий ресурслар захираси ҳамда ахборот, алоқа ва маълумотлар билан таъминлаш тизимидан иборатдир

Маҳаллий қуйи тизимлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоят марказларида ташкил этилган. Функционал қуйи тизимлар эса ўз ваколат даражасида вазирлик ва ташкилотлар тизимида ташкил этилгандир ФВДТ ўз иш фаолиятини 3 та режимда олиб боради.

Кундалик иш фаолияти режимида барча ташкилотлар, объектлар ҳудудлардаги вазиятни кузатиш ва назорат қилиш амалга оширилади, куч ва воситаларни тайёрлашни такомиллаштириш,. аҳолини муҳофазаланиш ҳаракатига ўргатиш ишлари олиб борилади.

Кучайтирилган ёки юқори тайёргарлик режимида фаолият кўрсатиш фавқулодда вазият юзага келиш хавфи туғилганда ёки шароит ёмонлашгани тўғрисида маълумот олинган тақдирда жорий этилади.

Фавқулодда вазият режимида, фавқулодда вазият содир бўлса, унинг оқибатларини тугатиш мақсадида ўтилади.

Давлат тизимининг бундай фаолият кўрсатиш режимларига кўрсатма бериш ҳукуқи Республика президенти Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари (Ўзбекистон Республикаси бош вазири, Қорақалпоғистон Вазирлар маҳкамаси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари) ваколатига киради.

Биз юқорида келтирган Вазирлар маҳкамасининг 558-сонли қарорида кўрсатилганидек, Давлат тизими таркибига кирувчи куч ва воситалар қуйидагилардан иборат. Фавқулодда вазиятларни олдини олиш куч ва воситалари, уларга давлат ва ташкилотларни назорат қилиш, кичик функционал қуйи тизимлар тасарруфидаги огоҳлантирувчи куч ва воситалар киради. Худди шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш куч ва воситалари ҳам мавжуд бўлиб, улар тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Давлат тизимининг меъёрий – ҳуқукий жиҳатдан, аолият кўрсатиш конституция, қонунлар, Олий мажлиси қарорлари,Республика Президенти фармонлари, кўрстмалари, Вазирлар маҳкамасининг қарорларига асосланган. Ватанимизда секин – аста шаклланиб ўз ўрнига эга бўлаётган мазкур тизим бошқа давлатларнинг бу каби тизимидан бир оз фарқ қилади, яъни, Давлат тизимининг асосий бўғини тезкор бўйсунувчи йирик бўлимдан иборат. Бунда турли хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазият содир бўлгудек бўлса, ҳар бир функционал даражадаги вазирлик, идора ва муассасаларда шаклланган тезкор бўлимлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфига ўтиб ҳаракат қиладилар. Мазкур ҳолатнинг афзаллиги шундан иборатки, кундалик фаолиятда улар ўз ишлаб чиқариш тармоқларида соҳаси бўйича иш

юритадилар (Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Мудофа вазирликлари Узхимия, Ўзбекистон ҳаво йўллари. Ўзбекистон темир йўллари ва бошқалар).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фавқулодда вазият содир бўлиб, уни бартараф этишда мазкур тармоқ ташкилотларининг бўлимларига эҳтиёж сезилганда уларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, Давлат тизимига кирувчи кундалик фаолияти фавқулодда вазиятларни тадқиқ қилиш, баҳоратлаш ишларига йўналтирилган ташкилотларнинг (Бошгидрометеорология, Санитария – эпидемиология маркази, Сейсмология институти, Давлат геологик хавфли ҳодисаларни кузатиш маркази ва бошқалар) ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамиз ҳудудида содир бўлиши бўлиши мумкин бўлган турли хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва зарар келтирувчи омилларни имкон даражасида камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш ниҳоятда муҳимдир. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш эса асосан барча ҳудудий ва функционал қуйи тизимларни тайёргарликдаражаси, куч ва воситалар билан тўлиқ таъминлашига ва ўзаро яқдиллик билан ҳамкорлик қилишга боғлиқ. Булар эса Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда вазиятларда, уларнинг олдини олиш давлат тизими ва шу тизим таркибидаги барча муассаса ва ташкилотларнинг тўла қонли фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Яъни давлат тизими мукамал ва доимий равишда ишлаб туриши, содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кулфат, офатларни олдини олишга имконият бериши мумкин.

Давлат тизими тузилиши, ундаги жалб этилиши режалаштирилган куч ва воситалар бўйича бошқа давлатларда тузилган фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хизмат тизимларидан ажралиб турса ҳам, лекин ҳар бир фуқароси ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, моддий ва маънавий бойликларини сақлаб қолишда муҳим вазифаларни бажаришда алоҳида ўринга эга.

Ҳарбийлашмаган фуқаро муҳофазасининг шаклланиши, уларнинг тайинланиши ва таъминланиши.

1. Хабар қилиш ва алоқа гуруҳи. Алоқа тармоқлари базасида уларнинг бошлиқлари томонидан тузилади. Уларнинг асосий вазифаси фавқулодда ҳолатлардан хабардор қилиш, фуқаро муҳофазаси сигналлари ва хабарларини узатиш.
2. Жамоат тартибини сақлаш командалари (гуруҳлари) маҳкама қўриқчилари қисмлари базасида бошлиқлари томонидан тузилади. Уларнинг зиммасига объектларни ишончли қўриқлашни таъминлаш, фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлаш, кутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб бориш, ниқоблаш ишларини кузатиш юклатилади.
3. Уй жой – коммунал хўжалиги ва капитал қурилиш бўлимлари базасида паналаниш ва бекиниш звеноларини ташкиллаш. Бу звено химоя

қурилмаларида ишчи ва хизматчиларни жойлаштириш режасини тузиш паналаниш жойларини тайёрлигини таъминлаш ва улардан фойдаланишни тўғри таъминлаш билан шуғулланади ва қутқарув ишларида қатнашади.

4. Радиациядан химояланиш ва кимёвий химояланиш отрядлари (команда, гуруҳ, звено) кимёвий ва марказий завод лабораториялари базасида тузилади. У ишчи ва хизматчиларини химоя қилиш, сув таъминоти, озиқ – овқат, омборларни радиоактив ва захарли моддалардан химоя қилиш тадбирларини амалга оширади. Якка ва жамоа химоя воситалари техникаларини яроқлилигини кимёвий радиацион кузатув постларида ишни ташкиллаш ва кимёвий радиацион оқибатларини тугатиш тадбирларини ўтказиш учун жавобгардир.

5. Ёнғинга қарши курашиш курашиш командалари ёнғиндан сақланиш идора қисмлари базасида тузилади. У ёнғинга қарши тадбирни ишлаб чиқади ва уларни олиб бориш учун назоратни амалга оширади, ёнғиннинг олдини олади ва ўчиради.

6. Авария – техник хизмат командаси ишлаб чиқариш ва техник бўлимлари базасида ташкил этилади. У асосий қурилмаларда, махсус муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, авария оқибатлари ва олдини олиш бўйича кечиктирилмайдиган ишлар, бузилган жойларни тозалаш ва одамларни қутқариш бўйича барқарорликни ошириш тадбирларини олиб боради.

7. Отряд (тиббий дружина, тиббий постлар) поликлиника, тиббий бўлинмалар ва тиббий пунктлар миқёсида ташкил этилади. Санитар – гигиеник ва профилактик тадбирлар ўтказилади. Зарарланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаниш муассасаларига кўчириш, ишчиларнинг оилаларини кўчиришда тиббий хизмат билан таъминлаш.

8. Транспорт хизмати командаси – гаражлар ва транспорт бўлимлари миқёсида тузилади. У ташиш таъминоти бўйича тадбирларни, ишчи ва хизматчиларни кўчириш ва уларни иш жойларига элтиш билан боғлиқ, зарарланиш ўчоқларига куч ва воситаларни ташишни ташкиллаш, зарарланганларни кўчириш ва фуқаро муҳофазасининг бошқа мақсадлари учун ишлаб чиқарилади ва амалга оширади.

9. Моддий – техник таъминоти гуруҳи – жойларда моддий техник таъминоти бўлимлари миқёсида ташкил этилади. Уларнинг вазифаси: моддий – техник таъминот режасини ишлаб чиқиш, барча зарур жиҳоз турлари билан ўз вақтида таъминлаш, барча буюм ва техникаларни таъмирлаш, уларни иш жойларига ташиш, сақлаш ва хисоби, ишчи – хизматчиларни жойларда ва кўчириш ўринларида озиқ – овқат ва биринчи зарур буюмлар билан таъминлаш.

10. Электр таъминоти ва ёруғликни тўсиш гуруҳлари – асосий энергетик бўлимлари миқёсида тузилади. Гуруҳ бошлиғи бош энергетик ҳисобланади.

Кучли босимли газ билан, жойларда ёқилги ва электр билан таъминлайди. Электр тармоқлари турли тизимлари ва химоя воситалари, кечиктирилмайдиган авария – тиклаш ишлари, ёруғликни тўсиш ва биринчи навбатдаги тиклаш ишлари тадбирларини режалаштирилади.

Ўзбекистонда фуқаро муҳофазасини тузишни ташкиллаш, вазифаси ва роли; фавкулотда вазиятлар бўйича Вазирлик – табиий офат, фалокат, ҳалокат оқибатларини тугатиш ва огохлантириш бўйича фуқаро муҳофазасини бошқаришга раҳбарлик қилувчи давлат органидир.

Фуқаро муҳофазаси қишлоқ хўжалиги жойларда (ўқув муассасаларида) ташкилий тизими. Фуқаро муҳофазаси ҳарбийлашмаган, уларнинг тайинланиши ва жиҳозланиши.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги" қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис қарори билан 2000 йил 26 майда 5-асосий бобдан ва 23 та моддадан иборат ишлаб чиқилган.

- I. Умумий қоидалар.
- II. Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари.
- III. Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- IV. Фуқаро муҳофазаси хизматлари ва кучлари.
- V. Фуқаро муҳофазасини молиявий таъминлаш
- VI. Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки.

1 – модда: Асосий тушунчалар;

2 – модда: Фуқаро муҳофазаси вазифалари;

3 – модда: Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;

4 – модда: Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик;

5 – модда: Фуқаролар муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

6 – модда: Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

7 – модда: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

8 – модда: Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатлари давлат бошқарув органи;

9 – модда: Вазирликлар ва идораларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

10 – модда: Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (тегишли) фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари.

11 – модда: Ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари;

12 – модда: Фуқаро ўзини – ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки;

13 – модда: Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари;

14 – модда: Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари;

15 – модда: Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

16 – модда: Аҳоли ва мутахассисларни фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш;

17 – модда: Фуқаро муҳофазаси хизматлари;

18 – модда: Фуқаро муҳофазаси кучларининг таркиби;

19 – модда: Фуқаро муҳофазаси кушинлари;

20 – модда: Фуқаро муҳофазаси тузилмалари;

21 – модда: Фуқаро муҳофазасини молиялаш;

22 – модда: Фуқаро муҳофазаси кўшинларининг асосий фондлари;

23 – модда: Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки.

2.Мавзу:

Аҳоли ва ҳудудларни табиӣ хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш.

I –ҚИСМ (БОБ)

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш. Хавфли геологик фавқулодда вазиятлар Вазирлар маҳкамасининг 455-сонли қарорига кўра қуйидагилардан - зилзила, кўчки, тоғ ўпирилиши, ер сатҳининг чўкиши. Табиӣ офатлар, фавқулодда вазиятларнинг содир бўлишида хавфли геологик жараён ва ҳодисалар муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун уларнинг фалокатли оқибатлар аҳолини ва халқ ҳўжалиги объектларини муҳофаза қилиш; хавфли геологик ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари фазовий тарқалиш қонуниятлари ўрганилади, баҳоланади башорат қилинади, уларга қарши ҳар хил чора тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу муаммони бартараф этишни томондан қандай амалга ошириш «Аҳолини ва ҳудудлар табиӣ ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонуннинг 21, 22, моддаларида баён этилган ва бундай ҳолатлардаги ҳужжатлар кераклиги 3 моддасида аниқ кўрсатиб ўтилган. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза соҳасидаги мажбуриятлари 16 моддасида қайд этилган ва маҳаллий давлат раҳбар органларининг фуқаро муҳофазаси борасидаги мажбуриятлари 10 моддасида баён этилган.

Ер юзасида содир бўладиган хавфли геологик жараён асосан ернинг ички кучлари ва ташқи табиӣ омиллари таъсирида бўлади. Бундан ташқари илмий-техник ва махсус адабиётларда баён этилган маълумотларга кўра геологик муҳитга инсоннинг ҳўжалик, қурилиш ҳамда ҳарбий ҳолатларда олиб бориладиган ҳаракатлари ҳам таъсир этади, натижада кўлами катта ёки кичик бўлган турли хилда офатлар вужудга келади.

Шаҳар қурилиши, турар жой бинолари, иншоотлар қурилишида амалдаги меъёрлар ва қоидаларга риоя зилзила оқибатларини камайтириш муаммосига етарли баҳо бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1990 йиллар оралиғида табиӣ фавқулодда вазиятлар бўйича хатарни камайтириш халқаро 10 йиллиги деб эълон қилиб Шу давр ичида бир қатор мамлакатларнинг марказий шаҳарлари тендер асосида халқаро «РАДИУС» лойиҳасини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. «РАДИУС» ни дастур бўйича тўла жорий этиш имконияти берилган бешта Аддис- Абеба (Эфиопия), Гуаякилем (Эквадор), Тихуана (Мексика) Зигонг (Хитой) шаҳарлари қаторига Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент ҳам кирган.

Зилзиланинг келиб чиқиши сабаблари, тарқалиши ва ҳалокатли оқибатлари.

Инсоният тарихида юзларча ҳалокатли зилзилалар бўлиб ўтгани ёзма манбалардан маълум. Юнонистондаги қадимги Помпей харобалари шундан далолат беради Олимлар уммон тубидан кўплаб қадимий шаҳарлар харобаларини топишган. Ҳозирги Иссиқкўл қирғоқлари бўйлаб ҳам кўҳна давр

иншоотлари, саройлари ва қасрларнинг қолдиқлари ҳамон сақланиб, ўша қадимий ер силкинишлари-гуворлик бериб турибди. Охирги 50 йил ичида бўлиб ўтган зилзилалар ичида вайронагарчилик ва қурбонлар миқёсига кўра Чили, Сан-Франциско, Токио, Ашхабод ва Спитак, Тошкентдаги ва бошқалар ажралиб туради. 1948 йилга , (100 минг одам ҳалок бўлган, 8 - 9 балл) зилзиласидан кейини энг даҳшатли фожиа Спитак зилзиласи номини (унда минг одам ҳалок бўлган) олди. У 1988 йили 7 декабр куни содир бўлди. Дастлабки кучли силкинишнинг ўзида 20 мингли Спитак шахри ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқлар яқсон бўлди. 200 мингли Ленинанкан шахри замонавий биноларининг ярмидан кўпи қулади ёки тиклаб бўлмайдиган аҳволга келди. 120 мингли саноат маркази бўлган Кировакан шахри ва катта қишлоқлар талафот топди. Сан-Францискода 1906 йил 18 апрелдаги ер қимирлашида 700 аҳоли ҳалок бўлган. Моддий зиён 1,5 млрд. долларни ташкил қилган. Икки кун ёнғин мобайнида 500га яқин кварталлар ёниб, ҳеч нарса қолмаган, ҳаммаси бўлиб 350 минг киши ҳалокатга учраган.

Японияда 1995 йил 17 январда кучли ер қимирлаши рўй берган. Унинг эпицентри йирик Коба портининг марказида жойлашган бўлиб жуда катта кўламда муҳандислик ва коммунал иншоотларнинг вайрон бўлишига, уй-жойларни бузилишига олиб келган. Бу офат натижасида уйларнинг бузилган бўлаклари остида 5 минг одам нобуд бўлган ва 500 минг оила уй-жойсиз қолган.

1995 йил 27 майда Россия давлатининг Нефтегорск шахрида 9,2балл кучланишга эга бўлган ўта кучли ер силкиниши рўй берди. Маълумотларга кўра унинг натижасида шаҳардаги 95 фоиздан ошиқ иншоотлар вайрон бўлган ва 1841 фуқаро нобуд бўлган.

Энг кучли зилзила Ўзбекистонда 1902 йилда (8-9 балли Андижонда бўлган. 1946 йилда Наманганда (Чотқол зилзиласи номи билан), Тошкентда 1868 ва 1966 йй. (7-8 балл) (1000 мартагача), Газлида 8-10 балл, Тожикистонда 1907 й., Хисорда 9-10 балл, 15га яқин қишлоқла хонавайрон бўлган, 1000 га яқин одам нобуд бўлган. 1911 йилда Помирда Сарез зилзиласи, тоғ ўпирилиб, Усой деган тўғон ҳосил қилган. Мурхоб дарёсини тўсиб қолиб, Сарез деган кўл пайдо бўлган.

Бу вайронагарчиликларнинг шунчалик катталигига сабаблар нима? Биринчи навбатда зилзиланинг пайдо бўлишидаги ер қобиғидаги ички кучларнинг таъсири, уларнинг ер юзасидаги иншоотларга кўрсатган зарбасининг кучи, иккинчи навбатда уй-жой биноларини, корхоналарни, иншоотларни қурилиш ишларининг сифатсиз олиб борилгани, зилзилага бардош берадиган қилиб қурилмагани, уларни лойиҳалаш ва қуришда йўл қўйилган хатоликлар ҳамда назоратга кам эътиб берилганидир. Аҳолини ва хўжалик иншоотлари жойлашган ҳудудларни зилзила туфайли содир бўладиган ҳалокатдан муҳофаза қилишни ташкил қилиш учун зилзила тарқалган ҳудудларни, пайдо бўлиш сабабларини, генетик турлари таснифини ўрганиш, иншоотга кўрсатадиган кучларини баҳолаш, башорат қилиш ва комплекс чора-тадбирларни таркибини кўриб чиқиш керак.

Зилзила пайтида ер қобиғида сейсмик тўлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқинларнинг тарқалиш маркази гипоцентр ёки зилзила ўчоғи деб аталади. Чуқурлиги 2-70 км га борган Ер юзасидаги маркази эпицентр деб аталади. Маълумотларга кўра сейсмик тўлқинлар уч хил – бўйлама, кўндаланг, юзама турларга бўлинади. Уларнинг аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва иншоотларга кўрсатадиган кучларининг таъсири ернинг геологик, геоморфологик гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларига боғлиқ бўлиб, уларни ўрганиш, баҳолаш, башорат қилиш билан муҳандислик геологияси шуғулланади.

2. Зилзиланинг иншоотларга кўрсатган кучини ўрганиш ва баҳолаш. Инсоният ўзининг бутун тарихий таракқиёти мобайнида кўп марта ер қимирлашларни бошидан кечирган, унинг оқибатларининг гувоҳи бўлган. тарихий сабоқ, яъни ер силкинишини кишиларнинг ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳи ёриқларнинг ва булоқларнинг пайдо бўлиши) юз берган ҳодисанинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш сейсмик шкаласи пайдо бўлган. Қуйида шу нисбий сейсмик шкалани баъзи ўзгаришлар билан баён этамиз. Республикамизда ва жуда кўп давлатларда зилзила кучи 12 балли шкала асосида баҳоланиб, ҳар бир баллга эга бўлган зилзила ўз тафсилотига эга. Бундан ташқари баҳолашда 8 балли Рихтер сейсмик шкаласидан ҳам фойдаланади. Бизда асосан 2 турдаги ер қимирлаши кузатилган:

- узоқ даврли 1,5-2,5 дақиқа давом этадиган;

- юқори частота тебранишли 1,5-2,5 сония давом этадигандир.

Қуйида шу нисбий сейсмик шкалани баъзи ўзгаришлар билан баён этамиз:

1балл - Сезиларсиз - Фақатгина сейсмик асбобларгина қайд қилади.

2балл - Жуда кучсиз - Уй ичида ўтирган баъзи одамлар бишиши мумкин (дераза ойналари титрайди).

3балл - Кучсиз - кўпчилик одамлар сезмайди, очик ҳавода тинч турган одам сезиши мумкин, Осилган жисмлар аста тебранади.

4 балл - Ўртача сезиларли. Очик ҳавода турган одамлар бино ичидаги кишилар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. рўзғор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади.

5 балл - Анча кучли. Ҳамма сезади, уйкудаги одам уйғонади. Баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишдаги суюқлик чайқалиб тўкилади, осилган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади.

6 балл - Кучли. Ҳамма сезади, уйкудаги одам уйғонади Кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади, уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидан китоблар, жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади.

7балл - Жуда кучли. Кўпчилик одамларни кўрқув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобил ҳайдовчилари томонидан ҳаракат вақтида ҳам сезилади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ҳовзалардаги сувлар чайқалади ва лойқаланади.

8 балл. - Емирувчи. Хом ғиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайрон

бўлади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дарахтлар бутун танаси билан йиқилиб тушади, синади, тоғлик жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.

9 балл - Вайрон қилувчи. Ер қимирлашга бардош берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади, пойдеворларидан силжиб, қийшайиб қолиши мумкин. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10балл - Яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар катта шикаст кўради. Темир йўл релслари тўлқинсимон шаклга киради бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ҳодисалари юз беради, ҳавзалари тўлқинланиб қирғоққа урилади, қояли бағирларда катта-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади.

11 балл - Фожиали. Ҳамма иморатлар деярлик вайрон бўлади, тўғон ва дамбалар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан лойқа балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.

12балл- Кучли фожиали Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Инсон барпо этган ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шар-шаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Биоларни қуришда уларнинг заминини ташкил қилган тоғ жинсларнинг таркиби, тузилиши ва муҳандислик геологик хоссаларига катта эътибор бериш керак. Таҷрибалардан маълум бўлдики, ҳар хил таркибга эга бўлган жой зилзила пайтида ҳар хил тебранади. Шунга кўра биолар турли зарарланади. Иншоотларнинг зилзилабардошлиги, уларнинг конструкциясига қўлланган антисейсмик чора ва қурилиш материаллари сифатига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари қуриладиган иморатлардан турли мақсадда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, уларни мустаҳкамлигини ошириш учун лойиҳаланадиган иншоотларни 1 баллга оширилади, яъни иншоотни балл билан ер қимирлаш ҳудудида қуриш режалаштирилган бўлса, уни 7 баллга ҳисоблаб қурилади.

Кўчкилар. Кўчкилараро умумий тушунчалар, келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши ва ҳалокатли оқибатлари. Табиий ғавқулдда вазият турларидан яна бири кўчки бўлиб, ўрганиш, баҳолаш, башорат қилиш ва ундан аҳолини ва хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш мамлакат иқтисодини кўтаришда муҳим ҳисобланади. Денгиз, сойлар ва тоғ ёнбағирларида жойлашган бўш тоғ жинслари устки қисмининг ер устки ва остки сувлари ҳамда ўзлари оғирлик кучи таъсирида пастга қараб ҳаракат қилиш ҳодисаси кўчки дейилади. Кўчкилар Қрим, Кавказ, Волга бўйида, Марказий Осиёнинг тоғлик районларида тез-тез бўлиб кейинги 15 йил ичида Ўзбекистоннинг кон саноати ривожланган Оҳангарон, Олмалик, Олтинтопкан, Юқори Чирчиқ туманларидаги ҳумсон, боғистон, Хўжакен Чибарғота ва бошқа қишлоқларда, Сурхондарё, Қашқадарё Самарқанд, Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларида кўплаб кўчки ҳодисалари рўй бермоқда.

1911 йилда ғарбий Помирда 9 балли зилзила натижасида Усой кўчкиси ҳосил бўлган. Муғроб дарёси водийсига 2,2 м келадиган тоғ жинси бўлаги

кўчиб, 2,5 км масоф босиб ўгиб дарё ўзанини 450-500 м қалинликда, 2 км узунликда 1 км кенгликда қумтош, оҳактош, гипс ва бошқа жинс ташкил топган тоғ тўсиб қўйган. Талафот натижасида уйлар Қишлоқлари кўчки остида қолиб 54 киши нобуд бўлган.

1973-1975 йилларда республикамизнинг Оҳангарон водийсида асримизнинг энг катта кўчкиси «Атчи кўчкиси» содир бўлган. Кўчкининг ҳажми 700 млн. м³, сатхи 12 қалинлиги 80-170 м бўлиб, 1975 йилдан бери кўчаётир. Ҳосил бўлиш сабаби - Оҳангарон дарёсининг чап қирғоридаги 130 м чуқурликдаги кўмир қатламларидаги ўзгариш натижасида кўмир ёниб газга айланган ва бўшлиқ пайдо бўлган, унинг оқибатида кўчки вужудга келган.

Тожикистоннинг Ҳисор районининг Шарора қишлоғида 25 январда катта кўчиш рўй берган. Кўчкининг кенглиги 400 м, узунлиги 4,5 км, қалинлиги 7 — 8 метрни ташкил қилган. Натижада 50 та уй кўмилиб қолган, 207 киши ҳалок бўлган.

Кўчкилар халқ хўжалигига катта зарар келтиради. шунингдек, иморат ва иншоот, йўл, ер ости коммуникацияси, «кон, туннел ва кўприклар мустаҳкамлигининг сусайишига ёки бутунлай бузилишига сабаб бўлади. Масалан, 1963 йил 9 октябрда Шимолий Италияда рўй берган кўчкининг баландлиги 265,5 м бўлган. Вайонт тўғонини вайрон қилган. Натижада 3000 та одам ҳалок бўлган ва катта миқдорда моддий зарар кўрилган.

Тожикистоннинг Айний қишлоғида 1964 йил апрел ойида содир бўлган тоғ ўпирилиш ҳодисаси натижасида Зарафшон дарёси бутунлай тўсилиб қолган. Фақат олимларнинг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайлигина қишлоқ ва шаҳарларнинг унумли ерлари сув босишдан сақлаб қолинди. Тоғ кўчкиси ҳодисаси маълум бир шароитларда содир бўлади, яъни жинс ўз жойидан силжиши учун ёнбағир усти тикроқ, жинс қатламлари қалин бўлиши, атмосфера ёриғининг мавсумий ёки йиллик миқдори кўп бўлиши, сув ўтказувчан ёки ўтказмайдиган қатламлар қат-қат бўлиши лозим. Ёмғир ва қор сувлари ёнбағирликдаги соз тупроқ, қум, оҳактош каби жинсларга шимилиб, уларни юмшатади ва оғирлаштиради. Сув ўтказмайдиган қатламда грунт сувлари нишаблиги бўйича пастга қараб ҳаракат қила бошлайди ва жинсларнинг табиий ёпишқоқлигини сусайтиради, натижада жинсларни ёнбағирликда ушлаб турувчи куч қиймати уни пастга силжитадиган кучга нисбатан кескин камаяди ва пастга қараб кўчиш ҳодисаси содир бўлади. Ҳар қандай кўчкининг танаси, тили, маркази, супаси, ёрилиш ёриқлари ва юзаси деб аталадиган элементлари, Кўчки танаси суриладиган массани ташкил қилиб, устки қисмининг релефи паст-баландликдан иборат, Кўчки танасининг бош қисми ёнбағирликдаги узилиш билан чегараланади, унинг ҳажми асосан кўчувчан қалинлигига ва тарқалган майдонига борлиқ бўлиб, баъзан бир неча миллион куб метрни ташкил этади. Кўчки танасининг энг қуйи қисми кўчки тили деб айрим ҳолларда кўчки тилининг олд қисмида сурилиш массаси, кўчки ҳодисасининг такрорланиши натижасида поғонасимон майдонлар - кўчки супалари ҳосил бўлади. Суриладиган массанинг юқори қисмида ёриқлар пайдо бўлади, у йиллар ўтиши билан кенгайиб, чуқурлашиб кўпайиб боради ва кўчки танаси шу ердан бошланади. Баъзи бир олимлар уни узилиш девори деб ҳам атайдилар. Уни

баландлиги бир неча метрдан бир неча ўн метргача, узунлиги юз метргача бориши мумкин.

Ёнбағирликдан жинсларнинг пастга силжишидан ҳосил бўлган юза кўчки юзаси деб аталади. Кўчки юзасининг релефи асосан тўлқинсимон, ёйсимон, текис, ўнқир-чўнқир бўлади. Кўчки жараёнининг кучайишига одамларнинг фаолияти ҳам катта таъсир этади. Масалан, ёнбағир ерларни ҳайдаш, дарахтларни қирқиш, оқава сувлар оқизиш, водопровод ва канализация тармоқларидан чиқиши натижасида жинсларнинг ивиши, оғир иморат иншоотлар, котлованлар қурилиши ва ҳ.к.

Кўчиш жараёнини тезланишига булардан ташқари зилзилалар ва ҳаракатдаги транспорт таъсирида содир бўладиган ер қимирлашлар ҳам сабабчи бўлади.

Кўчкилар катта-кичиклиги ва пайдо бўлиши характер қараб опливинлар, кўчиш ва кўчиш-ағдарилмаларга бўлинади. Опливин кўчкининг бири ҳисобланади. Унинг майдони кичик ва чуқурлиги 1,0 м дан ошмайди. Опливин узок вақт ёмғир ёғиши, ер ости сувининг силжиши қорларнинг эриши натижасида ер юзаси устки қисмини лойқа ёки суюқ ҳолга келиб, ёнбағирдан пастга қараб кўчки оқиб тушишидан ҳосил бўлади.

Кўчкилар катта-катта майдонларни ишғол қилиб қалинлиги 5-20 м бўлган жинсларни қиялик бўйича пастга қараб силжишидан юзага келади. Кўчиш-ағдарилмалар тоғли районларда ривожланган бўлиб, ёнбағирликни нишаблиги катта бўлганда юзага келади. Тоғ жинслари пастга қараб силжиши билан нишабликнинг тиклиги ҳисоби маълум бир қисми ағдарилмалар ҳам ҳосил бўлади.

Кўчкига қараб кўриладиган чора-тадбирлар. Кўчкига қараб курашиш мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Унинг кўчки олиш ва муҳофаза тадбирларини кўриш кўчишни келтириб чиқарадиган геологик жараёнларга боғлиқдир. Унга кўра ҳаракатдаги ва ҳаракатдан тўхтаган кўчкиларга бўлинади. Агар кўчишдан кейин кўп вақт ўтмаган бўлса, янги элементлари яққол сезилиб турса ҳаракатдаги, агар унинг акси бўлса ҳаракат тўхтаган кўчиш деб аталади. Кўчкига қарши кўриладиган чора-тадбирлар пассив ва актив хилларга бўлинади.

Пассив чоралар профилактик аҳамиятга эга бўлиб, кўчки ёнбағрида ва зонасида қуйидаги ишлар бажарилишини ман этади:

- 1) ёнбағирликни қирқиш ва текислаш;
- 2) иморат ва иншоотлар қуриш;
- 3) портлатиш ишлари;
- 4) кон қазиш;
- 5) оғир юкли транспортнинг катта тезликда ҳаракат қилиши;
- 6) дарахтларни режасиз қирқиш;
- 7) ерларни суғориш;
- 8) оқава, булоқ сувларини оқизиш ва ҳ.к.

Юқорида қайд қилинган чора-тадбирларнинг мустақамлигини ошириш ҳамда кўчки ҳодисасини маълум бир даврга тўхтатиб туриш учун бажарилади. Актив чораларга ёнбағирлардаги кўчкига мойил бўлган тоғ жинсларининг

ҳаракатини тўхтатиш мақсадида иншоотлар қуриш тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини ошириш учун махсус чора-тадбирлар кўриш киради. Бундай чора-тадбирлар кўриш тўрт гуруҳга бўлинади:

кўчкини келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ва йўқ қилиш;

кўчкига мойил бўлган жинсларни ушлаб турадиган иншоотлар қуриш;

- 3) жинсларнинг кўчишга қаршилигини кучайтириш учун уларнинг мустаҳкамлигини сунъий йўл билан ошириш;
4. кўчувчан массани ёнбағирликдан бутунлай олиб ташлаш.

Биринчи гуруҳга тааллуқли чора-тадбирларга денгиз ва дарё қирғоқларнинг намлиниши ва ювилишининг олдини олиш киради. Бунинг учун кўчиш эҳтимоли бор бўлган бетон плиталар ётқизилади, тўлқинларни қайтарадиган ва сўндирадиган қурилмалар ўрнатилади.

Ер усти сувларининг кўчувчан жинсларга сингиши олдини олиш учун ҳар хил қурилмалар ясаб, уларни бир йўналишда оқизиш, ер юзасидан филтрацияни камайитириш учун уни нишаблаш, гил-бетон, шлак, битум, асфалт, ётқизиш лозим бўлади.

Кўчувчан массанинг оғирлигини камайитириш, ер сувлари сатҳини пасайитириш, эрозия ҳодисасининг ривожланишини камайитириш ёки бутунлай йўқотиш мақсадида ёпиқ ёки очик зовурлар қазилади, улардан ер ости ва усти сувларини йиғиш ҳамда уларни релефни пастки қисмларига оқизиш учун фойдаланилади.

Иккинчи гуруҳга кирадиган чора - тадбирларга тиргак деворлар, устун қозиклар ва контрбанкетлар қуриш киради. Кўчадиган массани тутиб туриш учун кўчки текислигига нисбатан чуқурроқ қилиб тирговуч девор ўрнатилади. Ер ости сувлари чиқиб кетиши учун девор тагидан зовур қазилади. Устун қозиклар темирбетон, темир ва ёғочлардан тайёрланган бўлиб, олдиндан қазилган бурғу қудуқларига туширилади, қозикларнинг пастки ёнбағирнинг турғун қисмигача туширилади ва у кўчадиган массани ушлаб туради.

Контрбанкетлар ёнбағирнинг нишаблиги кичик бўлган тақдирда кўчадиган массани ушлаб туриш учун ишлатилади. Бунинг учун ёнбағирликдаги дўнг жойлар текислаш чиққан грунтлар унинг этак қисмига ётқизилади ва кўчадиган массани ушлаб турадиган девор ҳосил қилинади.

Учинчи гуруҳга тааллуқли чора-тадбирларга кўчадиган жинсларнинг мустаҳкамлигини ва ёпишқоқлигини шу йўл билан ошириш киради. Бунинг учун тоғ жинслари силикатланади, цементланади, битумланади ва кимёвий ишлов берилади. Бундай ишлар зарур бўлган ҳолларда кўчадиган массанинг айрим участкасида бажарилади. участка кўчиш қиялигида сув ўтказмайдиган экранлар тирговуч девор вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Тўртинчи гуруҳга қирувчи тадбирлар - кўчадиган массани ёнбағирдан бутунлай олиб ташлашдан иборат суриладиган массанинг қалинлиги ва катта – кичик қояси қазиб олиб ташлаш мумкин, бу ишни бажаришда булдозерлардан фойдаланилади. Бундай тадбирлар катта куч ва маблағ талаб қилишига ғарамай ГЭС қурилишида кенг ва гидрометеорологик фавқулодда вазиятлар ҳақида умумий маълумотлар. Кейинги вақтларга келиб

Республикаимиз ҳудудининг кўпчилиқ қисмида гидросфера ҳолати ўзгариши туфайли аҳолининг ҳаёт фаолияти шароитига таъсир этувчи вазиятлар вужудга келмоқда. Бунда умумий табиий геологик шароитларни ҳисобга олмаслик, янги ерларни ўзлаштиришда йўл қўйилган хатоликлар, суғориш тизимида замонавий самарадор технологик усулларни кенг жорий этилмагани сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда юқорида қайд этилгандек сел, сув тошқинлари, қор кўчкилари, кучли шамоллар каби гидрометеорологик ғавқулодда вазиятлар республика халқ ҳўжалигига жиддий зарар келтирмоқда, одамларнинг турмуш шароити ёмонлашишига олиб келмоқда, айрим ҳолларда эса аҳоли нобуд бўлмоқда. Ҳанузгача вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари тегишли хизматларининг рухсатларисиз хавфли зоналарда тартибсиз равишда уй-жойлар қурилишига йўл қўйилмоқда.

Мисол тариқасида агар 1998 йилда Ғавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотиға кўра республикаимиз ҳудудида 600 га яқин кўчки, сел ва сув тошқинлари бўлган бўлса, уларнинг зарарли оқибатлари натижасида 16 минг аҳоли жабрланган, моддий зарар эса 100 млрд. сўмдан ортган. Гидрометеорология соҳаси мутахассисларининг ҳулосасига кўра Республика 238 хавфли кўллар, 46 минг кв, км ҳудудлар сув ва сел тошқинлари рўй берадиган хавфли жойлар, 1000 га яқин хавф содир бўлишига олиб келувчи дарё ва сойлар аниқланган.

Ғавқулодда вазиятлардан жабрланган аҳоли 7, 30, 60 ҳосилдор, ўт-ўсимликка бой, кучли ўзлаштиришга қўшган ерларни бўш ташлаб қўёлмайди. Шунинг учун фалокат қайталана боради. Аҳоли ерларни қайтадан ўзлаштириб беради. Уй-жой, чорвачилиқ корхоналари, баъзан саноат корхоналари ҳам қурила боради. Натижада аҳоли орасида ҳалокатга учраганлар ҳам учраб туради.

Ҳалокатлар 4 хил бўлади:

1. Локал (чекланган).

2. Маҳаллий.

3. Республика.

4. Трансчегаравий.

1. Минтақа сув бойлигининг миқдорий кўрсаткичлари маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сув билан боғлиқ бўлган офат сув оқимлари бошқарилмаган дарё ўзанларида содир бўлади. Сув омборлари емирилган ёки каналларининг қирғоқлари емирилганда ҳам содир бўлади. Шунинг учун сув омборлари кўп бўлган жойларда (Ўзбекистонда 53 та сув омбори мавжуд) ҳам содир бўлади. Шу нуқтаи назардан Қайноққум, Каркидон, Рагун, Нурек баҳорлари хавф туғдирувчи объектлар ҳисобланади. Айниқса ғарбий вазият оғирлашган вақтда. Шу боисдан Чорвоқ сув омборининг Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларига хавфли эканлигини зинҳор унутмаслик керак.

Энди шу ҳудудимизда қанча сув бойлиги борлиги ҳақида маълумот келтирамиз. Ҳудудимизда сув серобми ёки етйшмайдими?

Жумладан матбуотда чоп этилган маълумотларға кўра:

Амударёда - 72,8 км3 (Сув муаммолари институти);

Сирдарёда - 36,7 км³ (Сув муаммолари институти);

кайта ишлатиладиган сувлар сув бойлигининг учдан бир қисмини ташкил қилади, тахминан 30 км³.

Мутахассисларнинг кўп йиллик кузаташига кўра, Марказий осиеда йил давомида ўрта ҳисобда 126,1 км³ сув ҳосил бўлади.

Агар сув омборлари қурилиб, сув оқими бошқариб турилмаганда сув тошқини доим бўлиб турар эди. Фаолият кўрсатиб келаётган сув омборлари оқим кучини жиловлаб туради. Лекин, инсонларнинг ҳаёт фаолияти ёмонлашишига омил бўлиши мумкин бўлган хавфлар вужудга келган:

Сув танқислигининг натижаси - Орол фожиасидир. биринчи фожа бўлса, оқава сувлар таъсири остида дарёларнинг сув сифатининг пасайиши, ичимлик сув захираларини линзаларнинг ишдан чиқиши иккинчи фожадир. Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон аҳолисининг талаб даражасига жавоб бермайдиган сув истеъмол қилиши ниҳоятда ачинарли ҳисобланади. Буни бартараф қилишнинг асосий омили ичимлик сув таъминотини яхшилаш, марказлашган сув тармоқ ва канализацияни ташкил қилишдир.

2. Ичимлик сув тансиқлиги фожиаси. Тоза ичимлик ҳолати фақат тоғлик жойлардагина ўз сифатини сақлаб қолган, қолган жойларда ичимлик сув етишмайди ва борлари стандарт талабига жавоб бермайди. Натижада, Амударёнинг қуйи оқимида, Зарафшон, Чирчиқ қуйи оқимида, катта вилоят марказларининг сув таъминоти тизимларида ҳам сувнинг сифати ёмонлашиб бормоқда. Бу эса, канализация тизимларининг етишмовчилиги билан биргаликда асосий касалликлар манбаи бўлиб бормоқда. Ҳалокатдан ҳоли бўлишнинг бирдан-бир йўли сувни қишлоқ хўжалигида ишлатиш керакми ёки саноатдами, қайси бири фойдали, ана шуни тушуниб етишда.

3. Агрометеорология (шамол) жараёни билан фожиалар. Жамиятимиз ривожланган сари қишлоқ: тармоғи ҳам такомиллашиб, деҳқончилик усуллари ўзгариб унинг табиатга салбий таъсири ҳам ортиб бормоқда. Табиат ва у орқали инсониятга кўп зарар келтирувчи омиллар бу тупроқнинг заҳарланиши, эрозияга (емирилишга) учраши суғориладиган ерларнинг шўрланишига олиб келиши мумкин.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида 70 хилга яқин кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Улардан тайёрланган зараркунандаларга қарши заҳарлар, барг туширувчи дефолиантларни эҳтиёт қилиб сақламаслик, меъеридан ортиқча сифатсиз фойдаланиш катта зарар келтиради. Маълумотларга қараганда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида ўртача бир гектар ерга 113,7 кг минерал ўғитга, 2 кг заҳарли модда ишлатилади. Улар тупроққа йиғилиб шудгор тагига сув, ҳаво ўтказишни, мода алмашинувини, микроорганизмларнинг ривожланишини ёмонлаштирувчи зичлашган қават ҳосил қилади. Айрим инсон организми учун зарарли моддаларни Орол бўйи халқларининг қони ва сутида ҳам учраётгани сир эмас. Ўзбекистоннинг 37,9% ҳудуди шамол таъсирида емирилиш жараёнига учрамоқда. Емирилиш текис шамол йўналиши бўйлаб шудгорланган майдонларда айниқса кучли бўлади. Шамол кучи 15 м/с дан

ортганда, баъзан шудгорланган ер қаватининг 25 см дан ортиғи учирлиб кетади: 3-5см ли қаватларни учуриб кетиш ниҳоятда кенг тарқалган.

4. Селнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳалокатли оқибатлари. Тоғ ҳудудларида кучли ёмғирларнинг ёғиши, музлик ва қорлиқларнинг тез эриши натижасида ҳосил бўлган дарё тошқинларини, тоғ ён бағирларида нураган, тоғ жинси бўлақларини сув оқими билан текисликка қараб оқизиб туширилишига сел ҳодисаси деб юритилади. Сел оқими массасининг 9 тахминапн 50-60-%и турли катталиқка эга бўлган тоқ жинси бўлақларидан, ўсимлик ва дарахт; бўлақларидан иборат бўлади. Сел оқимининг давомийлиги 0,5-2 соатдан 12 соатгача, тезлиги 5-8 м/с дан 12 м/с га етиши мумкин, сел массасининг зичлиги эса 1,2-1,9 т\м³ ни ташкил этади.

Бундай физик кўрсаткичларга эга бўлган оқим жуда ката кучга эга бўлиб, унинг кучи қуйидаги ифода билан аниқланиши мумкин:

$$P = m \frac{V^2}{2}$$

P - сел оқими кучи, m - сел оқими массаси, V - сел оқими тезлиги.

Сел жараёни халқ хўжалигага жуда катта зарар келтиради, оқим йўлида учраган сув иншоотларини, йўлларни, қишлоқ ва шаҳарларни, боғ-роғларни, кўприқларни вайрон қилиб кетади, катта майдонларни лой, қум, тош қатламлари билан қўмиб ташлайди.

Сел - арабча сўз бўлиб, тоғлик ҳудудлардаги сув тошқини маъносини англатади.

Сел оқимлари ўзи билан олиб кетаётган қаттиқ заррачалари ўлчамига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

- сув-тошли селлар;
- лойқа селлар;
- аралаш селлар.

5. Қор кўчкиси, келиб чиқиш сабаблари ва фалокатли оқибатлари.

Тоғларнинг тик ёнбағирларидан қор массасининг ағдарилиб ёки сирпаниб тушиши қор кўчкиси деб аталади.

Баланд тоғларнинг устига қиш фаслида кўп қор ёғиб, унинг қалинлиги ошади. Ўз оғирлик кучи таъсирида зичлашиб, қайта кристалланиб ёнбағирликда пастга қараб осилиб туради ва қалинлиги ошган сари турғунлиги сусайиб кучли шамол ёки бирор кучли товушдан ҳосил ҳаво тебраниши таъсирида қалин қор массаси ҳаракатга келиб ёнбағирдан пастга қараб силжий бошлайди ёки ағдарилиб тушади, қор кўчкиси қуруқ ёки ҳўл бўлиши мумкин. Агар қорнинг устки қисми бироз музлаган бўлса унинг устига қалин қор ёғса ва маълум сабабларга пастга қараб силжиса, қуруқ кўчки ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда кўчкилар жуда ҳам катта бўлади. Баҳор ойларида қор эриган сувининг шимилиб, қорнинг тагини ҳўллаши натижасида қор массасининг турғунлиги камайиб пастга ағдарилиб тушишидан ҳўл кўчки ҳосил бўлади.

Куруқ кўчкилар 100 км/соат ва баъзан 300-400 км/сс тезликда ҳаракатланади, ҳўл кўчкилар секинроқ 20-50 км/соат тезликда силжийди.

Қор кўчкилари пастга қараб ҳаракат қилган вақтда атрофдаги қор массаларини ва чақиқ жинсларини ўзи билан суриб кетади. Натижада қорнинг массаси катталашади, ҳажми 2 млн.м³ га, кўчки кучи эса соатига 250-350 етиб, ўз йўлидаги ўрмонларни сидириб кетади, иморат иншоотларни вайрон қилади. Ҳаракат қилаётган массасининг олдида вайроналик келтирадиган кучга эга бўлган ҳаво тўлқини юзага келиб, унинг кучи ҳар кв.м га 100-120 м га тўғри келади.

Ҳозирги вақтда тоғли ҳудудларда сув омборлари, ГЭСлар болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари, даволаниш масканлари қурилиши муносабати билан қор кўчкилари содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар хариталарга туширилиб, ўрганиб чиқилган. Уларнинг хавфли майдонларда қуриш ман этилади. Лекин бундай майдонларда қор кўчкиларининг олдини олиш муҳандислик чораларини кўриб, иморат ва иншоотлар қуриш мумкин бўлади. Бу чораларга ёнбағирларни текислаб террасалар - супалар ташкил этиш, дарахтзор барпо этиш ҳаракатга келиши мумкин бўлган қор уюмларини оз-оздан йўқотиш, махсус муҳандислик қурилмалари - дамба, қор кўчкисининг ҳаракат йўналишини ўзгартирадиган ариқлар, деворлар қуриш, ёнбағирлардаги йўлларни тош ва темир бетондан ясалган галерея билан тўсиш, қор кўчкиларини ўтказиб юборадиган туннеллар қуришдан иборат.

АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ II –ҚИСМ

Гидро техника объектларидаги авариялар ва ҳалокатлар.

Гидротехника иншоотдаги фавқулодда вазият - муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига атроф табиий муҳитга зарар етказилишига олиб келган вазиятдир.

Сув омборларидаги, дарёлардаги, каналлардаги гидротехника иншоотининг (ГТИ) бузилиши, баланд тоғ кўллариининг уриб кетиши натижасида сув босиши, авариялар ва ҳалокатларга олиб келади ҳамда одамлар қурбон бўлишига, ва қишлоқ хўжалик объектлари ишининг издан чиқишига, сув босган зонадаги аҳолининг ҳаётий фаолияти бузилишига сабаб бўлади ва шошилишч эвакуация тадбирлари ўтказишни талаб қилади. Республикамизда гидродинамик хавфли объектлар (ГХО) жуда кўп бўлиб, улар аҳоли ва ҳудудлар учун хавф-хатар манбаи ҳисобланади ва муайян шароитда фавқулодда вазият ўчоғига айланиб кетиши мумкин.

Гидротехника иншоотларининг турлари:

1. Қаердалигига қараб:

- ер усти (дарё, кўл, канал ва х..к.) иншоотлари;
- ер ости (ўтказгич қувурлар, туннеллар ва х..к.) иншоотлари.

2. Фойдаланиш характери ва мақсадига қараб:

- сув-энергетика иншоотлари;
- сув таъминоти иншоотлари;
- суғориш иншоотлари;
- оқава чиқинди сувлар чиқариш иншоотлари;
- сув-транспорт иншоотлари;
- балиқ хўжалиги иншоотлари;
- спорт иншоотлари;
- безак иншоотлари ва ҳ.к.

3. функционал вазифасига қараб:

ГЭС ва бошқа ГТИнинг сув бўғиш иншоотлари (тўғонлар, кўтармалар);

сув оқиш (сув ўтказгич) иншоотлари: каналлар, туннеллар, қувур ўтказгичлар; тарновлар, сув ташламалар, осма қувурлар, шлюзлар ва ҳ.к.

- ташландиқ сув иншоотлари (ортича сувни чиқариш учун) ўзан иншоотлари, қирғоқ, иншоотлари, юза иншоотлар, чуқур иншоотлар ва ҳ.к.
- тартиблаш (тўғрилаш) иншоотлари - сув оқиб кетиши шароитини ҳамда дарёлар ўзани ва қирғоқларини муҳофаза қилиш шароитини яхшилаш учун: кўтармалар, ғовлар, қирғоқ маҳкамлагичлар ва ҳ.к.
- балиқ хўжалиги иншоотлари - балиқ ўтказиш ва балиқ боқиш учун.

Ҳар бир ГТИ да гидротехник қулф, вентил, ғов, сурма тўсиқ ва ҳ.к. сингари махсус ускуна-жиҳозлар ва турли қурилмалар бўлади.

Бир қанча вазифаларни бажаришга мўлжалланиб, бир бутун қилиб бирлаштирилган ГТИ мажмуи гидроузеллар деб аталади.

Гидротехника иншоотлари:

1. Хавфли табиат ҳодисалари - табиий офатлар (зилзила, кўчки, ювиб кетиш, жала ва ҳ.к.).
2. Ускуналарнинг табиий ейилиши ва эскириши
3. Лойиҳалаш ва қуришдаги хатолар.
4. Ишлатиш қоидаларининг бузилиши.
5. Портлатишлар (жанговар ҳаракатлар, террористик ишлар ва ҳ.к.) натижасида бузилиши мумкин.

ГТИ даги характерли авариялар:

1. Тўғон тешилиши - тўғон танасида кичкина тешиқ ҳосил бўлиши.
2. Тўғоннинг бузилиши.
3. Тўғоннинг ювилиб кетиши.

Кўлами ва характери қандайлигига қараб:

1. Тўғон бузилгандаги тошқин - сувнинг бир қисми тўғондан ўтиб кетиши.
2. Сув босиши - худуднинг аста-секин сув остида қолиши.
3. Ҳалокатли сув босиши - тўғон бузилиб, уни уриб кетган сув худудни шиддат билан тез қоплаб кетиши ва тошқин содир бўлиши мумкин.

Шикастловчи омиллар ва кўрсаткичлар:

1. Тўғонни уриб кетган тўлқиннинг баландлиги - 2-20 тезлиги 3-100 км/соат.
2. Тўғонни уриб кетган тўлқин чўқиси ва олд томонинг етиб келиш вақти (тўлқин тезлигига ва жойнинг қанча ораликда эканига қараб).
3. Сув босиш зонасининг чегаралари (ер юзаси релефи қандайлигига қараб).

4. Сув босишининг максимал ва амалдаги чуқурлиги релефнинг қандайлигига, тўғонни уриб кетган тўлқиннинг баландлиги қандайлигига қараб).

5. Сув босиш қанча давом этиши (бир неча соатдан бир неча кеча-кундузгача). Ҳалокатли сув босишнинг шикастловчи омиллари ва параметрлари сув омборининг ўлчамларига, тўғоннинг баландлигига, уриб кетган тўлқиннинг тезлиги ва баландлигига, ер юзаси қандайлигига ва бошқа шароитларга боғлиқ, бўлади.

Сув босиш зонаси - ҳудуднинг ГТИга туташ ва сув тагида қолиши мумкин бўлган қисми.

Гидротехника иншоотини муҳофаза қилиш чораларн:

1. ГТИ ни лойиҳалаш ва қуришда хатоликларга йўл қўймаслик
2. ГТИ дан тўғри фойдаланиш.
3. ГТИ даги белгиланган тадбирларни ва таъмирлаш ишларини вақтида бажариш.
4. Қирғоқни маҳкамлаш ва иншоот тубини маҳкамлаш ишларини ўтказиш.
5. Сув чиқаришни вақтга мувофиқ қайта тақсимлаш йўли билан сувнинг максимал захирасини ва максимал сарфланишини камайтириш.
6. Қўшимча сув омборлари ёрдамида тошқин сувлар оқимини тартибга солиб туриш.
7. ГТИ аҳволини доимо кузатиб туриш (ускуна-жиҳозлар ва юксак малакали мутахассислар ёрдамида).
8. ФВДТ таркибига кирувчи функционал кичик тизимлари ва органларини соҳага алоқали фаолиятини тизимли назорат қилиб туриш.
9. ГТИ зонасини чет кишилар киришидан ишончли қўриқлаш.
10. Фалокатларга олиб келадиган ноқулай омиллар бўлиши эҳтимолини олдиндан айтиш тахминларини тузиш учун гидрометеорологик шароитни мунтазам кузатиб бориш.

Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш чоралари:

1. Олдиндан айтилган тўғри тахминларнинг доимо мавжуд бўлиши.
2. Яхши йўлга қўйилган ахборот хизматининг бор бўлиши.
- 3- Доимо ва самарали ишлаб турадиган хабар беришнинг чекланган тизими бўлиши.
- 4- ГТИ ходимларининг уюшқоқлиги, билимдонлиги, интизомлилиги.
5. Эҳтимоли бор ҳалокатли сув босиш зонасида истиқомат қилувчи аҳолининг фавқулодда вазиятдаги ҳатти-ҳаратларга тайёргарлик кўрганлиги.
6. ФВДТ раҳбарлик таркибининг ГТИда фалокатлар ҳалокатлар олдини олиш ҳамда бундай ҳодисалар эҳтимоли пайдо бўлгандаги ва содир бўлгандаги фаолият масалалари юзасидан тайёргарлик кўрганлиги (замонавий воситалар усуллар ёрдамида шароитни билиб ва тез олдиндан тахминлай олиш ҳамда унга баҳо бера билиш, асосли қарорларга кела олиш ва уларни турмушга тезкорлик билан тадбиқ эта билиш).
7. Муҳофаза тадбирларини бевосита ўтказиш:
 - ГТИ да авария хавфи туғилгани ҳақида аҳолига хабар бериш;
 - сув остида қолиши мумкин бўлган зоналардан аҳолини қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, моддий бойликларни барвақт эвакуация қилиш;

- сув босиш эҳтимоли бор зонадаги корхона, ташкилотлар, муассасалар ишини қисман чеклаш ёки тўхтатиш ҳамда моддий бойликларни муҳофаза қилиш. ГТИ ни лойиҳалаш ва қуриш принципи: ГТИ ни улар фойдадан кўра кўпроқ, зарар келтирадиган жойлар, қурмаслик.

2. Ёнғин чиқиш, портлаш хавфи бўлган объектлардаги авариялар ва фалокатлар.

Ёнғин - бу назорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса бўлиб, бебаҳо моддий ва маданий бойликларни бир дақиқада йўқ, қилувчи офат, айниқса у фуқароларнинг жонига қулфат келтирувчи фавқулодда вазиятдир.

Ёнғин ва портлашларнинг асосий сабаблари ва турлари;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик;
- фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги;
- электр симларининг носозлиги;
- газ, кўмир, ўтин билан иситиладиган воситалар;
- болаларнинг ўт билан ўйнашлари;
- қасддан ўт қўйишлар;
- бошқа сабаблар.

Энг асосийси шундаки, фуқароларимизнинг ўзлари ёнғин сабабчиси бўлиб қолишади. Шу сабабдан ҳам шиоримиз; «Ёнғиннинг олдини олмоқ, уни ўчиришдан афзалроқдир».

Ёнғиннинг тез кенг тус олиши сабаблари:

1. Ёнғиннинг содир бўлганлиги омили;
2. ёнғин содир булган жойларда, ён-атрофнинг қизиқ кетиши.
3. Ёнғинда ёнаётган жисмлардан чиқаётган тутун ва заҳарли моддалар.
4. Ёнғин содир булган жойларда ва теварак-атрофларда ҳаво хароратининг ўзгариши.

Бу ёнғиннинг бирламчи кенг тус олиш омиллари бўлса, иккиламчиси:

1. ёнғин содир бўлган бино деворининг қулаб тушиши.
2. Портлашлар содир бўлиши.
3. Ёнғин содир бўлган жойларда турли кимёвий ва заҳарли моддаларнинг атроф муҳитга тарқалиши.
4. Ёнғинни сув билан ўчирилганда турли кимёвий моддалар қоришмаси натижасида портлашлар юз бериши.

Маълумотларга кўра, ёнғинда нобуд бўлганларнинг 60' 80% фоизи нафас олиш йўлларининг заҳарланиши ёки тоза ҳавонинг етишмаслиги оқибатида ҳалок бўлар экан.

Портлаш - бу қисқа вақтнинг ўзида чегараланган ҳажмдаги, катта микдордаги қувватнинг ажралиб чиқиши.

Портлаш газларнинг қаттиқ қизиши оқибатида юқори босимда содир бўлади.

Портлашлар асосан ёнғин ва портлаш хавфи ташкилотларда содир бўлиб, унинг оқибатида ёнғинлар келиб чиқиши мумкин. Портловчи моддалар сақланадиган омбор улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар портлаш хавфи ташкилотлар ҳисобланиб, уларда маълум шароитларда портлаш содир бўлиши мумкин. Буларга мудофаа, нефт ва маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи-сақловчи, кимёвий газ, пахта, қоғоз, нон маҳсулотлари, енгил саноат корхоналари улар

ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларни сақловчи омборхоналар ва улар билан боғлиқ бўлган барча ташкилотлар киради.

Ўзбекистон ҳудудида газ билан таъминланган фуқароларимизнинг уйларини назарда тутмаган ҳолда 500 дан зиёд портлаш ва ёнғин чиқиш хавфи мавжуд ташкилотлар бор.

Портлашнинг зарар етказувчи омиллари;

- зарба мавжи (зарба тўлқинлари);
- синиқ парчаларнинг сочилиши.

Булар бирламчи ҳолатлар бўлса, иккиламчи портлашлар, ёнғинлар, фалокатлар, кимёвий ва радиацион шикастланишлар, кенг тусда тўғонларнинг бузилиши ва сув тошқинларининг содир этилиши, биноларнинг қулашидир.

Бирламчи шикастланиш омиллари қуйидагилардан

Зарба тўлқинлари юқори босимдаги портлашдан бўлган кучли ҳаво тўлқинларининг кучли овоз чиқариб тарқаладиган ҳаво тўлқини тарзидаги зарба мавжи қарши келган қаттик, жисмларнинг парчаланишига ва сочилишига олиб келади.

Синиқ парча - майдонларда парчаланган буюмларни синиқ парчалари ташкил этади (яқин атрофдаги корхоналар анжомларнинг биноларнинг бузилишига, парчаланишига олиб келади.

Портлаш - суюқликларнинг, портловчи моддаларининг куч ёки иссиқлик таъсирида ўзи жойлашган ҳажмга сиғмай қолиши туфайли чиқишидир.

Портлатувчи омиллар;

- кимёвий (портловчи моддалар);
- ядроли (ядроли қуруллар);
- механик услубдаги (юқори босимдаги суюқликларни қуювчи-тарқатувчи идишларнинг ёрилиши);
- электромагнит (учқун разряди, лазер учқуни ва б.);
- товушли ва бошқа қувватлар.

Матбуотдаги чоп этилган маълумотлар тахлили шуни кўрсатадики, республикаимиз ҳудудида йилига 15-17 дан зиёд портлашлар содир бўлади, асосан портлашлар аҳоли яшайдиган хонадонларда газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлади, булар хонадонлардаги портлашлар дейилади.

Транспорт, энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар ва ҳалокатлар.

ҳаво транспорти авария ва ҳалокатлари.

Ўзи билан бирга йўловчиларнинг, экипаж аъзоларининг ҳалок бўлишига олиб келади, ҳаво транспортларининг портлашига, ёнишига, бузилишига, қолаверса ер юзидаги биноларнинг ва бошқа ХХО нинг бузилишига олиб келиб, турли даражадаги қутқарув, қидирув ва тезкор ёрдам олиб боришга олиб келадиган ҳолат.

б) Темир йўл авария ва ҳалокатлари.

Ушбу транспорт турида учрайдиган фавқулодда вазиятда ёнғинлар-портлашларга, йўналишдаги вагонларнинг издан чиқишига, аҳолининг, йўловчиларнинг нобуд бўлишига вагонларида давлат бойликларининг нобуд бўлишига қолаверса, содир этилган жойлардага аҳоли ва ҳудудлар турли

даражада зарар кўришига, айниқса турли захарли модда юклатилган вагонларда содир этилганда ҳудудларнинг аҳолининг захарланишига олиб келувчи ҳолат.

в) Автотранспорт авария ва ҳалокатлари (шу жумладан, йўл транспорт ҳодисалари).

Кўриниши:

Транспортдаги фуқароларнинг ҳалок бўлишига, портлаш ва ёнғинларни чиқишига олиб келади. Агарда юк ташувчи автотранспортларда авария ҳолати содир этилганида, турли нефт, портловчи модда ёки захарловчи моддаларнинг авария содир этилган жойларда тарқалишига ҳамда ушбу ҳудуддаги аҳолининг нобуд бўлишига, захарланишига, бино ва иншоотларнинг бузилишига олиб келади.

г) Метрополитен станцияларида эҳтимол бўлган фавқулодда вазиятлар.

Фуқароларнинг нобуд бўлишига, турли хил тана жароҳатлари олишига олиб келади, қолаверса портлаш ёнғинлар содир этилиши мумкин. Метрополитен станциялари ва вагонларнинг бузилишига олиб келади.

д) Магистрал қувур тармоқларида, нефт ва газ бурғулаш майдонларидаги бўлиши мумкин бўлган авариялар.

Кўриниши:

Портловчи моддалар билан боғлиқ, бўлган портлашлар ёнғинлар, фуқароларнинг ҳалок бўлиши, суюқликларни тарқалишига, ҳудудлар, иншоотлар, биноларни бузилишига олиб келади.

Очиқ турдаги нефт ва газ конлари фонтанларининг ёниши.

Ўзбекистон ҳудудида асосий нефт, газ маҳсулотлари тарқатувчи қувурлар кўп, улар асосан ер ости ва усти қисмларидан ўтказилган.

Энергетика тизимидаги авариялар. Энергетика тизимида содир бўладиган фавқулодда вазиятларга гидроэлектрстанция (ГЭС)ларида, иссиқлик электр марказ (ТЭЦ)ларида, шаҳар, туман электр тармоқларида (ГРЭС)ларида, электр тармоқларида, Иссиқлик марказларида, иссиқлик қозонларида, компрессорларда, газ тақсимлаш станция (ГРС)ларида ва энергетика тизимининг бошқа объектларида содир бўладиган авария ва ҳалокатлар киради.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Зилзиланинг келиб чиқиш сабаблари.
2. Кўчки ҳақида умумий тушунча.

3. Гидро техника объектларидаги авариялар ва ҳалокатлар.

4. Ёнғин чиқиш, портлаш хавфи бўлган объектлардаги авария ва ҳалокатлар.

5. Транспорт, энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар ва ҳалокатлар.

Таянч атамалар:

1. «РАДИУС» - дастур бўйича тўла жорий этиш имконияти берилган бешта Аддис-Абеба (Эфиопия), Гуаякилем (Эквадор), Тихуана (Мексика) Зигонг (Хитой) шаҳарлари қаторига Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент ҳам кирган.

Бъеф – бу дарё (канал, ирмоқ ва ҳ.к.)нинг босим иншоотиға (тўғон, шлюз ва ҳ.к.)ға туташиб (тегиб) турадиган қисми

3.Мавзу:

Фуқаро муҳофазасини жойларда (ўқув муассасаларида) режалаштириш.
Фавқулодда вазият шароитларида жойларда (ўқув муассасаларида) кўчириш тадбирларини ўтказиш.

I –ҚИСМ (БОБ)

Ўқув муассасаларида фуқаро муҳофазасини ташкиллаш.

Ўқув муассасаларида ҳам Фуқаро муҳофазаси қишлоқ хўжалиги объектлари сингари ташкил этилади, фақат уларнинг хусусияти ва техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси бошлиғи муассаса директори ҳисобланади, у ўз буйруғи асосида: Фуқаро муҳофазаси штаби бошлиғи (кўп ҳолларда ҳарбий раҳбар); кўчириш бўйича ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари; моддий – техник таъминот бўйича хўжалик ишлари бўйича ўринбосарини тайинлайди. Ўқув юртлиларида Фуқаро муҳофазаси режалари ишлаб чиқарилиб бажарувчи ўқитувчи ва ўқувчиларга етказилади. Ўқув муассасасидаги Фуқаро муҳофазаси бўйича барча тадбирлар директор кўрсатмасига биноан штатли ишчи ва ўқитувчилар билан олиб борилади.

Ўқув муассасаларида Фуқаро муҳофазаси тадбирларини олиб бориш учун ҳарбийлашмаган тузилма тузилади.

Тузилма бошлиғи этиб ўқув муассасаси доимий таркибидаги шахс (ўқитувчи, ишчи ва хизматчи) сайланади. Фуқаро муҳофазаси тузилмасига киритилган ўқувчилар таркиби штаб билан ўтказиладиган умумий ўқувга жалб этилади.

Ўқув муассасаларида ўқитиш туридан ўқитувчи ва ўқувчилар сонидан ўқув моддий базасидан қатий назар тузиш мумкин:

алоқа звеноси (заруратга қараб);

радиацион ва кимиёвий назорат пости;


қутқарув гуруҳлари;

жамоат тартибини сақлаш гуруҳи;


ёнғинга қарши команда;

ўқув муассасаларида бор бўлганда паналаниш жойлари бўйича Фуқаро муҳофазаси звеноси;

Ўқув муассасаларида Фуқаро муҳофазасини ташкил қилиш тартиботи



Халқ хўжалиги объектларида ФМ ташкил қилиш тартиботи.



- харбийлашмаган Фуқаро муҳофазасини шакллантириш, уларнинг тайинланиши жиҳозлар билан таъминлаш;
- Фуқаро муҳофазаси барча қишлоқ хўжалиги жойларда ташкил этилади;
- қишлоқ хўжалиги объектларига озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув муассасалари, давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар киради;
- қишлоқ хўжалиги Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳисобланади;
- ўз объектида Фуқаро муҳофазасини ташкиллаш, доимий тайёргарлик, унинг кучи ва қутқарув кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб бориш воситалари учун жавобгардир;
- Фуқаро муҳофазаси бошлиғи (тегишли бошлиқларга бўйсинади), объекти жойлашган территорияда тегишли кишиларга бўйсинади;
- катта корхоналарда тинчлик даврида барча тайёргарлик тадбирларини ташкилотчиси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўринбосари ҳисобланади;
- штатдаги ўринбосардан ташқари, Фуқаро муҳофазаси бошлиғи буйруғи билан ўринбосарлари тайинланади;
- мухандислик – техник қисмлар бўйича;
- моддий – техник таъминот бўйича;
- ишчи ва хизматчиларни тақсимлаш бўйича.

Жойларда мансабдор шахслардан Фуқаро муҳофазаси штаби тузилади.

Жойларда Фуқаро муҳофазаси штаби бошлиғи вазифаси корхона штат жадвалида назарда тутилади.

Вазифаларни ечиш учун Фуқаро муҳофазасига юклатилган муносиб Рағбатлантирувчи база яратиш жойларда қуйидаги хизматлар тузилади:

- алоқа ва хабардор қилиш;
- жамоатчилик тартиби қўриқчилари;
- паналаниш ва бекиниш жойлари;
- радиация ва кимёвий захарланишга қарши ҳимоя;
- ёнғинга қарши;
- авария техник;
- тиббий;
- автомобил хизмати;
- моддий техник таъминот;
- электр таъминоти ва ёруғлик ниқоби;

Бундан ташқари жойларда бошқа хизмат турлари, масалан, озиқ – овқат ва сувни, ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш. Хизмат турлари сони жойларда Фуқаро муҳофазаси бошлиғи аниқлайди.

Қишлоқ хўжалиги жойлардаги Фуқаро муҳофазаси ўқув муассасаларида ҳам шундай ташкил килинади, лекин уларнинг хусусияти ва техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Ўқув муассасаларида(мактаб, лицей, коллеж, касб – ҳунар мактаблари) Фуқаро муҳофазаси бошлиғи директор ҳисобланади ва ўзининг буйруғи билан икки вазифани бажарувчи Фуқаро муҳофазаси 0,5 ставкали мухандиси этиб

муассаса штат ишчиларидан бирини Фуқаро муҳофазаси штаби бошлиғи этиб тайинлайди (асосан – ҳарбий раҳбар).

Фуқаро муҳофазаси доирасидаги ҳуқуқларини ташкиллаш Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси ҳақида" ги қонунидан аниқланади.

Ўзининг ҳуқуқи доирасида ташкиллаш:

- Фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларни ўтказишни ташкил этиш ва режалаш;
- ҳарбий даврда ўзининг барқарорлик шакллари кўллаш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- ҳарбий ҳаракатлар ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келувчи хавфлардан ёки авария бўлганда, фалокат ва табиий офатлардан ўзининг ишчиларини ҳимоя қилиш йўллари ўргатишни амалга ошириш;
- маҳаллий хабарлаш тизимини кўллашни доимий тайёриги ҳолатини кўллаш ва барпо этиш;
- ишчиларнинг мажбуриятларини Фуқаро муҳофазаси доирасида зарур шарт – шароитларни барпо этиш;
- моддий – техник, тиббий ва бошқа воситалар захирасини барпо этиш.

Эвакуация ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, сел келиши, кўчки бўлиш ва бошқа фавкулотда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган жойлардан аҳолини кўчириш.

Танноген, табиий, экологик ва ҳарбий тусдаги фавкулотда вазият юз берган ҳудудлардан аҳолининг, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиши тадбирларни режалаштириш ва ўтказишни асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мухандислик техник тадбирлари ва коидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси жойлашган минтақа, куйидаги ҳудудларга бўлинган.

Хавфли ҳудуд-бу кучли вайроналиклар кимёвий радиоактив заҳарланиш, ҳалокатли сув босими, сел келиши, ер, қор қўчкилар ва бошқа ҳодисалар бўлиши эҳтимоли бор ҳудудлардир.

Шаҳардан ташқаридаги хавфсиз ҳудуд-фавкулотда вазият хавфи бор ҳудудлардан ташқаридаги эвакуация қилинган аҳолини жойлаштиришга мўлжалланган яроқли ҳудуд.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиши-бу табиий ва техноген тусдаги фавкулотда вазият юз берган ҳарбий ҳаракатлар бошланган ҳудудлардан ва фавкулотда вазият юзага келиши эҳтимоли бор ҳудудлардан аҳолини нақлиётдан ва пиёда иштироки тарзда олиб чиқиши, ҳамда уни

олдиндан тайёрлаб кўйилган хавфсиз жойларга вақтинча жойлаштириш тадбирлари мажмуидир.

Эвакуация тадбирларни ўтказиш хусусиятлари қуйидагиларга қараб белгиланади.

-фавкулодда вазият манбаининг тавсифи (туси).

-Фавкулодда вазият манбаининг таъсир кўрсатиш доираси, вақти (тавсифлари).

-Тарнспортда ва пиёда олиб чикиладиган аҳолининг сони ва қамраб олиши;

-Тарнспорт воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг имкониятлари.

-Эвакуация (аҳолини кўчириш) тардбирларининг ўтказиш вақти ва шўшилинчлиги.

5

Эвакуация тадбирларни ўтказиш вақти ва муддатига қараб эвакуациянинг 2 турини ажратса бўлади?

олдиндан ўтказиладиган эвакуациялар

Шўшилинч эвакуациялар

Олдиндан ўтказиладиган эвакуациялар фавкулодда вазият хавфи эҳтимоли бор объектладаги фалокатлар ёки табиий офатлар юзага келиши ва харбий ишончли маълумот олингандан кейин ўтказилади. Бунга бир неча ўн дакикадан бир неча кеча-кундузгача давр ичида фавкулодда вазият содир бўлши мумкинлиги хақидаги маълумот олдиндан тахминлашга асос ҳисобланади. Бу тахминга шу муддат ичида ани-лик киритилиши мумкин.

Шўшилинч эвакуациялар одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғиладиган даражада техноген ёки табиий тусдаги фавкулодда вазият юзага келган, ёки харбий ҳаракатлар бошланганда аҳолининг рисоладек кун кечириш шароити бузилган тақдирда ўтказилади.

Фавкулодда вазият ривожлана бориши ва харбий ҳаракатларнинг тавсифига қараб фавкулодда вазият юзага келган ҳудуддан олиб чикиладиган, аҳоли сонига қараб, эвакуация 3 хилда бўлади:

Чекланган эвакуациялар.

Маҳаллий эвакуациялар.

Минтакавий эвакуациялар.

Чекланган эвакуациялар фавкулодда вазият манбаи шикаст етказиш омилларининг таъсири кишлок, аҳоли яшаш жойлари чегараси ичидан чикмай кўчириладиган аҳоли сони бир неча минг кишидан ошмаган тақдирда

ўтказилади. Бундай ҳолда кўчирилган ҳолда одатда фавкулотда вазият ҳудудига туташ аҳоли яшаша жойларга ёки шаҳарнинг шикастланмаган туманларига жойлаштирилади.

Маҳаллий эвакуациялар ўртача катталиқдаги шаҳарлар, йирик шаҳарларнинг аҳолида туманлари, кишлоқ туманлари фавкулотда вазият ҳудудига тушиб қолган ҳолларда ўтказилади. Бунда кўчираладиган аҳоли сони бир неча мингдан ўн минглаб кишигача етиши мумкин бўлиб, улар, одатда фавкулотда вазият ҳудуди билан ёндош хавфсиз жойларга жойлаштирилади.

Минтакавий эвакуациялар шикастловчи омиллар анчагина кенг майдонга ёйилиб, йирик шаҳарларни ҳам ўз ичига олган, аҳолиси жуда зич жойлашган битта ёки бир неча минтака ҳудудини қамраб олганда амалга оширилади. Минтакавий эвакуация фавкулотда вазият юз берган ҳудуддан транспортда, пийда олиб чиқиладиган аҳоли ўзларининг доимий яшаб турган жойлардан анчагина узоққа кўчирилишлари мумкин.

Фавкулотда вазият таъсири ҳудудига тушиб қолган аҳолининг қанчаси эвакуация тадбирлари билан қамраб олинганига қараб эвакуациянинг икки тури бўлиши мумкин.

Ялпи эвакуация.

Қисман эвакуация.

Ялпи эвакуация- фавкулотда вазият юз берган ҳудуддан барча тоифадаги аҳоли олиб чиқилиши назарда тутилади.

Қисман эвакуация- фавкулотда вазият юз берган ҳудуддан меҳнатга лаёқатсиз аҳоли, мактабгача ёшдаги болалар, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларини олиб чиқилиши зарур бўлганда ўтказилади.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфли ҳудудлардан эвакуация қилишнинг кўрсатилган турлари хавфнинг ёйилиши қўламаива тавсифига, унинг амалга ошишининг олдиндан қилинган башоратнинг қанчалик ишончлигига, шунингдек фавкулотда вазият қанчалик шикастловчи омилларнинг таъсир доирасига ишлаб чиқариш объектларидан ҳўжалиқда фойдаланиши истикболларига қараб танланади.

Одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф борлиги аҳолини эвакуация қилиш ҳақида қарорга қилиш учун асос ҳисобланади. Бу хавф ҳар бир хавф тури учун олдиндан белгилаб қўйилган мезонларга мувофиқ баҳоланади.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш ҳақида қарорга қилиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ҳудудида фавкулотда вазият юзага келган ёки фавкулотда вазият хавфи олдиндан тахмин қилинаётган ҳокимият ижро идораларининг, фуқаро муҳофазаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг раҳбарларида бўлади.

Фавкулотда вазият қўламига ва эвакуациянинг қанчалик шўшилишчилиги талабларига қараб, маҳаллий ёки минтакавий тавсифдаги шўшилиш ёки олдиндан ўтказиладиган эвакуация жойларидаги тегишли фуқаро муҳофазаси бошликларнинг кўрсатмаларига қаноатан амалга оширилади.

Кечиктирмай карорга келиши талаб килинадиган холларда чекланган тавсифдаги шошилишч эвакуация хавф эҳтимоли бор объектнинг навбатчи йўриқчилик хизмати бошлиғнинг кўрсатмасига биноан ўтказилиши ҳам мумкин. Бошқарувнинг ҳудудий, идоравий, объект идоралари фукаро муҳофазаси бошликлари эвакуацияга умумий раҳбарликни амалга ошириладилар. Аҳолини эвакуация килиш тадбирларини бевосита ташкил килиш ва ўтказишга эса вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг маъмурияти ва ишлаб-чиқариш объекти бошқарув идоралари раҳбарлари ва аҳолини эвакуация килиш ташкилотлари раҳбарлик қилади.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация килиш тадбирларини барча омилларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши ҳамда фойдаланиладиган транспортларни, уларнинг йўлларини, эвакуация килинадиган аҳоли борадиган хавфсиз жойларни олдиндан тайёрлаб қўйилишини, шунингдек аҳолини фавқулодда вазият шароитига ҳар томонлама тайёргарлик қўйишларни талаб қилади.

Бундай тайёргарликни ҳокимият ижро идорларининг ва талаб, ишлаб чиқариш объекти бошқарув ташкилотларининг фукаро муҳофазаси бошлиғи бўлган раҳбарлари ташкил этадилар ва ўтказадилар.

Аҳолини моддий ва маданий бойликларни эвакуация килиши ишлаб чиқариш объекти ҳудудий ёки ҳудудий эвакуация қоида-қўра режалаштирилади, ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш-ҳудудий принцип.

Фавқулодда вазият юз берган ҳудуддан ишчилар, хизматчилар, талабалар, ўқувчилар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари бўйича, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишламайдиган бошқа аҳолини эса маҳалла қўмиталари орқали турар жойлари бўйича транспортларда олиб чиқишни назарда тутди.

Муайян холларда аҳолини моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация килиш ҳудудий қоида-қўра, аҳолини қўчириши эълон қилинган пайтда бевосита аҳолини яшаб турган жойидан амалга оширилиши мумкин.

Эвакуация килиш усулларига қараб эвакуациянинг 3 тури бўлади.

транспортда;

пиёда тартибда;

аралаш усулда (транспортда ва пиёда).

Аралаш усул-яхши самара берувчи ва энг қулай усул ҳисобланади; у мавжуд транспортлар ёрдамида иложи борида энг қўп ишловчилар билан бир вақтда аҳолининг қолган қисмини ҳам бирга қўшиб олиб чиқишни назарда тутди. Бунда асосан пиёда тартибда юра олмайдиган, ёш болалар аёллар мактаб ўқувчилари ва мактабгача тарбия болалар муассасаларнинг тарбияланувчилари транспортда олиб чиқиш режалаштирилади.

Аралаш усул фавқулодда вазит юз берган ҳудудлардан аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация килиш тадбирларни энг қисқа муддатда амалга ошириш талабларига жуда мос қелади.

Эвакуация қилинган аҳолини хавфсиз жойларда махсус буйруқ бўлгунга қадар вақтинча жойлаштириб турилади. Давлатлараро тегишли қелишувлар бўлса,

Ўзбекистон Республикасининг эвакуация килинган аҳолиси мустакил давлатлар ҳамдўстлиги катнашчилари бўлган мамлакатлар ва бошқа кўшни давлатлар ҳудудларида жойлаштирилиши ҳам мумкин. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳам бошқа давлатлардан кўчириб келтирилган аҳолиси учун берилиши мумкин. Бунда ҳамкорлик қиладиган давлатлар ваколатли идораларнинг биргаликда иши тутиши халқаро ҳуқуқ меъёрларига, икки томонлама ва кўп томонлама давлатлараро келишув ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар қонунларига асосланади.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш тадбирларини режалаштириши тинчлик даврида амалга оширилади ва эвакуация ишларини ўз вақтида ва самарали ўтказилишида муҳим ўрин эгаллайди.

Аҳолини моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш тадбирларини Ф.В. бошқармалари ва бўлинмаларнинг, ҳокимият ижро идоралари, шунингдек иктисодиёт объектлари вакиллариининг иштирокида аҳолини эвакуация қилиши ҳайъатлари режалаштиради.

Тегишли кўчириш ҳайъатлари Ф.В. бошқармалари ва бўлимларнинг, шунингдек маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари ва иктисодиёт объектлари маъмуриятларнинг иштирокида эвакуация қилинадиган аҳолини қабул қилиш, жойлаштириш ва уларнинг биринчи навбатда қун кечириш шароитини таъминлаш режаларини ишлаб чиқади, бу ҳам тинчлик даврида Ф.В. олдини олиш ва юз берганда уларнинг оқибатларини тугатиш режаларининг бўлиши тарзида расмийлаштирилади.

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилишни режалаштириши ва олдиндан кўчириши ташкилотлари, Ф.В. бошқармалари ва бўлимлари юқоридан келган кўрсатмалари ўрганиб чиқилади, керакли дастлабки маълумотларни йиғади ва тайёрлайди, эвакуация қилинадиган аҳоли жойлаштириладиган жойларни танлайди ва шароитни ўрганиб чиқади.

Ҳудудда зилзила, сел кекетиш, ер қўпчиси, сув босими эҳтимоли бўлган ҳудудлар, кимёвий ва радиактивит хавфли объектлар бор маъмурий ҳудудий тузилмаларда ишлаб чиқилладиган аҳолини эвакуация қилиш режаларнинг матн қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

эвакуация бошланган ҳақида аҳолини хабардор қилиш;

эвакуация қилинадиганларнинг тоифаларга бўлинган сони;

эвакуация қилинадиган аҳолини вақтинча жойлаштириш ҳудудлари;

эвакуация тадбирларнинг бажарилиш муддатлари;

табiiй ва техноген тусдаги Ф.В. юз берган ҳудудлардан аҳолини, моддий ва маданий бойликларни транспортда олиб чиқиш тартиби;

кўчириш йўлаларида жамоат тартибини ва йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлашни ташкил этиш;

эвакуация қилинадиган аҳолини шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланишини ташкил этиш;

йиғилиш жойларида ва кўчириш йўналишларида ҳарбий ҳаракат юз берганда аҳоли муҳофазасини ташкил этиш;

эвакуация қилинган аҳолини хавфсиз жойларга жойлаштириш ва биринчи навбатда уларнинг турмуш кечириши шароитини таъминлаш тартиби;

юкумли касалликларга карши санитария ва эмалш-даволаш тадбирларини ўтказиш;

аҳолини моддий ва маданий бойликларни кўчиришни бошқариш тартиби;

эвакуация жараёнида аҳолини кўчириш, ер кўчкиси, сув босиш ҳудудларнинг шикастловчи омиллари таъсир доираларнинг тахминланган чегаралари;

аҳолини эвакуация қилиш (пиёда ва транспортда ва аралаш усулда олиб чиқиш) йўналишлари, ҳар хил йўналишдаги транспорт миқдори, пиёда олиб чиқиладиган аҳоли сони, эвакуация оралик пунктлари;

объектлар, муассасалар ва ташкилотларга бириктирилган аҳоли яшаш жойлари;

объектнинг шартли рақамлари, кўчириладиган сони, кўчириладиган аҳолининг зичлиги (кўчирилган аҳолини жойлаштиришга мўлжалланган капитал иморат ва иншоотларнинг квадрат метр ва ҳиобдаги майдони);

кўчиб келаётган аҳолини тушириб бекатларидан ва кўчиш оралик пунктларидан вақтинча яшаш жойларигача транспортда олиб бориш йўллари.

Табиий ва техноген тусдаги Ф.В. юзага келиш эҳтимоли бор ҳудудлардаги маъмурий туман, шаҳар (шаҳар туманлари) ва бошқа аҳоли яшаш жойлари тўғрисида кўчириш режасини матн қисмида қуйидаги маълумотлар келтирилади;

аҳолини эвакуация қилиш хайъатларини шай ҳолга келтириш тартиби;

эвакуация бошлангани ҳақида маҳаллий маъмурият ва ишлаб чиқариш объектлари раҳбарларига ҳабар бериш тартиби;

эвакуация қилинадиган аҳолининг тоифаларга бўлинган сони;

эвакуация қилинадиган аҳоли вақтинча яшаш учун жойлашадиган хавфсиз тартиблари ҳақида ҳабардор қилиб ва йўл-йўрик кўрсатиб юришни ташкил этиш.

Режанинг матн қисмига хариталарда чизмалар, жадваллар ва ҳисоблашлар қўринишида қуйидаги иловалар ишланади.

эвакуация қилинадиган аҳолини ҳисоблаш;

корхона, ташкилот ва муассасалари эвакуация қилинадиган аҳолини йиғиш пунктларига, транспортларга чиқиш жойларига ва вақтинча яшаш учун хавфсиз жойларга тақсимлаш;

транспортга эҳтиёж ва унинг имкониятлари, аҳолини олиб чиқиш учун транспортларни кўчириш ва ҳаракат қилиш йўналишлари бўйича тақсимлаш;

эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш пункти, пиёда тартибдаги кўчиш бошланғич пунктлари, аҳолини транспортга чиқариш ва ундан тушириш пунктларининг жойлашиши;

эвакуация ташкилатларининг таркиби ва уларни шай ҳолга келтириш муддатлари;

эвакуация бошлангани ҳақида корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларига ва аҳолига ҳабар бериш чизмаси.

алокани ташкил қилиш чизмаси;

эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш жойлари 1:200000 ёки 1:100000 сифимдаги топографик харитага туширилади. Унда қуйидагилар акс эттирилади: маъмурий чегарлар;

Ф.В. манбайининг ридиациявий ифлосланиш, кимёвий захарланиш, зилзила хавфи бор жойлар, сел келиш ҳудудлари.

эвакуация килинадиган аҳолини ҳар хил транспорт турларида олиб чиқиш тартиби;

аҳолисини пиёда (транспортда) олиб чиқиш йўллари; эвакуация килинадиган аҳолини йиғиш жойларини йўлга қўйиш тартиби, уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятлари уларга бириктирилган иктисодиёт объектлари;

аҳолини транспортларга чиқариш пунктлари ва хавфсиз жойларда тушириш, йиғиш пунктлари ва қўчиш йўлларида эвакуация килинган аҳолини турли фавқулодда ҳодисалардан ва ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан муҳофаза қилишни ташкил этиш;

эвакуация килинган аҳолини қабул қилиш, вақтинча яшаш учун жойлаштириш биринчи навбатда кун кечириш шароитини таъминлашни ташкил этиш;

эвакуация килинган аҳолини ФВ юз берган ҳудуд чегараларидаги ЭОПдан вақтинча яшаш учун хавфсиз ҳудудларга транспортда олиб бориш тартиби;

муҳандислик, радиациявий, кимёвий ва биологик кузатишларни ташил этиш;

аҳолини, моддий ва маънавий бойликларни эвакуация қилиш давомида бошқариш ва алокани ташкил этиш;

аҳолига ахборот бериш ва йўл-йўрик кўрсатиш тартиби;

Режанинг матн қисмига қуйидагилар илова қилинади:

эвакуация килинадиган аҳоли ҳисоби;

корхона, ташкилот муассасалари эвакуация килинадиган аҳолини йиғими пункти, транспортга чиқариш ва хавфсиз вақтинча яшаш жойларга тақсимлаш; шаҳарлар (аҳоли яшаш жойлари) ва маъмурий туманларнинг қўчиш йўллари кўрсатилган ва қўчиришга оид маълумотлари берилган хариталари.

1:100000 сифими топографи харитага қуйидагилар туширилади:

шаҳарларнинг маъмурий туманларининг чегаралари;

шаҳардан чиқадиган асосий йўналишлари, объектларга борадиган йўллар.

Эвакуация килинадиган аҳолининг йиғилиш пунктининг ўз рақамлари ва уларга бириктирилган корхона муассаса ташкилотларнинг рақамлари ҳамда қўчириладиган аҳоли сони кўрсатилган жойлашуви;

транспортга чиқиш, транспорт воситалари микдори ва жўнатиладиган одамлар сони кўрсатилган пунктлари принциплари;

пиёда тартибдаги қўчиш йўлларидаги бошланғич пунктлари, ҳамма йўллардаги назорат-ўтказув а тартибга солиб туриш пунктлари;

Табиий ва техноген Ф.В. юзага қилиш эҳтимоли бўлган ҳудудлардаги иктисодиёт объектларининг эвакуация режаларини матн қисмида қуйидагилар кўрсатилади.

эвакуация бошлангани ҳақидаги ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига хабар бериш ҳамда йўл-йўрик кўрсатиш тартиби;

эвакуация килинадиган ишчилар хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари сони;

иктисодиёт объекти бириктирилган ёки иктисодиёт объекти йўлга қўядиган эвакуация килинадиган аҳолининг йиғилиш пункти, уни йўлга қўйиш вақти ҳамда у ерга объект ишчилари ва кизматчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари келадиған вақт;

эвакуация килинадиганларни транспротда олиб чиқиш йўллари, ЭОП, тарнспортга чиқариш, ундан тушириш бекатлари;

эвакуация килинганларни вақтинча яшашлари учун хавфсиз ҳудудларга жойлаштириш;

этелон ва автомобил колонналарининг бошликлари ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларни ташишни ташкил этишга масъул бошка мансабдорлар;

ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларни хавфсиз жойларга жойлаштириш тартиби; йиғими.

Эвакуация килинадиган аҳолининг йиғилиш жойларида ва кўчиш йўлларида турли хавф-хатарлардан ва харбий ҳаракатлар юз бергани уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

Эвакуация килинган аҳоли учун биринчи навбатда яшаш шароитни яратишни ташкил этиш;

Турар жойлардан фодаланиш ташкилотлари ишлаб чиқадиган кўчириш режаларини музмуни ҳам шунга ўхшаш бўлиши керак.

Табий ва техноген тусдаги Ф.В. юз бериши эҳтимоли бўлган ҳудудлардан ташқаридаги маъмурий туманларда ишлаб чиқилмайдиган, эвакуация килинган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш режасининг матн қисмида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади;

эвакуация қилиб келтирилган аҳолининг тоифаларга бўлинган сони;

эвакуация қилиб келтирилаётган иқтисодиёт объектларининг номлари;

эвакуация килинган аҳоли жойлаштирилмайдиган шароит ва имкониятлар;

эвакуация қилинганларни жойлаштириш тартиби:

тарнспортлардан тушириш пунктлари ва уларни жиҳозлаш:

ЭОП, уларнинг жойлашиши, шай ҳолга келтириш тартиби, уларга хизмат кўрсатиш имконияти;

Эвакуация килинган аҳолини вақтинча яшаш жойларга етказиб қўйиш тартиби ва муддатлари;

Эвакуация қилиб келтирилган аҳолини жойлаштиришни таъминлашга масъул мансабдорларга ҳабар бериш тартиби;

Эвакуация килинганларнинг вақтинча яшаш жойларида биринчи навбатда уларнинг турмуш кечиришлари учун шароит яратиб беришни ташил этиш, кўчириш давомида бошқарув ва алокани ташкил этиш;

Маҳаллий аҳолига ва кўчиб келтирилганларга йўлқўрик ва ахборот бериш тартиби;

Режада ишлаб чиқилаётган маълумотларга шаҳарларга, қишлоқ ва шаҳарча кенгашларга тақсимлаб тушинтирилади.

Режага эвакуация килинган аҳолини жойлаштириш харитаси ва ҳисоби илова қилинади.

Табий ва техноген тусдаги Ф.В. юз бериш эҳтимоли бўлган ҳудудлардан ташқаридаги ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий ташкилотлар ишлаб чиқадиган эвакуация қилиб келтирилган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш режасининг матн қисмида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

эвакуация бошлангани ва кўчирилганлар етиб келмайдиган вақт ҳақида ҳабарлашни ташкил этиш;

эвакуация давомида бошқариш ва алокани ташкил этиш;
эвакуация килиб келтирилганларнинг тоифаларга бўлинган микдори;
кўчирилганларни жойлаштириш учун режалаштирилган хизмат бинолари, маъмурий, мданий-маиший ва бошка иморатлар;
ЭОПни йўлга қўйиш тартиби, кўчирилган аҳолини ЭОПдан вақтинча яшаш жойларига етказиб қўйиш тартиби ва муддатлари, шу мақсадларга ажратилган транспорт воситалари;
Кўчирилганларнинг вақтинча яшаш жойларида биринчи навбатда турмуш кечириш учун зарур шароитларни яратиб бериш;
Маҳаллий ва кўчиб келтирилган аҳолига йўлқўрик ва ахборотлар бериш тартиби;

Режага кўчиб келтириб бўлинган аҳолини яшаш ҳудудлари бўйича жойлаштириш харитаси ва ҳисоби илова қилинади.

Кўчирилиши керак бўлган аҳолининг ҳаммасига турар жойларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда эвакуация қилинадиган аҳоли рўйхатлари тузилади. Ишчи ва хизматчиларнинг ишламайдиган оила аъзолари оила бошлиғининг иш жойи рўйхатга киритилади.

Эвакуация қилинадиган аҳолининг рўйхатлари олдиндан тузиб қўйилади ва вақти-вақти билан аҳолини кўчириш режаларига тузатиш киритилаётганда, ушнингдек оширилган шайлик тартиби киритилганда (ФА юзага келиши хавфи, ҳарбий ҳаракатлар хавфи туғилганда) унга аниқлик киритиб борилади.

Рўйхатлар 3 нусхада тузилади: биринчиси объектда ёки турар жойладна фойдаланиши ташкилотда қолади: иккинчиси аҳолини кўчиришга буйруқ олингандан кейин эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш пункти (тезкор гуруҳ)га юборилади ҳамда аҳолини транспортда (пиеда) олиб чиқиш тугагандан кейин тегишли аҳолини эвакуация қилиш ҳайъатига берилади; учинчиси эвакуация қилинаётганларни транспортда (пиеда) олиб чиқиш бошлангандан кейин кўчирилган аҳолини жойлаштириш жойидаги кўчирилганларни қабул қилиш ҳайъатига юборилади. Эвакуация қилинадиганларнинг рўйхати ва паспортлар эвакуацияси қилинадиган аҳолини ҳисобга олиш, жойлаштириш ва таъминлаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади Эвакуация тадбирлари Мудофаа Вазилиги (МВ) ва Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) идоралари билан ҳамкорликда режалаштирилади.

Аҳолини ФВ юз берган ҳудуддан эвакуация қилиш ҳар бир алоҳида ҳолда шу вазиятнинг юзага келиш шароитига, ўз манбаи таъсир омилларининг таъсир этиш тавсифига ва макон-вақт ўлчамларига қараб белгиланади. Аҳолини моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилишда, улар кўчиб келган жойда уларга зарур яшаш шарт-шароитни яратишда фуқаро муҳофазаси (ФМ) қўшинларининг иштирок этиш қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган бўлиб, улар нафақат аҳолини ҳавфсиз жойга эвакуация қилишда балки уларга кўчиб келган жойларда турмуш шароитини яратишда ва фавқулодда вазиятни бартараф қилишда иштирок этишлари қўзда тутилади.

ФВ юзага келиши ҳақидаги ишончли тахмин ҳақида маълумот олинганда одамларни Ф В юз берган ҳудуддан тарнспортда ва пиеда уюшқоклик билан

олиб чиқиш учун қулай шароит яратишдан иборат бўлган тайёргарлик тардбирлари ўтказилади. Буларга қуйидагилар киради:

эвакуация ташкилотларини шай ҳолга келтириш ва уларнинг ишларига аниқлик киритиш;

эвакуация қилинадиган аҳоли, жумладан пиёда тартибда ва транспортда қўчириладиганлар сонини аниқлаш, транспорт воситаларини транспортга чиқиш пунктлари бўйича таксимлаш, пиёдалар колонналарнинг тузилишига аниқлик киритиш ва уларни пиёда йўналишларга таксимлар бириктириб қўйиш;

эвакуация йўлларини тайёрлаш, йўл белгилари ва кўрсаткичларни қўйиш, қўниб ўтиш жойларини жиҳозлаш;

ЭКАЙЖни, транспортга чиқиш, тушиш пунктларини йўлга қўйишга тайёрлаш; Хабарлашиш ва алоқа тизимлари шайлигини текшириш;

Мавжуд муҳофаза иншоотларини шай ҳолга келтириш. Аҳоли эвакуация қилиш ҳақида сигналлар олинганда қуйидаги тардбирлар амалга оширилади;

Эвакуация бошлангани ва тартиби ҳақида эвакуация ташкилотлари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига шунингдек аҳолига хабар бериш;

Эвакуация ташкилотлари ишини йўлга қўйиш ва уларни шай ҳолга келтириш;

Эвакуация қилинадиган аҳолини йиғиш ва хавфсиз жойларга жўнатишга тайёрлаш.

Пиёдалар қолланаларини тузиш ва йўналишлардаги бошланғич пунктларга олиб чиқиш, транспорт воситаларини аҳолининг транспортга чиқиш пунктларига келтириш ҳамда аҳолини транспортларга чиқариш;

-эвакуация қилинган аҳолини олдиндан тайёрлаб қўйилган, турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, уларни хавфсиз жойларда қабул қилиш ва жойлаштириш;

Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш ташкилотлари ҳал қиладиган вазифалар уларнинг хизмат вазифаларида кўрсатилган.

Хар бир алоҳида ФВ юзага келганда аҳолини моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

Ер қимирлаганда (зилзила).

Аҳолини эвакуация қилиш маҳаллий ёхуд минтакавий тусда бўлиши мумкин. Эвакуацияни ўткази муддатлари йўлтранспорт имкониятларига қараб белгиланади. Шикастланган жойлардан аҳоли эвакуация қилиш ЭКАЙЖ йўлга қўйиб, бир босқичда, ишлаб чиқариш ҳудудий принцип асосида амалга оширилади.

Радиактив захарланишда:

Бундай ФВ аҳолини эвакуация қилиш маҳаллий, ёхуд минтакавий бўлиб, алоҳида болалар уйи психоневрологик тиббиёт муассасалари, болалар ва ногиронлар уйлари (интернатлардан) ташқари объектларда ҳудудий принципга асосан амалга оширилади. Аҳоли, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш 2 босқичда ўтказилади.

Кимёвий захарланиш:

Бевосита кимёвий хавфли объектлар (КХО) якинида яшаб турган аҳоли вақт етмаслиги сабабли, одатда, хавфли ҳудуддан олиб чиқилмай балки жипс ёпиладиган панажой ва хоналарга жойлаштириладилар ва нафас олиш йўллари шахсий муҳофаза воситалари билан химоя қилиш чоралари қўрилади. Аҳолининг қолган қисми амалда юзага келаётган шароитга қараб, энг қисқа муддатларда, асосан аралаш тартибда қўчирилади.

Сел қилиши ҳавфи бор жойлардан аҳолини эвакуация қилиш.

Бундай жойлардан аҳолини эвакуация қилиш сел оқими вужудга қилиш ҳавфи тутила бошланганда, сел вужудга келаётган даврда алоҳида ҳолларда эса сел оқими таъсири тутган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Бундай вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш тадбирлари олдиндан ўтказилгани маъқул, сел вужудга келаётган ҳолларда эса шошилинч эвакуация ўтказилади.

Қўчиришнинг шошилинч бўлишини сел оқимидан муҳофаза қилиш 4 соатлик вақт доирасида, ундан кейин эса реал ҳавф туғила боришига қараб белгиланади. Аҳолини эвакуация қилиш чекланган ёки маҳаллий тавсифда бўлади, 2 босқичдан-эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиши пунктини йўлга қўймасдан, сел оқими жойининг ўзида; ундан кейин эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш пункти орқали расмийлаштирилган жойларга етказиб қўйишдан иборат бўлади.

Хабар бериш олдиндан ёки селнинг боши ташвиш дарвозасидан ўтганда амалга оширалади.

Кўчки ҳавфи бор жойлардан аҳолини, моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш.

Бундай эвакуациялар қор қўчиши ҳавфи туғилганда шунингдек қўчки тушиб бўлгандан кейин ўтказилади. Аҳолини эвакуация қилиш ҳудудий принципда, бир босқичда ўтказилади, чекланган таснифда бўлади ҳамда оқидан ўтказиладиган, бунинг иложи бўлганда эса шошилинч бўлиши керак.

Ҳалокатли сув босши ва тошқин.

Аҳолини эвакуация қилиш гидротехника иншоотлари бузилиши ҳавфи туғилган ёки бузилган ҳолларда ёхуд сув ҳафзаларидаги сув сатҳи қўтарилиб кетганда (тошганда) шунингдек, объектларни рисоладек ишлаши бузилганда ва аҳоли турмуш кечириш шароитини таъминлаш тизимларини сув бузиб кетганда ўтказилади. Бундай шароитда аҳолини эвакуация қилиш чекланган маҳаллий таснифда бўлиши мумкин. Олдиндан ўтказиладиган эвакуацияларда эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш пункти йўлга қўйилади (ишлаб чиқариш, ҳудудий принципда). Олдиндан ўтказиш даври қисқа бўлганда аҳолини моддий ва маданий бойликларини эвакуация қилиш ҳудудий принципга биноан бир ёки икки босқичда (ЭОПни йўлга қўйиб) ўтказилади.

Ҳалокатли ёнғин содир бўлганда.

Ёнғин энг хавфли техноген ходиса бўлиб, киска вақт ичида халқ хўжалигига катта моддий зарар етказиш билан бир каторда одамларнинг ҳаётга ҳам замин бўлиши мумкин.

Шунинг учун барча маъмурий биноларда, ишлаб чиқариш корхоналарининг биноларида даволамш оммавий томонга, ётокхона биноларида ёнғин чикканда шу бинода бўлган одамларни эвакуация қилиш чизмаси ҳаммага кўринадиган жойларга илиб қўйилади, одамларнинг зудлик билан бинони тарқ этишлари учун барча ўтиш жойлари, йўлчалар, дахлизлари равон бўлиши, йўлакларда одамлар ҳалакит берадиган нарсаларнинг бўлиши йўл қўйилмайди.

Аҳолни эвакуация қилишни уюшқоклик билан ўтказиш мақсадида таълимотнинг қуйидаги турлари режалаштирилади ва амалга оширилади:

тиббийёт;

жамоат тартибини сақлаш;

транспорт;

йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш;

муҳандислик;

моддий техникавий;

алоқа ва хабар бериш;

кузатув таъминотлари;

Аҳолни эвакуация қилишни тиббий таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг кўчириладиган аҳоли соғлиғини сақлашга, кўчириш мобайнида ҳасталаниб қолганларга ва жароҳатланганларга ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишга, шунингдек юқумли касаллаикларни тарқалиб кетишини олдини олишга қаратилган ташкилий, даволаш, санитария-гигиеник ва юқумли касалликларга қарши эмалаш тадбирларини ўтказиши ўз ичига олади.

Эвакуация қилинадиган аҳолини тиббий таъминлаш, ҳудудий ишлаб чиқариш принципида амалга оширилади. Тиббий таъминлашга мазкур ҳудуднинг тегишли соғлиқни сақлаш раҳбарлари бошчилик қилади.

(Эвакуация) ЭКАЙЖ, ЭКАЧП, ЭОП, ЭХПД, тиббийёт масканлари вақтида йўлга қўйилишига, уларнинг тиббий анжомлар билан жихозланишига, эвакуация қилинадиган аҳоли шу пунктларига, йўлда кўчириб келтирилган жойлардан яхши тиббий ёрдам олишига ишлаб чиқарилган тиббий таъминот режаларига биноан аниқ даволаш-эмалаш муассасаларини (тиббийёт санитария) қисмларининг раҳбарлари бевосита масъул бўлади.

Жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади;

-хизматдаги гуруҳлар кўчиришлар, ўтказишда кукарув ва бошқа куткарув тадбирларни ўтказиш билан банд бўлмаган, ўтишга йўл қўймасликни кўзад тутадиган каттик тартибни амалга ошириш;

-эвакуация қилинадиганларни таъминлашга мўлжалланган транспорт воситалари техник ҳолатини араватиб ташлаб, назорат қилиш;

-одамларни ФВ юз берган ҳудудлардан жуда тез олиб кетишни таъминлаш мақсадида тўхтовсиз ўтадиган транспортларни сафарбар қилишда эвакуация тадбирларини ўтказишга масъул мансабдорларга ёрдам бериш;

-кўчириш объектларида эвакуация килинаётган аҳолини ўтиш йўлларида аҳоли яшаш жойларида ва уларни яшаш жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ваҳима ва миш мишларни олдини олиш.

-Айнан шу давр учун ўтнатилган тартибда объектларни кўриклаш;

-Шаҳар ичидаги ва шаҳар ташкарисидаги эвакуация килинган аҳолининг ҳаракат йўналишларида йўл ҳаракатини тартибга солиб туриш;

-Кўчирилганларни олиб борилаётган автомобила транспорт исафларига ҳамкорлик қилиб кузатиб бориш;

-Автомобил йўлларида танишнинг ва ФВ юз берган ҳудудларга киритиш режаимининг белгилаб қўйилган навбатларини таъминлаш;

-Шаҳар ва аҳоли яшаш жойларида эвакуация йўналишларида ва эвакуация килинган аҳоли жойлаштирилган жойларда жиноятчиликка қарши курашиш.

-Эвакуация килинган аҳоли ИИБ идораларида рўйхатга олинишини ташкил этиш, ҳамда яшаш жойлари ҳақида маълумотнома йиғиш ишларини юритилиши ишларини ташкил этиш;

Эвакуация килинадиган аҳоли йиғиладиган жойларда, кўчириш йўналишларида ва жойланиши жойларида муҳандислик кичик тузилмалар объектларини жиҳозлаб, йўлга қўйиш йўли билан аҳолини кўчириш учун керакли шароит яратиш муҳандислик таъминотнинг мақсади ҳисобланади.

Муҳандислик таъминотида бажариладиган шаҳар ҳажми ва тавсифи, кўчириш шароити, тури ва қўламига қандай куч ва воситалар борлигига ва жалб килинганлигига боғлиқ бўлади.

Қуйидагилар ЭКАЙЖни муҳандислик жиҳозлашига қуйидагилар қиради;

-эвакуация килинган аҳоли учун пана жойлар, яшириниш жойларини жиҳозлаш;

-фалокат содир бўлган жойнинг ёритилишини таъминлаш;

-кичик идишларга сув олиш жойларини жиҳозлаш ва тартибли сақлаш;

-санитария бўғинларини зарур воситалар билан жиҳозлаш;

Қуйидагилар транспортга чиқариш бекатларини жиҳозлашга қиради;

-яшириниш жойлари ва муҳофаза иншоотларини жиҳозлаш;

-сув таъминоти жойларини жиҳозлаш ва тартибда сақлаш;

-санитария бўлимларни жиҳозлаш;

-транспорт воситаларини жойлаштириш учун транспортга юкларни ортиш, майдончаларни жиҳозлаш;

Ҳаркат йўналишларида муҳандислик таъминоти юзасидан қуйидаги тадбирлар бажарилиш мумкин:

-эвакуация килинаётган аҳоли тушган автомобил калонналари жойланиш майдонларини жиҳозлаш, кишлоқ йўлларида кетаётганда йўлнинг бузук ёки ўтиб бўлмайдиган жойлардан айланиб ўтиш, йўлларни кўриш, шунингдек сув тўсиқларида кечкилар қуриш ва транспортлар ҳаракати тартибини сақлаш;

-кишда аҳолини эвакуация қилишда ҳаракат йўлларини қордан тозалаш;

-лойгарчиликда аҳолини эвакуация қилишда кишлоқ йўлларида ўтиш қийин жойларни тартибда сақлаш;

Қуйидагилар эвакуация килинган аҳолини жойлаштириш жойларини, муҳандислик жиҳозланишига қиради:

-эвакуация килинган аҳолини жойлаштириш учун джамоат биноаларини яшаш учун мослаштириш;

-зурур ускуналар билан жиҳозлаш ва вақтинчалик яшаш жойларида зарур шароит яратиш;

-вақтинчалик савдо нукталари, тиббиёт муассасалари, дано нонвойхоналари ҳаммомлар ва маиший объектларни усуналаш;

-сув таъминоти пунктларини усуналаш;

Кузатув ташкил этиш, режалаштириш ва мувофиқлаштириши тегишли ФВ бошкармалари бўлимларига юклатилади.

Ҳаво сув ва ер усти кузатувини амалга ошириш учун махсус куч ва воситалар билан таъминлаш назарда тутилади.

Ҳаво кузатуви фуқаро муҳофазаси самолётлари ва вертолётларнинг, шунингдек шу мақсадлар учун ҳарбий кўмондонлик ажратган самолёт ва вертолётларнинг махсус ўқитилган гуруҳлари ўтказди. Хаводан кузатувни вазифаси шикась ўчоқлари, чегараларини вайроналик ва ёнғинлар тавсифини, кўприк кечув иктисодиёт объектларининг транспорт шаоҳ йўллари, муҳандислик иншоотлари ва бошқа объектларнинг аҳолини иложи борица қиска муддатда аниқлашдан иборат.

Ер усти кузатуви ФМнинг кузатув тузилмалари ва бўлинмалари, кузатув ва тажриба хона тахлили тармоқларнинг муассасалари, радиациявий ва кимёвий кузатув пунктлари олиб боради.

Ер усти кузатуви таълимотларидан ФВ юз берган ҳудуднинг чегаралари радиация даражаси, вайронкорлар тавсифи, муҳофаза иншоотлари, йўл тармоқлари ва бошқа транспорт иншоотларининг аҳоли ҳақида тўларок ва ишончлироқ маълумот олиш учун фойдаланилади.

Сувдаги кузатув тадбирларни кемалар, кайиклар ва бошқа сузиш воситаларида ФМ тузилмалари шунингдек ҳарбий денгиз кўмондонлиги ажратадиган куч ва воситалари томонидан олиб борилади.

Шароит ҳақида тўларок маълумот олиш учун махсус кузатув турлари уюштирилади.

Аҳолин эвакуация қилишни моддий техникавий таъминлаш, кўчириш жараёнида транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишдан ёнилғи-мойлаш ашёлари ва эҳтиёт қисмлари, сув, овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар билан таъминлашдан иборат бўлади.

Моддий техника таъминоти давлат захираси идораларига, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига, «Ўзавтотранспорт» давлат корпорациясига, турар жой хўдалиги ва савдо қорхоналари ва ташкилотларига юклатилади.

Моддий техника таъминоти ФВ бошкармалари ташкил қилади мувофиқлаштириб туради.

Кўчириш даврида алокани таъминлаш ЭКАЙЖ, ЭОП, ЭКАКПни аҳолини моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш тадбирларини бошқариш ташкилотлари муҳим ва кўчма алоқа воситалари билан жиҳозлашдан, ҳамма даражаларда узлуксиз алокани ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат.

Алокани таъминлаш алока вазирлиги ташкилотларига ва ФВ бошкармаларига юклатилади.

Аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини амалга ошириш давомида аҳолига ахборот ва йўл йўриқлар бериб туришнинг алоҳида аҳамияти бор. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан, транспорт воситаларига, кўчаларга ўрнатилган радиокарнайлардан кўргазмали ахборотлардан фойдаланиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуний 4 моддасида ва «Аҳолини ва ҳудудларини тиббий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 27 моддасида, «Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳўжаликларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» дейилган. Бу ҳужжатлар ФВ юз берган ҳудуддан аҳолини моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилишга масъул бўлган шахсларни масъулиятини янада оширади, ФВ юз берган ҳудуддан аҳолини модий ва маданий бойликларини ҳавфсиз жойларга эвакуация қилиш катта ташкилотчиликна талаб қиладиган мураккаб аммо яхши самара берувчи тадбир ҳисобланади. Мувофаккиятли ўтказиш, эвакуация ташкилотларини, хабарлаш ва алоқа тизимларини олдиндан тайёрлаш, қуч ва воситаларни маҳаллий шароит ва хусусиятларни ҳисобга олиб олдиндан муқаммал тарзда режалаштириш, аҳолин эвакуация қилишни таъминлаш, ушбу жараёнда амалга ошириш керак бўлган барча тадбирларни яхшилаб ўрганиб чиқиш билан белгиланади.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси тегишли ҳокимиятларнинг ижройи идоравий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига эга ташкилотлар, шуниндек ФВ бошкармалари (бўлимлари) зиммаларига юклатилган.

Аҳолини эвакуация қилиш режаларининг бевосита ижрочилари бўлган маъмурий ҳудудий бирликлар иктисодиёт объектлари ва транспорт идоралари раҳбарлари таркибини кўчириш тадбирларини амалга ошириш ишларига тайёрлашнинг алоҳида аҳамияти бор.

Шунингдек, ФВ дан Ўзбекистон аҳолисини муҳофаза қилиш ва муҳофазаланиш тартиби ва қоидаларига режавий тайёрлаб бориш, ҳамда тузилма тарзида ўқув машкалари ўтказиб туриш керак.

II –ҚИСМ (БОБ)

Фуқаро муҳофазасини жойларда (ўқув муассасаларида) режалаштириш.

Фавқулодда вазият шароитларида жойларда (ўқув муассасаларида) кўчириш тадбирларини ўтказиш.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Эвакуация комиссиялари эвакуация қилинадиганларни йиғиш пункти, транспортларга ўтказиш ва улардан тушириш жойлари, эвакуация

килинганларни қабул қилиш пунктларининг мақсад ва вазифалари, транспортдан фойдаланиш.

2. Кор кўчкиси хавфи туғилганда ва кимёвий зарарланишда

Кўчириш ишларини олиб бориш.

3. Аҳолини маънавий – руҳий тайёрлаш ва тарғибот.

Таянч атамалар

ЧАЭС –Чернобиль атом электро станцияси

Эвакуация комиссиялари эвакуация қилинадиганларни йиғиш пункти, транспортларга ўтказиш ва улардан тушириш жойлари, эвакуация қилинганларни қабул қилиш пунктларининг мақсад ва вазифалари, транспортдан фойдаланиш.

Фукаро муҳофазаси ҳақидаги Ўзбекистон республикаси Қонуни 7 моддасида Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси Фукаро муҳофазаси тузимини уруш даври шароитига ўтказиш, аҳолини, моддий ва маданий бойликларни фавқулотда вазият юз берган ҳудуддан хавфсиз жойга эвакуация қилиш тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилаш ваколати берилганлиги таъкидланган.

Аҳолини моддий ва маънавий бойликларни эвакуатсия қилиш тадбирлари ҳажми катталиги, ташкил этиш ва ўтказишдаги мураккабликлари эвакуатсия қилиш ташкилотлари тузишга ҳамда уларнинг аҳолини кўчиришга сифатли тайёргарлик кўришларига оширилган талаблар кўяди. Аҳолини эвакуатсия қилишни ташкиллашни режалаштириш ва ўтказиш бевосита шаҳарлвр, ва вилоятларнинг эвакуатсия ташкилотларига, ҳокимият идораларига, ФВ бошқармаларига ва бўлимларига юклатилади.

Қуйидагилар эвакуация ташкилотлари таркибига қиради:

- аҳолин эвакуация қилиш хайъатлари;
- эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш хайъатлари;
- эвакуация қилинган аҳолини йиғилиш пунктлари;
- эвакуация қилинган аҳолин қабул қилиш пунктлари;
- эвакуациянинг оралик пунктлари;
- пиёда эвакуация қилинганларни йўлларда бошқариш гуруҳлари;
- кўчирилган аҳолини нақлиётган пиёда олиб чиқиш тезкор гуруҳлари.

Аҳолини кўчириш хайъатлари.

Фавқулотда вазиятлар давлат тизимида кўрсатилганидек, ишчилар, хизматчилар ва аҳолини моддий ва маданий бойликларини эвакуация қилишни режалаштираётган барча ҳудудларда эвакуация хайъатлари ташкил этилади.

Худудий эвакуация хайъатлари таркибига тегишли маъумрият раҳбарлари қарори билан ўша маъмурий худудий бўлинмалари масъул ходимлари қиритилади.

Эвакуация хайъатининг раиси этиб, одатда маъумрий худудий бўлинма раҳбарларининг (ҳоким) ўринбосари танланади. Эвакуация хайъати таркибига аъзо этиб, соғлиқни сақлаш, таълим ижтимоий таъминот идораларининг, транспорт ташкилотларини, ички ишлаб бошқармасининг, (бўлинмаларнинг)

рахбари (уларнинг ўринбосари) гарнизон бир ёки туман муҳофаа ишлари бўлимларининг вакиллари тайинланарди.

Эвакуация хайъатларида иш юртиши ва техник ишларни бажариш учун ҳудудий бошқарув идораларининг маъмурий ҳудудларидан ишчи гуруҳи таъминланади.

Эвакуация хайъатининг ишчи гуруҳлари иш йўналишлари бўйича бутланади ҳамда маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, бир неча ташкилий гуруҳлардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Булар, масалан, нақлиётда ва пиёда олиб чиқиладиган аҳолини ҳисобга олиш гуруҳи, эвакуация транспорт гуруҳи, эвакуация қилинаётган аҳолини ҳисобга олиш, қабул қилиш, ҳавфсиз жойларга жойлаштириш гуруҳи эвакуация тадбирларини таъминлаш гуруҳ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Объект аҳолини эвакуация қилиш хайъатига одатда корхона, муассаса, ташкилот бошлиғи ўринбосарларидан бири бошчилик қилади. Объект эвакуация қилиш хайъати таркибига асосан хизматчиларнинг бўлинмаларнинг бошликлари, цех бошликлари ёки уларнинг ўринбосарлари таъминлайди.

Фавкулотда ўз вазият юз берган ҳудудлардан эвакуация қилинадиган аҳолини моддий ва маданий бойликларни ҳавфсиз жойларда бевосита қабул қилиш, жойлаштириш ва таълимот режасини ишлаб чиқиш ва уларни ташкил этиш учун эвакуация қилинганларни қабул қилиш хайъатлари тузилади.

Ўзини ўзи бошқариш маҳаллий ташкилотлари ҳузурида тузиладиган кўчирилганларни қабул қилиш хайъатлари таркибига маҳаллий маъмурий вакиллари, шунингдек ташкили йҳукукий шакли қандайлигидан қатъий назар моддий ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш корхоналари бирлашмалари, муассасалари, ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Аҳолин эвакуация қилиш ва уларни қабул қилиш хайъатлари тегилша бошликларига бевосита итоат этадилар, ҳамда ФВ дегани (штаби) билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Эвакуация қилинадиган аҳолини йиғилиш жойлари.

Эвакуация қилинадиган аҳолини йиғиш жойлари ва рўйхатга олинishi, кўчириш колонналарини (саф) ва чегаларни тузиш эвакуация қилиш кундузда 5-6 та поезд жўнатишни ёки соатига 2 та (ҳар бири 500 кишидан) пиёдалар сафини бутлаш ва тайёрлашни таъминлайдиган қилиб ташкил этилади. Бир вақтда бараварига қаида 1 та поездга (кемага) одамлар чиқишини ёки бараварига бир саф одам йиғишини таъминлайдиган ўблиши керак. Ҳар қайси эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш жойни пунктига тартиб рақами берилади, унга иктисодиёт объектлари турар жойдан фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек аҳоли транспортда олиб чиқиш ва пиёда кўчириладиганларнинг йўллари ташкил этиладиган транспортга олиб чиқиш ва пиёда кўчириладиганларнинг йўллари ташкил этиладиган транспортга чиқиш жойлари берқитиб қўйилади. Эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш жойининг шаҳар, туман, объект кўчириш хайъатлари билан транспортга чиқиш жойлари ва транспорт ташкилотлари билан тўғридан тўғри алоқаси таъминланган ўблиши керак.

Транспортлардан фойдаланиш.

Техноген тусдаги ҳаракатлар ва тиббий овкатлар ҳудудларидан аҳолини кўчиришга мўлжалланган транспорт воситалари билан таъминлаш ва бу кўчиришда тегишли ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт воситаларини тайёрлаш, таксимланиш ва ишлатишнинг камраб оладиган тадбирлар мажмуидир.

Аҳолини эвакуация қилиш транспорт воситаларини белгиланган саройи, йиғилиш жойи бўлимини, бу воситаларни жумладан, аҳолининг хусусий фойланишда бўлган транспортларини аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширилишига жалб қилинишини давлатлараро алоқа йўлларида имкон даражасида фойдаланишни талаб этади.

Тиббий ва техноген тусдаги ФВ юз берганда аҳолини ФВ юз берган ҳудуддан тез олиб чиқиб кетишда катта самара берувчи аралаш усулдан фойдаланилади.

Радиактив ифлосланиш ҳудудидан аҳолини эвакуация қилишда транспорт билан таъминлаш 2 босқичли ҳар бири учун режалаштирилган бўлиши керак.

Аҳолини моддий ва маданий бойликларини кўчириш давомида шаҳар йўловчиларини ташиш транспортларидан фойдаланиш эҳтимолининг қуйидаги ҳар хил чизмалари назарда тутилади:

- аҳолининг турар жойларидан эвакуация қилинадиган аҳолининг йиғилиш пунктига ўтказиб қўйиш;

- эвакуация қилинадиган аҳолини йиғилиш пунктидан вақтинча яшаш жойларига етказиб қўйиш;

- эвакуация қилиниши лозим бўлган аҳолини ФВ юз берган ҳудуддан хавфсиз жойларга олиб чиқиш;

Аҳолини эвакуация қилишда шаҳар йўловчиларини ташиш транспортларнинг иши тифиз ҳаракат жадвалларига биноан транспорт воситаларида кўчирилаётганларни йўлларга қайта таксимлаб, қўшимча йўналашиллар очиб ташкил этилади.

Аҳолини эвакуация қилиниши ҳамма босқичларда транспортда ташиш ишлари уюшқоклик билан амалга оширилиши учун ва уларни барқарор бошқаришга шароит бўлиши учун махсус автомобил тузилмалари хусусан автомобил колонналари, автосанитария гуруҳлари, фуқароларнинг хусусий машиналардан фойдаланиши, транспорт гуруҳлари ташкил этилади.

Автомобил коллонлари умумий фойдаланишдаги автотранспорт корхоналари ва иктисодиётнинг бошқа тармоқлари, объектлари автотранспортлари негизида тузилади. Ҳудуд фуқаро муҳофазаси бошлиғига шу ҳудудда яшовчи аҳолининг хусусий фойдаланишда бўлган автомобиллардан ФВ лар шароитида фойдаланиш ҳуқуқи берилган бўлиб, шу нақлиёт эгаларининг розилиг асосида гуруҳларга.

Хусусий фойдаланишдаги транспорт воситалир олдиндан рўйхатдан ўтказилади ва ҳисобга олинади. Эвакуация тадбирларида катнашиш ҳақида ва бундай катнашиш моддий таминланишни, шунингдек шу даврга аҳамияти бор транспортлардан аҳолини муҳофаза қилиш юзасида қўйилган вазиваларни бажаришдаги ҳаражатлар қопланиши ҳақида автомобил транспорти эгалари билан келишув мажбурияти тузилади. Хусусий автотранспорт воситасини шу

автотранспорт воситалари рўйхатга олинган жойдаги давлат автомобил назорат ДАН идоралари сафларига бирлаштиради. Ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий ташкилотлари, кўчириш, ташкиш ишларида катнашгани учун автотранспорт эгаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини назарда тутиш керак.

Ҳаво ва бошқа транспорт воситалари мавжуд транспорт воситалари ФВ юз бериши натижасида, ишдан чиққан ҳолларда, бориш кийин жойлардан аҳолини эвакуация қилиш учун ишлатилади. ФВ ҳолатларида эвакуация қилинаётган аҳолининг ўзларини тутиш нормалари ва мажбуриятлари.

ФВ нинг тури ва характерида келиб чиқиб, аҳолининг ФВ ўчоғида ўзини тутиш нормалари турлича бўлади.

Куйида улардан айримларини келтириш мумкин.

Зилзила рўй берганда...

- биринчи навбатда жойлашган фуқаролар зудлик билан бинодан чиқиб, кўп қаватли биноларда узокрок холи жойга чиқишлари;
- иккинчи, ва ундан баландрок қаватдаги фуқаролар аввалдан белгилаб қўйилган бинонинг, деворнинг мустаҳкам жойларига жойлашишлари;
- дараза, айвон ва печкалардан узокрок бўлишлари;
- лифт ва зинлардан фойдаланмасликлари;
- қучада кулаб тутиши мумкин бўлган бино иншоот баланд девор электр тармоқларидан узокрок бўлишлари;
- автомобилда кетаётганда машинани тўхтатишлари ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар машинадан тушмасликлари;
- кулаб тутишлари мумкин бўлган кўприк эстакада ва бошқарилмаётган иншоотларга яқинлашмасликлари;
- эвакуация комиссиялари, ташкилотлари кўрсатмалига қатъий риоя қилишлари керак бўлади.

Кўчки ёки ўпирилиш ҳавфи туғилганда ва содир бўлганда ...

- берилаётган ахборотларни кузатиш ва кўрсатмаларга амал қилишлари;
- саросимага тушмай, зудлик билан йўналиш бўйича ҳавфсиз жойга чиқишлари;
- шикастланганларга ёрдам беришлари;
- кўчки ҳаракатига қўндаланг равишда ҳаракатланишлари;
- бинолар ичига қирмасликлари ва баланд иншоотларга яқинлашмасликлари лозим;

Тошқин ҳавфи туғилганда ва соди бўлганда...

- эвакуация тўғрисидаги хабарни олишлари билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб, бинодан чиқиб кетишлари;
- сув оқими кесиб ўтишга ҳаракат қилмасликлари;
- ёрдам етиб келгунга қадар ҳавфсиз жойни тарк этмасликлари;
- гулхан ёкиб, фонар ва мато ёрдамида ҳалокат сигналинини беришлари;
- сув ичида қолган ҳолда уст-бош ва пойафзалларни ечиб ташлаб, атрофдаги бузувчи сузувчи воситалардан фойдаланган ҳолда сувдан чиқишга ҳаракат қилишлари;
- болалар ва кексаларга ёрдам беришлари зарур.

Сел ҳавфи туғилганда ва содир бўлганда...

- саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тез ва тўғри баҳолашлари;
- асосланган қарор қабул қилгач, унга биноан ҳаркат қилишлари;
- сел қилиши мумкин бўлган ҳавфли майдонларни тезда тарқ этишлари;
- сел оқимиға тушиб қолганда оқим ҳаракати бўйлаб бурчак остида қирғокқа чиқиб олишға ҳаракат қилишлари керак.

Қор қўчқиси ҳавфи туғилганда ва содир бўлганда...

- саросимаға берилмасдан, газ электр тармоқларини ўчиришлари, ўзлари билан ҳужжатлар, энг зарур буюмлар ва озиқ овқатни олишлари ва эвакуация қилинадиганларни йиғиши жойиға олидиндан белгиланган ёки эълон қилинган жойиға боришлари;
- қор қўчқиси йўлидан четға қочишлари;
- қор қўчқисига дуч қелган ҳолда сузаётганға ухшаш ҳаракат қилиб, қор оқими юзасида қилишиға ҳаракат қилишлари;
- қор остида қолган ҳолда қўқрак ва бош атрофида бўшлиқ ҳосил қилишлари зарур;

Ёнғин ҳавфи туғилганда ва содир бўлганда

- оқилона ва ўйлаб тез ҳаркат қилишлари;
- ўт ўчириш хизматиға ҳабар беришлари;
- мавҳуд воситалар ёрдамида ёнғинни ўчиришға ҳаракат қилиш;
- одамларни қутқаришға ҳаракат қилишлари;
- ёнаётган адамдан алангани устиға қалин мато ташлаб ўчиришлари;
- тутунли хонада ерга эгилиб ҳаракат қилишлари;
- ёнғин қучайиб қетмаслиги учун эшик ва деразаларни очмасликлари;
- ёнаётган бинодан тезликда чиқиб устиға намланган чойшаб ташлаб олишлари;
- электр асбобларидан чиккан ёнғинни ўчиришда, аввал уни ток манбаидан узиб қуийишлари лозим:

Радиактив зарараланиш...

- ҳабар бериш сигналини эшитгач, хонадан ташқарига чикмай, берилган ахборотни тинглашлари;
- шахсий химоя воситалари ва баданни буткул ёпувчи қийимларни қийишлари;
- эшик, дераза, тешиқларни ёпишлари, совутиш ва иситиш тармоқларини ўчиришлари;
- давлат органлари рухсатисиз ҳавфсиз жойдан чикмасликлари;
- бинодан ташқарида бўлган ҳолда, нафас олиш органларини намланган рўмолча билан ёпишлари, яқин ердаги биноға қириб радиацияға қарши пана жой ёки ертўлага жойлашишлари;
- автомобилда бўлган ҳолда, ойналарни ёпиб, вентеляцияни ўчиришлари;
- Йод препаратлари ёки йодни 5 %ли эритмасини қабул қилишлари;
- Давлат органлари қутқарувчилари кўрсатмалиға амал қилишлари;
- Бинодан чиқишға рухсат берилган бўлса буюмлар, овқат ва сувға қулларини текқазмасликлари;
- Текширилган манбалар очик сув ҳавзаларидаги сувларни ичмасликлари;
- қўлларини совунлаб ювишлари ва оғиз бўшлиқларини чайқашлари;
- бинодан чиқишдан аввал қийимларни алмаштириш «ифлос»ларини ташқарида қолдириш;

-эвакуацияга тайёр туришлари;

-буюмларни дезактивация қилишлари ва санитария кўригидан ўтишлари шарт.

Кимёвий зарарланишда...

-Диккат барчага! Сигналини эшитгач, саросимага тушмай, окилова ва тез ҳаркат қилишлари. Телевизор радио приёмникларни ёпишлари ҳамда кимёвий зарарланиш ва аҳоли ҳаракати тўғрисидаги ахборотни шитлари;

-Зудлик билан шахсий ҳимоя воситаларни қийишлари ва пана жойга беркинишлари;

-Панажой мавжуд бўлмаган ҳолларда олган хабарга кўра ҳаракат қилишлари;

-Эшик дераза дарчаларини ёпишлари, электр асбоблари ва газни ўчиришлари;

-Биодан чиқишда кўрсатилган йўналиш бўйича ёки шамол йўналишига кўндаланг ҳаракат қилишлари;

-Уйдан чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса хонани ҳаво кирмайдиган қилиб, дераза, дарча, эшик, тешик тирқишлари дуд буронини лейкопластер, салафанлар билан зич ёришлари;

-Кўчада бўлган ҳолларда оғиз бурин бўшлиқларини рўмолча билан ёпиб яқин ердаги бинога киришлари;

-Эвакуация тадбирлари ўтказиладиган бўлса энг зарур буюм ва ҳужжатларни олиб йиғилиш пунктларига боришлари;

-Кимёвий захарланиш майдонидан чиқилгандан сўнг устки қийимларни ечиб башқарида қолдиришлари, баданни яхшилаб оқар сув остида совунлаб ювишлари, оғиз бўшлиқларини чайишлари;

-Кимёвий зарарланиш ҳавфини бартараф этиш тўғрисидаги ахборотдан хабардор бўлишлари лозим бўлади;

33333 АҲОЛИНИ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРЛАШ ВАТАРҒИБОТ

Ўтган XX аср инсоният тараққиётида туб бурилиш ясади. Дунё ҳамжамияти муносабатларнинг янги босқичига кириб келди, иқтисодий алоқалар кенгайиб бормоқда, ер юзида иқлим исиб бормоқда, сайёрамиз аҳолисининг тезликда кўпайиб бориши кузатилмоқда. Сўнгги йилларда халқаро терроризмнинг фаоллашуви намоён бўлмоқда, кўпчилик дунё мамлакатлари турли экстремистик ташкилотларнинг ҳаракат доирасига кириб қолмоқда.

Марказий Осиё ҳудудида ҳам табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони, ошиб бормоқда. Бундай шароитда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимининг ўрни кучайиб боради. Бу тизим тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамлар, иқтисодиёт, ҳудудлар ҳавфсизлигини таъминлаб беради. Аммо, бу таъминотга фақатгина фуқаро муҳофазаси фаолияти, жумладан раҳбарлар ва тузилмалар шахсий таркибининг тайёрлиги» аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича билимларини ҳар томонлама такомиллаштириб бориш билангина эришиш мумкин.

Тайёргарликнинг асосий йўналишларидан бири фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш ҳисобланади. Инсоннинг фавқулодда вазият шароитига тушиб қолиши доимо унинг руҳиятига кучли таъсир қилади. Тиббиёт статистикаси маълумотларига кўра ҳалоқатли фавқулодда вазиятлардан сўнг кўпчилик аҳоли руҳий жароҳат олади ва муолажага мухтож бўлади.

Психолог-олимлар ҳам бундай тайёргарликнинг жуда муҳимлиги ҳақида гапирадилар.

Фавқулодда вазиятлар шароитида маънавий – руҳий тайёргарликнинг моҳияти.

Маънавий сўзи «кишининг ички дунёсига оид» деган маънони билдиради. Бу ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, одамлар юриш – туришида муомалада амал қиладиган тамойиллар, меъёрларнинг мажмуидир. Бу меъёрлар одамларнинг бир – бирига ва инсоний бирликнинг турли шакллари (оила, меҳнат жамоаси, миллат, умуман жамият)га муайян муносабатларнинг ифодасидир. Бунинг ҳуқуқ тушунчасидан фарқи шундаки, маънавият тамойил ва меъёрлари давлат қонунчилигида қайд этиб қўйилмай, уларга риоя қилиш қонунга эмас, балки виждонга ва жамоатчилик фикрига асосланган бўлади.

Ваҳиманинг намоён бўлиши.

Ваҳима – бу инсонлар гуруҳини босиб оладиган, сўнг атрофдагиларга ўтадиган ва бошқариб бўлмайдиган жараёнга айланадиган кўрқув ҳисси. Инсонларда содир бўлаётганни ўзига олиш эмоционал жиҳатдан кескин ортади, хатти-ҳаракатларига жавобгарлик пасаяди. Инсон ўзининг ҳаракатини ақлан баҳолашга, юзага келган вазиятни тўғри тушунишга қодир бўлмайди, бундай муҳитда фалокат ҳудудидан бир кишининг қочиб кетишга билдирган истагининг ўзи омманинг унга тақлид қилиши учун кифоядир.

Енгил, ўрта ва тўлиқ ваҳимани ажратадилар. Енгил ваҳимада дадиллик, вазиятни баҳолай олишлик сақланади. Ташқидан бундай ваҳима фақатгина енгил эзилганлик, ташвишланганлик, мушакларнинг торайиши ва шунга ўхшашликлар билан ифодаланиши мумкин.

Ўрта ваҳима содир бўлаётганга онгли равишда баҳо бера олмаслик, кўрқувнинг кучайиши, ташқи таъсирларга берилиш билан тавсифланади. Ўрта ваҳиманинг типик мисоли бўлиб, масалан, нархларнинг ошиши, молларнинг сотувдан йўқолиб қолиши ва ш.х. Ҳақидаги ҳаққоний ёки ёлғон мишмишларнинг оқибатида дўконлардан молларни сотиб олиб қўйиш бўла олади.

Ўрта ваҳима кўп ҳолда ҳарбий операцияларни ўтказишда, катта бўлмаган транспорт ҳалокатларида, ёнғинда (агар у яқинда бўлиб, бевосита ҳавф туғдирмаси) ва турли хил табиат офатларида намоён бўлади.

Тўлиқ ваҳима – тўлиқ ўзини билмай қолиш билан тавсифланадиган, асабий ҳолатли ваҳима, ўта ҳалокатли ҳавф-хатар ҳиссида (ҳаёлий ёки ҳақиқий) содир бўлади. Мана шундай ҳолатда инсон ўз хатти-ҳаракатига тўлиқ жавоб бермайди: дуч келган жойга қочиш (баъзида ҳавф-хатар ўчоғига), турли хил нотўғри ва ноахлоқий, ўринсиз ҳаракатларни қилиши мумкин. Ваҳиманинг классик мисолларини «Титаник», «Адмирал Нахимов» кемаларида (кейингисида вазиятларда тезлиги «тўла ваҳимага» айланишга имкон бермади), шунингдек уруш, зилзила, тўфон, дўконлардаги ёнғинларда ва ҳ. кўриш мумкин.

Давомийлигига кўра ваҳима қисқа вақтли (сония ва бир қанча дақиқа), етарли узоқ вақтли (бир неча ўн дақиқа, соатлар), вақти узайтирилган (бир қанча кун, ҳафталар) бўлиши мумкин. Қисқа вақтли ваҳима – бу, масалан, бошқарувни йўқотган автобустаги ваҳима ва ш.ўх. Етарли узоқ вақтли ваҳима

маълум вақтда авж олмаган ва унча кучли бўлмаган зилзилаларда бўлади. Вақти узайтирилган ваҳима – бу ваҳима узоқ вақтли жанговар операциялар, масалан, Ленинград қамали, ЧАЭС даги портлашда содир бўлган.

«Узлуксиз ваҳима»ни ажратиш мумкин: инсонлар турли ва турлича радиация билан зарарланган жойларда доимий хавотирда ва безовталиқда бўлади; террористик актларни кутиш ҳолатида бўлади ва ш.ўх. Узлуксиз ваҳима асосан умидсизлик, ғазаб, тушкунлик, депрессиянинг фақатгина алоҳида бир кўринишлари билан юзага келадиган яширин, етарли даражада ташқида кўринадиган хусусиятга эга.

Ваҳиманинг деструктив оқибатларини кўриб чиқиб, куйидаги турларини ажратадилар:

ҳеч қандай моддий оқибатларсиз ва қайд этиладиган психик ўзгаришларсиз бўлган ваҳима;

зарар кўриш, қисман ва яққол психик жароҳатлар, қисқа вақтга ишқобилятини йўқотишга эга ваҳима;

инсон қурбонлари, етарли моддий зарарлар, асаб касалликлари, ногиронлик ва узоқ муддатга ишқобилятини йўқолишга эга ваҳима.

Ваҳиманинг асосий сабаблари деб кўп ҳолда инсонларнинг аниқ ҳолати, хусусан уларнинг кутилмаган ҳолларга, қўққисдан рўй берган ҳавф-хатарларга санбийлиги, аниқ вазиятларга нотўғри баҳо бериш («қўрқувнинг кўзи катта») билан бўртирилган қўрқув, даҳшат ҳисобланади. Ҳарбий мутахассислар аскар ва зобитлардаги ваҳима сабабларини умумий маънавий ҳолат, интизомнинг куйи даражаси, сардорларнинг қурматга нолойиқлида кўрадилар.

Мавжуд тасаввурларга кўра ваҳиманинг юзага келишни аниқловчи икки асосий ҳолати бор. Биринчиси, асосан ҳаёт, соғлиқ, ҳавфсизлик учун қўққисдан пайдо бўлган таҳлика, масалан, ёнғин, портлаш, фалокат билан боғлиқ. Иккинчисини эса мувофиқ «психологик ёнилғи»ни тўплаш ва муайян психологик катализаторнинг «реле»сини ишлатиш билан боғлаш мумкин. Узоқ кечинмалар, қўрқишлар, таҳликанинг ортиши, вазиятнинг ноаниқлиги бўлиши мумкин бўлган ҳавф-хатарлар, кулфатлар – буларнинг ҳаммаси ваҳиманинг юзага келишига куллай шароит яратади, бу ҳолда катализаторлар бўлиб дуч келган нарса бўлиши мумкин (ҳавфлар занжирини нафақат кучли қўрқув, балки намоён бўлишга кўра умуман ҳавфсиз бўлган товушлар, сўзлар, кимнингдир ўзини тутиши кутилаётган ҳавфларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қандайдир сигналлар бўлаши мумкин).

Кучли динамик ваҳима ривожланиши механизмини англадиган, қисман англадиган ёки англамайдиган мақсад деб тасаввур қилиш мумкин: «ишга солиш сигнали»ни ёқиши (бирдан ёниш, баланд товушлар, бионинг қулаши, зилзила ваҳ.), ҳавфқхатар образини қайта яратиш (у турлича бўлиши мумкин), англашнинг турли хил даражаларида организм ҳимоя тизимининг ва беихтиёр таъсирланишнинг жадаллашуви ва бундан кейин бўладиган ваҳимали хулқ-атвор (ёки қандайдир унинг ваҳимали тури, шу қаторда суст таъсирланиш, тўхтаб қолиш).

Ҳарбий психологлар белгилашича, ваҳима юзага келиши имкониятларини олдиндан аниқлаш мушкул.

Ваҳиманинг бош сабаби бўлиб ҳар доим кўрқув ҳисобланади. Бундай асосланганлик «кўрқув» тушунчасини таҳлил қилиш заруриятига олиб келади. Кўрқув – бу суст авайланиш ёки ҳимояланиш рефлексда намоён бўлмайдиган эмоционал ҳолат. Моҳиятига кўра, организм ҳаётига ёки унинг соғлиғига таҳлика соладиган ҳавф-хатарга мослашадиган таъсир ҳисобланиб, кўрқув биологик мақсадга мувофиқ ва ўз жонини сақлашга интилиш инстинкти билан боғлиқ, бироқ оғир шарт-шароитларда жамиятда инсоннинг ўзини тутишида кўрқув кўп ҳолда онгли равишда билиш мақсадларига эришишга тўсиқ бўлади.

Физиологик жиҳатдан кўрқув бош миянинг катта ярим палласининг тормозланиш ҳолати билан тушунтирилади: «кўрқув, - И.П. Павлов кўрсатилгандек, - агар физиологик жиҳатдан тушунтирилса, бу, албатта, тормозланишдир». «Психологик жиҳатдан қорқув, кўрқоқлик, кўрқувчанлик деб аталадиган ўз физиологик асоси бўлиши катта ярим палланинг тормозли ҳолатига эга, турли хил суст авайланиш рефлексининг даражаларини билдиради».

Ташқи шарт-шароитларга кўрқувнинг таъсири шартсиз каби шартли рефлекси асаб механизмида юзага келиши мумкин. Кучли кўрқувда инсон таҳликали ҳавф-хатарга қарши туриш қобилиятини йўқотади, ҳаракатларни онгли равишда назорат қилиш сусаяди, таъсирлар тўхтаб қолади, ҳаракатлар бузилади. Кўрқув, мувофиқлиги унинг кўпинча учраб турадиган ўрта тезлашув даражасида беихтиёр фаолиятнинг сустлашиши, умумий нозркинлик ва ёд бўлиб қолган ҳаракатларнинг бузилишида ифодаланади. Кўрқув сезаётган инсонда таъсирланиш тезлиги секинлашади, мушаклар тонуси бўшашади, оёқ-қўллар, пастки жағ титраяди, оқибатда тишлар тақиллашни бошлайди, овоз узилади, нафас олиш мароми, юрак – томир системаси фаолияти бузилади ва ш.ў. Шунингдек қабул қилиш, фикрлаш, хотира каби психик жараёнларнинг бориши динамик жиҳати бузилади. Бундай ҳолатда инсонда ўзини назорат қилиш сусаяди, ва у зўрға ўзини кўлга олади.

Кўрқув ташқи таъсирга жавоб бера оладиган ва шахсий хавотирланиш ҳис-ҳаяжонларнинг асосийси, юзага келтирувчиси ҳисобланади.

Хавотирланиш – бу индивидга боғлиқ бўлган қаттиқ ҳаяжонлар йиғиндиси, масалан, кўрқув – азоб чекиш - ғазаб, кўрқув – айб, кўрқув – азоб чекиш, кўрқув - ғазаб. Ҳавф-хатарнинг аниқ мавжуд ташқи вазияти билан боғлиқ бўлган вазияти кўра хавотирланиш, ва индивид тамонидан бу ҳолатни бошдан кечиришга юқори мойилликда таркиб топган психологик хусусият сифатида шахсий хавотирланишни фарқлайдилар.

Психология адабиётида берилган хавотирланиш таҳлили таъкидлашга имкон берадики, хавотирланишнинг юзага келиши бош сабаби ноаниқлик ҳисси ҳисобланади.

Аниқ инсонга стресс омилларнинг таъсири унинг индивидуал хусусиятларига ва шу стрессорларнинг унга бўлган аҳамиятига боғлиқ.

Мухим хусусиятлардан бири дадиллик ва ўз-ўзини назорат қилишдир.

Ўзини тута билиш, ҳатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, кечинмаларига жавоб бера олиш, экстримал шароитларда ўз феъл-атворини онгли равишда бошқара

олиш қобилиятларига эга бўлиш қимматли ахлоқий ва иродавий хислатлардан бири бўлган дадилликни тавсифлайди.

Бошқа иродавий шахс сифатлари каби бу хислат инсон ҳаёти ва фаолияти жараёнида ривожланади. Ўзини онгли бошқариш кўпгина психологик хусусиятлар билан тавсифланади. Улардан муҳимлари:

Атайин, ўз хоҳишига кўра, сўз қўзғатувчисидан фойдаланиб, у ёки бу ҳаракатни юзага келтириш;

Ихтиёр ёки ўз истагига кўра бошланган ҳаракатни, тасаввур, хотира, фикрлаш психик жараёнларини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш;

У ёки бу вазифани ҳал этиш учун керак бўлган фаолият фаоллигини онгли равишда қўллаб-қувватлаш, сақлаш (масалан, зарур бўлганда диққат эътиборни қаратиш; керакли вақтда қандайдир қодисани кузатиш; чарчаганда ҳам ҳаракатлантирувчи ҳаракатларни бажариш);

Ўзининг — бир қатор ҳаракатлари тезлашувини олдиндан бошқариш, онгли равишда кучайтириш ёки фаоллаштириш ва, аксинча, ҳаракатланиш (моторли) фаолликни бўшаштириш, диққат эътиборни кўчайтириш ёки бўшаштириш тасаввурни, фикрлашни, хотираларни фаоллаштириш ва ш.ў.

Барча оғир вазиятларда инсоннинг маънавий чиниққанлиги ва психик ҳолати муҳим ўрин тутди. Улар турли ҳил оғир ҳалларда англанди, дадил ва ҳисобга олинган ҳаракатларга тайёрликни аниқлайди.

Табиат офатлари, йирик фалокатлари инсонларда катта эмоционал асабийланишни юзага келтиради, юқори ахлоқий-психологик қатъийликни, чидамлилики ва жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишга, вайрон бўлаётган моддий бойликларни сақлаб қолишга тайёрликни талаб қилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Эвакуация ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, сел келиши, кўчки бўлиш ва бошқа фавкулотда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган жойлардан аҳолини кўчириш.

3. Режанинг матн қисмига қилинадиган иловар

5 – Мавзу

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ КУЧЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

I ҚИСМ

Ўз - ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари.
2. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш воситалари.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг яратилиш моҳияти республикамиз ҳудудларида содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг содир бўлиш эҳтимоли юқори эканлигидадир. Ҳар қанча олди олинишига қарамасдан фавқулодда вазиятлар содир бўлиб турар экан, уларни бартараф этиш учун маълум куч ва воситалар зарур бўлади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда содир бўлган фавқулодда вазиятнинг тури, хусусиятига мувофиқ махсус кучлар жалб қилинади. Бундай вазиятларда фавқулодда вазиятнинг вақти, қамраб олган ҳудуди, аҳоли пункти ва бошқа хусусиятларига алоҳида эътибор берилиб зудлик билан ишга киришилади.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари - бу тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш функциясига эга бўлган барча давлат, маҳаллий, объект тузилмалари ва бўлинмаларининг мажмуидир.

ФВДТнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича

фуқаро муҳофазаси қўшинлари;

фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари;

вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария-тиклаш бўлинмалари;

маҳаллий ҳокимият органларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчи командаларининг тузилмалари;

объектларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари;

ҳудудий ва объектларнинг умумий ва махсус мақсадлардаги тузилмалари;

Қизил Ярим ой Жамиятининг кўнгиллилар отрядлари (командалари, гуруҳлари);

«Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти.

Фуқаро муҳофазаси кучлари фуқаро муҳофазаси қўшинлари, тузилмаларидан таркиб топади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қутқарув тузилмалари, қисмлари ва бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин.

Фуқаро муҳофазаси қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади. Фуқаро муҳофазаси қўшинлари Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бўйсинади ҳамда ўз тезкор йўналишларига мувофиқ ҳарбий даврда республиканинг муҳим муҳофаа ва саноат объектларида фавқулодда вазиятларни тугатишга оид ишларни олиб борадилар.

Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг ҳарбий даврдаги асосий вазифалари зарарланиш ўчоқлари ва захарланиш зоналарида муҳандислик, радиациявий, кимёвий ва бошқа қидирув турларини олиб бориш; қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш; аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини эвакуация қилиш ишларида иштирок этиш; аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш объектларини амалга оширишда иштирок этиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг бошқа вазифаларини бажаришдан иборат.

Тинчлик даврида фуқаро муҳофазаси қўшинлари йирик кўламдаги ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлар, табиий офатлар чоғида авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктираб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ва махсус приборлар, техникалар, асбоб-ускуналар ва тайёрланган мутахассисларни талаб этувчи фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун жалб этилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари профессионал мутахассислар билан тўлдирилган ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи махсус қидирув-қутқарув ускуналари билан жиҳозланган, шунингдек энергия таъминоти, махсус кийим-бошларнинг мустақил манбалари» етарлича сув, озиқ-овқат ҳамда қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни автоном режимда камида 72 соат ичида таъминлашни ҳисоб-китоб қилиниб чиқарилган харажат материалларига эга бўлган доимий тайёргарликдаги авария-қутқарув ва авария-тиклаш кўп тармоқли тузилмаларини ўз ичига олади, Булар республика қидирув-қутқарув маркази (РҚҚМ), махсус ҳабийлаштирилган қидирув-қутқарув қисми (МХҚҚҚ), 68305-ҳарбий қисм (алоҳида алоқа баталони) ва Давлат сувда қутқарув хизмати (ДСҚХ)дир. Республика бўйича жами 17 та авария-қутқарув бўлимлари мавжуд.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмаларининг вазифалари фавқулодда вазиятда тез ишга киришишга, фавқулодда вазиятларни чеклаш ва тугатишда самарали ҳаракатларга шай туриш, разведка ўтказиш, вазиятни баҳолаш ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тезкор маълумот бериш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш, шикастланганларни, моддий ва маданий бойликларни қидириш ва қутқаришдан иборат.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш чоғида вайроналар остида қолган одамларни қидиришда тўрт оёқли жониворларнинг хизмати катталигини эътиборга олиб 1998 йил 5-сентябрида кинология хизмати ташкил этилди. Ҳозирги вақтда бу хизмат РҚҚМ таркибига киритилган. Кинология хизматининг асосий вазифаси шикастланганларни қидириб топишга итларни

ўргатишдан иборат. Қидирув-қутқарув ишлари олиб бориш учун немис овчаркаси, курцхаар, спаниел каби турдаги итлар ўргатилади.

Қутқарув тузилмалари қутқарув ишларини олиб бориш учун зарур бўлган Германиянинг «Мерседес-Бенц», «Розенбаум», россиянинг «Газел», «Камаз» русумидаги қутқарув машиналари, «фаун» юк кўтариш крани, «Трелгем» муҳофаза кийимлари, «Холматро» пневмогидравлик жиҳозлари, баландликка кўтарилиш мосламалари ва ғаввослик анжомлари билан таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ватанимиз қутқарувчилари биринчи марта халқаро миқёсда ўз ёрдамларини кўрсаташди. Бу 1999 йил 17 августдаги Туркия давлатида содир бўлган ҳалокатли zilзила оқибатларини бартараф этиш тадбирлари эди. Икки ҳафта давомида 24 қутқарувчи Туркия халқи бошига тушган табиий офатни бартараф этишга кўмак беришди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсинувчи тузилмалар талабларда белгилаб қўйилган профессионал, жисмоний ва маънавий-руҳий тайёргарликдан ўтган, тиббий комиссия қутқарув ишларига яроқли деб топган 20-35 ёшдаги фуқаролардаи кўнгилли асосда бутланади.

Қутқарувчиликка тайёргарлик дастури бўйича ўқигандан сўнг авария-қутқарув ишлари ўтказишга белгиланган тартибда аттестациядан ўтган қутқарувчиларгина бу вазифани бажаришларига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат сувда қутқарув хизмати (ДСҚХ) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятлар бошқармалари таркибий тизимига кирувчи бўлинма ҳисобланади. ДСҚХ фаолиятига умумий раҳбарликни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалга оширади. ДСҚХ фаолиятини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Авария-қутқарув кучлари бошқармаси мувофиқлаштириб туради.

ДСҚХ нинг асосий вазифалари республиканинг шаҳарлари, ташкилотларида сувда содир бўладиган фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ишларини ташкил этиш тартибини белгилаш; фавқулодда вазиятларда қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва одамларга зарур ёрдамни кўрсатиш; республикада авария, ҳалокат ва табиий офатлар оқибатида сувда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар миқёсини камайтиришни таъминловчи ягона сиёсатни таъминлаш ва амалга ошириш; ҳуқуқий ва махсус тадбирлар тизимини шакллантиришда, шунингдек бу тизим фаолиятини амалга ошириш учун мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш; сувда фавқулодда вазият содир бўлганда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича ДСҚХ ягона тизимини ишлаб чиқиш ва доимо такомиллаштириб бориш; сувда фавқулодда вазият содир бўлганда ДСҚХ куч ва воситаларидан комплекс фойдаланишни таъминлаш; бўлинмаларда ғаввослик ишларини олиб боришда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан назоратни амалга ошириш; фавқулодда вазиятларда қутқарув станциялари ва постлари шахсий таркиби, шунингдек фавқулодда вазият оқибатларини тугатиш ишларида қатнашаётган аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш; манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятларда

тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича аҳолини ва қутқарувчиларни ўқитиш ва тайёрлаш ишларида қатнашишдан иборат.

2000 йил август ойидан бошлаб Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳузурида республика ғаввослар мактаби очилди ва ёш мутахассисларни ўқитиш йўлга қўйилди.

ДСҚХ кучлари билан республиканинг 36 сув ҳавзаси назоратга олинган. Бундан ташқари катта чуқурликларда ва энг қийин жойларда қутқарув ишларини олиб бориш учун махсус мақсадлардаги қидирув-қутқарув гуруҳи ташкил этилган.

Қамчиқ довонидаги қор кўчиши (1999 йил 21 ноябр) қутқарувчиларни оғир иқлим шароитларида ишлай олишларини синовдан ўтказди. Ҳозирги кунда мазкур йўлнинг халқаро миқёсдаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда ва транспорт қатновида узилиш бўлмаслиги, энг муҳими, хавфсиз ҳаракатни таъминлаш мақсадида ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ махсус «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди ташкил этилди.

Бу гуруҳнинг асосий вазифаси Қамчиқ довонида узлуксиз кузатув ишлари олиб бориб, фавқулодда вазият рўй беришининг олдини олиш, содир бўлганда тезкор ҳаракат қилиб хавфсизликни таъминлашдан иборат. «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди фаолиятни Республика Бош гидрометеорология хизмати, «Ўзавтойўл» концерни, Ички ишлар вазирлиги, Давлат геологик хавфли ҳодисалар хизмати ходимлари билан биргаликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2000 йил 4 августдаги 81-буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авария-қутқарув бўлинмалари қутқарувчиларига квалификация унвонларини белгилаш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» амалга киритилди. Йўриқномага асосан қутқарувчиларга тайёргарлик даражаси ва мутахассислик бўйича мустақил иш стажига мувофиқ «3-даражали қутқарувчи», «2-даражали қутқарувчи», «1-даражали қутқарувчи», «Халқаро миқёсдаги қутқарувчи» квалификациялари берилади. Йўриқномада қутқарувчиларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, нималарни билиши ва қандай ишларни уддалай олишлари зарурлиги баён этиб берилган.

Вазирликнинг алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимларини рағбатлантириш, таркибий бўлинмалар ишининг самарасини ошириш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирининг 1999 йил 8 сентябрдаги 197-сонли буйруғига мувофиқ «Ўзбекистон нажоткори» эсдалик нишони таъсис этилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фахрийлари, 1999 йили Туркияда содир бўлган зилзила оқибатларини бартараф этишда қатнашган 24 қутқарувчимиз биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон нажоткори» эсдалик нишонини олишга сазовор бўлдилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тезкор бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари 42219-ҳарбий Қисмининг механизациялаштирилган баталони, Ички ишлар Вазирлигининг республика ёнғинга қарши ҳарбийлашган махсус отряди, соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиаотряди «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг автосанитария отрядлари,

вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятларни тугатиш ҳамда ФВДТ кучлари ҳаракатларини ва тадбирларини таъминлаш учун мўлжалланган бошқа таркибий бўлинмаларини ўз ичига олади.

Тезкор бўйсинадиган тузилмаларнинг вазифалари, тайёргарлик муддатлари, уларни жалб этиш тартиби ушбу тузилмаларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳаракат режалари ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан шартномалар орқали белгиланади.

Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ва профессионал авария-қутқарув, авария-тиклаш ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари идорага қарашли объектларда ишлаб чиқариш-технология авариялари ва ҳалокатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, шунингдек эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпифитотиялар юзага келганда махсус вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган.

Вазирликлар ва идораларнинг ёнғин, кон, газ-қидирув, қурилиш, қурилиш-монтаж, тиббиёт ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари ва ташкилотлари негизида фавқулодда вазиятларни маҳаллийлаштириш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича биринчи навбатдаги ишлар учун доимий тайёр ҳолдаги идоравий тузилмалар тузилиши мумкин.

Доимий тайёр ҳолдаги идоравий тузилмалар идорадан ташқари авария объектларидаги фавқулодда вазиятларни тугатиш ишларига амалдаги харажатларни қоплаган ҳолда контракт асосида жалб этилади.

Худудий куйи тизимларда - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда - фуқаро муҳофазаси бошлиқлари - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда тегишли ҳокимлар қарорлари билан геофизик, табиий-иқлим ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, монтаж-қурилиш, автокорхоналар ва бошқа ташкилотлар негизида маҳаллий бошқарув органларининг худудий авария-қутқарув ва авария-тиклаш тузилмалари, шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вилоят (шаҳар, туман) автоотрядлари, тезкор тиббий ёрдам марказлари, қутқарув командалари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 170-40-сонли қарорига биноан табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан Тошкент шаҳри аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш ва ўз вақтида огоҳлантириш мақсадида ҳамда ички ишлар бош бошқармаси, тез тиббий ёрдам хизмати ва шаҳар авария хизматлари (алоқа, сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти) кучларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг пойтахт фавқулодда вазиятлар бошқармаси таркибида «Қутқарув хизмати тузиш ҳақида» 1999 йил 26 апрелда 220-сонли қарори қабул қилинди.

«050» номери орқали боғланиш мумкин бўлган қутқарув хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларда авария-қутқарув ишларини олиб бориш;

фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, тез тиббий ёрдам хизмати ва шаҳар ҳокимиятининг авария-

қутқарув навбатчи хизматлари ўртасида алоқани ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кеча-кундуз давомида узлуксиз таъминлаш;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва қутқариш ишларини олиб бориш;

фавқулодда вазият хавфи туғилганда аҳолига зудлик билан керакли ёрдам кўрсатиш, керак пайтида қўшимча кучларни жалб қилиш, биринчи тиббiiй ёрдам кўрсатиш ва авария-қутқариш ишларини йўлга қўйиш;

қутқарув хизматининг доимiiй тайёрлигини таъминлаш;

қутқарув хизматини керакли ускуналар билан таъминлаш, кучларини доимiiй тайёргарликда тутиш ва қўшимча заҳираларини ташкил қилиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ишларини йўлга қўйиш ва бажариш;

фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарадиган хавф манбаларини ҳисобга олиш, шаҳар ҳудудига зарар етказиш мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш ва ўрганиб чиқиш.

Қутқарув хизматини чуқур ўзлаштириш ва олий тоифали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Воқеа содир бўлган жойга боришдан олдин фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва қутқарув хизмати ўз ҳаракатларини жамоат тартибини сақлаш, хабар бериш ҳамда алоқа, тиббiiй муҳандислик, коммунал-техник ва бошқа хизматлар билан мувофиқлаштириб оладилар. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган 47 та ўта муҳим ва тоифалашган объектларнинг ҳамда 35 та портловчи ва ёниш, 23 та хавфли объектлар хавфсизлигини назорат қилиш ҳам қутқарув хизмати зиммасига юкланган.

Қутқарув хизмати бюджет ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан четга чиқмаган ҳолда бошқа маблағлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Авария-1 қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш харажатларини Тошкент шаҳар ҳокимияти; бюджети, молиявий ва моддий ресурслар фондларидан ва тадбир ўтказилаётган корхона ёки ташкилотлар бюджетидан тўланади.

Корхоналар раҳбарларининг қарорлари билан кучли хавфли объектларда мавжуд ихтисослаштирилган хизматлар ва бўлинмалар (қурилиш, кимё, тиббiiй ва бошқалар) негазида бевосита объектларда авария-қутқариш ва бошқа» кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган штатсиз ихтисослаштирилган авария- қутқариш ва авария-тиклаш тузилмалари тузилади.

Аҳолини ва ҳудудларни муайян душманни мағлубиятга учратишнинг замонавий воситаларини қўллаш оқибатларидан ҳимоя қилиш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва объектлардаги авариялар, ҳалокатлар ва табiiй офатлар оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисаларни бартараф этиш бўйича вазифаларни бажариш учун фуқаро муҳофазаси бошлиқлари – Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳокимларнинг қарорлари билан умумiiй ва махсус мақсадлардаги ҳудудiiй ҳамда объектларнинг тузилмалари тузилади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун ҳудудий-ишлаб чиқариш принципига кўра ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари бўйсинувига кўра -ҳудудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги) ҳамда объект (халқ хўжалиги объектларидаги) тузилмаларига; белгиланган вазифасига кўра эса умумий мақсаддаги (зарарланиш ўчоқларида кутқарув ишларини олиб бориш учун) тузилмаларга ва махсус тадбирларни бажарувчи хизматлар (қидирув ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳ.к.) тузилмаларга бўлинади.

Умумий мақсадлардаги тузилмалар - йиғма отряд (команда, гуруҳ), кутқарув отряди (команда, гуруҳ) ва механизациялаш ишлари йиғма отряди (команда)дан иборат.

Фуқаро муҳофазаси хизматлари тузилмалари разведка гуруҳлари, кимёвий кузатув звенолари ва постлари; алоқа командалари, гуруҳлари ва звенолари; тиббиёт отрядлари, бригадалари, гуруҳлари, санитар дружиналари, санитар постлари; ёнғин хавфсизлиги командалари, бўлинмалари ва звенолари; муҳандислик командалари, гуруҳ ва звенолари; авария-техник командалари; радиация ва кимёвий муҳофаза отрядлари, командалари, гуруҳлари, станция ва пунктлари; автомобил отрядлари ва колонналари; жамоат тартибини сақлаш команда ва гуруҳлари; умумий овқатланиш бўлинмалари (кўчма овқатланиш пунктлари); озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлинмалар; саноат моллари билан савдо қилувчи бўлинмалар; кўчма ёқилғи қуйиш станциялари; сув келтириш звеноси; техник таъминот бўлинмалари; қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини муҳофаза қилиш командалари, бригадалари, гуруҳлари ва звенолари; қишлоқ хўжалиги экинларини муҳофаза қилиш командалари, бригадалари, гуруҳлари ва звеноларидан иборат.

Шароит тақозо этганда тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарорига асосан бошқа тузилма ва хизмат ташкил этилиши мумкин.

Ҳудудий тузилмалар бажараётган ва бажариши лозим бўлган вазифалар мукамал ва кўп тармоқлидир. Ҳар бир тузилма ўз белгиланган йўналишлари бўйича ишлатилади. Жумладан, барча умумий белгиланган ҳудудий тузилмалар: махсус кимё қўшма отрядлари, механизация ишларини олиб боровчи қўшма отрядлар, кутқарув ишларини олиб боровчи қўшма отрядлар, объектлар ту-зилмаларининг қўшма отрядлари, командалари, гуруҳлари, шунингдек тезкор биринчи тиббий хизмати кўрсатиш отрядлари, эпидемияга қарши кўчма (инфекцион) отрядлар, кўчма дала госпиталлари, санитар дружиналар ва бошқалар. Ушбу тузилмалар ҳар доим юқори тайёргарлик ҳолатида туришлари лозим.

Объект тузилмалари умумий мақсадлардаги ва фуқаро муҳофазаси хизмати тузилмаларидан иборат бўлиб, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув масканлари ва қишлоқ хўжалиги объектларида ташкил этилади. 500 дан ортиқ одами бўлган халқ хўжалиги корхоналарида тузилмалар асосан умумий мақсадлардаги тузилмалар -қўшма ва кутқарув отрядларидан иборат бўлади.

Бошқа халқ хўжалиги объектларида кутқарув отрядлари ташкил этилади. Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, I, II, III гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар; саккиз ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, шунингдек уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки олий тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

Йирик кўламли табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар юзага келганда тезкор кутқарув ишларини бажариш ҳамда зарар кўрган аҳолига биринчи навбатда ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Мудофаа вазирлигининг муҳандислик, кимё, сапёр ва бошқа ҳарбий бўлинмалари, ҳарбий-транспорт авиацияси ҳамда тиббий хизмат муассасалари жалб этилиши мумкин.

Қизил Ярим ой Жамияти тасарруфидаги тиббий ҳамширалар гуруҳлари ҳам фавқулодда вазиятларни бартараф этишда муҳим вазифаларни бажарадилар. Уларнинг доимий тайёргарлигини таъминлаш сорлиғни сақлаш вазирлигига юклатилган бўлиб, 30 соатли тайёрлов курслари бўйича амалга оширилади.

Кейинги вақтларда Қизил Ярим ой жамияти фаолияти жуда фаоллашди. Улар республикадаги экологик ноҳуш аҳволни юмшатиш бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни амалга ошириб бормокдалар. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Италия давлатларидан келаётган янсонпарварлик ёрдамларида Қизил Ярим ой Жамиятининг ўрни салмоқдир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан Қизил Ярим ой Жамиятининг сўнгги вақтлардаги ўзаро ҳамкорлик гадбирлари турли йўналишларда олиб борилмоқда. Бу йўналишлардан энг муҳими аҳолини фавқулодда вазиятларда гўрри ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатиш, фавқулодда зазият содир бўлган жойдаги аҳолини биринчи тиббий ёрдам, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлаш ва бошқа тадбирлардир.

II ҚИСМ

Ўз - ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг маблағлари.

2. Куч ва воситалардан фойдаланиш тартиби.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг маблағлари. Фавқулодда вазиятлар содир бўлар экан, уларни бартараф этишда маълум кучлардан ташқари етарли восита ва маблағлардан ҳам фойдаланилади. Улар тинчлик ва ҳарбий даврда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун зарур бўлган молиявий ва моддий ресурслар мажмуидан иборатдир.

«Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар заҳиралари олдиндан, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда Шошилинч тарзда жалб этиш мақсадида яратилиши белгилаб берилган.

Молиявий ва моддий ресурслар заҳираларни яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ФВДТнинг асосий вазифаларидан бири фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар заҳирасини яратишдан иборат. ФВДТнинг ҳар бир даражаси фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар заҳираларига эга бўлиши шарт.

Фавқулодда вазиятларни тугатиш учун куйидаги маблағлардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга заҳирадаги молиявий жамғармаси ва фавқулодда вазиятларни тугатиш чоғида биринчи навбатдаги ишларни амалга ошириш учун давлат заҳираси таркибида йиғиладиган моддий ресурслар заҳиралари - республика бюджети маблағлари ҳисобидан

идоравий молиявий ва моддий ресурслар заҳираси, вазирликлар ва идоралар маблағлари ҳисобидан;

маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ва моддий ресурслари заҳираси - маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан

объектларнинг молиявий ва моддий ресурслари заҳираси - корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

Қизил Ярим ой Жамиятининг табиий офатлардан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун биринчи навбатда зарур бўлган товарлар омборлари ва заҳиралари тизимлари.

Молиявий ва моддий ресурслар заҳираси моддий бойликлар (хом ашё, товар ва тайёр маҳсулот)ига Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталар корпорация, концерн, ассоциация ва компаниялари, халқ хўжалиги объектларини юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар чоғида муҳофаза қилиш учун мўлжалланган моддий бойликларнинг алоҳида жамғармаси ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар заҳиралари номенклатураси ва ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли қарорига асосан молия, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларининг давлат фавқулодда заҳира жамғармаларини ташкил этишга доир ишларни мувофиқлаштириш бориш Фавқулодда вазиятлар вазирлигига юклатилган.

Вазирлик (идора), ассоциация ва концерн, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва ҳокимиятлар давлат заҳирасидан моддий бойликларни фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида олиб туришлари мумкин. Бунда давлат заҳирасидан олинадиган моддий бойликлар шу турдаги (соҳа, марка, ўлчам) хом ашё ва материаллар миқдорининг 30% дан ошмаслиги керак.

Олиб турилган моддий бойликлар давлат захирасига 3 ой муддат ичида қайтарилиши лозим. Корхона (ташкилот)ларда давлат захирасини ўз вақтида тўплаш, аниқлаш, янгилаш ва алмаштириш учун жавобгарлик вазирлик (идора), ассоциация ва концернларига, шунингдек тегишли ташкилот ва корхона раҳбарларига юклатилади.

Моддий бойликларнинг сақланаётган захиралари ҳажми шартли равишда икки гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ - фавқулодда вазиятда зарар кўрган аҳолига дастлабки ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган биринчи навбатда зарур бўлган моддий бойликлар;

2-гуруҳ - юзага келган вазиятда аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва фавқулодда вазият оқибатларини тугатиш учун мўлжалланган моддий бойликлар.

Биринчи гуруҳ таркибида дастлабки 3-5 кеча-кундуз давомида шикастланган аҳолини вақтинчалик жойлаштириш учун зарур бўлган моддий бойликлар; барча турдаги палаткалар ва модулар; ҳаракатдаги электростанциялар ва электрокабел маҳсулотлари; тўшаклар, турли адёллер ва ёстиқлар; иссиқ устки кийим ва пойафзаллар; иситиш печлари; телефон ва радио алоқа аппаратлари ва ускуналари; шошилиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар ва тиббий ускуналар захиралари; халқ хўжалиги объектлари тузилмалари (механизация гуруҳи, санитар дружиналар, авария-қутқарув ва бошқа- гуруҳлар) пойафзал, асбоб-ускуналар бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ таркибида биринчи навбатдаги ишларни бажариш ва санитар-эпидемиологик шароитни сақлаб туриш учун зарур бўлган қурилиш материаллари; дегазация, дезактивация ва декатизация тадбирларини ўтказиш учун материал ва ускуналар; аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш мақсадида жабрланган аҳолига ёрдам бериш учун 10 кеча-кундузга етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари; фуқаро муҳофазаси мақсадларида ишлатиладиган автотранспорт, муҳандислик техникаси ва механизмлар учун ёқилғи-мойлаш материаллари бўлиши керак.

Моддий ресурслар захиралари ҳажмини тўғри аниқлаш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудида вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, ассоциация ва компанияларнинг идоравий объектлари жойлашган фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) ва ҳокимиятлар билан биргаликда бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, шунингдек шу объектлар ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ техноген хусусиятли йирик авария ва ҳалокатларнинг олдини олиш ва тугатиш учун зарур бўлган моддий воситаларнинг ҳисоб-китобини қилишни тавсия этади. Ҳисоб-китоблар шу объектнинг ва яқин атрофда яшовчи аҳолининг бўлиши мумкин бўлган санитар ва ўлим кўрсаткичлари башоратини ўзида кўрсатиши керак. Шунингдек харажатлар сметасида моддий бойликлар захирасини яратиш учун зарур бўлган маблағлар миқдори ҳам кўзда тутилиши керак.

Фуқаро муҳофазасини молиялаш ижтимоий жамғармаларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Масалан, шарқ халқлари турмуш маданияти сингиб кетган

одатлардан бири шуки, мободо бирор қўшнида нохуш вазият содир бўлгудек бўлса атрофдагилар бор имкониятидан келиб чиқиб, кимдир моддий ёрдамни, кимдир молиявий ёрдамни кўрсатади. Бундай ҳоллар Ватанимиз ҳудудидаги Шохимардон, Паркент, Поп ва бошқа жойларда содир бўлган

Аҳолининг кўрсатаётган беғараз ёрдамидан ташқари Ҳалқаро жамғармалар, уюшмалар ҳам моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Ватанимиз пойтахтидаги 1999 йил 16 феврал воқеаларида азият чеккан халқимизга тафақат ҳукумат, ташкилотлар томонидан, балки аҳолининг нахсий ёрдамлариники ҳам ўрни катта бўлди.

Бундай ҳолатларда баъзи хорижий давлатлар ҳам четда турмайди. Масалан, Туркиядаги зилзила ҳодисасида Ўзбекистондан борган қутқарувчилар озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакдан ташқари 200 минг АҚШ доллари ҳисобида молиявий ёрдам беришди, Бу тадбирлар халқлар ўртасида жипсликни, ўзаро ҳурматни юзага келтиради,

Куч ва воситалардан фойдаланиш тартиби. Муайян ҳудудда ФВДТ куч ва воситаларидан фойдаланиш тартиби уларнинг структураси ва фавқулодда вазият миқёсига қараб белгиланади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш улар балансида турадиган авария объектлари, вазирликлар ва идораларнинг, ҳудудида фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳокимликларнинг кучлари ва воситалари билан амалга оширилади. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатишда, агар бу бирлашмаларнинг қутқарувчиларида аттестация тартибида тасдиқланган тегишли тайёргарлик мавжуд бўлса, жамоат бирлашмалари иштирок этишлари мумкин,

Фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари ва шайлиги оширилган тузилмалари кучлар гуруҳларининг ўзаги ҳисобланади.

Қутқарув ва бошқа шошилиш ишлар (Қ ва БШИ) бутунлай тугагунича узлуксиз олиб борилишини, кучлар кўпайтирила боришини, қутқарув ишлари fronti кенгая боришини таъминлаш учун, шунингдек куч ва воситаларни - алмаштириб туриш учун фуқаро муҳофазаси кучлари гуруҳлари битта ёки иккита эшелондан ва резервдан иборат бўлиши мумкин. Гуруҳда қанча эшелон бўлиши қутқарув ходимларининг ҳажми ва бажарилиш шароитига, қанча кучлар мавжудлигига уларнинг шаҳардан ташқари зонадаги жойлаштирилишига ва фавқулодда вазият зонасида вазифаларни бажаришга шайланиб олиш вақтига қараб белгиланади.

Эшелонлар иккита бўлса, гуруҳнинг биринчи эшелони қутқарув ишларини дарҳол йўлга қўйиб юборишга ва юқори суръатда олиб боришга мўлжалланган бўлади. Шу мақсадда биринчи эшелонга фавқулодда вазият зонасига қисқа вақтда етиб бора оладиган ҳамда ишга киришиб оладиган энг ҳаракатчан, яхши тайёргарлик кўрган ва замонавий техника билан жиҳозланган кучлар киритилади.

Иккинчи эшелон таркибига биринчи эшелон таркибига кирмаган кучлар, Мудофаа ва Ички ишлар вазирлигининг кечроқ ишга тушириладиган кучлари, ишини давом эттирадиган объектларнинг тузилмалари киритилади.

Эшелонлар таркибига кирган кучлар сменаларга бўлинади. Сменалар сони, уларнинг таркиби қанча куч ва воситалар мавжудлигига, уларнинг имкониятига, иш объектларидаги шароитга, бўлажак ишлар ҳажмига, транспорт имкониятларига, коммуникациялар мавжудлигига ҳамда куч ва воситаларнинг фавқулодда вазият зонасига етиб бориш вақтига қараб белгиланади.

Резервлар Қ ва БШИ ўтказиш давомида тўсатдан пайдо бўладиган вазифаларни ҳал этиш учун ҳамда ишларни тугаллаш муддатини қисқартириш, кучларни алмаштириш, шунингдек куч ва воситаларнинг янги иш ҳудудлари (объектлари)га ўтказиш мақсадида энг муҳим ҳудудлар ва объектлардаги ишларни кучайтириш учун мўлжалланади.

Резервлар таркибига тоифаланмаган объектлар ва узоқ ҳудудларнинг тузилмалари, эшелонлар таркибига кирмаган ҳарбийлашган тузилмалар, ҳамкорлик режаларига мувофиқ қўшнилар ажратадиган фуқаро муҳофазаси кучлари киритилади.

Фавқулодда вазият кўлами уни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида чеклаб олиб ва тугатиб бўлмайдиган бўлса, унда ёрдам бериши мумкин бўлган ёки бундай фавқулодда вазиятни тугатишга раҳбарлик қилишни ўз зиммасига ола оладиган юқори раҳбар органга мурожат қилинади.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича, тармоқлар ва объектлар фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлаш ҳар бир даражада тегишли бюджетлар, вазирликлар (идоралар) ва объектлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай шароитда, турли хусусиятга мансуб бўлган фавқулодда вазият юзага келгудек бўлса, шу жойда фавқулодда вазиятни бартараф этиш комиссияси тузилади. Айрим ҳолларда фавқулодда вазиятни ва унинг оқибатларини тугатиш учун Ҳукумат комиссияси тузилиши мумкин.

Корхона миқёсида комиссияга корхона раҳбари раислик қилади. Фавқулодда вазиятни бартараф этилгунча комиссиянинг йўриқномалари асосида кучлар ҳаракатга келади ва маблағлар сарф қилинади. Жуда кам ҳолатларда, агар фавқулодда вазият кўлами республика ёки трансчегаравий миқёсда бўлса комиссияга Президент ёки бош Вазир раислик қилади.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг кучлари Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) нинг кучлари - бу тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаа қилиш функциясига эга бўлган барча давлат, маҳаллий, объект қурилмалари ва бўлинмаларининг мажумидир.

ФВДТ нинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича куч ва воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

Фуқаро муҳофааси қўшинлари;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри ҳамда тезор бўйсинувчи республика ихтисослаштирилган қўйилмалари;

Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария-тиклаш бўлинмалари;

Маҳаллий ҳокимият органларининг (қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар), фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчи командаларининг қўйилмалари;

Объектларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари;


худудий ва объектларнинг ҳарбийлашмаган умумий ва махсус мақсадлардаги тузилмалари;


қизил Ярим Ой Жамиятининг кўнгиллилар отрядлари (командалари, гуруҳлари);

"Ватанпарвар" мудофаага қўмаклашувчи ташкилоти;


Фуқаро муҳофазаси хизмати фуқаро муҳофазаси махсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функциянал бўлинмалар мажмуидан иборат бўлиб, республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, объект фуқаро муҳофазаси хизматлари ташкил этилади. Фуқаро муҳофазаси хизматларининг рўйхати, шунингдек улар тўғрисидаги Низомлар Ўзбекистон Республикаси Ваирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун тузиладиган фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари, умумий ва махсус худудий, функциянал ва объект тузилмалари фуқаро муҳофазаси кучларини ташкил этади.





фавкулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш, шикастланганларни, моддий ва маънавий бойликларни қидириш ва қутқариш.



РққМ "Нажоткор" таркибий тузилмаси.

Рққм "Нажоткор" юқорида келтирилган вазифаларига биноан унинг функциялари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида шикаст топган одамларни ва моддий бойликларни қутқаришни ташкил этиш

Таббӣй, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларда самарали ҳаракат қилишга "Нажоткор"нинг доимий шай туришини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудаги қутқариш ташкилотлари, идоралари, авария-қутқарув хизматлари билан ҳамкорлик қилиш;

фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўтказадиган машқларда қатнашиш;

фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кўрсатмасига биноан қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қутқарув гуруҳлари учун йиғинлар ўтказиш;

фавқулодда вазият содир бўлган жойдаги вазиятни баҳолаш ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигини тезкор ахборот билан таъминлаш;

марказнинг ўқув моддий-техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш.


Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш чоғида вайроналар остида қолган одамларни қидиришда 4 оёқли жониворларнинг хизмати катталигини эътиборга олиб, 1998 5 сентябрида кинология хизмати ташкил этилди. ҳоирги вақтда бу хизмат РққМ "Нажоткор" таркибига киритилган. Кинология хизматининг асосий ваифаси шикастланганларни қидириб топишга итларни ўргатишдан иборат. қидирув-қутқарув ишлари олиб бориш учун немис овчаркаси, курцхаар, спаниелр каби турдаги итлар ўргатилади.

Махсус харбийлаштирилган қидирув-қутқарув қисми "Халоскор"нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:


фавқулодда вазиятларда текширишга киришишга, фавқулодда вазиятларни чеклаш ва тугатишдаги самарали ҳаракатларга шай туриш;

разведка ўтказиш, вазиятни баҳолаш ва фавқулодда вазият вазирлигига текоҳ ахборот бериш;

жабрланганларни, моддий ва маданий бойликларни қидириш ва қутқариш, авария-қайта тиклаш ишларини амалга ошириш;



республиканинг шаҳарлари, аҳоли яшаш манзилгоҳлари, корхона, муассаса ва ташкилотларида сувда содир бўладиган фавқулодда вазият оқибатларни тугатиш ишларини ташкил этиш тартибини белгилаш;
фавқулодда вазиятларда қидирув-қутқарув ишлари амалга ошириш ва одамларга зарур ёрдамни кўрсатиш
республикада авария, ҳалокат ва табиий офатлар оқибатида сувда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар миқёсини камайтиришни таъминловчи ягона сиёсатни таъминлаш ва амалга ошириш;
хуқуқий ва махсус тадбирлар тизимини шакллантиришда, шунингдек, бу тизим фаолиятини амалга ошириш учун



Ўзбекистон Республика Давлат сувда қутқарув

ХИЗМАТИ ТИЗИМИ

Вазирнинг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи

Авария-қутқарув кучлари бошқармаси

Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бевосита бўйсинувчи кучлар ва воситалар

Алоҳида алоқа батальони

Вазирлик алоқа узели

Кимё-
радиометрик
лаборатория

Шаҳар ташқарисидаги йўл
бошқарув пункти

Республика кидирув-қутқарув
маркази "Нажоткор"

Махсус харбийлаштирилган
кидирув-қутқарув қисми
""Халоскор""

Марказий аэромобил
отряди

Республика вазирликлари ва идораларининг фавқулодда вазиятлар вазирлигига тезкор бўйсинувчи авария-қутқариш кучлари

42219 - харбий
қисмининг
механизацияланган
батальони

Вилоятлар тез ҳаракат
қилиш автотранспорт
отрядлари

Республика
харбийлаштирилган
ёнгин мухфазаси
махсус
отряди

Шошининч тиббий
ёрдам қисмати
Республика маркази

Ҳарбий қисмлар ва авария-қутқарув кучлари хизматчиларига «Қутқарувчи» квалификациялари берилади. Йўриқномада қутқарувчиларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, нималарни билиши ва қандай ишларни уддалай олишлари зарурлиги баён этиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 170-40 сонли қарорига биноан табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлардан Тошкент шаҳри аҳолисини хавфсизлигини таъминлаш ва ўзаро вақтида огоҳлантириш мақсадида ҳамда Ички ишлар бошқармаси, тез тиббий ёрдам хизмати ва шаҳар авария хизматлари (алоқа, сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти) кучларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг пойтахт Фавқулодда вазиятлар бошқармаси таркибида "қутқариш хизмати тузиш ҳақида" 26 апрелр 1999 йил 220-сонли қарори қабул қилинди.

"05" номери орқали боғланиш мумкин бўлган қутқариш хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, Қ,ҚҚ, ҚҚҚ гуруҳ ногиронлари, хомиладор аёллар, саккиз ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

Кейинги вақтларда қизил Ярим Ой жамияти фаолияти жуда фаоллашди. Улар Республикамиздаги экологик ноҳуш аҳволни юмшатиш бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни амалга ошириб бормоқдалар. Хусусан, Америка қўшма Штатлари, Англия, Италия давлатларидан келаётган инсонпарварлик ёрдамларида қизил Ярим ой Жамиятининг ўрни салмоқли.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан қизил Ярим Ой Жамиятининг сўнгги вақтлардаги ўзаро ҳамкорлик тадбирлари турли йўналишларда олиб борилмоқда.

Бу йўналишдан энг муҳими аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатиш, фавқулодда вазият содир бўлган жойдаги аҳолини биринчи тиббий ёрдам, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлаш ва бошқа тадбирлардир.

Таянч атамалар.

1. РҚҚМ – республика қидирув – қутқарув маркази.
2. МХҚҚҚ – махсус ҳарбийлаштирилган қидирув қутқарув қисми.
3. ДСКХ – давлат сувда қутқарув хизмати.
4. Қ ва БШИ - Қутқарув ва бошқа шошилиш ишлар

5. Мавзу

Фавқулодда вазиятларда объектларни химоялашни ва ўқувчиларни огоҳлантиришни ташкиллаш.

I –ҚИСМ

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Алоқа ва хабар беришни таъминлашдаги асосий вазифалар:
2. Алоқа ва хабар бериш хизматини ташкил этиш ҳамда унинг куч ва воситалари таркиби.

Алоқа ва хабар беришни таъминлашдаги асосий вазифалар:

фавқулодда вазиятлар бўлимлари бошлиқлари, хизматлари ва кучлари сигналларини қабул қилиш ва бериш;

ФВДТ бошқариш органлари ўртасида пастдан юқорига ва юқоридан пастга ахборот алмашинишининг ишончли бўлиши;

- ФВДТ бошқарув органларининг фавқулодда вазиятлар ҳақида билдириш сигналларини бериши, шунингдек бу сигналларни ФВДТ органлари ва аҳолига етказишдан иборат.

Алоқа тизими қуйидаги хусусиятларга эга бўлмоғи лозим:

Алоқа тизимининг барқарорлиги - фавқулодда вазиятлар юз берганда ишчанлигини йўқотмаслиги яшовчанлиги, ташқи таъсирга бардошлилиги, мустаҳкамлилиги билан характерланади.

Алоқа тизимларининг барқарорлигига:

- бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг шикастловчи омилларининг таъсир этишини эътиборга олиб ташкилотлар томонидан тузилган алоқа тизимини ташкил этиш билан;

-алоқа тармоқлари қисмларини муҳофаза иншоотларига жойлаштириш билан;

турли алоқа воситаларини биргаликда қўллаш йўли билан; айланиб ўтиш ва захира алоқа каналлари (йуналишлари) ташкил қилиш билан;

- алоканинг захира куч ва воситаларини тузиш, уларни тўғри жойлаштириш ва ўз вақтида қўллаш билан;

-алоқа воситалари ва каналлари билан тезда мўлжалга ўтиш орқали;

- алоқа шахобчалари ва йўллари, тармоқларини қўриклаш, ва муҳофаза қилиш билан;

- алоқа бўлимлари ва тузилмаларини техника ва материаллар билан ўз вақтида таъминлаш билан эришилади

Алоқа тизимининг ҳаракатчанлиги унинг вужудга келган шароитга мос равишда ўз вақтида ёйиш, кенгайтириш унинг тузилишини ўзгартириш қобилияти характерланади.

Ҳаракатчанликка:

алоқа тизимини ёйиш ва қисмларини йиғиш вақтини камайтириш билан;

алоқа куч ва воситаларини тўғри жойлаштириш ва захиралардан тўғри фойдаланиш билан;

алоқа каналлари, кучлари ва воситалари билан тезликда қаракат қилиш билан;

- алоқа тизимини тез ва барқарор бошқариш билан эришилади.

Алоқа тизимини ўз вақтидалилиги - бу унинг сигналларни, ахборотларни кўрсатилган вақтда узатиш қобилиятидир.

Унга;

алоқа тармоқларини бошқарув пунктларида аввалдан ўрнатиб қўйиш ва алоқа тизимини жанга тайёрлаб қўйиш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирларини ўтказиш билан;

тезкор ва барқарор бошқариш билан;

ўзаро гаплашиш ва кўрсатув олиб бориш бўйича қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш билан;

узатилаётган ахборотлар ҳажмини камайтириш, фармойиш ва хабарларни бир қолипга солиш билан;

алоқа тармоқларида тезкор-техник хизматни аниқ ташкил қилиш ва ахборотлар ҳаракатини қаттиқ назоратга олиб бориш билан;

турли шошилиш хабарларни узатиш учун алоқа воситаларини тўғри танлаш йўли билан;

тез ҳаракатланувчи ва автоматик махфийлаштириш аппаратларини қўллаш билан эришилади.

Алоқа тизимини ишончлилиги - узатувчи хабарларни ўрнатилган аниқликда етиб боришини таъминлаш қобилиятидир. Унга:

- алоқа каналлари ва воситаларининг техник тавсифини ўрнатилган (қабул қилинган) параметрларда сақлаб туриш.

-ўта муҳим ахборотларни узатиш учун юқори сифатли каналларни қўллаш билан;

бир пайтнинг ўзида битта канал орқали хабарларни қайтадан узатиш билан;

-текшириш ва ўта ишончли аппаратларни қўллаш билан эришилади.

Алоқа тизимининг яширинлиги:

- узатилаётган ахборотни, маълумотларни ва уларни узатиш жойини душманлардан яшириш қобилиятидир. Бунга:

махфийлаштириш, шифрлаш, кодлаштириш аппаратларини ва яширин бошқариш хужжатларини қўллаш билан; ўзаро гаплашиш, маълумотларни узатиш бўйича қабул қилинган қоида ва тартибларни сақлаш билан; алоқани ишлатишга иложи борица камроқ одамларни

жалб қилиш билан;

- алоқа воситаларини тўғри жойлаштириш, уларни ишлаш тартибига қатъий риоя қилиш билан эришилади.

ФВДТ кучлари ва воситаларини бошқаришнинг яширинлигини таъминлаш учун (ҳарбий даврда) алоқа-техник воситаларида ишловчи шахсий таркиб ўрнатилган иш тартибларига аниқ риоя қилишлари, гаплашиш ва яширин бошқариш қоида ва тартибларни бажариши керак.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза **ҚИЛИШНИ** ташкил этиш бўйича тадбирлар занжирида асосий қисмлардан бири бу мустаҳкам, барқарор ва ўз вақтида алоқа ўрнатиш ва хабар беришдир. Шунинг учун алоқа ва хабар бериш воситаларини такомиллаштириб бориш барча фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг ҳамда республика, вилоят, шаҳар, туман ва халқ хўжалиги объектларининг алоқа ва хабар бериш хизматининг доимо эътиборида бўлиши керак.

Алоқа ва хабар бериш хизматини ташкил этиш ҳамда Унинг куч ва воситалари таркиби. Алоқа фуқаро муҳофазаси кучларини бошқаришнинг асосий воситаси хисобланиб, у Фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарори, штаб бошлиғи кўрсатмаси ва алоқа бўйича юқори турувчи штабнинг топшириғига асосан бошқарув пунктида ташкил этилади.

Алоқа ва хабар беришни ташкил этишга фуқаро муҳофазаси бошлиғи масъулдир. Алоқа ва хабар бериш тизимининг доимий тайёргарлигини бевосита фуқаро муҳофазаси хабар бериш ва алоқа хизмати бошлиғи таъминлайди. Фуқаро муҳофазаси алоқа тизими муқим, кўчма бошқарув пунктларининг алоқа тармоқлари базасига ҳамда давлат алоқа тармоғига таянган ҳолда тинчлик даврида олдиндан ташкил этиб қўйилади. Республика, вилоят, пойтахт шаҳар алоқа тизими асосини шаҳар ва шаҳардан ташқари ҳудудлардаги бошқарув пунктларининг алоқа тармоқлари ташкил этган бўлиб, улар алоқа вазирлигининг шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги алоқа тармоқларига алоқа йўллари ёрдамида борланган бўлади ҳамда улар орқали давлат алоқа тизимига чиқишни таъминлаб беради.

Бошқарув пунктларининг алоқа тармоғи - бошқаришни таъминлаш учун ишлатилган алоқа кучлари ва воситаларнинг ташкилий-техник бирлашмасидир.

Мухим алоқа тармоқлари республика, вилоят, Алоқа узеллари муқим (муҳофаза қилинган ва муҳофаза қилинмаган) ҳамда кўчма бўлади.

шаҳар, туман, вазирлик ва идораларнинг шаҳарлардаги ва шаҳардан ташқари ҳудудларидаги бошқарув пунктларидаги муҳофаза иншоотларида жиҳозланади. Кўчма алоқа тармоқлари автомобилларда, вертолётларда ва темир йўл вагонларида жиҳозланиб, муҳим алоқа тармоғида узеллар ишдан чиққанда авария-кутқариш ишлари ўтказишда ва бошқа тўсатдан пайдо бўлган вазифаларни бажаришда алоқаларни таъминлаб туришга мўлжалланган бўлади.

ФВДТда радио, радиореле, симли ва сигнал берувчи алоқа воситалари ишлатилади. Радио муҳим ва ишончли алоқа воситаси бўлиб, биринчи галда ФВДТ кучлари фавқулодда вазиятлар жойига олиб борилаётганда ва авария-кутқарув ишлари ўтказилаётганда уларни бошқариш учун ишлатилади. Бундай алоқа радио тармоқлари ва радио йўналишлари шаклида ташкил этилади. Симли алоқа воситалари ФВДТ кучлари ўз асосий жойида турганда, авария-кутқарув ишлари ўтказиётганда, уларни бошқариш учун бошқарув пунктлари ички алоқасини таъминлашда ишлатилади. Кўчма алоқа воситалари сифатида автомобиллар, мотоцикллар, Вертолётлар ва югурдаклардан фойдаланилади.

Сигнал берувчи воситалар - ахборот бериш, бири-бирини таниб олиш ҳамда хабарлаш, бошқариш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш сигналларини бериш учун ишлатиладиган эшитиш, кўриш, радиотехника воситаларидир.

Хабар бериш тизими марказлашган ва чекланган қуйи тизимларга бўлинади.

II – ҚИСМ

Фавқулодда вазиятларда объектларни химоялашни ва ўқувчиларни огоҳлантиришни ташкиллаш.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Алоқа ва хабар бериш марказлашган тизими.
2. Хабар беришнинг локал тизимлари.

3. Хабар бериш сигналлари ва уларга биноан аҳолини ҳаракатлари.

Алоқа ва хабар бериш марказлашган тизими. Марказлашган хабар бериш тизими деганда тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар даврида фуқаро муҳофазасига масъул ходимларга ҳамда республика аҳолисига сигнал ва керакли ахборотларни тезликда етказиб беришга мўлжалланган техник воситалар, алоқа канали, радио ва телевидение мажмуаси тушунилади.

Ўз вазифаларига қараб марказлашган билдириш тизими республика, вилоят, туман, шаҳар, иншоот миқёсида тузилади. Аҳолига марказлашган ҳолда хабар бериш тизимининг махсус жиҳозланган техник воситалари Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тасарруфида бўлади. Бу техник воситалар қоида бўйича Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарида жойлаштирилади. Хабар бериш аппаратлари фавқулодда вазиятлар шаҳар (туман) бўлимларида ўрнатилади, агарда бундай бўлимлар мавжуд бўлмаса кечаю-кундуз тезкор навбатчилик ташкил килинган жойларга ўрнатилади.

Марказлашган хабар бериш тизими анча қулайликларга эга.

Биринчидан, сиренанинг овози шаҳар, туман, вилоятнинг барча аҳолиси этиборини жалб қилиш имкониятини беради.

Иккинчидан, уни ҳам тинчлик даврида - табиий офат, авариялар содир бўлганда, ҳам ҳарбий даврда қўллаш мумкин. Булардан ташқари аҳоли марказлашган хабар бериш тизимидан алоқа ва радио тармоқлари орқали оғзаки ахборотлар олади.

Шаҳарда, қишлоқда, туманларда ва халқ хўжалик объектларида овозли сигналларни ва оғзаки хабарларни етказувчи хабар берувчи воситаларни ягона марказлашган хабар бериш тизимига бирлаштирувчи махсус аппаратлар маъсул Улар ёрдамида электросиреналарни бошқариш, раҳбар ходимларга уй ва хизмат телефонлари орқали хабар бериш ҳамда бошқа хабар бериш воситаларини улаш мумкин Хабар бериш марказлашган тизими:

- шаҳарларда, туманларда, объектларда ва қишлоқ жойларда йирик аҳоли пунктларида марказлашган ва марказлашмаган тарзда «Дикқат барчата!» сигналини беришни;

- симли эшиттириш тармоқлари ва маҳаллий радиоэшиттириш станцияларида оғзаки ахборот бериш йўли билан аҳолини хабарлашни;

сигналларни ва ахборотни республика, вилоят, шаҳар, туман, вазирлик ва идораларнинг шаҳарлардаги ва шаҳардан ташқари ҳудудларидаги бошқарув пунктларига, ички ишлар шаҳар, туман бўлимларига етказишни;

хонадон ва хизмат телефонларида мансабдор шахсларга доимий (циркуляр) билдиришни;
фуқаро муҳофазасини билдириш сигналларини халқ хўжалик объектлари ишчилари хизматчиларига, ФВДТ тузилмаларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисига беришни таъминлаши керак.

Хабар беришнинг локал тизимлари.

Ҳалокатли сув босиш эҳтимоли бор ҳудудларда, атом энергетикаси объектлари ва кимёвий хавфли объектлар турган жойларда аҳолига тезроқ хабар бериш учун, айниқса Чернобил воқеасидан кейин, билдириш локал тизимлари яратиш масаласига алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Бундай тизимлар ёрдамида авария содир бўлган объектдаги ишчи ва хизматчиларгагина эмас, балки заҳарланиш, вайрон бўлиш ёки ҳалокатли сув босиш ЭҲТИМОЛИ бор ҳудудга тушиб қоладиган аҳолига ҳам вақтида хабар бериш мумкин бўлади.

Тезкорлик - локал тизимларнинг асосий афзаллиги бўлиб, тезлик билан билдиришдан иборат. Масалан: навбатчи диспетчер энг танг вазиятларда бир қарорга келиб дарҳол сигнал бериши мумкин.

Локал тизимлар одатда, сигнал берувчи қурилмаларда (датчиклар)дан бошланади. Улар кимё иншоотларига ёки тўғонлар корпусига ўрнатиб қўйилади. Сигнал датчиклардан навбатчи диспетчерга тушади, у иншоотда рўй берган фавқулодда вазият ҳақида П-164 бошқариш пулти электрон қурилмалар, иншоотдаги циркуляр чақириш қурилмалари ва Л-164-П узатгич (передатчик) орқали телефонлар ва радиокарнайлар орқали эълон қилади.

П-164-П узатгич зарарланиш (сув босиш) эҳтимоли бор ҳудудда яшаб турган аҳолига хабар беришнинг локал тизими П-160 апаратини улаб, радиотрансляция каналларини, электр сиреналарини ва кўчадаги радиокарнайларни ишга туширади.

Республика, вилоятлар шаҳар ва шаҳардан ташқари ҳудудларидаги бошқарув пунктларидаги алоқа ФВДТ бошқармалар, бўлимлар ва хизматлар; ҳамда ҳамкорлик қилувчи бошқармалар (қўшнилари), ҳарбий горнизонлар ва ҳарбий комиссарликлар, ҳамма разведка гуруҳлари, кўчма ва ёрдамчи бошқарув пунктлари, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, уюшмалар бошқарув пунктлари билан ташкил қилинади.

Шаҳар (қишлоқ) туманлари бошқарув пунктлари алоканинг барча мавжуд куч ва воситаларини қўллаб, фавқулодда вазиятлар бошқарма (бўлим)лари, эвакуация органлари,

транспорт ташкилотлари, иншоотлар бошқарув пунктлари, шаҳардан ташқари ҳудудлар, ўзаро ҳамкорлик қилувчи (қўшни) туманлар, маҳаллий тузилмалар, фуқаро муҳофазаси вазифаларини хал этиш учун ажратилган ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар билан алоқа ташкил этади.

Алоқа ва билдиришнинг марказлаштирилган ва локал тизимларини тузиш ва доимий шай ҳолда саклаб туриш аҳолига фавқулодда вазиятлар хавфи ёки юзага келиши ҳақидаги сигнал ва ахборотларни ўз вақтида етказиш имкониятини беради ҳамда бошқарув пунктлари ва барқарор алоқанинг борлиги раҳбарликни муваффақиятли олиб бориш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишга шароит яратиб беради.

Хабар бериш сигналлари ва уларга биноан аҳолини ҳаракатлари.

Аҳоли муҳофазаси хавф-хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар беришдан бошланади. Хабар бериш аҳолига тушунарли, аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад аҳолининг эътиборини инсонлар ҳаёт ва саломатлигига таҳдид солувчи хавфли вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда ҳаракат тартибини тушунтиришдан иборат.

Алоқа воситалари ва хабар бериш усуллари аввалдан режалаштирилган ва ташкил қилинган бўлиши керак. Фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказишнинг барча режимларида алоқа ва хабар бериш воситалари асосий ўринни эгаллайди. Ҳар қандай хавф-хатар ҳолатида электр сиреналари ишга туширилади. Уларнинг ҳайқириғига корхоналарнинг узук-узук гудоклари жўр бўлади. Фуқаро муҳофазасининг «Дикқат барчага!» деган янги сигнали ана шу.

Сирена овози эшитилган заҳоти телевизор, радиоприёмник, радиокарнайларни ишлатиб қўйиб, маҳаллий ҳокимият органларининг ёки фавқулодда вазиятлар бошқарма, бўлимларининг хабарларини тинглаш керак.

Бу табиий офат ёки авария оқибатларини тугатгунча давом этиши лозим. Аҳоли пунктларининг ва халқ хўжалиги объектларининг радиотрансляция тармоклари кечаю-кундуз ишлашга ўтказилиши керак.

Радиоэшиттириш ва телевидение (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни ҳам қўшиб) республика аҳолисига хабар бериш ва ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади. Хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот

бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят туманини) ҳам берилиши мумкин. Овозли хабарларни Алоқа вазирлигининг ёки давлат телерадиосининг эшиттириш студияларидаги суҳандонлар (дикторлар) ёки вилоят, шаҳар, қишлоқ туманлари маъмурий марказлардаги студияларнинг ва халқ хўжалиги иншоотлари диспетчерлик пунктларининг суҳандонлари эшиттирадилар-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари асосланган овозли хабарлар матнини давлат ва рус тилларида ишлаб чиқишлари, уларни магнит тасмасига (видеокассетага) ёзиб қўйишлари керак! Магнит плёнкасидаги ёзувлар(видеокассеталар) фавқулодда вазиятлар бошқармасида (тезкор навбатчида) ва иншоотларда ҳамда Алоқа вазирлигининг ва Давлат телерадиосининг студияларида (шу жумладан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шаҳардан ташқари бошқарув пунктларида ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаларида ҳам) белгиланган тартибда уюшқоқлик билан сакланиши керак.

Кечиктириб бўлмайдиган фавқулодда ҳолларда овозли қисқа хабарларни фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчисининг бевосита иш ўрнидан туриб магнит тасмасидан ёки тўғридан тўғри эшиттириш тарзида (магнит тасмасига олдин ёзиб олмаган тарзда) эшиттиришга тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг ижозати билангина йўл қўйилади. Радиотрансляция тармоғини танлаб олиш учун П-164Р аппаратида фойдаланилади. Билдириш сигналлари телевидениеда ҳам, эфирга бевосита узатиб ёки видеоманит тасмага ёзиб олиб етказилади. Бу мақсадда республика эшиттириш дастурлари ишга солинади. Вилоятларда республика дастурига исталган вақтда кириб, вилоят телерадиомарказларидан ахборот бериб хабардор қилиш имконияти бор.

Фавқулодда вазият содир этилганда аҳолига билдириш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин. Кимёвий хавфли объектда авария бўлганда бундай ахборот берилади: «Диққат барчага!!! Шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимида гапирамиз... Фуқаролар! Кимё комбинатида кучли таъсир этувчи заҳарли модда - хлор чиқиб кетиб, авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво булути ... йўналишида тарқала бормокда. Қуйидаги шаҳар кварталлари ва вилоят аҳоли пунктлари кимёвий заҳарланиш ҳудудида қоладилар... Заҳарланиш ҳудудига тушиб қолган кишилар уйларида, муассаса, корхона, ўқув юртларидан дарҳол чиқсинлар, шамол йўналишига перпендикуляр, энг Қисқа йўл билан хавфсиз жойларга ўтсинлар. Ташқарига

чиқишдан олдин хўлланган ёки 2% ли ичимлик сода эритмаси шимдирилган пахтали дока боғич тақиб олинглар.

Агар захарланган ҳаво булути етиб келгунча хонадонингиздан, уйингиздан чиқиб улгурмасангиз, қолган жойингизда яшириниб, дераза-эшикларни зичлаб ёпиб, хонангизга ташқаридан ҳаво кирмайдиган қилиб олинг.

Ертўлалар ва уйларнинг пастки қаватларига яширинманг, Хлор хаводан оғир бўлгани учун, пасткам жойларга, жумладан, ертўлаларга оқиб киради, Кейин эса фавқулодда вазиятлар бўлимининг кўрсатмасига биноан йўл тутинг. Аварияни бартараф қилиш чоралари кўрилаяпти. Хабарларимизни кузатиб боринг».

Мана шу тартибдага ахборот бир неча маротаба берилади.

Сув босиш эҳтимоли кутилганда бундай ахборот берилади:

«Дикқат барчага!!! Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан (бўлимидан) гапирамиз. Фуқаролар! Қор қаттиқ эриб, Чирчиқ дарёсида сув сатҳи кўтарилиши натижасида қуйидаги жойлардаги уйлар ва хўжалик қурилишларини сув босиши кутилмоқда. Пасткам жойлардаги аҳоли керакли буюмларини чордоқларга, юқори қаватларга чиқариб қўйсин. Эвакуацияга тайёр турилсин. Энг зарур кийим ва пойафзал, овқат маҳсулотларини олиб кетишга тайёрлаб қўйилсин. Сув янада кўтариладиган бўлса, уйлардан чиқиб, тепалик жойларга ўтишга тайёр турилсин. Кетишдан олдин электр токи, сувни тўхтатиб, печлардаги ўт ўчириб қўйилсин. Пул ва ҳужжатларни олиш ёдингиздан чиқмасин! Ҳайвонларни, озуқа ва ем-хашакларни эҳтиётлаб қўйишни ўйланг. Сув босиш хавфи борлигини қўшниларингизга эслатинг. Болаларга, кексаларга ва хасталарга ёрдам беринг. Вазминлик, тартибни сакланг. Агар сув далада эканингизда келиб қолса баландлик жойларга чиқинг, борди-ю, бунинг иложи бўлмаса дарахтга чиқиб олинг. Жуда бўлмаса, одамни сув бетида тутиб тура оладиган хода, тахта, ёғоч девор парчалари, ёғоч эшик, дераза, автомобил камералари сингари нарсалардан фойдаланинг. Сув босиш ҳудудидан эвакуация қилиш чоралари кўрилаяпти».

Фавқулодда вазият хавфи туғилганда ва содир бўлганда хавф даражасини кўрсатадиган иккита билдириш режими белгиланган:

Юқори тайёргарлик режими.

Фавқулодда режим.

Бундай ҳолларнинг ҳаммасида ҳокимиятларга, тузилмаларига, ҳуқуқ-тартибот органлари (ИИБ, прокуратура) га, тиббий хизматга, ёнғин хавфсизлиги хизматига ва давлат кузатиш хизматига хабар берилади.

Ахборот манбалари (датчиклар) бевосита кўчки (сел) хавфи бор жойларга ўрнатилади. Ахборот кузатиш постига келади, кузатиш пости навбатчиси телефонда маҳаллий ҳокимиятларни ва хавф остидаги муассасаларнинг бевосита ўзини хабардор қилади, шунингдек сиреналарни ва ёруғлик сигналларини ишлатиб юборади. Шу билан бир вақтда кузатиш станцияси навбатчисига рўй берган ҳодиса ҳақида ахборот беради, туман фавкулодда вазиятлар бўлимини, туман ҳОКИМИЯТИНИ, Ички ишлар бошқармаларини, прокуратурани, тиббий хизматни, ёнғинга қарши кураш хизматини ва давлат кузатиш хизматини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси тоғли ва тоғ олди ҳудудларининг ҳаммаси амалда сел хавфи бор ҳудудлар ҳисобланади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғ олди ва тоғли жойлари, шунингдек Жиззах ва Наманган вилоятларининг айрим жойлари кўчки зоналарига киради. Шу жойда турадиганларнинг ҳаммаси келадиган хавф белгиларини ва бундай мураккаб шароитдаги хатти-ҳаракат қоидаларини яхши билишлари керак.

Сел келиш ва кучкилар эҳтимоли энг кўп вақт апрел, май ойлари. Бундай пайтларда ҳақиқий ахборот бўлиши жуда муҳимдир. Ахборот бўлмаганда ёки у етарли бўлмаса, миш-мишлар, беҳуда гаплар пайдо бўлади, «ўз кўзи билан кўрганлар» кўпайиб қолади. Булар ваҳима замини бўлади. Аҳолининг ахборотни тўғри тушуниши, ундан оқилона хулоса чиқариши жуда муҳимдир.

Электросирена орқали аҳолига хабар бериш тизимининг ўз афзалликлари бор. Биринчидан, сирена овози шаҳар, туман, вилоятдаги аҳоли эътиборини тортиш имконини беради. Иккинчидан, бу тизимни тинчлик давридаги табиий офатлар ва авариялар вақтида ҳам, уруш вақтида ҳам ишлатса бўлади. Бундан ташқари, аҳоли алоқа тармоқлари ва симли эшиттириш тармоқлари асосидаги марказлашган хабар бериш, радио ва телевидение орқали овозли ахборот олади. Ахборот ҳамма алоқа воситалари орқали узлуксиз бериб турилади.

П-157, П-160, П-164, Р-143 сигнал бериш махсус аппаратлари шаҳарлар, қишлоқ туманларидаги, халқ хўжалиги иншоотидаги хабар бериш воситалари тизимини бирлаштиришга, овозли сигналлар ва овозли ахборотларни хабар бериш ягона тизими қилиб жамлашга мўлжалланган. Бу тизимдан фойдаланиб, электр сиреналарни маълум масофадан бошқариш, мансабдор шахсларга квартира ёки хизмат телефонлари орқали доимий (циркуляр) тарзда ёки танлаб хабар бериш, радиотрансляция тармоқларини автоматик ишга

тушириш, уларни фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)нинг дастурларига (хабарларига) ўтказиш мумкин.

Таянч атамалар:

ФВДТ - Фавқулодда вазиятлар давлат тизими.

Сигнал берувчи воситалар - ахборот бериш, бири-бирини таниб олиш ҳамда хабарлаш, бошқариш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш сигналларини бериш учун ишлатиладиган эшитиш, кўриш, радиотехника воситаларидир.

6 - Мавзу: Ядровий қирғин қуролининг таъсир қилиш омиллари ва улардан ҳимояланиш.

I ҚИСМ

Ўқув саволлари:

Ядро қуролини шикастловчи омиллари

2. Кимёвий қирғиннинг зарарлаш омиллари ва ундан ҳимояланиш

3. Бактериологик (биологик) қуроли ва оддий замонавий қирғин қуроллари

1. ЯДРО ҚУРОЛИНИ ШИКАСТЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Ядро қуролини шикастловчи омиллари қуйидагилардан иборат:

- портлаш тўлқини ёки зарба тўлқини;
- ёруғликнинг нурланиши;
- ёриб кирувчи радиация;
- жойларни зарарлайдиган радиоактив моддалар;
- электромагнит импульс.

1. Зарба (портлаш) тўлқини портлаш марказидан ҳамма томонга товуш тезлигидан ҳам катта тезликла тарқаладиган, жуда катта босимда сиқилган ҳаво зонасидан иборат. Сиқилган ҳаво зонасининг олдинги чегараси зарба тўлқини фронти деб аталади. Сиқилган ҳаво зонасида ҳосил бўлган энг катта ҳаво босими (P_{ϕ}) ва атмосфера босими орасидаги (P_o) босимнинг фарқи зарба тўлқини фронтидаги юқори босим (ΔP_{ϕ}) ни ташкил қилади (33- расм).

Зарба тўлқини ўтиб кетгандан сўнг босим тезда пасая бошлайди ва бир неча вақтдан сўнг атмосфера босимидан ҳам пасайиб кетади. Вақт ўтиши билан олдинги ҳолатига қайтади, яъни атмосфера босими тикланади. Зарба тўлқини натижасида пайдо бўлган босим атмосфера босимига қараганда узокроқ турса зичланиш фазасини, атмосфера босимидан камроқ вақт турса сийракланган фазани ташкил қилади.

Зарба тўлқини олдинги 1000 метрни 2 секундда, 2000 метрни 5 секундда, 3000 метрни 8 секундда ўтади, шу вақт орасида киши осмонда ёруғ шуълани кўриши билан яширинишга улгуради ва зарба тўлқини шикастлашидан сақланиб қолади. Зарба тўлқинининг шикастлаш кучи зичланиш фазасида ҳосил бўлган босимга боғлиқ. Бунда сийраклашган фаза ҳеч қандай таъсирлаш кучига эга эмас, у фақат зичланиш фазаси таъсирини кучайтириш хусусиятига эга холос.

Зарба тўлқини ядро портлаши вақтидаги асосий шикастловчи омил бўлиб ҳисобланади ва жами портлаш энергиясининг тахминан 50% и шу омилга тўғри келади.

Зарба тўлқини одамларни, ҳарбий техника воситалари, қуролларни, фортификацион иншоотлар, мол-мулкларни шикастлайди ва кўп вайронагарчиликларни келтириб чиқаради. Кишилар зарба тўлқинидан бевосита ёки билвосита - иморатлардан тушган нарсалар, дарахтларнинг синиб ёки ағанаб тушиши ва бошқалардан зарар кўриши мумкин.

Шикастланишнинг асосий сабаби зарба тўлкини таъсирида атмосфера босимининг кескин ошиб кетишидир. Буни одамлар зарба деб тасаввур қиладилар, бундан ташқари, одам тезланиш босимини сезади ва шу туфайли йиқирилиши ёки оғиб кетиши мумкин. Зарба тўлкини таъсирида одамнинг турлича механик жароҳатланиши: томир ва тўқималари узилиши, суяклари синиши, ногора пардаси йиртилиши ва бошқалар кузатилади:

Жанг майдонларида зарба тўлкинидан сакланиш учун турли хил пана жойлар, окоплар, хандақлар, чуқурликлар ва бошқа яширин жойлардан фойдаланилади (34-расм). Пана жойлар, хандақлар ва окоплар зарба тўлкинини 3-10 баробар камайтиради.

Ёруғлик нурланиши - ядро портлашидан ҳосил бўлган оловли шардан чиқадиган ва ниҳоят даражада кўп куйдирувчи иссиқлик энергияси тарқатадиган ёруғлик нури оқимидан иборат. Ядро портлаши жами энергиянинг тахминан 35% и ёруғлик нурланишига тўғри келади. Ёруғлик нури тарқалиши 8-15 секунд давом этади, бу нур фақат тўғри йўналишда тарқалади. Шаффоф бўлмаган ҳар қандай тўсиқ ёруғлик нурланиши таъсиридан сақлаб қолади.

Ёруғлик нурланиши катта масофаларга бир лаҳзада тарқалиб, турли материалларни эритиш, ёндириш, ҳимояланмаган одамлар ва ҳайвонларни куйдириш ёки уларнинг ҳимояланмаган терисини турли даражада куйдириш, кўзни зарарлаш, ўрмонларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда ёнғин чиқариш хусусиятига эга.

Моддаларнинг ёруғлик нурланишидан зарарланиши уларнинг қай даражада қиздирилганига боғлиқ бўлади. Моддаларнинг қизиши эса ўз навбатида қуйидаги омилларга: ёруғлик импульсининг кучига, моддаларнинг хусусиятига, моддаларнинг иссиқликни ютиш коэффициентига, намлигига, ёнувчанлигига боғлиқ. Қора ранг мато оқ рангдигига қараганда ёруғлик нури кўп ютади. Масалан, қора рангли мато 99% ёруғлик энергиясини ютади, мош ранг мато 60%, оқ ранг мато эса 25% ёруғлик энергиясини ютади.

Ёруғлик нурланиши кўзга тушганда (айниқса тунда, чунки кўз қорачиғи кенгайган бўлади) кўз қамашиши кузатилади. Кўз қамашиши вақтинча давом этади. Бунга сабаб кўздаги родопсин пигментининг (тўқ қизил ранг) камайишидир. Агар нур яқин масофадан кўзга таъсир қилса, кўзнинг тўр пардаси кўяди ва турғун кўрлик ҳолати вужудга келади. Шунинг учун осмонда бирдан чакнаш юз берганда унга қараш мумкин эмас.

Ёруғлик нурланиши фақат одамларга таъсир қилиб қолмасдан балки ҳарбий қуролларга, техника воситалари, резина буюмлар, деталлар, гилофлар, ҳарбий воситаларга, бўёқли юзаларга ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида уларнинг ёниб кетиши ёки бўлмаса куйиб кўмирга айланиши кузатилади.

Ўтувчан радиация- ядро портлашида чиқадиган кўринмас ва сезилмас гамма-нурлар ҳамда нейтронлар оқимидан иборат: Бунга ядро портлаш энергиясининг тахминан 5% и сарфланади. Ядро портлаши содир бўлгандан 15-20 секунд ўтгач ядро ва термоядро реакцияси натижасида

гамма-нурлар, нейтронлар оқими, альфа-ва бета заррачаларининг жуда кучли оқими тарқалади. Лекин ўтувчан радиацияга фақат гамма-нурлар ва нейтрон оқими киради, альфа-ва бета-заррачаларининг ҳавода босиб ўтган йўли калта бўлганлиги учун, уларда ўтувчанлик хоссаси кам.

А л ь ф з а р р а ч а л а р гелий атоми ядросидан иборат бўлиб, икки протон ва икки нейтрондан ташкил топган.

Б е т а-з а р р а ч а л а р ё электрон ёки позитрондир. Ҳар бир бета-заррача бир элементар электр зарядига тенг бўлган зарядга эга. Унинг тезлиги энергиясига боғлиқ бўлади Уст-бош ўтувчанликни анча камайтиради, автомобиль ойнаклари ёки 1 мм қалинлиқлаги металл тўсиқлар бета-заррачаларни тўлиқ ўтказмайди.

Г а м м а-н у р л а р нур энергиясининг айрим фотонлари оқимидан иборат бўлиб, тўғри чизик, бўйлаб ёруғлик тезлигида (300 000 км.сек) тарқалади. Гамма-нурларининг ҳавода босиб ўтган йўли юзлаб метрларни ташкил қилади, шунинг учун ўтувчанлик хоссаси чексиз бўлиб ҳисобланади. Унинг ўтувчалик хусусияти бета-заррачаларникига қараганда 50-100 баробар кучли ривожланган.

20- килотоннали атом бомбаси ҳавода портлатилганда унинг ўтувчан радиацияси доираси қуйидагича бўлади: 800 метргача - 100% ўлим содир бўлади (10000 Р дозага яқин); 1,2 км да-75% ўлим содир бўлади (1000 Р га яқин дозаси); 2 км - 1-11 даражали нур касаллигини (50 200 Р дозаси) келтириб чиқаради. Нейтрон бомба портлаганда ўтувчи радиация жуда кучли ривожланади. Агар бир минг тротил эквивалентга тенг бўлган нейтрон бомба портлатилса, унинг зарба тўлқини ва ёруғлик нурланиши фақат 130-150 м доирадаги масофани зарарлайди. Ўтувчан радиациядан сақланиш учун пана жойлар ва иншоотлардан фойдаланилади. Ҳимоя қилувчи воситаларнинг зичлиги қанча юқори бўлса, у гамма-нурларини ўзида шунча кўп тутиб қолади. Шунинг учун ҳимоя қилувчи материаллар қалинлигини топиш учун «ярим сусайтирувчи қават» тушунчаси киритилган. Бунда ушбу материалнинг қалинлиги ўтувчан радиация миқдорини 2 баробар камайтириши керак. Материаллар қалинлигини ҳисоблаш асосан гамма-нурлар мисолида ўтказилади.

14-ж а д в а л

Ярим сусайтирувчи қават ($K_{0,5}$), см

Зарарланиш манбалари	Зичлиги, г.см ³	Ярим сусайтирувчи қават, см	
		гамма- нурларидан	гамма бўлинишлардан
Сув	1,0	14-20	3-6
Дарахт	0,7	15-30	10-15
Тупрок, ер	1,6	10-14	11-14
Бетон	2,3	6-12	9-12
Брон (зирх)	7,8	2-3	5-12
қўрғошин	11,3	1,4-2	9-12

Пўлат	7,8	2,8-3	5-12
қор	0,4	50	-

Жанг майдонларида зарба тўлкинидан сакланиш учун турли хил пана жойлар, окоплар, хандақлар, чуқурликлар ва бошқа яширин жойлардан фойдаланилади (34-расм). Пана жойлар, хандақлар ва окоплар зарба тулқинини 3-10 баробар камайтиради.

Далада қурилган пана жойларнинг ҳимоялаш коэффиценти (гамма-нурлар бўйича) 250-1000 ни ташкил қилиши керак, яъни бу пана жойларнинг усти 112-140 см қалинликдаги тупроқ билан ёпилган бўлиши керак. Ўтувчи радиациянинг кириш хусусияти 35- расмда кўрсатилган.

Ўтувчи радиация тирик тўқималар молекулаларини ионлаштириб, организмнинг ҳаётий фаолиятини бузади ва кишини турли даражадаги нур касаллигига йўлиқтиради, баъзан эса ҳалок қилади. Одамга 50 рентген радиация қисқа вақт давомида таъсир этганда организмда сезиларли ўзгаришлар юз бермайди. Ҳозирги вақтда нур касаллиги кечишига кўра: енгил, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади. Нур касаллиги оғирлиги ва кечишига кўра ўткир ва сурункали бўлади.

Жойларнинг радиоактив моддалардан зарарланиши ядро портлаши натижасида ҳосил бўлади, бунга ядро портлаши энергиясининг тахминан 10% и сарфланади.

Ядро портлаши натижасида ҳосил бўлган кўп миқдордаги радиоактив моддалар ҳаво оқимида эргшиб портлаш марказидан ўнлаб, юзлаб километр масофаларга тарқалади. Ҳаво турар жойлар, сув манбалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа нарсаларни зарарлайди. Зарарланган жойлардаги радиоактив моддалар одамларга ва ҳайвонларга сиртдан таъсир кўрсатади. Мазкур моддалар овқат, сув орқали организмга тушиб, ичдан таъсир қилсатади, оқибат натижада одам ва ҳайвонларда турли даражадаги нур касаллиги пайдо бўлади.

Жойларнинг радиоактив моддалардан зарарланишига асосан қуйидагилар: ядро портлаши натижасида ҳосил бўлган радиоактив изотоплар ёки парчаланиш «заррачалари», баъзи моддаларнинг радиоактив ҳолатга ўтиши ва ядро реакцияси натижасида парчаланишга улгурмай қолган ядро зарядлари сабаб бўлади.

Уран ва плутонийнинг парчаланишидан ҳосил бўлган радиоактив изотоплар ёки парчаланиш «заррачалари» энг хавфли зарарланиш манбаи ҳисобланади.

Парчаланиш «заррачалари» ичида энг кўп учрайдиган изотоплар иттрий, теллур, молибден, йод, ксенон, барий, лантан, стронций, цезий, цирконийдир. 36-расмда уран-235 ядросининг парчаланиши натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган йод на иттрийнинг радиоактив изотоплари кўрсатилган. Бу моддалар кейинчалик бетапарчаланиши туфайли барқарор лантан ва молибден ядроларига айланади.

Ядро заряди портлаши рўй берганда осмонга кўтарилиб чиққан тупроқ, чанг портлаш маҳсулотлари бўлмиш изотоплар билан аралашиб кетади.

Бунинг натижасида кўзикорин шаклида ҳосил бўлган булутнинг ҳаммаси радиоактив хусусиятга эга бўлади Радиоактив чанглар экинзорларга тушиши натижасида зарарланиш рўй беради. Бундай жойлар ва нарсалар радиоактив моддалар билан зарарланган деб аталади. Жойларга тушган радиоактив заррачаларнинг ярим емирилиш даври турлича бўлади (15- жадвал).

Портлашда ҳосил бўлган радиоактив махсулотлар- ярим емирилиш даври нисбатан қисқа бўлган ва ярим емирилиш дааражаси тезда йўқолиб кетадиган радиоизотоплар юқори фоизни ташкил этади. Портлашдан сўнгги биринчи соатларда радиация даражаси тезда камайиб кетади.

Радиоактив моддалар билан қўшилган булут ўтган жойларда чўзик эллипссимон радиоактив «из» қолади. Радиоактив булут қолдирган «из» радиоактив моддалар изи ўқидан қанча узоқлашса, радиация даражаси шунча кам бўлади ва кишига кам таъсир кўрсатади.

Радиоактив моддаларнинг ерга тушиш вақти шамол тезлигига боғлиқ бўлади ва қуйидаги формула билан аниқланади.

$$t_0 = \frac{R}{V}$$

бу ерда t_0 - радиоактив модданинг ерга тушиш вақти, R - портлаш марказидан узоқлашган масофа (км ҳисобида), V - шамолнинг тезлиги (км.соатда).

Электромагнит импульс – ва иккиламчи зараҳарловчи омиллар. Ядро зарядларининг портлаши натижасида ҳавонинг ионлашиши кузатилади, ҳосил бўлган электронларнинг юқори тезликка ҳаракати туфайли электромагнит майдони пайдо бўлади. Бунинг натижасида электромагнит разряд ва ток ҳосил бўлади. Атмосферада пайдо бўлган электромагнит импульс чакмоқ сингари тарқалган ҳолда антенналарда, кабелларда, электр узатиш тармоқларида ва симларда кучли кучланишга эга бўлган ток ҳосил қилади.

Ер юзида ҳавонинг паст қисмларида ядро заряди портлатилганда электроимпульснинг шикастловчи таъсири портлаш марказидан бир неча километр узоқликка кузатилади. Ер юзидан анча баландликка ва ҳавода портлатилган ядро заряди натижасида электромагнит импульс, майдони портлатилган марказда ва ер юзасидан 20-40 км баландликка ҳам электромагнит импульс майдони ҳосил бўлиши кузатилади. Кучланиш майдони ҳосил бўлган электромагнит майдонининг шикастловчи омили бўлиб ҳисобланади. Кучланиш майдонининг кучлилиги портлатилган ядро зарядининг қувватига, портлатиш баландлигига, портлаш марказидан узоқлигига ва атроф-муҳитнинг хоссасига боғлиқ бўлади.

Ядро қуролидан химояланиш воситалари.
Шахсий химоя воситалари.

Шахсий ҳимоя воситалри филтрловчи ва ажратувчи противагазлар (газниқоблар), ркспираторлар ва терини ҳимояловчи воситалар (ҳимояловчи комплекс кийимлар, костюмлар, комбинзонлар ва бошқалар)га бўлинади. Буларнинг барчаси нафас аъзоларини, кўз ва тери қаватларини радиактив, заҳарловчи моддалар ва бактериялогик воситалар таъсиридан сақлайди.

Уларнинг ҳаммаси ўзининг ҳимоялаш хусусиятига кўра филтрловчи ва ажратувчиларга бўлинади. Филтрловчи воситаларнинг ҳимоялаш хусусияти хавони ҳимояловчи материаллар орқали ўтказишга асосланган бўлиб, унда ҳаво радиактив, заҳарловчи моддалар ва бактериялогик воситалардан тозаланади. Ажратувчи воситаларнинг ҳимоялаш хусусияти одам организминини ташқи мухитдан тўлиқ ажратишга қаратилган бўлади. Нафас олиш учун керак бўлган ҳаво пневматегон ёки пневматафор усулда ишлайдиган кислород аппаратлари ёрдамида олинган бўлади.

Умумҳарбий ҳимоя воситалари билан бутун ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизматчилари таъминланади.

Махсус ҳимоя воситалари билан танкли, авиацион, кимёвий қисмлар, турли хил кўшинларнинг бўлинмалари махсус вазифаларни бажарадиган вақтларида, ҳамда тиббий хизмат (бошидан яраланганлар учун шлем ШР-1) бўлимлари ярадорларга ёдам кўрсатишда ишлатиш учун таъминланадилар.

Нафас аъзоларини ҳимояловчи воситалар.

Нафас аъзоларини ҳимояловчи воситаларга филтрловчи (умумҳарбий, ПМГ, ПМГ-2, ШР, ГП-5, ДП-6, ДП-6М), ажратувчи (ИП-4, ИП-5) противагазлар (газниқоблар), респираторлар (Р-2, ШБ-1) ва кўл остида бўлган воситалар киради.

РШ-4 маркали умумҳарбий филтрловчи противагаз (газниқоб). Бу противагазлар нафас аъзолари, кўз ва юзни заҳарловчи, радиактив моддалар ва бактериял воситалардан ҳимоя қилишнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Бу противагазлар билан ҳарбий кўшинларнинг ҳарбий хизматлари таъминланади.

Противагазлар (газниқоб) филтрловчи-ютувчи коробка, юз қисми ва халтачадан иборат.

Ажратувчи противагазлар.

Ажратувчи противагазлар нафас аъзоларини ташқи ҳаводан тқлик изализация қилади. Ажратувчи противагазларнинг хусусияти заҳарловчи моддаларнинг турига, радиактив ва бактериял воситаларнинг ҳаводаги концентрациясига боглиқ эмас. Бундай противагазлар ҳаво таркибидаги ҳар қандай заҳарловчи модда ва уларнинг юқори концентрациясидан ҳимоялайди ва қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

- 1 ҳаво таркибида заҳарловчи ва зарарли моддаларнинг жуда юқори концентрацияси пайдо бўлганда;
- 2 одатдаги филтрловчи противагазлар ҳаво таркибидаги баъзи бир заҳарловчи ва зарарли моддаларни зарарсизлантира олмаган вақтда;
- 3 ҳаво таркибида кислород қисман ёки тўлиқ бўлмаганда;

4 сув тўсикларидан ўтишда ёки сув остида иш бажаришда.

Ажратувчи противогазлар киши нафас аъзоларини ташқи муҳитдан тўлиқ ажратишга асосланган бўлади, нафас олиш учун керак бўлган ҳаво пневматоген ёки пневматофор усулда ишлайдиган аппаратлар ёрдамида олинган бўлади. Пневматофор ажратувчи противогазларда, нафас учун олинган кислород балонларида сиқилган босимда бўлади, бундай аппаратларга КИП-5 киради.

Пневматоген ажратувчи противогазларга ҳозирги вақтда ИП-4, ИП-5 лар киради, бунда кислород кимёвий йўл билан олинади.

Ажратувчи ИП-4 противогази қуруқликла ишлаш учун мўлжалланган. Бу аппарат юз қисмидан, регенератив патрондан, нафас халтаси ва ортиқча босимни чиқарувчи клапандан иборат.

Ажратувчи ИП-5 провогази юз қисми, регенератив патрон, нафас халтаси (қопи), кўкрак фартуги ва ортиқча босимни чиқарувчи клапандан иборат.

Шлем-ниқоб (ШИМ-М) корпус, кўзойнақлар узели, обтюратор, боғлаш мосламалари ва шлем-ниқобга маҳкам қилиб ўрнатилган гофрланган бириктирувчи найчадан иборат. Бириктирувчи найчанинг иккинчи учида эса кўчма гайка бўлиб, унинг ёрдамида найча нафас халтасига маҳкам қилиб уланади.

Регенератив патрон (РП-5) параллелепипед шаклида қилиб тайёрланган. Патроннинг юқори қисмида иккита ниппел уяси бор, булар ёрдамида улар нафас халтасига уланади. Ниппел уяси ўртасига дастак шаклида тайёрланган ишга солувчи мослама ўрнатилган, ишлатилмаган патронда ишга солувчи мослама плонбалар қўйилган бўлади.

Ажратувчи противогазлардан фойдаланиш вақти мин.

Жисмионий иш	ИП-4	ИП-5
Тинч ҳолатда:		
қуруқликла	180	200
сув тагида	-	120
Енгил жисмоний иш бажарганда:		
VII. қуруқликла (асбоб-ускуналарни текшираётганда)	180	200
VIII. сув остида (чўккан техника ичида бўлганда, люкларни очаётганда, юқorigа ва қирғoққа сузиб чиқаётганда)	-	90
Ўртача жисмоний иш бажарганда:		
11. қуруқликла (юриш, енгил деталларни йиғиш), механизмларга хизмат кўрсатиш	75	75

ва уларни созлашда. Оғир жисмоний иш бажарганда: 2. куруқликла (югуриш, катта деталларни йиғиш, нарвонда юқорига кўтарилиш, оғир юкларни кўтариш, эмаклаб бошқа жойга ўтиш вақтида).	30(40)	45
--	--------	----

Фуқаро муҳофазасининг ҳимоя қурилмалари.

Фуқаро мудофаси қурилмалари душман томонидан қирғин қуроллари ишлатиш ҳавфи бўлган пайтда ёки атом электр станциясида офат бўлган вазиятда аҳолини захарловчи радиактив моддалардан кимёвий ва бактериали қуроллاردан мудофааланишнинг ишончли қўрғони ҳисобланади. Мудофааланиш қурилмалари мудофааланиш усулига қараб мудофаа жойлари ва радиациядан паналаниш қринларига бўлинади.

Мудофаа жойлари – бу махсус қурилма ядровий портлашнинг зараловчи факторларидан захарловчи моддалардан бактериал қуроллاردан ҳимояланиш воситасидир.

Мудофаа жойлари мудофааланиш манзили ва радиация қуролига бўлинади. Бу махсус жойлар захарловчи факторлардан, шунингдек юқори иссиқлик чиқарувчи портловчи бомбалардан, газлардан ва ўтлардан инсонларни мудофаалаш учун қурилади.

Паналаниш жойлари қоидага мувофиқ иккидан кам бўлмаган кириб чиқиш эшиклари билан таъминланган бўлади. Паналаниш жойида бундан бошқача офат юз берган тақдирда чиқиш учун қўшимча эшик қўйилади. Кейинчалик ўша ерларда нарвон билан ташқарига чиқиш учун мўлжалланган эшикни қўйиш мумкин. Кўп ўринли (300 дан ортиқ одам) қурилишларда қуриладиган эшикларнинг биттасига шилюзли дахлиз, захарлоанган ҳаводан мудофаа қилинадиган сиртқи ва ички шамол кирмайдиган эшиклар жиҳозланади. Бундай жойларнинг мудофаа қилиш хусусияти бемалол кириб чиқишни таъминлайди. Ҳаво тозалаш системаси қоидага мувофиқ ҳавони жанглардан тозаловчи ва сузиб алмаштирувчи икки режимда ишлайди. У ҳавони тўлиқ тозалаб, ўз ҳолига келтиради. Мудофааланиш жойларида сув билан таъминланувчи канализация, илтувчи ва ёриғлантирувчи системаларнинг турли тармоқлари билан боғланиши ихчамлаштирилади. Улар зарарланган тақдирда ўзидан қаршилик чиқарувчи кўчма маторлар билан ёруғлантирилади, сув сақлаш идишлари, шунингдек ифлосликларни йиғиб солиш учун идишлар билан таъминланади. Бунда умуман илиқлик таъминлаш чоралари ишланади. Улардан ташқари, назорат учун комплекслар мудофа кийимлари, ёнғинни ўчирувчи қуроallar ва асбоблар йиғиндиси тайёр холда сақланади.

Радиациядан мудофаланиш жойлари – бу асбобларни ионлаштириш нурларидан, радиактив захарланган ерларда захарланишдан сақланишни таъминлайди. Улар бундан бошқа кучли портлагичларга эга нурлардан радиациянинг ўтишидан етарли миқдорда портлаш тўлқинларининг

урилишдаридан заҳарловчи радиактивли моддаларнинг ва бактериали курулнинг таъсиридан сақлайди. Кўп қаватли жойларнинг ертўлаларида радиациядан сақланса бўлади. Бундай сақланиш жойларини кузатишда ишлаб чиқаришдаги темир, бетон элементлари, ғишт, ёғоч материаллари ва тошлар ҳамда ходалардан фойдаланиш мумкин.

Радиациядан сақланиш мақсадида барча яроқли ашёлардан ертўлалар, полиз маҳсулотлари сақланадиган омборлар, ўйдин чуқур ерлар, шунингдек деворлари паналаниш хусусиятига эга бўлган ер устидаги иморатлардан фойдаланилади. Уйнинг паналаш хусусиятларини ортириш учун дераза ва эшикларнинг ўрнини тупроқ билан тўлдириб пана жой ишланади. Мобода зарурлик топилса сиртки деворнинг ер устидаги томони текширилиб тупроқ билан кўмилади.

Барча эшиклар кигиз билан ёки юмшоқ газлама билан тиғиз қилиб ёпилади. Паналаниладиган ерга (300 одамгача мўлжалланган бўлса), табиий ҳаво оқими билан шамоллатгич қўйилади. Бунда сўрувчи кути шамоллатгичдан 1,5-2 м юқори қўйилади.

Радиациядан паналаниш жойларининг мудофааланиш хусусияти радиактив нурларининг ожизлик каэффиценти билан баҳоланади. 4-жадвалда бир қанча жойларнинг мудофаа хусусиятлари кўрсатилган.

Иморатларнинг турлари	Радиациянинг ожизлик каэффиценти
Биринчи қаватларнинг ичидаги хужралар:	
ҳам икки қаватли иморатлар	2
ёғочдан қурилган деворлар	5-7
ғишдан қурилган деворлар	50
Кўп қаватли жойларнинг юқори қаватининг ички хужралари:	
бир қаватли ва икки қаватли иморатларнинг ертўлалари	7-12
ёғочдан ишланган бўлса	200-300
тошдан ишланган бўлса	
Кўп қаватли иморатларнинг ертўлаларининг ўртача бўлими	500-1000

Ертўлалар билан ускуналанган иморатларнинг ичидаги хужраларнинг мудофаа хусусияти бир неча метрга ортади. Шундай қилиб, ёғочдан тикланган уйлар каэффиценти тахминан 100 гача, тошдан ишланган уйлар 800 минггача бўлади. Ускуналанган пана қрни радиациянинг 7-12 м га пасайтиради. Ускуналангани эса 350-400 м га камайтиради. Оддий тозаланиш ўринларига усти ёпилмаган ва ёрилган ертўллар киради.

Ер ткла ернинг устидаги иморатлардан юқори бўлиб, қор, ёмғир сувлари ичига оқиб кетмайдиган бўлиши керак. Ер тўла аввал тепаси очиқ, бостирилмаган турда қурилади. Узунаси 15 м дан кам бўлмайди. Чуқурлиги 1,8-2 м, эни –1,1-1,2 м бўлади. Ертўланинг узунлиги бир одамга 0,5-0,6 м

ҳисобида белгиланади. Ертўлада одамларнинг ўртача жойлашиши 10-15 одам, энг каттасида 50 одамгача жойлашади.

2 савол Кимёвий қирғининг зарарлаш омиллари ва ундан ҳимояланиш

Чет эл матбуоти маълумотларига қараганда, заҳарловчи моддалар мўлжалга аввало авиация ёрдамида етказилади. Турли хилдаги заҳарловчи моддалар билан тўлдирилган авиацион бомбалар портлатувчи мосламалари бўйича: зарба таъсирида портлайдиган ва узоқдан бошқарилувчи (дистанцион) мосламалар билан портлайдиганларга бўлинади. Зарба таъсирида портлайдиган кимёвий авиацион бомбалар ҳаво атмосферасини ёки маълум жойларни заҳарлашга мўлжалланган бўлиб, ўзидан фосген, иприт ёки зоман туридаги заҳарловчи моддаларни тутиши мумкин. Зарба таъсирида портловчи авиацион кимёвий моддаларнинг оғирлиги одатда 100 кг дан 1000 кг гача бўлади. Бунда бомбанинг 50% оғирлигини заҳарловчи моддалар ташкил қилади. (1-расм). Душманнинг тирик кучини заҳарлаш учун ишлатиладиган авиацион кимёвий бомбалар ер юзасидан бир оз баландроқ масофада портлатилади (дистанцион портлатувчи мосламаларга эга бўлади). Бу бомбалар чидамли заҳарловчи моддалар (зоман, иприт) билан тўлдирилган бўлади. Бундан ташқарии, кичик вазндаги (3 кг ва ундан ортиқ) кассетали авиацион бомбалар ҳам қўлланилиши мумкин. Бу бир нечта кичкина бомбалардан иборат бўлиб, маълум бир баландликда кассета очилиб бу кичик бомбалар тарқалиб кетади ва ерга тушиб портлаганда катта жойларни зарарлайди. Кассетали бомбалар таъсирловчи кучга эга бўлган заҳарловчи моддалар (CS, CR) билан тўлдирилган бўлиб, душманнинг тўпланган кучларига ишлатилиши мумкин.

Тўкадиган авиацион асбоблар (2-расм) суяқ заҳарловчи моддалар билан тўлдирилиб, самолёт қанотлари ёки фюзелажи (корпуси) тагига осилади ва 300-500 метр юқоридан истеҳкомлар устига сепилади.

Ракета воситалари. Кимёвий ҳужум ўтказиш зарурати пайдо бўлганда ракета воситаларидан кенг фойдаланилади. А+Ш армияси қуролли кучлари кимёвий қуролни керакли жойга етказиш учун бошқарилмайдиган «Онест Джон» ва бошқариладиган «Сержант», «Ланс» ва бошқа ракета воситаларига эга.

Бошқарилмайдиган реактив снаряд «Онест Джон»нинг учиш масофаси 40 км ни ташкил қилади. Бошқариладиган реактив снарядлар «Сержант»нинг узоққа учиш масофаси 47-140 км ни, «Ланс»нинг узоққа учиш масофаси 5-140 км ни ташкил қилади. Бу реактив снарядларнинг (ракета) жанговор қисми кассетадан иборат бўлиб, улар шарсимон шаклли бир қанча бомбалардан ташкил топган (ҳар қайси шарсимон бомбанинг оғирлиги 0,6 кг бўлади) заҳарловчи моддалардан зарин, зоман ва бошқалар билан тўлдирилиши мумкин. Ракетанинг жанговор кимёвий қисми 1,5-3 км юқорида автоматик равишда очилади ва шарсимон бомбалар 1 км² га тарқалиб кетади, ерга тушиб портлайди ва маълум бир жойни зирарлайди.

Реактив миномётлар (кўп стволли қўрилмалар)дан отиладиган реактив снарядлар ёки миналар заҳарловчи моддалардан зарин ёки V газлари

билан тўлдирилган бўлади, қўлланилганда қўплаб майдонлар ва кишилар зарарланади. +урилмаларнинг отиш узоқлиги 2,7-11 км ни ташкил қилади.

Артиллерия кимёвий снарядлари ва миналари – (3-расм). НАТО давлатлари армияларида ҳозирги вақтда 105, 155, 175, 203, 2 мм ли замбараклар ва гаубицалардан отиш учун ишлаб чиқилган кимёвий снарядлар бор. Бу табели снарядлар V-газлари, зарин, ҳайдалган иприт ва CS (Си-эс) заҳарловчи моддалари билан тўлдирилган. Гаубицаларнинг узоққа отиш масофаси 16-18 км, замбаракларнинг узоққа отиш масофаси 32 км ни ташкил қилади. Бундан ташқарии, 106,7 мм ли миномётларга мўлжалланган кимёвий миналар ишлаб чиқарилган, миномётларнинг узоққа отиш масофаси 5,5 км.

Кимёвий фугаслар – (4-расм) душманнинг тирик кучини, майдонларни, шунингдек тўсиқ ҳамда йўлларни зарарлаш учун қўлланилади. НАТО давлатлари қўшинларида ҳозирги вақтда М-1, М-23, АВС-М23 маркали фугаслар сақланиб келинмоқда. Ушбу фугаслар V-газлари, зарин ва бошқа турдаги заҳарловчи моддалар билан тўлдирилган бўлади. Портлатилган вақтда яқин 12,5 м² ва ундан ҳам кўп майдонни зарарлйди. Буларни портлатиш учун детонацияловчи шнур ишлатилади.

Аэрозолли генераторлар ҳавони зарарлаш учун ишлатилади. Аэрозол сифатида асосан заҳарловчи моддалардан Си-эс, Си-ар, Би-зет, хлорацетофенон, адамсит ва бошқалар қўлланилади. Аэрозолли генераторлар машиналарга ўрнатилган бўлиб, юргн вақтида заҳарловчи моддани икки ёнига ва орқасига сочиб юборади.

Кимёвий қўл гранаталари ва тутунли шашкалар таъсирловчи кучга эга бўлган заҳарловчи моддалар билан тўлдирилган бўлади, булар асосан намойиш ва митинг қатнашчиларини тарқатиб юбориш учун қўлланилади.

ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАРНИНГ ЗАРАР ЕТКАЗИШИГА ОБ-ҲАВО ВА ЖОЙНИНГ ТАЪСИРИ

Ҳаводаги ва ердаги заҳарловчи модданинг зарар етказишига об-ҳаво, тупроқнинг хили ва ернинг паст-баландлиги катта таъсир қилади.

Ҳаво ва тупроқнинг ҳарорати ерда чидамли заҳарловчи моддаларнинг сақланиш муддатига таъсир этади. Паст ҳароратли (қишда) иприт жуда секин буғланиб кўкламгача тупроқда сақланиши мумкин. Ёзда эса иприт бир неча ўн маротаба тезроқ буғланади ва тупроқда фақат бир неча соат, Ўрта Осиё республикалари шароитида эса янада камроқ сақланади.

Саратонда ердаги чидамли заҳарловчи модда томчилари тез буғланади. Иссиқда заҳарловчи модданинг ерга чўкиш вақти камаяди, ҳаводаги концентрацияси эса ошиб кетади. Ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёғмаганда, сал-пал шамол эсганда заҳарловчи моддалар узоқроқ сақланади.

Ҳаво ва тупронинг текис қизимаслиги ва совиши заҳарловчи мода аралашган ҳавонинг тез ёйилишига сабаб бўлади. Бу эса душманнинг муайян жойда юқори даражадаги заҳарловчи мода концентрациясини вужудга келтиришини қийинлаштиради.

Ҳаво очилиб, офтоб чарақлаб турган кунларда заҳарловчи моддалар ердан қазиб юқорига кўтарилади ва тез ёйилиб кетади. Тунда ҳаво аралашмайди, бу эса душмanning чидамсиз заҳарловчи моддасини ишлатишга қулай шароит туғдиради. Заҳарловчи моддалар ҳаво кечаси жуда секин юришиб, сойларда, шамол тегмайдиган жойларда, хандакларда, окопларда узок туриб қолади.

Кимёвий зарарланиш ўчоғи деганда кимёвий курул таъсирига учраган барча одамлар, ҳайвонлар, объектлар, иншоотлар, техникалар, атмосфера, ўсимликлар бўлган территория тушунилади. Кимёвий зарарланиш ўчоғининг ўзига хос хусусияти қайси заҳарловчи мода қўлланилганига, шунингдек уни қўллаш усулига, йил фаслига, об-ҳаво шароитига ва баъзи бир бошқа омилларга боғлиқ.

Кимёвий зарарланиш ўчоғининг катаккичиклиги, энг аввало, душман тарафидан заҳарловчи моддаларнинг қандай агрегат ҳолатда қўлланиши, шунингдек, қилинган ҳужумнинг қучи билан белгиланади. Заҳарловчи моддаларни мўлжалланган жойга етказиш учун қатта калибрдаги ракеталар ва авиабомбалар қўлланилган тақдирда, кимёвий зарарланиш ўчоқлари жуда қатта майдонларда пайдо бўлади.

Кимёвий зарарланиш ўчоғининг барқарорлиги қўлланилган заҳарловчи моддаларнинг тури ва унинг қўллаш усули билан белгиланади.

Бекарор кимёвий зарарланиш ўчоғи чидамсиз заҳарловчи мода – газ, буғ, туман ҳолида қўлланилганда ҳосил бўлади. Бекарор кимёвий зарарланиш ўчоғи заҳарлаш хусусиятини 3-6 соат мобайнида саклаб туради, шундан кейин ўчоқда бўлиш ҳавфи жуда қамаяди. Противогазни (газникоб) сигнал билан ёки тегишли хабар берилгандан кейин ечиш мумкин.

Барқарор кимёвий зарарланиш ўчоғи душман томонидан чидамли заҳарловчи моддаларни суюқ-томчи ҳолида ёки ёпишқоқ суюқлик ҳолида қўлланилган тақдирда ҳосил бўлади. Йил фаслига, об-ҳаво шароитига ва жойнинг рельефига қараб заҳарловчи моддалар заҳарлаш хусусиятини бир неча соатдан бир неча ҳафтагача ва ҳатто ойларгача саклаб туриш мумкин.

ФИЗИК ВА КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Кимёвий тоза зарин рангсиз суюқлик бўлиб, ҳидсиз, баъзи вақтларда билинар-билинемас мева ҳидига эга, қайнаш ҳарорати 147° (юқори ҳароратда парчланади). Музлаш ҳарорати $30-50^{\circ}\text{C}$. Техник маҳсулоти жигарранг бўлади. Ҳувчанлиги 20°C да 13,2 мг/л, унча турғун эмас, ёзда 10 соатгача сакланиши мумкин. Солиштирма оғирлиги 140,1, зичлиги сувга нисбатан 1,094 (сувдан оғир), ҳавога нисбатан буғларининг зичлиги 4,86, яъни ҳаводан оғир. Зарин органик эритувчилар-водород, спирт, ацетон, хлороформ, углеров тетрахлорид, бензол, эфир, толуол ва бошқаларда яхши эрийди. Сувда ўртача эрийди. Яхши гидролизланади ва токсик водород фторид кислотасини ҳосил қилади. Буғ ва аэрозол сифатида қўлланилади.

Зарин ишқорий муҳитда ва уни қиздирганда тезда гидролизланади. Ишқорлар ва аммиак билан парчланади ва у мода эритмалари билан

дегазация килинади. Дегазация килиш учун 5% ли ишкор эритмаси, 25% ли аммак эритмаси ва бошка эритмалар кўлланилади.

З о м а н, метилфосфин кислотанинг пинаклин эфири:

V-газлари, фосфор, кислотанинг бирикмалари бўлиб ҳисобланади, таркибида аминотиол гуруҳи бор.

V-газлари рангсиз, ҳидсиз суюқ модда. кайнаш ҳарорати 300°C, ҳаво босимининг 0,06 мм симоб устунида, 80°C да кайнайди. Учувчанлиги 20°C да 0,003 мг/л ни ташкил килади, яъни кам учувчан. кўлланилган жойларида узок вақтгача сақланиб туриши мумкин, ёз кунлари -15°C да 3 суткадан 21 суткагача: ёмғир ёккан вақтда, озгина шамол эсганда 1 соатдан 12 соатгача, киш кунлари – 10°C да, қорли жойларда 1 ҳафтадан 16 ҳафтагача сақланиб туриши мумкин. Музлаш ҳарорати-50°C. Ҳавога нисбатан буғларнинг зичлиги 1,0725. Сувда жуда кам эрийди (5% ни ташкил килади), лекин органик эритувчиларда, ёнилғиларда, ёғлаш учун ишлатиладиган мойларда, липидларда ва ёғларда яхши эрийди. Бўялган сиртларга, резиналарга, ғовак материалларга яхши киришади. Сувда жуда кам гидролизланади. Таркибида хлор моддасини тутувчи моддалар билан яхши дегазация килинади, ишқорлар билан дегазация килиниш хусусияти кам ривожланган, V-газлари аэрозоль ва суюқ-томчи кўринишида ишлатилади.

Организмга тушиш йўллари. Зарин, зоман ва V-газлари турли йўллари билан: нафас йўллари, ҳазм йўли, тери, шилик пардалар ҳамда яраланган юзалар орқали тушади. Бу моддалар организмга тушганда кириш йўлларида ҳеч қандай морфологик ўзгаришлар рўй бермайди ва кишига сезилмайди. Нафас йўллари орқали зарарланиш содир бўлганд бир неча дақиқадан сўнг ўлим юз беради. Шунинг учун жанг майдонида ҳимоя воситаларини ўз вақтида ишлатиш катта аҳамиятга эга.

Бу моддаларнинг заҳарлилик хусусияти 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Фосфорорганик моддаларнинг заҳарлилиги

(В.В.Мясников, С.Н. Голиков бўйича)

Заҳарловчи модданинг номи	Нафас йўли орқали зарарланиш, унинг ҳаводаги концентрацияси мг/л, дақиқалик экспозицияси				Томчи ҳолатида тушиши, LD 50	
	мутлако ўлдирадиган (CL 100)	ўртача ўлдирадиган (CL 50)	вақтинча сафдан чиқарувчи (1 С 50)	миоз чакирувчи	териға мг/кг	уст-бошға мг/кг
Зарин	0,1	0,07	0,055	0,002	5	25
Зоман	0,075	0,05	0,25	0,0001	0,7	5
V-газлари	0,007	0,001			0,005-0,1	4-5

Биринчи тиббий ёрдам. Ўзига, ўзаро (бир-бирига), санитарлар, санитар инструкторлар тарафидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам:

- 4 противогаз кийиш, агар захарловчи модда юзга тушса юзга химияга карши индивидуал пакет (ИПП-8, ИПП-10) билан ишлов берилгандан сўнг противогаз кийгизилади;
- 5 киши танасининг ичик жойларига вaш у ерга тегиб турадиган уст-бошга индивидуал пакет (ИПП-8, ИПП-10) ёрдамида кисман санитария ишлови берилади;
- 6 зидди-захар шприц-тюбик ёрдамида зудлик билан (бир шприц-тюбик) мушаклар орасига юборилади;
- 7 зарарланганларга сунъий нафас олдирилади (зарарланган жойда кўл усули билан ўтказилади);
- 8 зарарланган ўчокдан зудлик билан олиб чикиб кетилади.

Шифокоргача бўлган ёрдам (батальон тиббий пунктида БТП).

- 7 афин, будаксим кайта мушаклар орасига (бир шприц-тюбик) юборилади;
- 8 зарарланган кишиларга кўшимча химияга карши индивидуал пакет ёрдамида кисман санитария ишлови ўтказилади;
- 9 нафас олиш бузилганда ёки тўхтаб колганда ўпка сунъий вентилация килинади.

Вактинча килинмайдиган тадбирлар:

5. кўзга 1% ли атропин эритмаси ёки 0,5% ли амизил эритмаси томизилмайди;
6. захарланишнинг ўртача даражасида папаверин ва белладонна препаратлари ичишга берилмайди;
7. оғир ҳолларда антибиотиклар юборилмайди;
8. енгил зарарланганларга ва енгил касалларга тўлик санитария ишлови ўтказилмайди;
9. витамин препаратлари юборилмайди;
10. жигар ва буйрак фаолияти бузилишининг олдини оловчи препаратлар ва даволовчи препаратлар юборилмайди.

ТЕРИДА ЯРА ПАЙДО КИЛИШ ТАЪСИРИГА ЭГА БЎЛГАН ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР

Терида яра пайдо килиш таъсирига эга бўлган захарловчи моддаларга иприт, азотли иприт ва люизит киради. Ҳозирги вақтда чет Эл армия кўшинларида иприт табели курол сифатида қабул килинган ва агар кимёвий уруш бошланса уни кўллашлари мумкин. Азотли иприт ва люизит эса табелга киритилмаган захарловчи моддалар гуруҳига киради.

Иприт ҳам худди фосфорорганик моддалар каби нафас йўллари, меъда-ичак, тери, шилик пардалар ҳамда ярали юзалар оркали организмга тушиб оғир захарланишларга сабаб бўлади. Ипритнинг терида яра пайдо килиш таъсирига эга бўлган захарли моддалар гуруҳига дахлдор эканлиги унинг терида пуфаклар пайдо килиб, тери каватларини шикастланишига

боғлиқ. Бундан ташкари, у организмга умумий таъсир (резорбтив) кўрсатиш қобилятига эга. Шунинг учун бу турдаги захарловчи моддаларни резорбтив таъсирга эга бўлган моддалар деб аташ тўғрироқ бўлади.

Иприт захарловчи модда сифатида 1917 йил 12 июндан 13 июнга ўтар кечаси немис кўшинлари томонидан инглиз-француз кўшинларига қарши Ипр дарёси бўйида (Бельгия) қўлланилган, шунинг учун ҳам иприт деб номланган. 1936 йили Абиссенияда (Эфиопия) Италия кўшинлари томонидан кенг қўлланилган. Иккинчи жаҳо урушида (1943) японлар Хитойда ишлатганлар. Азотли иприт 1930 йилда синтез қилинган, аммо захарловчи модда сифатида қўлланилмаган.

Иприт биринчи марта 1822 йили Дебре томонидан кашф қилинган, кейинчалик бу узок вақтга эга олинмаган. 1860 йили немис олими Ниман ва инглиз олими Гютри томонидан иккинчи марта кашф қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

ФИЗИК ВА КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Иприт – дихлоридэтилсульфид, олтингугурт тутувчи модда бўлиб ҳисобланади.

Кимёвий тоза иприт мойсимон рангсиз суюқлик бўлиб, билинар-билинемас ҳиди бор, тозаланмаган техник иприт эса қорамтир-кўнгир рангли, саримсок ёки ҳнгал ҳидли мойсимон суюқликдир. +айнаш ҳарорати-217⁰-219⁰С ни ташкил этади, шунинг учун жуда секинлик билан буғланади ва турғун захарловчи моддалар қаторига қиради. Тоза ипритнинг музлаш ҳарорати 13,9-14,4⁰С, техник ипритники эса 4-12⁰С ни ташкил этади. Ҳавога нисбатан буғларининг зичлиги 5,5, учувчанлиги 20⁰С да 0,9 мг/м³ га тўғри келади. Сувдан 1,3 баробар оғир, эрувчанлиги 10⁰С да 0,07% ни ташкил этади. Органик эритувчилар-спирт, ацетон, хлороформ, бензол, эфир, толуол ва бошқаларда яхши эрийди. Шунингдек, баъзи захарли моддаларда эрийди ва уларни эритиш хусусиятига эга. Ковак материалларга, резинага ва бўялган сиртларга яхши қиради.

Азотли иприт –(трихлортриэтиламин) тузилиши, организмга таъсири ипритга ўхшаш захарли моддadir. У ипритга қараганда турғунроқ ўзик ва кимёвий хоссалари жиҳатидан қам фарқ қилади, фаол хлор қасловчи моддалар билан дегазация қилинади.

Захарли дозалари. Иприт организмга нафас йўллари, ҳазм йўли, тери шилиқ пардалари ҳамда қуйган, жароҳатланган юзалар орқали тушиб захарланишга олиб қелади. Қиши организмга қирганда ҳеч қандай ёмон ҳис-туйғу туғдирмайди, зарарланиш секин-аста ривожланади, яширин давринг давом этиши бир соатдан то бир неча суткага чўзилиши мумкин.

Иприт суюқ томчи ҳолида 0,1 мг/кг қонцентрациядаги иприт ўлимга сабаб бўлади. Нафас орқали 0,007 мг/л қонцентрациядаги иприт буғидан 50-60 дақиқа ичида нафас олинса оғир захарланишга сабаб бўлади. Агарда ипритнинг 0,07 мг қонцентрациядан нафас олинса, 30 дақиқадан сўнг ўлим

юз беради (5-жадвалга қаранг). 0,15 мг/л концентрациядаги иприт буғлари 15 дақиқали экспозициядан сўнг ўлим чакиради.

5-жадвал

**Иприт буғларининг одамга таъсири
(Флюри ва Церник бўйича)**

Концентрацияси, мг/л	Экспозицияси	Таъсири
0,0005	10-25 дақиқа	Кўзга, териға енгил кичиштирувчи таъсир кўрсатади.
0,001	1-2 соат	Жиддий ўзгаришлар бўлмайди
0,001	8-10 соат	Сафдан чиқариш мумкин
0,0065	1 соат	Ўпканинг жиддий шикастланиши кузатилади
0,07	30 дақиқа	Ўлимга олиб келади

Иприт буғининг 0,001 мг/л концентрацияси кўзни каттик шикастлайди.

Заҳарли моддаларнинг учувчанлиги канча юқори бўлса, уларнинг буғи ҳавога шунча кўпроқ кўтарилади ва кишини заҳарлаш ҳавфи шунча ортади.

ИПРИТДАН УМУМИЙ ЗАҲАРЛАНГАНЛАРГА ДАВО КИЛИШ

Ипритдан оғир зарарланганда у организмга умумий таъсир кўрсатади. Бунда марказий нерв системасида ва бошқа аъзолар фаолиятида ўзгаришлар келиб чиқади. Нафас марказининг фаолияти сусайганда тари остига 1 мл кордиамин эритмаси ёки 0,5% ли бимегриднинг 10 мл эритмаси венага юборилади. Кордиамин тери остига юборилганда нафас марказини кўзгатади ваз у билан бирга юрак-қон томир системаси фаолиятини яхшилади.

Ўткир юрак-томир етишмовчилигида венага 0,06% ли коргликолнинг 0,5-1 мл эритмаси 20 мл 20-40% ли глюкоза эритмаси билан бирга юборилади. Кейинчалик венага томчилаб (дақиқасига 20-40 томчи) 5 мл 1% ли норадреналин эритмаси 500 мл изотоник эритма билан бирга ёки шунча микдор 5% ли глюкоза эритмасида юборилади. Агар дори юборилаётганда артериал босим кўтарилмаса дори юбориш тезлигини дақиқасига 50-70 томчигача ошириш мумкин. Тери остига 1 мл 20% ли камфоранинг ёғли эритмаси ёки 1 мл 20% ли кофеин эритмаси юборилади, кислород ҳидлашга берилади.

Биринчи тиббий ёрдам (ўзига, ўзаро бир-бирига, санитарлар, санитар инструкторлар тарафидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам):

- 9 противогаз кийиш. Агар заҳарловчи модда юзга тушган бўлса зарарланганларнинг юз қисмига химияга қарши индивидуал пакет (ИПП-8, ИПП-10) билан ишлов берилади, кўзга тушганда эса сувдондаги сув билан ювилади, сўнгра противогаз кийилади;
- 10 химияга қарши индивидуал пакетлар (ИПП-8, ИПП-10) ёрдамида қисман санитария ишлови ўтказилади;

11 оғиз оркали заҳарланганда зарарланмаган жойларда «зондсиз» усул билан меъда ювилади. Бунинг учун зарарланган одамга 3-4 стакан сув ичирилиб, бармоқлар билан тил илдизини таъсирлантириб кайт килдирилади.

ПСИХОКИМЁВИЙ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР

Тахминан 1957 йилдан бошлаб АКШда психокимёвий моддаларни ҳарбий мақсадларда қўллаш устида изланишлар олиб борилмоқда. Психокимёвий заҳарли моддалар киши аъзоларига таъсир этмасдан унинг руҳичтига таъсир килади. Бу моддалардан заҳарланган киши онгини йўкотади, хотираси пасайиб кетади, бу моддалардан кучлироқ заҳарланганда эса нерв марказлари каттик зарарланади. Хуллас, бундай моддаларнинг ҳар қандай дозаси одамнинг меҳнат ва жанговорлик қобилиятини йўқотишга сабаб бўлади.

Чет эл ҳарбий мутахассисларининг фикрича, ушбу моддалар ишлатилганда ҳарбий штабларнинг иш фаолияти вақтинча бузилади, қуроли кучлар ичида тартибсизлик рўй беради.

Фармакологиядан маълумки, ҳамма психокимёвий моддалар икки гуруҳга бўлинади: 1) ўсимликлардан олинувчи психокимёвий моддалар-ДЛК, псилоцибин, мескалин, гармин ва бошқалар; 2) синтетик йўл (синтез) билан олинadиган психокимёвий моддалар. Бу гуруҳга атропинга хос таъсир кўрсатувчи моддалар-BZ, дитран, бенактизин, JB-336 препарати ва бошқалар киради.

Ҳарбий мутахассисларнинг фикрича, юқорида айтиб ўтилган психокимёвий моддалардан фақат гликол ва лизергин кислотанинг ҳосилалари ҳарбий мақсадларда ишлатилиши мумкин.

BZ (БИ-ЗЕТ)

1. ФИЗИК ВА КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

БИ-ЗЕТ фенилгликолатнинг 3-хинуклидил эфири.

Ҳарбий шифри: BZ (АКШ). 1955 йили биринчи марта Дж.Бил (АКШ) томонидан синтез килинган ва унинг токсиклик хусусиятлари Л.Абуд томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг, 1961 йили химиявий қурол сифатида қабул килинган.

БИ-ЗЕТ рангсиз ок кристаллик модда, ҳиди йўқ. Тоза препаратнинг суюқланиш ҳарорати 190°C , қайнаш ҳарорати 412°C , зичлиги $1,8 \text{ г/см}^3$, сувда ёмон эрийди. Жанг майдонларида, аэрозоль сифатида қўлланилади. Ҳаводаги $0,11 \text{ г/м}^3$ конценрациясидан бир дақиқа давомида нафас олинса, психос келиб чиқишига сабаб бўлади. Организмга ингаляцион йўл билан тушади, баъзан сув ва овқат билан ҳам тушиши мумкин.

BZ (БИ-ЗЕТ) НИНГТАЪСИР МЕХАНИЗМИ

Бу моддалар организмга тушганда атропинга хос таъсир кўрсатади, шунинг учун марказий таъсир кўрсатувчи бўлиб ҳисобланади, периферик таъсири кучсиз намоён бўлади.

Лаборатория ҳайвонларига текшириш учун юборилган радиоактив изотоплар ва BZ моддасининг максимал концентрацияси 2,5 даки-адан сўнг миёда структурасида куйидагича: ола-була жисмда > катта ярим шарларда> гиппокампда > гипоталамусда> кичик миёдатаркалиши аниқланган.

Маълумки, организм ҳаёт фаолиятида, аникроғи, кўзғалишларнинг бир нерв хужайрасидан бошқасига ёки нерв охиридан ижрочи аъзо хужайрасига ўтишида медиаторларнинг аҳамияти катта. Ацетилхолин медиатори нерв импульсларини бир структурадан иккинчисига ўтказишда иштирок этади. BZ- заҳарловчи модда организмга тушганда миёдаги мускарин сезувчи холинорецепторларни боғлаши натижасида марказий нерв системаси синапсларида ацетилхолиннинг медиаторлик функцияси бузилади. Бунда марказий нерв системасига атрофдан келадиган хабарларни қабул қилиш жараёни бузилади, бу эса организмда психик ҳолат пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, заҳарловчи моддалар факат холинорецепторларни блокада қилиб қолмай, миёдаги холинацетилаза ферменти фаоллигини ҳам пасайтиради. Натижада ацетилхолин синтези марказий нерв системаси синапсларида камаяди, парчаланиши кўпайиб кетади, бунинг натижасида миёда ацетилхолин миқдори кескин пасайиб кетади.

КЛИНИК МАНЗАРАСИ

Бу моддалар организмга тушганда атропинга хос таъсир қилади. Заҳарланишнинг дастлабки белгилари вегетатив, соматик ва психик бузилишлар ҳисобланади. Тахикардия, оғиз қуриши, ташналик, тери кизариши, кўз қорачиғининг кенгайиб кетиши кузатилади. Атаксия рўй беради, атрофга бефарқ бўлиб қолади ва фикр чалқашлиги рўй беради. Қасаллик клиникасида вегетатив ўзгаришлар кўпроқ бўлади. Заҳарланиш даражаси, заҳарловчи модданинг ҳаводаги концентрациясига боғлиқ бўлиб, заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даражада ўтади.

Е н г и л заҳарланишда кўзғалишлар ёки депрессия, мастлик белгилари, кайфиятнинг кўтаринки бўлиши (эйфория), хотиранинг бузилиши ва диққатнинг сусайиши, кўз қорачиғининг кенгайиши, шилик пардаларнинг қуриши, ишончсиз кадам ташлаш, нутқ бузилиши каби ҳолатлар кузатилади.

У р т а ч а оғирликлаги заҳарланишда клиник белгилар заҳарланишдан 2-4 соат кейин пайдо бўлади ва 12 кун давом этади.

О ғ и р даражадаги заҳарланишда клиник белгилар заҳарланишдан 15-20 дақиқа ўтгач пайдо бўлади. 3-5 сутка давомида тулик ривожланади.

ДАВОСИ

BZ дан заҳарланганларга физостигмин, прозерин, галантамин ва дезоксипеганин буюрилади. Бу моддалар ацетилхолинни парчаланишдан сақлаб, медиаторларнинг М- ва Н- холиномиметик таъсирини оширади. Физостигмин ва галантамин гидробромид препаратлари даволаш мақсадида

кенг қўлланилади. Улар гематозэнцефалик тусиклардан осон ўтади. Бундан ташқари, марказий нерв системаси синапсларидан импульслар ўтказувчанлигини оширади. Галантамин гидробромиднинг 1-2 мл 1 % ли эритмаси ёки дезоксипеганиннинг 1-2 мл 1 % ли эритмаси тери остига юборилади. Агар препарат унча таъсир этмаса, 30-60 дақиқадан сўнг қайтадан тери остига юборилади.

Биринчи тиббий ёрдам (ўзига, ўзаро, санитарлар, санитар, инструкторлар тарафидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам):

- противогаз кийиш ёки кийдириш;
- химияга қарши индивидуал пакет (ИПП-8, ИПП-10) ёрдамида қисман санитария ишловини ўтказиш;
- телик билан зарарланиш ўчоғидан чиқиш ва олиб чиқиб кетиш.

Шифокоргача бўлган ёрдам (батальон тиббий пунктида (БТП):

- противогаз кийиш ёки кийдириш;
- химияга қарши индивидуал пакет (ИПП-8, ИПП-10) ёрдамида қисман санитария ишлови ўтказиш;
- тезлик билан зарарланган ўчокдан олиб чиқиб кетиш;
- психомотор кўзғалишлар пайдо бўлганда 1-2 мл 0.2% ли трифтазин эритмаси мушаклар орасига юборилади;
- юрак-қон томир етишмовчилиги ривожланганда юрак фаолиятини яхшиловчи моддалар, аналептиклар (1 мл 0,05% ли строфантин эритмаси ёки 1 мл 0,06% ли коргликон эритмаси, 2 мл 10% ли кофеин эритмаси, 2 мл кордиамин эритмаси) мушаклар орасига юборилади.

ТАЪСИРЛАНТИРИШ КУЧИГА ЭГА БЎЛГАН ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР

Таъсирлантириш кучига эга бўлган заҳарловчи моддаларга юқори нафас йуллари шилик қавати, қонъюктива ва кўз мугуз пардасининг сезувчи нерв охириларига танлаб таъсир қилувчи қимёвий бирикмалар қиради. Бу моддалар уларнинг физиологик таъсир механизмига кўра ғайриихтиёрий заҳарлар деб ҳам аталади, чунки бу моддалар сезувчи нерв охирилари тез қитиклаб нафас олиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш ва юрак-қон томир системаси тарафидан ғайриихтиёрий реакциялар қилиб чиқишига сабаб бўлади. Тез қечувчи ғайриихтиёрий реакциялар организм мувозанатининг, ўзининг таъсирланиш вақтига қараб бутунлай ёки маълум даражада бузилишига олиб қелади. Қиши организм ташқи қимёвий қитикловчи моддаларга сезгирдир, аъзоларнинг ичида энг сезгири нафас олиш, кўз шилик пардаси ва ҳазм аъзоларидир.

Таъсирлантирувчи моддаларнинг липидларда эриши нерв охириларига айниса қучли таъсир қилади, шунинг учун липоидга бой бўлган нерв охириларида заҳарловчи модданинг юқори концентрацияси ҳосил бўлади. Заҳарловчи моддалар организмда қелтириб чиқарадиган клиник манзарасига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1. Юқори нафас йуллари ва бурун шилик пардасига таъсир этувчи

захарловчи моддалар (стернитлар ёки аксиртирувчилар).

2. Кўз шилик пардасига таъсир этувчи захарловчи моддалар (кўздан ёш чиқарувчилар ёки лакриматорлар).

Адамсит - дифениламинохлорарсин.

Шартли номлари ва шифрлари: DM, Adanisit (АКШ) ; Azin (Германия). 10-хлор-5, 10-дигидрофенарсазин биринчи марта 1913 йили «Байер АГ» (Германия) фирмаситомонидан синтез килинган. 1918 йили Р. Адамс (АКШ) ушбу моддани захарловчи модда сифатида жанг майдонида ишлатишни тавсия этган ва 1918 йилнинг сентябрь ойида француз кўшинлари томонидан биринчи бор жанг майдонида қўлланилган.

Кимёвий тоза адамсит сарик рангли кристалл модда-яшил рангли техник препарат. Солиштира оғирлиги 1,65, эриш ҳарорати 195°C, қайнаш ҳарорати 410°C. Сувда эримайди, органик эритувчиларда ёмон эрийди. Сув ва ишқорлар иштирокида секин гидролизланади, гидролиз натижасида ҳосил бўлган модда худди адамситга ўхшаш кучли захарловчидир. Металлар билан реакцияга киришмайди. Таркибида мишьяк борлиги учун унитиол зидди-захар бўлиб ҳимоббланади. Бошида захарли моддаларга караганда юкори нафас йўлларига узок муддат ичида ривожланувчи таъсир кўрсатадн. Таъсирлаш концентрацияси 0,001-0,005 мг

ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ

Кам ёки ўрта концентрациядаги кристалик арсин моддаси юкори нафас йуллари ва бурун шилик пардаларидаги суюкликларда эрийди ва тўпланади. У нервохиридаги липоидлар билан бирикиб нафас йўлларида юкори концентрацияга эга бўлган захарли ўчокларни ҳосил килади. Клиник белгилари уларнинг липоид сакловчи нерв охирлари билан бирикишига боғлиқ бўлади, агар захарловчи модда липоидлар билан бирикса, тезда клиник белгилар пайдо бўлади. Латент даврнинг узоклиги захарловчи модданинг ҳаводаги концентрациясига ҳам боғлиқ бўлади. Агар захарли модданинг ҳаводаги концентрацияси юкори бўлса, патент давр бўлмаслиги мумкин. Аксинча, кам микдордаги захарли модда таъсир этганда латент давр 2-4 дакикага чўзилиши мумкин. Латент даврнинг давомийлиги қўлланилаётган арсинларнинг кимёвий структурасига ҳам боғлиқдир. Масалан, адамсит бошка арсинларга караганда секинрок таъсир килади, таъсирланиш аломатлари 5-10 дакикадан кейин пайдо бўлади. Ҳатто захарланиш ўчоғидан олиб чикиб кетилганда ҳам 10-30 дакикадан сўнг таъсирланиш белгилари кўринади.

ДАВОСИ

Арсинлардан зарарланганда нафас йўлларини ҳимоялаш учун тузилишида тутунга қарши филтрлари бўлган противогаз (газникоб) ишлатилади, бу коғоз филтрлар захарловчи модда заррачаларини ўзида ушлаб қолади. Захарловчи модданинг юкори концентрацияси, терини кам шикастлаши учун махсус ҳимоя кийими ва қўлкоплардан фойдаланиш керак. Арсинлардан

зарарлангандатежда зарарланиш ўчоғидан чикиб кетиш ёки зарарланган кишиларни олиб чикиб кетиш зарур, иложи бўлса устки кийимларни алмаштириш керак, чунки у заҳарловчи модда заррарчаларини адсорбция қилиш хусусиятига эга.

Заҳарланган атмосферада тезликла фициллин ёки тутунга қарши аралашманинг ампуладаги эритмаси (40 г хлороформ + 40 г этил спирти + 20 г олтингугурт эфири ва 5 томчи нашатир спирти) ҳидлатилади. Бунинг учун ампуланинг учи доқа билан эзилади ва ампула противогаз шлем-никоби ичига қўйилади. Агарда тутунга қарши аралашма ишлатилгандан кейин ҳам клиник белгилар йўқолмаса, 5-10 дақиқадан сўнг қайтадан ушбу аралашма ишлатилади.

Биринчи тиббий ёрдам (ўзига, ўзаро ва санитарлар, санитар инструкторлар тарафидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам):
зарарланиш ўчоғида:

Противогаз қийилади;

- нафас йуллари таъсирланганда противогаз шлем никоб ичига 1-2 ампула тутунга қарши аралашма (40 г хлороформ, 40 г этил спирти, 20 г олтингугурт эфири ва 5 томчи нашатир спирти) ёки 1 мл фицилин қўйилади.

УМУМИЙ ЗАҲАРЛАШ ТАЪСИРИГА ЭГА БЎЛГАН ВА ҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР

Умумий заҳарлаш таъсирига эга бўлган заҳарловчи моддаларга *цианид* кислота ва *хлорциан* қиради. Цианид кислотани швед олями Карл Шееле биринчи бўлиб 1782 йилда синтез қилган. Айтишларича, у 4 йилдан сўнг шу заҳарли модда билан тажриба ўтказаётган вақтда заҳарланиб ҳалок бўлган. Цианид кислотанинг заҳарлаш хусусияти қадим замонлардан маълум. Масалан; Юнонистон қохинлар табақаси шафтоли дарахти баргидан заҳарли эссенция тайёрлаб, айбдор кишиларни шу модда билан ўлдирганлар.

Цианид кислота биринчи жаҳон уруши даврида француз қўшинлари томонидан Сомме дарёси бўйида немис қўшинларига қарши (7 июль 1916 йилда) ишлатилган. У қам натижа беришига қарамадан ҳозирги вақтда чет эл ҳарбий қимёгарлари бу модда устида қатта текшириш ишлари олиб боришмоқда. Бунга сабаб заҳарланиш клиникаси тез ривожланиб, жанг майдонларида бир неча дақиқа ичида ўлим рўй беришидир. Иккинчи жаҳон уруши даврида немис фашистлари асирга тушган қўплаб кишиларни ўлдириш учун газ камераларида циан қумоли кислотаси эфирлари, метилли «циклон А» ва этилли «циклон Б» ни ишлатганлар.

ФИЗИК ВА ҚИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Цианид кислота (HCN).

Қимёвий қомлари: қианли водород; қианли водород кислотаси; қианид кислота.

Цианид кислота рангсиз, учувчан, ақчик бодом ҳидига эга бўлган суюқлик. қайнаш ҳарорати $+25,7^{\circ}\text{C}$, шу сабабли ҳавода тезда буғланади. Музлаш

харорати $13,4^{\circ}\text{C}$. Буғининг зичлиги ҳавога нисбатан 0,93 ни ташкил килади, яъни ҳаводан енгил. Буғлари фаоллашган кўмир ёрдамида ёмон шимилади, ғовакли материалларга яхши шимилади. Ишлатилган жойларида ёз вақтида 20-30 дақиқагача сакланиб қолиши мумкин, нотурғун заҳарловчи модда бўлиб ҳисобланади. Сувда, органик эритувчиларда, фосгенда, ипритда ва бошқа заҳарловчи моддаларда яхши эрийди.

Хлорциан (CICN). Кимёвий номлари: циан кислотанинг хлорангидриди; хлорциан; хлорли циан.

Бром циан (BrCN) - рангсиз ёки сарик рангли кристалл модда бўлиб, ўткир ҳидга эга. қайнаш ҳарорати $+61,3^{\circ}\text{C}$, эриш ҳарорати $+52^{\circ}\text{C}$. Буғи ҳаводан 3,7 баробар оғир. Биринчи жаҳон урушида (1916 йил) австро-венгер кўшинлари 25% ли бром циан, 25% ли бром ацетон ва 50% ли бензол аралашмасини ишлатганлар.

ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ ВА ШИКАСТЛАНИШ ПАТОГЕНЕЗИ

Цианид кислота буғлари нафас йўллари орқали ўпкага тушади ва альвеолалардан тезда сурилиб ўтиб, заҳарланиб қолишга сабаб бўлади. Заҳарланиш натижасида веноз қон таркибида артериал қон таркибига қараганда кислород миқдори ошиб кетади ва қирмизи ранга қиради. Гоппел-Зейлер, Гепнер ва Варбургларнинг текширишларича бундай ҳол тўқима оксидловчи ферменти бўлмиш цитохромаксидаза (цитохром a_3) ферментининг циан гуруҳи билан боғланиши туфайли юзага келар экан. Цитохромаксидаза ферменти инактивацияга учрайди ва кислороднинг қандан тўқималарга ўтиш хусусияти йўқолади, натижада тўқима гипоксияси риважланади. қон таркибида кислород миқдори кўп бўлишига қарамай, тўқималарнинг нафас олиши кескин пасайиб кетади.

Циан гуруҳи цитохромаксидаза (цитохром a_3) таркибидаги оксидланган уч валентли темир билан жуда осон бирикади. Натижада кислороднинг фаолланиши йўқолади, тўқималарда нафас олиш сусаяди, тўқималар гипоксияси пайдо бўлади.

КЛИНИК МАНЗАРАСИ

Зарарланиш даражаси цианид кислота буғлари концентрацияси, таъсир қилиш вақти, организмнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлиб, заҳарланиш енгил, ўртача ва оғир даражада ўтади.

Е н г и л д а р а ж а д а г и з а ҳ а р л а н и ш заҳарловчи модданинг ҳаводаги қам концентрацияси қиска вақт экспозиция қилинганда субъектив бузилишлар билан ифодаланади: оғиздан ноҳуш, тахир, аччиқ бодом таъми келади, тинка-мадор қуриб, бош айланади. Бир неча вақтдан сўнг шиллик қаватларда увишиб қолишни ҳис этиш сезгиси, кўп сўлак оқиши, қўнгил айланиши пайдо бўлади. Томоқ, трахеяда ва тўш ортида тимдаланиш ҳамда қўқрак қисилиши сезгиси қузатилади.

Ў р т а д а р а ж а д а г и з а ҳ а р л а н и ш да тўқималарнинг кислородга танқислиги симптомлари яққол кўринади. Юқорида айтиб ўтилган клиник

симптомлар заҳарли ҳаво билан нафас олинганда тезда намоён бўлади, зарарланганларда кўзғалиш пайдо бўлади, одам ўлим ваҳимасига тушиб қолади. Чакка артерияларининг уриши, кулок шанғиллаши, бош оғриши пайдо бўлади. Тўш оркасида, юрак соҳасида оғриклар пайдо бўлади, нутк бузилади, сўлак оқиши кучайиб, мушакларда заифлик кузатилади. Кўнгил айнийди ва қусиш ривожланади.

Оғир заҳарланиш белгилари тезда ривожланади, талвасалар пайдо бўлади, ҳатто ўлим кузатилиши мумкин. Оғир заҳарланиш клиникаси схема тарзида тўрт боскичга бўлинади:

а) **бошланғич боскич** - яширин даврсиз юзага келади, заҳарланганлар оғизда ноҳуш, тахир, аччик бодом таъмини сезади, тезда кўкрак қисилиши, кулок шанғиллаши, бош айланиши, беҳоллик, чакка артериялар пульсацияси, кўнгил айнишини сезадилар. Бесаранжомлик пайдо бўлади, юрак тез уради. Бу тезда ҳансираш боскичига ўтади;

б) **ҳансираш боскичи** - кислород танқислиги кескин ривожланганлиги билан ифодаланади (тўқима гипоксияси): азобли ҳансираш пайдо бўлади, тери қаватлари ва шиллик қаватлар пушти рангга қиради. Нафас олиш тезтез ва чуқурлашган бўлади, юрак соҳасида хуружсимон оғрик пайдо бўлиб, пульс секинлашади, таранглашганлиги аниқланади. Зарарланган одамда ўлим ваҳимаси пайдо бўлади, кўз қорачиклари катталашиб кетади. Юз мушаклари тортишиб, баъзи мушакларнинг ригидлиги пайдо бўлади, эс-ҳуш хиралашади, бесаранжомлик пайдо бўлади;

в) **талвасалар боскичи** - зарарланган одамнинг аҳволи кескин ёмонлашиб кетади. Экзофтальм пайдо бўлади, нафас олиш секинлашади ва аритмик тус олади. Бутун танада тоник ва клоник тортишишлар кузатилади. Кўз қорачиғи кенгайиб, қорнеал рефлекслар йўқолади, қиши ҳушидан кетади. Оғиздан қўп сўлак оқади. Тери қаватлари ва шиллик қаватлар оч пушти рангга қиради. Беҳосдан сийдик ажралиши ҳамда дефекация кузатилади. Талвасалар боскичи бир неча дақиқадан бир неча соатгача давом этиши мумкин. Агар шу боскичда тиббий ёрдам кўрсатилмаса, тезда фалажланиш боскичига ўтади;

г) **фалажланиш боскичи** - бу боскичда мушаклар тортишиши йўқолади ва уларнинг бўшашиши кузатилади. Рефлекслар йўқолиб кетиши туфайли адинамик ҳолат юзага келади. Нафас олиш кескин пасайиб кетади, юзаки бўлиб қолади. Артериал басим кескин тушиб, пульс ипсимон, тезлашган бўлиб қолади. Зарарланганлар оғир коматоз ҳолатга ўтади, рефлекслар қисман ёки тўлиқ йўқолади, ўз-ўзидан сийдик ажралиши ва дефекация кузатилади. Шундан сўнг нафас маркази фалажланиши туфайли нафас олиш тўхтади. Юрак қисқариши 3-5 дақиқа мобайнида кузатилиб туриши мумкин, кейин юрак уриши тўхтади. Агарда заҳарланганларга шу вақт ичида ошиғич ёрдам кўрсатилса, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

ДАВОСИ

Кимёвий зарарланиш ўчоғида цианид кислота ва унинг бирикмаларидан ўткир заҳарланиш рўй берган вақтда заҳарланган кишига зудлик билан противогоз қийғизилиб улар шу зарарланган атмосферадан тезлик билан олиб

чикиб кетилиши керак. Ўткир заҳарланиш симптомлари намоён бўлишига караб куйидаги ошиғич тиббий ёрдам тадбирлари ўтказилади:

- зидди-заҳарларни қўллаш оркали организмга тушган заҳарли моддани зарарсиз ҳолга келтириш;
- организмдаги заҳарни зудлик билан ташкарига чиқариш;
- керак бўлган вак.тда сунъий нафас олдириш ишлари ўтказилади;
- организмнинг асосий ҳаётий муҳим аъзоларини қувватлаб туриш учун дори-дармонлар юбориб турилади.

БЎҒУВЧИ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР

Бўғувчи таъсирга эга бўлган заҳарловчи моддалар биринчи марта биринчи жаҳон уруши даврида немис қўшинлари тарафидан кимёвий курол сифатида инглиз ва француз қўшинларига қарши 1915 йил 22 апрелда ишлатилган. Бунда хлор моддаси қўлланилган эди, хлор газининг таъсири кам бўлганлиги учун 1915 йилнинг декабрь ойида немис қўшинлари фосген, дифосген ва хлорпикрин моддасини ишлатганлар.

Кейинчалик янги заҳарловчи кимёвий моддалар синтез килинганлиги сабабли, бўғувчи таъсирга эга бўлган заҳарловчи моддаларга чет эл ҳарбий мутахассисларининг эътибори анча камайиб кетган эди. Ҳозирги вақтда олинган маълумотларга қараганда, бу заҳарловчи моддаларга кизиқиш яна ортиб бормокда. Унинг физик ва кимёвий хусусиятларини яхшилаш устида кўп илмий ишлар олиб борилмокда.

Кимё саноатида хлор кўп микдорда ишлаб чиқарилади. Ундан кишлоқ хўжалигида, касалликлардан, зараркунанда ва бегона ўтлардан асраш учун (гексахлорциклогексан, полихлорпинин, полихлоркамфен, гептахлор, келтан, дитокс, мильбекс ва бошқалар) пестицидлар сифатида ишлатиб келинмоқда. қоғоз ишлаб чиқаришда, қоғозларни оқартириш учун тоза хлор ишлатилади. Тиббиётда хлорли бирикмалар кенг микдорда дезинфекция ишларини ўтказишда ишлатилади. Шунинг учун хлор ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ҳарбий мақсадда ишлатиладиган фосген ва дифосген ишлаб чиқаришга ўтишга кўп маблағ талаб қилмайди.

Ҳозирги вақтда НАТО давлатлари қўшинларида фосген моддаси табелли кимёвий курол сифатида қабул қилинган.

Хлорпикрин моддаси противогазларни текшириш учун ўқув заҳарловчи моддаси сифатида қўлланилади.

ФИЗИК ВА КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Фосген - қўмир кислотасининг хлорангидриди.

Кимёвий номлари: карбонилхлорид; углероднинг хлорли оксиди

Фосген биринчи марта 1812 йилда инглиз олими Деви тарафидан углерод оксиди ва хлорга қуёш ёруғлиги таъсир эттириб олинган, фосген грекча «ёруғликдан туғилган» деган маънони билдиради. Биринчи марта кимёвий курол сифатида 1915 йилнинг декабрида ишлатилган. Ҳалок

бўлганлар 80% ига шу захарловчи модда таъсир этган.

Фосген 8,2 °C ҳароратда суюқлик ҳолатида бўлади, бундан юқори ҳароратда тезда буғ ҳолатига ўтади, рангсиз суюқлик, кам концентрацияси ўзига хос чириган олма ёки чириган пичан ҳидига эга. Буғ ҳолатидаги фосген ҳаводан 2,48 баробар оғир.

Сувда тез гидролизланади, киздирилганда гидролиз тезлашади ва захарсиз модда ҳосил бўлади.

Ишқорли муҳитда гидролизланиш тезда ўтади, бу реакциядан фосгенни аниқлашда фойдаланилади.

Фосген аммиак билан реакцияга киришиб, захарсиз маҳсулот ҳосил қилади.

Дифосген кўмир кислотасининг учхлорметил эфири.

Кимёвий номлари: хлорли чумоли кислотанинг учхлорметилли эфири; учхлорметилхлорформиат; учхлорметилхлоркарбонат; кўмир кислотанинг хлорангидридучхлорметилли эфири.

Шартли номлари ва шифрлари: дифосген; DP Дифосген биринчи марта 1847 йили О. Каур (Франция) томонидан олинган. Биринчи жаҳон урушида дифосген жуда ҳам кенг миқдорда тоза ҳолида, хлорпикрин моддаси аралашмаси ва тутун ҳосил қилувчи моддалар билан биргаликда ишлатилган ва мўлжалга замбарак снарядлари ва миналарда етказилган. Биринчи марта немис кўшинлари томонидан француз кўшинларига қарши (Верден шаҳри яқинида) 1916 йилнинг июнь ойида қўлланилган.

Биринчи жаҳон уруши даврида кенг ишлатилган, факат Германиянинг ўзи уруш йиллари 16000 тонна дифосген ишлаб чиқарган.

Тоза кимёвий дифосген рангсиз суюқлик бўлиб, қайнаш ҳарорати 127°C, музлаш ҳарорати - 57°C, худди фосгенга ўхшаб чириган олма ёки чириган пичан ҳидига эга.

Дифосгеннинг техник маҳсулоти сарик ёки кўнғир рангдаги суюқлик, молекуляр оғирлиги 198.

Кимёвий хоссаси фосгенга ўхшаш. Дифосген кўмир кислотасининг метил эфирини хлорлаш билан олинади.

Бу гуруҳга фосген ва дифосгендан ташқари. трифосген ва фосгеноксим моддалари ҳам қиради.

Трифосген ўзининг токсиклиги ва кимёвий хоссалари билан фосгенга ўхшаш. Физик хоссаси бўйича – бу каттик модда бўлиб, эриш ҳарорати 79°C, қайнаш ҳарорати (бунда парчаланади) 205-206 °C. Сувдан икки баробар оғир, ёмон эрийди, органик эритмаларда яхши эрийди.

Фосгеноксим рангсиз каттик кристаллик модда, эриш ҳарорати 39-40 °C, қайнаш ҳарорати 129 °C, сувда ва органик эритмаларда яхши эрийди. Сувда яхши гидролизланади, хлорид кислотанинг гидроксиламинини, хлоридкислота ва углерод (II)- оксидни ҳосил қилади:

Хлор (Cl₂) – сарик-зангори рангли, ўткир ҳидли газ. Ҳаводан 2,5 баробар оғир. Сувда ва баъзи органик эритмаларда яхши эрийди. Фаолланган кўмир билан яхши адсорбланади. Кимёвий жихатдан фаол модда.

Гипохлорит кислота парчаланганда кислород ажралиб чиқади, бунинг шу

хоссасидан дезинфекция ва окартириш ишларида фойдаланилади. Хлор газы гипосульфитнинг сувлы эритмаси билан нейтралланади. Нам теккан хлор жуда ўткир ҳидли бўлади.

ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ

Организмга бўғувчи заҳарловчи моддалар таъсир этганда ўпканинг токсик шиши, патологик жараён ривожланиши мумкин. Бунда кон плазмасининг коллоид-осмотик босими бузилиши кузатилади. кон таркибидаги суюқлик ва протеинлар, ўпканинг капилляр ва альвеоляр деворлари ўтказувчанлиги ошиб кетганлиги сабабли, альвеолаларга суюқлик ўтиши кучаяди ва йиғила бошлайди. Бу бузилишлар заҳарловчи модда организмга таъсир этган вақтдан бошлаб ривожлана бошлайди.

Ўпкадаги капилляр ва альвеоляр деворлар ўтказувчанлиги бирдай эмас, олдин капилляр мембраналарнинг ўтказувчанлиги пайдо бўлади ва суюқликлар ўпканинг интерстицийларида тўплана бошлайди. Бу патологик жараён аста-секинлик билан ўтиб кетади. Интерстициалфазада лимфанинг оқиши 10 марта ошади, лекин бу компенсатор механизм ўз вазифасини етарли даражада бажара олмаганлиги туфайли, интерстицийлар ҳаддан ташқари тўлиб кетади ва унинг ёрилишига олиб келади, суюқликлар альвеолаларга тўплана бошлайди. Юқорида айтиб ўтилган динамик жараёнлар альвеоляр фаза бошланганлигидан далолат беради. Бу боскичда бўладиган ўзгаришлар яккол намоён бўлади ва ташхис қилишга имкон яратади. Бундан олдинги интерстициал боскич заҳарланганлар учун билинмасдан ўтади, буни фақат ҳайвонларда тажриба ўтказиш йўли билан аниклаш мумкин.

КЛИНИК МАНЗАРАСИ

Бўғувчи заҳарловчи моддаларнинг ҳаводаги концентрациясига қараб заҳарланиш клиникаси енгил, ўрта ва оғир даражада намоён бўлиши мумкин.

Е н г и л Д а р а ж а Д а г и з а ҳ а р л а н и ш д а яширин давр 8 соатгача давом этади. Шундан кейин ўпкада зарарланиш белгилари пайдо бўлади. Одатда ўпка шиши ривожланмайди, трахеобронхит белгилари намоён бўлади. Кўкракла биров нафас қисилиши, енгил йўтал, бош айланиши, қўнғил айланиши, лоҳаслик, сўлак оқиши, тумов, ҳикилдок ва ҳалқум шиллик пардаларида яхши ривожланмаган гиперемия симптомлари пайдо бўлади.

Ў р т а д а р а ж а д а г и з а ҳ а р л а н и ш д а яширин давр 3-5 соатгача давом этади ва қуйидаги симптомлар юзага келади. Кўкракла нафас қисилиши кучаяди, шиллик пардаларнинг қўқариши пайдо бўлади.

О ғ и р д а р а ж а д а г и з а ҳ а р л а н и ш д а яширин давр жуда ҳам кам вақтни, 1-3 соатни ташқил қилади. Зарарланиш клиникасида қуйидагича: рефлекторк ўзгаришлар, яширин давр шиш ривожланиши ва регрессия(кейинга қайтадиган) боскичлар тафовут қилинади.

III ҚИСМ

БАКТЕРИОЛОГИК (БИОЛОГИК) ВА ОДДИЙ ЗАМОНАВИЙ КИРҒИН КУРОЛЛАРИ

БАКТЕРИОЛОГИК (БИОЛОГИК) КУРОЛИНИНГ КЎЛЛАНИЛИШИ ВА УНДАН ҲИМОЯЛАНИШ.

Бактерияли куроллар – бу одамларни, кишлок хўжалиги моллари ва ўсимликларини оммавий зарарловчи куролдир. Унинг негизи бактериялар, вируслар, реккетист, касал кўзғовчи кора бошли куртлар ва касал таркатувчилар ҳисобланади. Бу курол ракета, авиабомбалар ёки контейнерлар, аэрозолли сачратувчилар, артилерия снарядлари оркали юборилади.

Бу курол оғрик келтирувчи микроорганизмдан иборат. Улар кенг турда яширин касалликлар таркатиш хусусиятига эга. ҳаво билан аралашиб одамларни ва ҳайвонларни ҳар хил касалликларга йўлқотириши мумкин. Бактерияли курол қўлланилганлиги қўриклан ўтказиш йўли билан аниқланади. Оддий ўқ снарядлари ёки бомбаларнинг овози эшитилса, ҳамда уларнинг парчалари – контейнерларга, халтачаларга курт кумурскалар, чивинлар тўпланган бўлса, тегишли хулосалар чиқариш фуқаро мудофааи ташкилотларига, тиббий маҳкамалар ёки маҳкамаларга ёки маҳаллий ҳокимиятларга зудлик билан юбориш керак. Бактерияли куролни лабораторияда текшириш натижасида аниқланади.

Бу куроллардан ҳимояланиш усуллари. Бактерияли курол ҳар хил юқумли касалликлар таркатади. Жумладан, вабо, сибирь язваси, бруцеллез, тулярема, ўлат, сарик касаллиги ва терлама, кузда ва баҳорда қўзийдиган васвасага тушиш ва сўзакнинг турли туман хиллари шунга мисолдир. Бундан ташқари батуллин, токсинлар қўлланилади. У одамларнинг танасини оғир вазиятга олиб келади. Ҳайвонлар сибирь язваси, сафа касаллигини пайдо қилади. Шунингдек, чўчка, кора молларда ва қушларда, уй паррандаларида ҳам шундай.

Кишлок хўжалиги экинларини ва донли экинларни зарарлайди. Картошқаларни фитофтрооза ва бошқа касалликлар билан касалланишига сабаб бўлади.

Бактерияли куроллардан сақланишда асосан вакцина препаратини қўллаш билан бирга антибиотиклар, сульфаноидлар ва дорили моддалар қўлланади. Юқумли касалликларнинг дарҳол олдини олишда махсус плашлар ишлатилади. Кимёвий моддалардан сақланиш учун яқка мудофаа куроллари ва уюшма ҳолида мудофааланиш мудофааланиш усуллари қўлланилади. имояланишда противогазлар, респираторлар маскалар, оғизни ёпиш асбоблари ва терини сақлаш куроллари қийилади. Бирлашма, корхоналар ва ўқув муассалари раҳбарлари ўз вақтида огоҳлаантирилиши шарт.

Бактерияли зарарланиш маркази деб бактерияли куролнинг таъсирига гирифтор бўлган эллар маркази, кишлок хўжалиги объектларига айтилади. Унинг чегараларини бактерияли маълумотлар асосида шу ораликда ва

бетоб одамларда, хайвонларда ва ўсимликларда лаборатория текшириш йўли билан аниқланади.

Зарарланиш марказининг айлана теъарига қуролли қоравуллар қўйилади ва рухсатсиз бу ерга кириш ва чиқиш, шунингдек, бирор нарса олиб чиқиш ҳам қатъиян таъқиқланади. Халқ орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш учун комплексли эпидемияга қарши санитария-озадалик ишлари олиб борилади. Обсервация, қарантин ва халқни санитария қўригидан ўтказиш, зарарланган ерларни дезинфекциялаш ишларини олиб бориш қатта аҳамиятга эгадир. Зарур бўлган вазиятларда қивин-пашшалар, қурт-қумурскалар йўқ қилинади.

Обсервация ва қарантин. Бактерияли захарланиш марказидаги аҳоли учун бир қанча ишларни амалга оширувчи махсус тиббий қўрик ташкил қилинади. Унинг вазифаси эпидемик ўз вақтида билдиришдир. Шунинг билан бирга бўлиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш ишлари қўрилди.

Озик-овқат ва сув тозалиги аниқлангандан сўнг истеъмол қилинади. Обсервациянинг давом этиши кишилардаги касалликларнинг яширин вақти ва захарланиш марказидан дезинфекциянинг тамомланишига боғлиқдир. Агар вабо ва шу қаби юқумли касалликлар пайдо бўлса, қарантин тўғиз ўрнатилади. Қарантин бу юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш ва зарарланиш марказини йўқ қилиш учун олиб бориладиган чорадир.

ОДДИЙ ЗАМОНАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИ

Оддий замонавий қирғин қуроллари тарқибга осколкали, фугасли ва шарикли авиа бомбалар қиради. Осколкали авиабомбалар инсонларни кириш мақсадида қўлланилади, у портлаган пайтда бир неча бўлақчаларга бўлиниб, 300 м гача тарқалади. Бу бўлақчалар ёғоч ва деворларни тешиб ўта олмайди. Фугасли авиабомбалар қурилишларда қўпурувчилик ишлари учун мўлжалланган. Унинг қирувчи қучи ядровий қурол қучидан юқори эмас. Бундай бомбаларнинг портламай қолиши жуда хавфлидир. Улар ташлангандан кейин аста-секин вақт ўтиши билан портлаши мумкин.

Пиёдаларга қарши қўлланиладиган шарикли авиабомбалар салмоғи бир неча грамм бўлади. Шарикли бомбаларнинг қўриниши теннис шаригидай ёки футбол тўпидай бўлиб, метал бўлақларини ёки пластмассади диаметри 5-6 мм бўлган шарикларни бириктириб ушлаб туради. Бомбанинг зарарловчи қаракатининг радиуси 4.5-15 метргача етади. Шарикли авиабомбалар 96-640 гача махсус нарсалар билан ўралиб қўлланилади. Бу бомбалар ўзаро таъсир оқибатида портлаб, қассеталар ернинг устини қайрон қилади. турли томонга учган бўлақчалари 160-250 минг кв.км майдонни эгаллайди.

Қассетали оқ дорилар самолётда қассета қаби ташланади. Қассетада учта оқ дори бўлади. Улар ерга урилиши билан унинг ичидаги суюқлик сачраб кетади. ва диаметри 15 м, қалинлиги 2.5 м газли булут пайдо қилади. Бу булут аста қаракат қилувчи махсус усқуна билан бузилади. Қассетали оқ дориларнинг портлашидаги асосий факторлари овоздан ҳам тез тарқалувчи

тўлкиндир. Пана жойлар ва ҳар хил пана кринлар кассетали бомбалардан сакланишни таъминлайди.

Ўт кўювчи куроллар. Ёндирувчи куроллар аралашма ва металл билан қўлланган термитли аралашма, шунингдек, фосфорли бўлади.

Папалимли аралашма тез ёнувчи суюқлик бўлиб, унинг ёниш тезлиги сифатига боғлиқдир. Улар 800 билан 1200 даражагача иссиқликлаги марказ пайдо қилади. у ўздан қора булут чиқаради ва 5-10 минутгача ёниши давом этади. Унинг ёниш пайтидаги иссиқлиги кўтарилиши учун таркибига уч тарзли магний алюминий қўшилади.

Термитли аралашмалар. Бу механик темир билан алюминий оксидининг аралашмасидир. У махсус тез ёндирувчи жам (пилта) билан тенглаштирилади. у ёнган пайтда катта бўлмаган ёлқин билан ҳавосиз ёниб 3000 минг даражагача иссиқлик пайдо қилади. Термит юпка темир ва пўлат қатламларини осон қўйдиради.

Ок фосфор бу заҳарли, ҳавода тез ёнадиган модда. Ок фосфор 800-900 даражали иссиқликла аччиқ, қалин тутунга айланади. Заҳарлаш хусусиятига эга.

Ёнғин чиқарувчи куроллар авиабомба сифатида қўлланилади. Бу бомбалар инсон учун жуда ҳам хавфлидир. Тананинг очик жойларига тушса қўйдириб оғир аҳволга солади. Бу ок дорилар ёниш пайтида ҳавони чўғдай қиздиради, нафас олиш аъзоларини қўйдириб юборади. Ёнаётган аралашма яқка мудофаа куролларига ёки сиртки қийимларга тушса, ўша нарсаларни дарҳол ечиб ташлаш керак.

Ёнаётган аралашмани яланғоч қўл билан ўчириб бўлмайди. Сиртки қийимларга аралашма сачраган ёки теккан вақтда силқиниш, қокиниш ёки югириш мумкин эмас. Бу қабил ҳаракатлар ёниш қараёнини янада тезлатади. Шундай ҳолларда ёнаётган қиши устига қуртқа, брезент, қигиз ёпилса, ёки сув сепилса, у ерга ётиб ишқаланса олов ўчади.

Ёнғинга қарши тадбирлар. Ёндирувчи аралашмадан қимояланиш мақсадида мудофаа уйлари ва иморатларини қурган пайтда нам лой, оҳақ ва цемент қоришмалари билан сувалади. Пана жойларга қириладиган ерларга қурғоқ қум, тупроқ билан бирга ўт ўчириш куроллари, брезент ва қигиз ёпиб қўйилади.

7– МАВЗУ

Фуқаро муҳофазаси ва терроризм.

Ўқув саволлари.

1 –савол Терроризм, унинг моҳияти, келиб чиқиш шароити ва омиллари.

2 – савол Кўпуровчилик ҳаракатларидан қандай сакланиш мумкин?

Терроризм, унинг моҳияти, келиб чиқиш шароити ва омиллари.

Терроризм – умуминсоний ва давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этиш йўлида асосий тўсиклардан бири бўлиш учун ҳаракат қилаётган замонамизнинг ўта хавфли жамиятларидан биридир. Бу жараёнга нисбатан самарали қарши туриш учун, аввало терроризмнинг моҳиятини, унинг сабаблари, юзага келиш шартлари ва омилларини тушунтириб олиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида террорчилик фаолияти кенг маънода очиқ берилган. Қонунга асосан ушбу фаолият террорчилик ҳаракатининг уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга ошириш, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантириш уларни молиялаштириш ва моддий – техник жиҳатдан таъминлашдан иборат фаолият ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда терроризм жиноятчилик фаолиятининг шаклларида бири ҳисобланади. Қатор ривожланган мамлакатларнинг қонунлари ва халқаро ҳужжатларда, масалан: 1927 йил 27 январда қабул қилинган Европа терроризмга қарши кураш конвенциясида ҳам келиб чиқиш сабаблари, кўзда тутилган мақсадидан қатъий назар терроризм жиноят сифатида таснифланади.

Кўплаб одамларнинг нобуд бўлишига олиб келувчи инфратузилма объектларида ва тура ржой биноларида террорчилик ҳаракатларининг дунёамалиётида тез-тез содир бўлаётган Ўзбекистон Республикасининг

«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фукаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ муҳофаза тадбирини шошилинч равишда кўрилишини, террористик ҳуружларни олдини олиш ишларига аҳолининг барча табақаларини жалб этишни талаб этмоқда. Иқтисодий объектларда террорчилик ҳаракатлари туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган ФВ ларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишчи, хизматчи ва муҳандис – техник ходимларни фукаро муҳофазасига оид амалий тадбирлар кўриш лозим. Ҳаётини фаолият хавфсизлиги асослари бўйича тегишли маърузалар ўқув дастурларини киритилган , аҳолининг хавфсизлик соҳасидаги хавфсизлик соҳасидаги саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув – тактик машқларни ўтказиш, террорчилик ҳаракатини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шароитлар вужудга келтирган.

«Халқаро бирлашма олдидан халқаро терроризм ва экстремизм, тажаввузкор миллатчилик ва сепаратизмга қарши кураш кўндаланг турибди» И.А.Каримов.

Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ катта террористик ташкилотлар мавжуд. 1968 – 1995 йилларда 9 мингдан ортиқ одамлар ҳалок бўлган.

1. Муҳофазаланиш - қонун йўли, ташкилий ахборот, ижтимоий – иқтисодий, микёси муҳандислик – техник, тиббий ва махсус.

2. Кураш – Халқаро, давлат, маҳаллий, объект.

3. Тамойиллар – Қонунчилик, шахс ҳуқуқий озодлиги ва манфаати гуманизм, шахс ҳаёти ва соғлоғи, терроризмни олдини олиш, огоҳлантириш, жазонинг муқаррарлиги, курашнинг ошқор ёки ноошқоралик бирга олиб, қарши курашнинг яққа бошқарув ва жалб этилган қуч ва воситалар.

Терроризмга қарши курашда давлат органлари:

Миллий хавфсизлик хизмати;

Ички ишлар вазирлиги;

Давлат чегара қўриқлаш қўмитаси;

Мудофаа вазирлиги;

ФВВ;

Терроризм нима?

Террористик қўпоровчилик ҳаракатлари оқибатида кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора қучайиб бормоқда. Яъни, тинч аҳолини ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар жойларни портлатиш, босқинчилик, қўпоровчилик каби қабил жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, қўрқитиш ва зўравонлик билан ўзининг қора ниятларига эришишга қаратилган тажаввузкор ҳаракатлари авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмақда. 2001 йилнинг 11 сентябрида АКШ да содир этилган ҳунрезликлар, шунингдек, Туркияда, Араб давлатларида, Россия Федерациясида амалга оширилган ваҳшийликлар инсониятни ларзага солди. Халқаро терроризмнинг анна шундай ўта кетган ёвузликлари жаҳондаги соғлом фикрли кишиларнинг қаҳру – ғазабини уйғотди, унга нисбатан асло бефарқ бўлиш мумкин эмаслигини қўрсатди.

Бугунга келиб, терроризм деярли ўзининг мукаммал, аник мақсадларга йўналтирилган ўз системасига эга бўлган даҳшатли ташкилотга айланиб улгурди. Энди улар аник мақсадларига, бу мақсадларни амалга ошириш учун миллиардлаб сармояларга эга. Энди олдимизда шунчаки ўкотар куроллар билан куролланган, кутурган жангарилар тўдаси эмас, пухта ишлаб чиқилган режага асосан иш юритувчи, ақлли, тажрибаси, ўз ишининг устаси бўлган маккор душман турибди. Мана уларнинг мақсадлари:

Терроризм таҳмин қилган бир сиёсий ва иқтисодий мақсадга эришган;

2. Уларга қарши чиққан тарафни қўпоровчилик, босқинчилик ёки қўрқитиш йўли билан бартараф этиш;

3. Оммавий – руҳий қўрқитув;

Оммавий – ахборот воситалари орқали халқни ўз оқимига тарғибот қилиш;

5. Дин никоби остида ўз ёвуз мақсадларига эришган;

Терроризмнинг усуллари.

Террорчилар ўз мақсадлари йўлида қуйидаги усуллардан фойдаланадилар;

Уйларни, биноларни, жамоат транспортларни, дўконларни, бозорларни, одамлар гавжум ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни портлатиш;

Тинч аҳолини гаровга олиш;

Курол – яроғ ишлатиш билан одамларни ўлдириш;

Ўт қўйиш;

Эпидемия тарқатиш;

Заҳарланиш;

Босқинчилик;

2 – савол Қўпоровчилик ҳаракатларидан қандай сакланиш мумкин?

Террорчилар ўз мақсадларига эришиш учун турли усуллардан фойдаланадилар. Шунинг назарда тутиб, юртимизда барқарорликни таъминлаш, унинг раванки йўлида ҳалол қилаётган ҳар бир пок ниятли республикамиз фуқароси хушёр ва сергак бўлиши, талаб этилади. Ана шундагина содир бўлиши мумкин бўлган қўнғилсиз воқеаларнинг олдини олиш мумкин. Ҳар бир фуқаро кўчада, жамоат транспортда, бекатларда, уйлар эшиги олдида, маъмурий биноларда, одамлар гавжум жойларда, бозорларда, дўконларда, оммавий йиғинлар бўладиган жойларда, қаровсиз қолдирилган транспорт, сумка, пакет, кути, жамодан ва бошқа буюмларга эътибор бериш лозим.

Ушбу буюмлар ташки жиҳатидан чиройли, кишини ўзига жалб қиладиган бўлиши мумкин. Лекин биргина хушёрликни унутиб қилинган ножўя ҳаракат ўнлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам огоҳликни бир зум унутмаган ҳолда:

- агар каровсиз ётган буюмни жамоат транспортида кўриб колсангиз, атрофингиздагилардан кимнинг буюми эканлигини сўранг, ҳея ким жавоб бермаса, дарҳол ҳайдовчига хабар беринг.

- агар каровсиз ётган буюм уй эшиги олдида ёки йўлакка бўлса, кўни – кўшнилари кимнинг буюми эканлигини сўранг, эгаси топилмаса, дарҳол уйингиз яқинидаги милиция бўлимига хабар Беринг ва топилгани кўрган вақтингизни белгилаб қўйинг.

- агар каровсиз ётган буюм маъмурий бино олдида ётган бўлса, дарҳол маъмуриятга хабар беринг.

- агар каровсиз ётган буюм бозорда ёки дўкон бўлса, зудлик билан милиция бўлимига ёки маъмуриятга хабар беринг.

- бозорларда, дўконларда, темир йўл вокзалларда, бекатларда, аэропортларда ва автовакзалларда бегона шахсларнинг нарсаларини, яъни сумка, пакет, дипломат, жамоадан вазир у қабил буюмларни қараб туришни ёки бирор манзилга олиб қўйиш тавсия этилмайди, чунки, унинг ичида қўбола портловчи қурилма(модда) бўлиши мумкин.

- болалар боғчасига келган кичкинтойлар ўзининг ўйинчоғини уйда қолдириб келган бўлса ва ўйинчоғини сизга олиб келинадиган бўлса, бу ўйинчоқни олиш тавсия этилмайди, чунки унинг ичида қўбола портловчи қурилмалар(модда) бўлиши мумкин.

Юқорида айтилган ҳолларда ва шунга ўхшаш ҳолларда топилган буюмга;

- тегиш;
- жойидан қўзғатиш;
- ичини очиш;
- қатъиян манн этилади.

Шубҳали буюм олдида мутахассислар етиб келгунга қадар ҳеч кимни яқинлаштирмаслик керак, иложи борида шубҳали буюм атрофида тўпланганларни узокрок масофага боришни илтимос қилинг (сўранг).

Шубҳали буюм ичида қўбола портловчи қурилма ёки портловчи модда бўлиши мумкин, шунинг учун қуйидаги жадвалда қўрсатилган узокликка боришлик тавсия этилади:

- РГД-5 гранатаси.....60 метр
- Ф-1 гранатаси.....200 метр
- Тротил шашкаси (200 грамм).....50 метр
- Тротил шашкаси (400 грамм).....60 метр
- МОН-50 миначи.....100 метр
- Қути.....150 метр
- Пакет.....100 метр
- Автоулов.....1000 метр

Портлашдан сақланиш учун нима қилиш керак?

Уй ичи ва уй атрофида: уй, уй атрофи ва ҳовлини ҳар хил ўсимликлар, чиқинди уюмлари ва кераксиз буюмлар йиғиндисидан тозаланиш керак. Уйлар эшиги олдида ва йўлақларда ҳеч қандай вақтинчалик гараж,

омборхоналар ва шунга ўхшаш курилмалар бўлиши тавсия этилмайди. Кўп каватли уйларга, улар атрофига ва уйингизга келадиган нотаниш кишиларга эътиборсиз бўлманг, улар колдириб кетган буюмга эътиборсизлик килманг, чунки улар колдириб кетган буюм кўлбола портловчи курилма (модда) бўлиши мумкин. Кўп каватли уйлар томига чикадиган ва ертўласига тушадиган эшиклар яхшилаб беркитилган ва кулфланган бўлиши шарт.

Автоуловда: агар сиз ўзингизнинг автоуловингизга портловчи курилма (модда) куйиб кетилшидан хавотирлансангиз, автоуловингизга ўғирланишга қарши ишлайдиган сигнализация ўрнатинг ёки автоуловни қаровсиз қолдирманг. Хизматга, ишхонага, бозор ёки дўконларга боганингизда автоуловингизни гараж ёки курикланадиган автоулов майдончасига қўйинг. Ҳар сафар автоуловингиз ёнига келганингизда унинг ташки ва ички қисмини ташқаридан туриб кўздан кечириб чиқинг.

Идорада: агарда сизнинг идорангизга келувчи меҳмонлар кўп бўлса, сиз ўзингизга қоровул олиб, уларни металлодетектор ёки портловчи моддаларни аниқладиган детектор билан таъминланг, шунда олдингизга келган меҳмонлар орасидаги нотанишларни аниқлаб олишингиз мумкин. Ўзингиз танимаган меҳмонлардан бири сизга қолдириб кетган шубҳали совғаларга ҳам эътибор беринг, улар кўлбола портловчи курилма (модда) бўлиши мумкин. Сиз ёки қоровулларингиз томонидан шубҳали предмет аниқланса, зудлик билан шахсий таркиб (хизматчилар)ни хавфсиз жойга қўчиринг ва яқинингизда милиция бўлинмасига хабар беринг.

ВАҲИМА КЎТАРИЛИШИ ОҚИБАТИ.

Ваҳима кўтариш – террорчилар усулларида бири. Оммавий ваҳима кўтарилиши – бу руҳий кўрkitув. Бундай вазиятда инсон ўзини йўқотиб қўйиши табиий. Бу ҳавф ички ишлар идоралари ходимларининг террористик кўпорувилик ҳаракатини бартараф этишлари учун қийинчилик тўғдириб, террористларнинг мақсадларини тезроқ амалга оширишга имкон яратади. Шунинг учун шубҳали предметни кўрганингизда одамлар орасида ваҳима кўтарилмаслиги учун хотиржам ҳолда, лекин зудлик билан ички ишлар идоралари ходимларига хабар қилиш, уларнинг кўрсатмаларини аниқ бажариш ва атрофдагиларга ҳам ҳолат (вазият)ни тўғри тушунириш керак бўлади.

Шубҳали предмет – буюм аниқланганда одамлар оммавий йиғиладиган бозорлар, темир йўл вокзаллари, аэропортлар, автовокзаллар, дўконлар раҳбарларининг биринчи галдаги ҳаракатлари:

- аниқланган предметга тегмаслик, жойидан кўзғатмаслик, кўтармаслик, ичини очмаслик;
- зудлик билан «02» телефонида кўнғирок қилиб, аниқ манзилни, (мўлжал)ни ва шубҳали предметни қандай кўринишда эканлиги айтиш;
- шубҳали предмет турган жойнинг атрофини яқинингиздаги милиция ходимлари билан биргаликда 100 – 150 метр ўзқликла ўраб туриш;
- шубҳали предмет олдига мутахассислар етиб келгунга қадар ҳеч қимни йўлатмаслик лозим бўлади.

Шубҳали автоулов аниқланганда – одамлар гавжум бўладиган жойлар, бозорлар, темир йўл вокзаллар, аэропортлар, автовокзаллар, йирик дўконлар раҳбарларининг биринчи галдаги ҳаракатлари;

- автобусга тегмаслик, жойидан кўзғотмаслик, бошқа жойга силжитишга ҳаракат қилмаслик;

- зудлик билан «02» телефонига кўнғирок қилиш, аниқ манзил (мўлжал)ни ва шубҳали автоуловни қандай кўринишда эканлигини айтиш (тушунтириш);

- шубҳали автоулов турган жойнинг атрофини яқинингиздаги милиция ходимлари билан биргаликда 100 – 150 метр узокликда туриш;

- шубҳали автоуловнинг олдига мутахассислар етиб келгунга қадар унинг олдига йўлатмаслик лозим бўлади;

Терроризм келиб чиқиш шароити ва омиллари.

Юртимизда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларининг шакли ва усули бизнинг халқимизга хос эмаслиги, четдан уюштирилганлигига шубҳа йўқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, демократик ва озод жамият барпо этиш йўлидан саъи – ҳаракатларимиз кимларгадир ёқмаётгани, улар ўрта аср тартибларини кўмсаётганларини ошқора қилмоқдалар. Бундай ҳаракатларнинг улуғвор исломий – исломий ғояларга мутлоқа алоқаси йўқ. Жаҳондаги нуфузли диний уламолар ҳам қайта – қайта бу ҳақида гапирилмоқдалар. Малайзия пойтахтида диний уламоларнинг халқаро конференциясида Коҳиридаги қадимий Ал-Азҳор масжиди ходими, мўътабар шайх Муҳаммад Саид Тантавий ўз сўзида ёшларни ўзини портлатиш йўли билан террор қилишга йўллаётган гуруҳлар ислом душманларидир деган эди. Унинг фикрича, экстремистлар, ислом ва жиҳод тушунчаларини ўз мақсадлари йўлида бузиб талқин қиладилар. Экстремизм – исломият душманидир деган эди шайх.

Инсоният бугун терроризмга қарши аёвсиз жабҳасида турибди. Бу маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш жабҳасидир. Ўзбекистон бу курашнинг олдинги сафида бормоқда. Бунда жиддий тўқнашувлар, талофатлар ҳам бўлиши мумкин.

БМТ нинг бош Ассамблеяси томонидан тайёрланган «Портловчи моддалар билан амалга ошириладиган кўпоровчиликка қарши кураш бўйича Халқаро Конвенция»ни дунёдаги барча мамлакатлар имзоласа ва унга катъий амал қилса, портловчи моддалар билан амалга ошириладиган кўпоровчиликни жинойий жавобгарлик сифатида ўз баҳосини берса, террорчиларни жазолаш, уларни қўлга олишда давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олинган бўлур эди. Халқаро жамоатчилик мазкур ташаббусни сайёрамизда осуда ҳаётни қарор топтириш йўлида қўйилган зарур қадамларнинг бири бўлди, дея баҳоланмоқда.

20 асрдан 21 асрга мерос бўлиб ўтган ёвузлик кўринишларидан бири бу терроризмдир. У инсон қалбидаги ёвузликнинг моддийлашгандаги бир кўриниши. Ёки бошқачароқ қилиб айтганда террор ёвуз ниятли

гурухларнинг инсониятга карши элон килинмаган уруши Ўз ўрнида айтиш мумкинки ҳар қандай ёвуз ғояга ва унинг амалга ошириш механизмига ўз вақтида берилмас экан унинг илдизлари янада чуқурроқ отишга ёрдам берилган бўларди Чунки индамаслик ёки у ҳақда фикир билдириб амалий чора кўрмаслик хайрхоҳлик дегани билан баробардир Жаҳон ҳамжамияти кудратли давлатлар томонидан терроризмга карши биргаликда ягона марказ орқали курашилганида 20 аснинг мўжизаси бўлган Нью Йорк АКШ шаҳридаги халқаро савдо марказининг икки биноси санокли дакикалар ишида ер билан яксон бўлмас эди Шуниндек Шимолий Ирландия ва Англиядаги ИРА Испаниядаги ИТА Осиёда фаолият олиб бораётган Ал Коида каби ер юзасининг турли бурчакларидаги 500 га яқин террорчилик ташкилотлари ёвуз ниятларига чек қўйилган бўларди Расми маълумотларга қараганда 1975 йилдан 1994 йилгача дунёнинг турли мамлакатларида 9 мингдан ортиқроқ террористик ҳаракатлари содир этилган Ёки бошқачароқ қилиб айтсак қунига 1.3 мартадан ёвуз қучлар ўзини намоён этган . Сиёсатшуносларнинг фикрига қараганда 20 асда яъни юз йил давомида атиги 26кунгина тинчлик ҳукмрон бўлган Қолган пайтда ер қурасининг қайси бир бурчагида уруш ва қон тўкилишлар содир бўлиб турган Бугунги кунда террористик ташкилотлар ўзларида мавжут бўлган барча имқониятларни ишга солиб ўз мақсадига эришиш сари қонли юриш қилмоқда Масалан улар турли хилдаги қимёвий ва биологик қуроқлардан 200 мартадан ортиқ қойдаланилди Қаластинлик террористлар Исроилдан Европага олиб қетилаётган қатта қикдордаги ақелсинни симоб билан заҳарлашлари шунингдек Филиппин ва Цейлонда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳарлаш қоллари қўй берган Айниқса Тожикистоннинг Қўрғонтепа шаҳрида юз берган безорилик алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин . Бунда Россиянинг 201 мотоўқчи қивзияси ҳарбий қизматчиларининг муайян бир қисмига тарқибда гепатит бўлган қийдикни тарвуз қовун ва шафтолига сингдириш орқали юқтирган . 1994 йил Япониянинг Мацумото шаҳрида АУМ синрикё қиний террористик ташқилоти томонидан зарин заҳарловчи моддасининг ишлатилиши натижасида 7 қиши вафот этди 114 нафар турли даражада тан жароҳати олди . 1995 йилда мақкур террористик ташқилот томонидан Токио метросида 16 ер ости бекатларининг заҳарланиши оқибатида 12 йўловчи вафот этди 4 минг қиши турли даражада тан жароҳати олди Ҳозирги кунда террористик ташқилотларда тоқсик қимёвий ҳамда биологик қуроқлардан қойдаланиш мақсадида маҳсус дастурлар асосида иш олиб қорилаётгани қир эмас. Хўш 21 асда глобал муаммога айланиб қолган терроризмнинг ўзи нима. ТЕРРОРИЗМ авваламбор қиёсий ҳуқуқий тарихий ижтимоий психалогик қинлараро ва бошқа муаммоларга қориб тақалувчи жуда мураккаб турли қўринишли ўзгарувчан ва қундан қунга авж олиб бораётган мудқиш қодиса бўлиб унинг қартараф қилиниши бу муаммоларнинг ечими билан ҳам боғлиқ. Зеро ҳозирги қунга қадар терроризм таърифи ҳақида қиклил қулосага қелганича йўқ. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрида қабул қилинган Терроризмга қарши қураш тўғрисидаги

Конунида берилган изохларни келтириб ўтиш муайян тушинчани шакллантиради. Гаровга ушлаб турилган шахс кўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини халқаро ташкилотларни шунингдек айрим шахсларни Бирон бир ҳаракат содир этишдан тийилишига мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан кўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс. Террорчи террорчилар фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс. Террорчилик гуруҳи олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суикасд қилган шахслар гуруҳи Террорчилик ташкилоти икки ёки ундан ортиқ шахсининг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви. Террорчиликка қарши операция террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш шунингдек жисмоний шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган қилинган ва ўзаро махсус тадбирлар мажмуи. Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари ҳаво бўшлиғи транспорт воситалари бинолар иморатлар иншоотлар хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туташ ҳудудлар Террорчилик фаолияти террорчилик ҳаракатини уюштириш режалаштириш тайёрлаш ва амалга оширишдан террорчилик ташкилотини ҳаракатига ундашдан террорчилик ташкилотини тузишдан террорчиларни ёллаш тайёрлаш ва қуроллантиришдан уларни молиялаштириш ва модий техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият Террорчилик ҳаракати гаровда ушлаб туриш учун шахсларни кўлга олиш ёки ушлаб ўтириш давлат ёки жамоат аربобининг аҳолининг миллий этник диний бошқа гуруҳлари чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг ҳаётига тажовуз қилиш давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш шикастлантириш йўқ қилиш портлатишлар ўт қўйишлар портлатиш қурилмаларини радиактив биологик портловчи кимёвий бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан кўркитиш ер усти сув ва ҳаво транспорти воситаларини кўлга олиш олиб қочиш шикастлантириш йўқ қилиш аҳоли гавжум жойларда ва омавий тадбирлар ўтказиладиганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш аҳоли ҳаётига соғлиғга жисмоний ёки юридик шахслар мол мулкига авариялар техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш билан зарар етказиш ёки ҳавф туғдириш таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик жиноятларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқининг умумэътироф этилган меъёрларида белгиланган террорчилик устидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

Халқаро терроризм бир давлат ҳудуди доирасида ташқарига чиқадиган терроризм деб таъриф берилган.

Терроризм тўғрисида илмий оммабоп адабиётларда олимларимиз турлича таъриф бериб қилишмоқда Жумладан терроризм муайян сиёсий мақсадда

давлат ёки жамоат арбоблари ҳаётига касд килиш ёки ҳозирги халқаро муносабатларда бирор мамлакат сиёсатига таъсир кўрсатиш давлат раҳбарлари ҳукумат бошликлари дипломатик ваколатхона аъзоларига кўп ҳолларда бегуноҳ аҳолига қарши уюштирилаётган қотиллик ва зўровонликлар деб ўзадилар услубий маърифий қўлланмада Ш Кудратхўжаев ва А Қирғизбоевлар Шунингдек У Убайдуллаев Халқаро терроризм тарихи ва замонавий муаммоларни китобида Терроризм бу маълум сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган тинчликка қуқаролар ҳавфсизлигига ва ҳаётига зўравонлик ишлатиш ёки уни қўллаш ҳавф ҳатарини туғдиришдир деб таъриф беради.

Ўзбекистон Республикасининг Терроризмга қарши қураш тўғрисидаги Қонунда терроризмга халқаро муносабатларни мураккаблаштириш давлатнинг мақсадларини амалга оширади. Бу йўл террористик ҳаракатининг ўзига ҳос услубидир Умумийроқ қилиб айтиладиган бўлса терроризм ёвуз қояларнинг амалга ошириш усули.

Бугунги қунда терроризмнинг қатор муҳим ҳусусиятлари мавжудки унинг бевосита бу ҳусусиятларга эга бўлишида инсониятнинг ўзи яратган техника ва технологияларнинг аҳамияти қатта. Масалан Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментининг 1999 йилдаги глобал терроризм тўғрисидаги маърузасида бу ҳусусиятлар.

Яхши ташкил қилинган маҳаллий локал ҳомий давлатлар томонидан қўллаб қувватланиб турувчи террористик гуруҳдан эркин тузилган халқаро жиной уюшмага айланганлиги

Сиёсий террордан диний ёки қоявий асослари устун бўлган терроризмга ўтиши,

Терроризм марказининг Яқин Шарқдан Жанубий Осиёга ҳусусан Афғонистонга қўчиши террористик ташкилотлар томонидан улар қазосиз ҳаракат қилиши мумкин бўлган минтақалардан қой қидириши

Молиялаштиришнинг ҳусусий қомилари нарқобизнес уюшган жинойтчилик ва қонуний савдо сотик қоби манбалардан қойдаланиши қоби ҳусусиятлар қасб этиши қўрсатиб ўтилади

Террористик ҳаракатларни қатор ҳусусиятлари мавжудки буни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Булар:

Террористик ҳаракат авваломбор қонун устувор бўлмаган ўзаро бирикмаган ривожланиш қиҳатидан анча орқада қолган ҳудудларда шаклланади.

Биринчи бўлиб ўзи шаклланган ҳудудни ўз қасарруфига олади.

Ўзига ривожланган мамлакатларда қомий излашга ҳаракат қилади ва ҳар қандай қомий ёрдами қи рад этмайди.

Террористик ёзув қояларнинг амалга ошириш усули бўлганлиги сабабли тарғиботнинг ҳар қандай туридан рекламадан матбуот материалларидан оғзақи ташвиқотдан турли Қиш қишлар ваёлқон гаплар тарқатишдан ўз мақсадлари учун самарали қойдаланишга уринади.

Улар террористик ҳаракатни бевосита қодир этаётган ўзини портлатиб юбораётган террорчи қамиқадзе Лар гуруҳини тайёрлайди ва бу ҳаракатни қилвосита амалга оширади.

Улар ҳозирги кунда ривожланган техника ва технологиялар ютуқларидан фойдаланиб терроризмни глобал муаммоларга айлантирадилар

Улар ўзлари паноҳ топган мамлакат бошқарувини кўлга олиш ёки назоратига ушлаб туриш учун атроф жамоатчилигини кўрkitиш ваҳима солиш бўйсундириш мақсадида кўпроқ кучли ривожланган мамлакатларда террористик ҳаракатларни амалга оширадилар ва бу билан ўзларининг намоиш этишга ҳаракат киладилар.

Бугунги кунда энг катта ҳафлардан бири террористик ҳаракатлар содир этаётган ташкилотларнинг руҳий ғоявий ҳамда моддий ҳомийлар ва раҳбарлари ўзларининг ёрдамчиларини тинч ва ривожланаётган давлатларга таъсир ўтказиш мақсадида давлат бошқарув тизимига сукилиб киришлари мумкинлигидир. Айниқса бундай ҳолат коррупциялашган давлатларда кенг тарқалиши мумкинлиги эҳтимоли мавжуд. Албатта бу жараён бир неча йилга мўлжалланиб унинг натижаси ката самара беради. Бундай ҳолатларни тарихий мисоллардан кўришимиз мумкин. Масалан Мисрда Левис Сайис подшолигининг ўрнатилиши фикримизнинг далилидир. Қадимги Хитой файласуфи ва лашкарбошиси Сунь Цзы ракиб томоннинг кўзга кўринган раҳбарларини жиноят қилишга тортинг уларнинг келажагини бузинг ва зарур пайтда жамият олдида шарманда қилинг деб ўз аскарларига буйруқ беради. Бу эса ёвузликка жирканган ҳаракатларнинг ўз таъсирини ошириш услуби ҳисобланади.

Террористик гуруҳлар ёвуз ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида турли хилдаги яширин қурооллардан фойдаланишга ҳаракат киладилар. Айниқса киши эътиборини ўзига тортмайдиган кичик ҳажимли ташки томондан шахснинг ҳар қуни фойдаланадиган буюмлар кўринишида бўлган нарсалардан фойдаланишмоқда (жамодон. сумка. Пакет ва ҳ.к.)

Террористлар томонидан оммавий шкаст етказиш қуроолларининг фойдаланиш объектлари одамлар кўп тўпланадиган жойлар :метро бекатлари аэропортлар темир йўл ва автомабил шохбекатлари ката бинолар ёпик турдаги концерт спорт заллари театрлар йирик шаҳарлардаги сув ҳайдаш тизимлари ва шунингдек ўта хавфли сув омборлари оммавий қирғинбарот қурооллари сакланаётган жойлар ва бошқашу каби объектлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас .

Террористлар оммавий қирғинбарот қурооллардан ташқари портловчи моддалар ва қурилмалардан, фугас мина гранаталардан фойдаланиши мумкин. Террористлар томонидан кичик ҳажимдаги ва турли кўринишдаги портловчи қурилмаларни қўллаш орқали ўз ҳаракатларини амалга ошириш кескин ва кучли тус олдириб юборилди .Чунки бундай портловчи қурилмалар ҳар қимнинг эътиборини ўзига тортмайди ва у билан бирга уни олиб юриш имконияти юқори бўлади .Масалан «ўйинчок мина»ҳамда «ўйинчок қопқонлар»шулар жумласига қиради .

Бугунги кунда террористлар томонидан қўлланилаётган турли кўринишдаги портловчи моддаларнинг хавфсизлик майдони қуйдагиларча :

Граната осколқасининг учиши 50-100м:

Мина осколқасининг учиши 100-300м:

Кейс яъни портловчи моддаларнинг хавфсизлик майдони 250-300м:

Жомодон сумкага солинган портловчи моддаларнинг хавфсизлик майдони 350-400м :

Автомобилга кўйилган портловчи моддаларнинг хавфсизлик майдони 600-1500м:

«ўлим белбоғи»нинг хавфсизлик майдони 50-300м.

Террористлар томонидан қўлланилаётган ва кенг тарқалган куроллардан бири бу-тупрок остида қўйиладиган мина ва фугаслардир .Фугас типдаги портловчи моддани яъни шу типдаги минани мина изловчи апаратлар ёрдамида топиш мумкин эмас .Чунки бундай типдаги портловчи курилма пластик материаллардан ясалган бўлиб уни факат сапёрларнинг махсус таёкчаси билан аниклаш мумкин .Бунини аниклаш жараёни ўта хавфли бўлиб кичик бир хато ҳам инсон ҳаётига ҳаф солиш эҳтимоли жуда юкори.

Терроризмга қарши кураш.

Терроризмга қарши кураш бoғрасида Ўзбекистон Республикаси дунё жамоатчилигини биринчилардан бўлиб давлатларни ҳамжиҳатликка биргаликда ҳаракат қилишгаунинг глобал муаммога айланиб кетишининг олдини олишга энг нуфузли ҳалқаро ташкилотлар минбаридан туриб чакиради .Мамлакатимиз Президенти И .Каримов 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сўзлаган нуткида айнан терроризм ва унинг моддий Манбалари тўғрисида тўхталиб жаҳон жамоатчилигини биргаликда ҳаракат қилиш таклифини киритди .Шунингдек мамлакатимиз биринчилардан бўлиб террорчиликка ва унинг келтириб чиқараётган иллатларига қарши кураш борасида илк бор қонун қабул қилинди .ушбу қонунга биноан қуйдаги давлат органлари терроризмга қарши курашни амалга оширадилар :Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита .Давлат божхона қўмитаси .Мудофа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари . «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматига террорчиликка қарши кураш олиб боришда қолган вазирликлар ва қўмиталарининг террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш уларни аниклаш бартараф этиш ва муайян чора-тадбирлар белгилашда мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади. Мамлакат тинчлиги. Унинг хавфсизлигини таъминлаш дастуридан келиб чиққан ҳолда 2005 йилдан, бошлаб, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита Миллий Хавфсизлик қўмитаси таркибига киритилди.

Террорчилик ҳаракатларига қарши курашда раҳбарлик қилиш террорчилик ҳаракати томонидан туғиладиган хавф ва унинг қўлами, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари эътиборга олинган ҳолда хавфсизликни таъминловчи давлат идоралари зиммасига юклатилди. Зарурат туғилганда алоҳида штаблар тузилади. Террорчилик ҳаракатини бартараф этишда биринчи навбатда кишилар ҳаётихавф остида қолса ҳамда моддий ва маънавий бойликларни сақлаб қолиш мақсадида қуч ишлатмаслик учун музокаралар олиб бориш мумкин. Бироқ, музокараларнинг олиб борилиши террорчиларнинг содир этган жиноятдан жавобгарликни фориғ этмайди. Музокаралар террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари

томонидан ижобий ҳал бўлмаса, яъни улар ўз ҳаракатини тўхтатишга рози бўлмаса, шунингдек, кишилар ҳаётига хавф мавжуд бўлса ҳамда моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлиш таҳдиди аниқ сакланиб турган пайтда, уларни куролсизлантириш ва йўқ қилиш учун зарур чоралар кўрилади. Ҳар қандай Террорчилик ҳаракати муайян ҳудудда юз беради. Шу боис, «Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари томонидан белгиланади» дейилади «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунда.

ХОРИЖИЙДАГИ ТЕРРОРИСТИК ҲАРАКАТЛАР.

1999 йил 6 апрел куни соат 00⁴⁰ ларда Москва шаҳрининг Умумий физика институти ётоқхонасида кўлбола портловчи қурилма ёрдамида портлаш содир этилган. Ҳеч қим ҳалок бўлмади, тан жароҳати олмади.

1999 йил 9 сентябрь куни 23⁵⁹ да Москва шаҳрининг Гурьянов кўчасида портлаш юз берган. Натижада, 94 киши ҳалок бўлган, 200 киши тан жароҳати олган. Портловчи модда қуввати 300 – 400 кг тротил эквивалентига тенг бўлган.

1999 йил 13 сентябрга ўтар кечаси Москва шаҳрининг Каширский йўли бўйида жойлашган кўп қаватли уйнинг ертўласида портлаш юз берган. Натижада 118 киши ҳалок бўлган, 717 киши тан жароҳати олган. Портловчи модда қуввати 200 кг тротил – гексоген аралашмасига тенг бўлган.

1999 йил 31 август куни соат 20⁰⁰ да Москва шаҳрининг «Манежный» майдонида жойлашган савдо марказида бўлган 33 киши тан жароҳати олган портлаш қуввати 150 – 200 кг тротил эквивалентга тенг бўлган.

2000 йил 11 июн куни Грозний шаҳридаги, блок – постларда бирида камикадзе уйни автоуловда портлатиб юбориш оқибатида, 2 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, 1 нафар киши тан жароҳат олган.

2002 йил 23 октябрь куни Москва шаҳрида М.Бараев гуруҳи ва камикадзе аёллар Дубровканинг «НОРД ОСТ» маданият биносида 900 кишини гаровга олган. Махсус операция натижасида террорчилар гуруҳи йўқ қилинган, гаровга олинганлардан 129 нафар киши ҳалок бўлган.

2002 йил 27 декабр куни Грозний шаҳрининг Давлат маҳкамаси биноси олдида икки эркак ва бир ун ёшли киз, 2 та автоуловни портлатганлар. Натижада, 72 киши ҳалок бўлган, 210 киши тан жароҳати олган.

2003 йил 14 май куни Чеченистоннинг Надтеречний туманининг Знаменское қишлоғида 2 эркак ва 2 аёл «Камаз» автоуловини портлатиб юбориши натижасида, 60 киши ҳалок бўлган, 250 киши тан жароҳати олган.

2003 йил 5 июн куни Шимолий Осетиянинг Моздок шаҳрида ҳарбий аэродром ходимларини олиб кетаётган автобус ёнида бир аёл ўзини портлатиши натижасида 20 киши ҳалок бўлган, 19 киши тан жароҳати олган.

2003 йил 9 декабр куни соат 10²³ да Москва шаҳрининг Маховий кўчасида жойлашган «Национал» меҳмонхонасида портлаш юз берди. Портлаш камигадзе аёл амалга оширилган. Натижасида, 6 киши ҳалок бўлган, 13 киши тан жароҳати олган. Портлаш қуввати 1 кг тротил – эквивалентига тенг бўлган.

2004 йил 6 феврал куни соат 8³³ да Москва шаҳри Замоскорецкий метро линиясида электрпоезднинг иккинчи вагонда портлаш юз берди. Натижада 39 киши ҳалок бўлди. 350 киши тан жароҳати олган. Портловчи модданинг куввати 2 кг тротил – эквивалентига тенг бўлган.

2004 йил 1 сентябрида Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги 1 – мактаб гаровга олинганлар сони 1200 нафар кишидан зиёд. 350 киши курбон бўлди, ярадорлар 450 дан ортиқ уларнинг ярмидан кўпи болалар эди. Кейинчалик аниқланишча 331 киши ҳалок бўлганлар ичидаги 186 таси мактаб ўқувчилари.

8- Мавзу:

Фукаро муҳофазаси ўқув машклари.

Ўқув саволлари саволлари:

- 1. Туман, халқ хўжалиги тармоқларидаги команда-штаб ўқув машклари.**
- 2 - савол Ўқув машкини ўтказиш режаси.**

Туман, халқ хўжалиги тармоқларидаги команда-штаб ўқув машклари.

Команда-штаб ўқув машклари шаҳар, туман ФВДТ хизматлари, бошқарув органлари раҳбарлари ҳамда эвакуация комиссиялари, авария-кутқарув бўлинмалари ва тузилмалар бошликлари таркибини биргаликда ўқитиш ва тайёрлигини текширишнинг асосий шаклларидан биридир. Команда-штаб ўқув машкларининг моҳияти шундан иборатки, барча машк катнашчилари аҳоли ва ҳудудлар муҳофазасини ташкил этиш, тармок барқарорлигини таъминлаш бўйича тармокда авария, ҳалокат, табиий офат ёки замонавий қуроллар туфайли содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда (унинг микёсини ва технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) аниқ, шароитдан келиб чиқиб тасарруфларидаги мавжуд қуч ва воситаларни бошқариш бўйича ўз функционал мажбуриятларини бажарадилар.

Ўқув машклари раҳбарият таркиби қарамоғидагиларни бошқаришда мустаҳкам қўникмалар ҳосил қилишга, фавқулодда вазиятлар содир бўлиш таҳдиди пайдо бўлганда, унинг ривожланишини тўхтатишда ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишда туғилган шароитни тўғри баҳолашга имкон беради. Фукаро муҳофазаси режасидаги тадбирларни машк қилиш давомида қай даражада тўғри режалаштирилганлигини баҳолаш ва замонавий қирғин воситалари қўлланганда оқибатларини бартараф этиш бўйича қарор қабул қилиш, ижрочиларга аниқ вазифалар бериш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш ўқув машкларининг негизидир.

Тармоқлардаги команда-штаб машклари мустақил ўқув тадбири

сифатида ҳамда юкори органлар (шахдрда, туманда ўтказиладиган ўкувмашклари) таркибида ўтказиладиган тармок машки сифатида ҳам олиб борилиши мумкин. Бундай ўкув машкларини сифатли тайёрлаш ва кўргазмали олиб борилиши учун мавзу, ўкув машининг мақсади, машк саволларини ва бошқа керакли маълумотларни ҳамда ташкилий кўрсатмаларни тайёрлаётганда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруқ ва директивалари, навбатдаги ўкув йили учун ташкилий кўрсатмалар, вазирлик ҳайъат йиғилишининг қарорлари талаблари асос қилиб олиниши зарур бўлади.

Команда-штаб ўкув машкларини ўтказишда раҳбарлар таркиби, тузилмалар сардорлари ҳамда машкка жалб этиладиган бошқа қатнашчиларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлик даражаси яққол намоён бўлади ва ўз натижасини беради.

Ўкув машкига раҳбарлик Команда-штаб ўкув машки «бошлиқ ўз қарамбоғидагиларни ўқитади» тамойилига асосан ташкил этилади ва олиб борилади. Барча ишларнинг ташкилотчиси тармок фуқаро муҳофазаси бошлиғи (раҳбари)дир.

Туманда команда-штаб ўкув машини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича барча ишларнинг ташкилотчиси вилоят ҳокими - фуқаро муҳофазаси бошлиғи бўлиб, у машк раҳбари ҳисобланади.

Ўкув машки раҳбарининг ўринбосарлари ва ёрдамчилари этиб вилоят миқёсидаги фуқаро муҳофазаси хизматлари, бошқарма бошликлари ёки машкка жалб этилаётган тармокларнинг раҳбарлари тайинланадилар.

Машкнинг раҳбарият штаби — машк раҳбарининг кўрсатмасига асосан машкни тайёрлаш ва ўтказишни ташкиллаштиради.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи раҳбарият штабининг бошлиғи машк раҳбарининг ўринбосари ҳисобланади. Туман миқёсида ўтказиладиган ўкув машининг асосий ҳужжатлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланиб, фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари билан қилишилади.

Команда-штаб ўкув машки кўп сонли раҳбарият, командалар таркиби, фуқаро муҳофазаси хизмати, эвакуорганлар, ички тузилмалар бўлинмалари, раҳбарлари

жалб этилган йирик халқ хўжалиги тармокларида ўтказилганда, тармок раҳбари фуқаро муҳофазаси бошлиғи фақат машк ўтказишга раҳбарлик қилиб, фуқаро муҳофазаси бошлиғи вазифасини бош муҳандисга ёки ўзининг муовинларидан бирига топширади.

Команда-штаб ўкув машини бевосита тайёрлаш ва ўтказиш тадбирларни бажарадиган бир ёки бир нечта тармок ҳудудларда жойлашган йирик тармокларда ўкув машки раҳбарининг муовини (ёрдамчиси) тайинланади, Раҳбарият штаби ташкил этилади ва фуқаро муҳофазаси хизмати ва тармок ички тузилмалар бўлинмаларининг энг яхши тайёргарлик кўрган ходимлари ҳисобидан воситачилар тайинланади.

Раҳбарият штаби ўкув машини юкори даражада ташкил этиш ва

сифатли ўтказишни таъминловчи энг кам микдордаги зарур таркибда ташкил этилади. Унча катта бўлмаган тармоқларда раҳбарият штаби ўрнига иккита-учта одамдан ташкил топган бошқарув гуруҳи ташкил этилиши мумкин.

Ўқув машининг раҳбари ўқув машини ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни ва унинг умумий максadini аниқлайди. Дастлабки маълумотлар - мавзу, ўқув машининг мақсади, машини босқичлари ва уларнинг ўқув саволлари (ҳар бир ўқитилаётган босқичда); ўқитилаётган раҳбарлар таркиби ва бошқарув органлари, фуқаро муҳофазаси хизмати, машини давомида белгиланган тадбирларни бажаришга (ишлаб чиқариш барқарорлигини ошириш масалалари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш) жалб этилувчи штатдан авария-куткарув бўлинмалари, махсус тузилмалар; машини ўтказиш муддати, вақти ва жойи, воситачилар таркиби аниқланади.

Ўқув машини ўтказиладиган жойларни тайёрлаш борасидаги тадбирлар керак бўлганда шароитни ва ўқув-моддий базаси микёсини тақлид қилиш учун жой ва воситаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Команда-штаб ўқув машини саволларини ишлаб чиқиш учун тинчлик даврида содир бўлиши эҳтимол фавқулодда вазиятларга ва ҳарбий ҳаракатлар давридаги зарарланиш ўчоқларига жуда яқинлаштирилган кўргазмали мураккаб шароитлар яратилиши лозим. У ўқув машининг катнашчиларини фаол ва ташаббусқорона ҳаракатларга ундамоғи, уларни изланишга ва мақсадга мувофиқроқ қарорлар қабул қилишга, қуч ва воситалар ёрдамида маневрларни амалга оширишга мажбур этмоғи, қўйилган вазифаларни, биринчи навбатда одамларни қутқариш билан боғлиқ ишларни ўз вақтида бажариш учун барча техника ва бошқа воситаларидан тўла фойдаланишга мажбур этмоқ лозим.

Команда-штаб ўқув машини олиб борилаётганда раҳбар унинг режа билан мутаносиб ҳолда олиб борилишига, ўқув саволларини ишлаб чиқиш ва амалий тадбирларнинг тўла ҳажмда ўтказилишига, раҳбарият таркиби томонидан қармоғдагиларга вазифаларни тўғри ва аниқ қўйилишига алоҳида эътибор қаратмоғи лозим.

Амалий тадбирларни бажариш вақтида ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини муҳофаза қилиш бўйича ҳамда ишлаб чиқариш барқарорлигини ошириш билан боғлиқ энг муҳим эпизодларни ишлаб чиқишни шахсан ўзи ўтказди. Ўқув машини тутагандан сўнг ўрганувчиларнинг ҳаракатини баҳолайди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича вазифалар қўяди.

Раҳбарият штаб (бошқарув гуруҳи) раҳбарининг кўрсатмасига биноан ўқув машини таркибини ташкил этиш, уларни тайёрлашни ва ўтказишни таъминлайди.

Штаб раҳбарияти мажбуриятлари жумласига раҳбарнинг мулоҳазаларига асосланган ўқув-услугий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, воситачиларни тайёрлашни ташкил қилиш, барча катнашчиларни, ўқув-моддий базасини, бошқарув пунктларини, ўрганувчиларнинг иш жойларини, алоқа ва хабар бериш воситаларини тайёрлашни назорат қилиш қиради.

Ўқув машини олиб бориш жараёнида воситачилар ишини ташкил этади, катнашчиларнинг ҳаракатларини умумлаштиради ва баҳолайди, хабарлар (сигнал)нинг берилиши ва унинг жойларга тўғри ва аниқ етказилишини назорат қилади, шароитдан келиб чиққан ҳолда қарор қабул иш учун таклифлар тайёрлаш, уларни расмийлаштирилиш ва ижрочиларга етказилиши ҳақида маълумот тўплаб, этилишини кузатади, материалларни муҳофамага ва уни ўтказишни таъминлайди.

Ўқув машини тайёрлаш. Тайёргарлик даври, бир-бир ярим ойдан кўп вақт олмайди. Шу давр мобайнида асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, ўқув машини раҳбарият (штаб раҳбарияти) тайинланади, ўқув жойлари жиҳозланади амалий тадбирлар ўтказиш учун (агар улар кўзда тутилган бўлса) ўқув-моддий база тайёрланади.

«Фуқаро муҳофазаси режаси» ва «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси» диққат билан ўрганиб чиқилади ва зарур бўлганда уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади. Айниқса, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини тинчлик даврида ҳам, ҳарбий ҳаракатлар даврида ҳам ишончли муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги тадбирлар диққат билан ўрганилиши керак

Тайёргарликнинг асосий ҳужжати таквимий режадир (1-илова) ва унда тадбирларнинг мундарижаси, муддати ва ўтказилиш вақти ҳамда ижрочилари аниқланади. У ташкилий тадбирларнинг ўтказилиши, ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши, раҳбариятни ва ўқув машини катнашчиларининг ўқув жойларини ва ўқув-моддий базасини тайёрлаш бўлимлар бўйича ишлаб чиқилади.

Биринчи бўлимда кўмондон-қароргоҳ ўқув машини режалаштириш ва ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни тайёрлаш; меъёрий ҳужжатлар ва ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш; ўқув машини олиб бориладиган ҳудудни рекогносцировка қилиш (агар лозим топилса); фуқаро муҳофазаси хизмати, эвакуоорганларни; айрим ҳолларда зарурият туғилганда маҳаллий ҳокимият органлари билан, шаҳар (туман) фавқулодда вазиятлар бўлими билан ва тегишли шаҳар (туман) ташкилотлари ва хизматлари билан келишишга доир тадбирлар кўзда тутилади.

Иккинчи бўлимда ҳужжатлар рўйхати, уларни ишлаб чиқишга масъул ходимлар ва ишланиш муддати ҳамда ўқув машғулотлари катнашчиларига етказиб муддатлари аниқланади.

Учинчи бўлимда раҳбарият ва воситачиларни тайёрлашда тадбирлар, шу жумладан маърузалар, семинарлар, машғулотлари, штаб машқлари, йўриқнома, шошилинч (летучка) қарорлари, мустақил ишлаш учун саволлар кўрсатилади.

Тўртинчи бўлимда ўқув машини катнашчиларини тайёрлаш учун зарур бўлган чоралар кўзда тутилади: амалий машғулотлар ёки ўқишга жалб этилаётган тузилмалар билан тактик-маҳсус ўқув машқлари ўтказиш (агар бу аввалдан кўзда тутилган бўлса), техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш, нормативлар топшириш.

Бешинчи бўлимда ўқув машини учун жойларни, бошқарув пунктини, ўқув-моддий базасини, алоқа ва хабарлаш воситаларини тайёрлаш,

маълумотнома ва бошка ҳужжатларни, чизмаларни, режаларнинг нусхасини кўпайтириш зарур микдордаги транспорт воситаларини ажратиш, овкатланишни ташкил қилиш ва ўқув машини тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида пайдо бўладиган бошка муаммолар ҳақида сўз юритилади.

Ўқув машини катнашчилари томонидан бажарилиши лозим бўлган масалалар уларнинг эътиборига ташкилий курсатмалар сифатида етказилади.

Ўқув машини ўтказиш ҳужжатларини тайёрлаш. Ўқув машини олиб бориш учун одатда, машини ўтказиш режаси, унга тайёргарлик борасидаги ташкилий кўрсатмалар, ўқув машинига раҳбарликни ташкил қилиш чизмаси, шартли топшириқлар рўйхати ва мазмуни, ўринбосар (ёрдамчи)лар ва воситачиларнинг шахсий режалари, моддий-техник таъминот ва таклид (агар у ўтказилса) режаси, агар айрим масалалар бўйича тадқиқотлар олиб борилиши лозим бўлса, у ҳолда тадқиқотлар режаси ишлаб чиқилади.

Ўқув машини ўтказиш режаси (2-илова) - асосий ўқув-услубий ҳужжат бўлиб, унда мўлжалланган мақсадларга мос равишда ўқув машини олиб бориш йўл-йўриғи баён этилади, ўқув саволларини ишлаб чиқишнинг кетма-кетлиги белгиланади. Ўтказиш тартиби босқичма-босқич кенгайтирилган жадвал шаклида баён этилади. Ҳар бир босқичда ўқув саволлари ва уларга ажратилган вақт аниқланади. Вазият шартли топшириқ шаклида баён этилади. Сўнгра «Машк раҳбарининг, ўринбосарларнинг ёрдамчиларнинг ва воситачиларнинг иши» графаси келади Ундан кейин «Ўргатилаётганлардан кутилаётган ҳаракатлар» муҳокама ўтказилиш вақти ва уни ўтказиш тартибини кўрсатиш билан тугалланади.

Режа тузаётганда ўқув машини саволларини ишлаб чиқиш учун ажратиладиган вақтга катта эътибор бериш керак биринчи навбатда «Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси» ва «Фукаро муҳофазаси режаси»да кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун режалаштирилган вақтга қараб иш тутмоқ лозим. Ўқув саволларини астрономик вақтда олиб бориш мақсадга мувофиқлир. Вақт чегараланган бўлган таклирда айрим саволлар тезкор вақтда сакраш усулида, шунингдек, ҳам тезкор, ҳам астрономик вақтда белгиланиши мумкин. Тезкор вақт деб, ўқув машинида бажарилши узок вақт талаб этадиган айрим вазифаларни бажаришга кетган шартли вақт қабул қилинган, Астрономик вақт - бу аниқ тадбирларни бажаришга ажратилган реал вақт.

«Вазият» графасида (шартли топшириқнинг мазмуни) ҳар бир ўқув саволини ишлаб чиқиш учун яратилган вазият баён этилади. Бу ерда шартли топшириқнинг мазмуни тўла ёзилиши мумкин, агар режага алоҳида ҳужжат — шартли топшириқларнинг рўйхати ва мазмуни илова қилинган бўлса, у ҳолда бу графада фақат рақамигина кўрсатилади.

Режага одатда ўқув машини олиб бориладиган туман ёки тармокнинг жойлашув чизмаси илова қилинади.

Ўқув машини олиб бориш режасини раҳбарият штаби тузади, штаб бошлиғи имзолайди ва ўқув машини раҳбари уни машк бошланишидан камида 2 ҳафта олдин тасдиқлайди.

Команда-штаб ўқув машини тайёрлаш бўйича ташкилии кўрсатмалар,

одатда, буйрук шаклида ишлаб чикилади (3-илова) ва ижрочилар барча талабларни (ишларни) бажара олиш имконига эга бўлишлари учун ўз вақтида уларга етказилади.

Моддий-техник таъминот режаси - ўқув машини ўтказиш режасида кўзда тутилган барча тадбирларнинг бажарилишини

таъминловчи хужжатдир.

Ташвиқотлар ўтказиш режаси (агар улар кўзда тутилган бўлса) аниқ нимани тадқиқ қилиш, уни олиб бориш тартиби, усули ва тадқиқотлар ҳажми, аниқ белгиланган мақсадларни қамраб олади. Уни тадқиқотлар бўйича раҳбарнинг ёрдамчиси имзолайди ва ўқув машғулотлари раҳбари тасдиқлайди.

Барча ўқув-услубий хужжатлар имкон қадар қисқа ва фойдаланиш учун қулай бўлиши керак.

Ўқув машини қатнашчиларини тайёрлаш, шу йил учун фуқаро муҳофазаси бўйича асосий тадбирлар режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ўқув машини ўтказиш услуби. Команда-штаб ўқув машинининг намунавийлиги, қўзланган мақсадга эришиш ва ўқув саволларини ишлаб чиқишнинг сифати синчковлик билан тайёрланганлигидагина эмас, балки мақсадга мувофиқ бўлган услубларини танлаш ва улардан моҳирона фойдалана олишда ҳамдир.

Уларни танлаш, биринчи навбатда, ўрганувчиларнинг таркиби ва уларнинг тайёргарлик даражасига, раҳбарнинг, унинг ёрдамчилари ва воситачиларнинг услубий моҳирлигига боғлиқдир.

Ўқув машини мобайнида қўлланиладиган асосий услублар қуйидагилардир: «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси»га мувофиқ тадбирларни амалга ошираётганда ўрганаётганларнинг ҳаракатларини назорат этиш.

Ўрганаётганларнинг иш услуби ва усулларини ўргана бориб, ўқув машини раҳбарияти ва воситачилар ўрганаётганларнинг барча тоифаларининг тайёргарлик даражасини аниқлаш, уларнинг ташкилотчилик қobiliятларини баҳолаш, зарурият туғилганда уларга шароитга тўғри мослашиш ва малакали қарор қабул қилишга ёрдам бериш, режада кўзда тутилган тадбирларни ва функционал мажбуриятларни бажаришда уларда амалий қўникмалар ҳосил қилишга қўмаклашиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун раҳбар (унинг ўринбосари) ва воситачилар ўрганаётганларга шароит ҳақида, унинг ўзгариши тўғрисида қўшимча маълумотлар бериши (разведка маълумотлари ва иш жойидан тушган хабарлар

Тактик - махсус ўқув машқлари

Ўқув машқларини ташкил этиш асослари. Тактик-махсус ўқув машқлари фуқаро муҳофазасининг ҳарбий ва махсус бўлинмалари ҳамда авария қутқарув тузилмаларини Амалий ишларни бажаришга ўргатиш, табиӣ ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишга таёйрлашнинг асосий шаклидир.

Унинг асосий мақсадлари;

-сардор – бошликлар таркибининг авария – кутқарув ва бошқа шошилиш ишларни ва аҳолини муҳофаза қилишни ташкил этиш, тузилмаларни бошқариш ишларидаги Амалий кўникмаларни такомиллаштириш;

-тузилмаларни ҳамда авария – кутқарув бўлинмаларини аҳолини муҳофаза этиш тадбирларини мустақил равишда бажариш ҳамда бошқа тузилмалар, кидирув – кутқарув хизмати бўлинмалари, фуқаро муҳофазаси хизматлари билан ҳамкорликла ҳаракат қилишга тайёрлаш ва ҳамжиҳатлигига эришиш;

-тузилмаларнинг фавқулодда вазиятлар зонасида зарарланиш (заҳарланиш) ўчоқларида олдиндан белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрилигини текшириш;

-шахсий таркибда рухий сифатларни шакллантириш. Тузилмаларни тайёрлашнинг янги шакл ва усулларини тадқиқ этиш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан ва замонавий қирғин воситаларини қулланганда унинг оқибатларидан муҳофаза қилишнинг энг самарали усулларини кидириб топиш ҳамда Ўзбекистан Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқаро муҳофазаси бошликлари, вазирликлар, бошқарма ва ташкилотларнинг қарорларига биноан тузилмалар ҳаракатлари бўйича меъёрий ҳужжатлардаги айрим ҳолатларни текшириш мақсадида тажриба-тадқиқот тактик-маҳсус ўқув машқларини ўтказиш.

Уларда кучли вайронагарчиликлар, ёнғинлар, сув босишлари, радиоактив ва кимёвий зарарланиш шароитида, сардор-бошликлар таркиби, авария-кутқарув тузилмалари ва бошқа шошилиш ишларни олиб боришга мўлжалланган тезкор тузилмаларнинг моҳирона ҳаракатини талаб этувчи мураккаб ва ибратли шароит яратилмоғи зарур.

Ўқув машқлари унинг микёси ва ўргатилаётганларнинг таркибига боғлиқ ҳолда белгиланган талабларга мувофиқ маҳсус кийим-бош, техника ва ускуналар билан жиҳозланиб, ўқув машқларига тўла бутланган шахсий таркибда олиб чиқиладиган тузилмалар, командалар, гуруҳлар ва бошқа бўлинмалар билан олиб борилади.

Умумий вазифаларни бажарувчи тузилмалар билан ўқув машқлари одатда, хизмат тузилмалари билан биргаликда ўтказилади. Масалан, кутқарув отряди (команда, гуруҳ) билан биргаликда санитар дружиналар (постлар), разведка, жамоат тартибини сақлаш, ёнғинга қарши кураш, пана жойларга хизмат кўрсатиш гуруҳлари иштирок этишлари керак.

Фуқаро муҳофазаси хизматларидан жалб этиладиган тузилмаларнинг сони ўқув машқи мавзусига, ўқув мақсадларига, характери, авария-кутқарув ва бошқа шошилиш ишларнинг ҳажмига боғлиқдир.

Агар фуқаро муҳофазаси хизматларининг бирор-бир (маҳсус) тузилмаси у ёки бу сабабга кўра объект тактик-маҳсус ўқув машқиға жалб этилмаган бўлса, навбатдаги комплекс ўқув машқиғача у билан албатта мустақил тактик-маҳсус ўқув машқи ўтказилиши керак.

Худудий тузилмалар ва кутқарув отрядлари билан маҳсус-тактик

машкларни тайёрлаш ва ўтказиш учун раҳбарият штаби тузилади. Бўлинмалар, гуруҳдар ва бошка тузилмалар билан бошқарув гуруҳи ташкил этилади, тузилмалар ва таҳдид бўйича раҳбарнинг ёрдамчилари (воситачилар) тайинланади. Айрим ҳолларда раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази (РТТМ)нинг ўқитувчилари жалб этилиши мумкин.

Ўқув машки раҳбарининг мажбуриятлари:

а) ўқув машкини тайёрлашда:

- тегишли меъёрий ва ҳукукий ҳужжатларни (конунлар, қарорлар, йўриқномалар) ўрганиш, тузилмаларнинг тайёргарлик ҳолатини таҳлил этиш, дастлабки маълумотларни: мавзунини, ўқув мақсадини, ўтказиш муддатини, ўқув босқичи ва саволларини, жалб этилаётган тузилмаларнинг сони ва таркибини, ўқув машки ўтказиладиган ҳудудни, таҳдид воситаларини, моддий-техник таъминот масалаларини аниқлаш;

- машк ўтказиладиган ҳудудларни тайёрлаш тартибини, қандай қўшар билан қандай муддатларда улар тайёр бўлиши лозимлигини белгилаш;

- ўринбосарлар, ёрдамчилар, воситачилар ва барча қатнашчиларни тайёрлашни ташкил этиш. Сардорларни авария-қўтқарув ишлари олиб борилаётганда бошқарувни мохирона ташкил этишга ўргатиш.

б) ўқув машки олиб борилаётганда:

- қарорлар ва берилган фармойишларни, уларнинг шахсий таркиб томонидан бажарилиш даражаси ва сифатини таҳлил этиш;

- қўйилган ўқув мақсадларига эришиш учун шароитни мураккаблаштиришга раҳбарлик қилиш;

- ҳавфсизлик қоралари ва экологик талабларга риоя қилишни назорат этишни амалга ошириш;

- ўқув машки тугагандан сўнг муҳокама ўтказиш, командалар бўлимлар ва тузилмалар шахсий таркиби ҳаракатларини баҳолаш.

Раҳбарият штаби зиммасига ўқув машкини тайёрлаш ва ўтказиш, ҳаракат ҳудудини жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда ўқув мапки тугагандан сўнг тузилмаларни йириш ва уларни доимий иш жойларига қайтаришни, амалий ишлар олиб борилган ҳудудни тартибга келтиришни назорат этишни амалга ошириш юкланади.

Ўқув машкини тайёрлаш ва ўтказишнинг моддий-техник таъминоти тузилмаларни зарур техника, ёкилғи-мойловчи материаллар, тақлид воситалари ва бошка материаллар, талабдаги захираси бўлган махсус жиҳозлар билан таъминлаш, овқатланишни ташкил қилишдан иборатдир.

Ҳақиқатга яқинлаштирилган шароит яратиш учун сув босиш, қимёвий зарарланиш ва радиоактив ифлосланиш зоналари белгиланади, вайроналар, ёнғинлар, коммунал-энергетика тармоқларидаги ҳалокатлар, тошқинлар (отилиб чиқиш) тақлид қилинади.

Тақлид бошқариладиган, уни тайёрлаш ва ҳаракатга келтиришга қўп вақт ва қатта маблағ талаб қилинмайдиган бўлиши керак. Бунинг учун тақлид бўйича ўқув машки раҳбарининг ёрдамчиси ихтиёрига зарур миқдордаги шахсий таркиб, техника ва моддий бойликлар ажратилади. У тақлид

режасини тузади, ўқув машини олиб бориладиган ҳудудни зарур ускуналар билан жиҳозлайди, хавфсизлик чораларига риоя этилишини кўзда тутаяди ва назорат қилади.

Ўқув машини тайёрлаш. Тайёргарлик тадбирларининг мазмуни ва ҳажми ўқув машини микёси ва мақсадига, уқтишга жалб этилаётган тузилмаларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг моддий-техник таъминотига ҳамда машини олиб бориладиган ҳудуднинг ҳолатига боғлиқ.

Ўқув машини тайёрлашда қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилади:

- ўқув машини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида буйруқ
- ўқув машини тайёргарликнинг таквими режаси;
- ўқув машини ўтказиш режаси.

Ўқув машини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақидаги буйруқ.

катнашчиларни ва зарур ўқув-моддий базани ўз вақтида тайёрлашга имконият туғдириш учун олдиндан ишлаб чиқилиб ўрганувчиларга етказилади. Буйруқла:

- ўқув машини ўтказиш муддати ва ўрганувчилар таркиби;
- сардор-бошлиқлар ва бошқа катнашчилар таркибини тайёрлаш тартиби;
- амалий иш бажариладиган ҳудудларни тайёрлаш муддатлари, иш ҳажми ва масъул ижрочилар;
- моддий-техник таъминот, шу жумладан моторесурслар, ёнилғи, таклид воситалари;
- ўқув машини ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Таквими режада:

- раҳбарнинг ёрдамчисини, сардор-бошлиқлар ва тузилмаларнинг барча шахсий таркибини тайёрлаш борасидаги тадбирлар;
- ҳужжатлар рўйхати, уларни ишлаб чиқиш муддати ва бунинг учун масъул шахслар;
- ўқув машини ва таклид ҳудудини тайёрлаш борасидаги тадбирлар;
- алоқл ва хабар бериш хизмати ташкил этиш масалалари ёритиб берилади.

Таквими режа тармок раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ёрдамчилар ва воситачиларни, хизмат бошлиқларини, тузилмалар сардорларини тайёрлашда машини мавзуси, мақсади ва вазифаларини, ўтказиш режасини, ҳужжатларда қўйилган талабларни ҳамда ўқув машини олиб бориладиган ҳудуд шароитини туғри тушунишини таъминлаш зарур.

Ўқув машини ўтказиш режаси (4-илова) ўқув машини кетишини, ўқув масалаларини ишлаб чиқиш кетма-кетлигини аниқловчи асосий ўқув-услубий ҳужжатдир. У ёзма равишда (матн сифатида) тузилиб:

- мавзу, ўргатилаётганларнинг ҳар бир тоифаси учун ўқув машинининг мақсади ва уларнинг ўтказилиш вақти;
- жалб этилаётган тузилмаларнинг таркиби;
- техниканинг сони, моторесурслар, ёнилғи-мойловчи материаллар (ЁММ) ва таклид воситалари сарфининг

меъёри;

- ўқувмашки боскичлари, уларнинг давомати ва ўқув масалалари;
- бошқарув пунктда жойлашган жой, алоқа, хабар бериш ва маълумот бериш тартиби;

- тармоқла табиий офатлар, ҳалокат ва йирик микёсдаги авариялардан ёки душман томонидан замонавий қуролларни қўллаш туфайли юзага келиши мумкин бўлган шароитни эътиборга олиши керак.

Бунда ўқув машинининг ниятига мувофиқ объектнинг куч ва воситалари мустақил ҳаракат қилишлари ва барча вазифаларни ўз қучлари билан адо этишлари, агарда у йирик микёсдаги ғавқулдда вазият зонасида жойлашган бўлса, бошқа авария-қутқарув бўлинмалари билан ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Ўқув машини режаси тасдиқлангунга (имзолангунга) қадар ўқув машини олиб бориладиган ҳудуд разведка қилиниб, текширилиб (рекогносцировка) чиқилади. Бунда жойнинг характери, авария-қутқарув ва бошқа шошилишч бажариладиган ишлар олиб бориладиган жойнинг хусусияти текшириб аниқланади, амалий ишларнинг ҳажми, ҳудудини жиҳозлаш ва таклид қилиш учун зарур бўлган куч ва маблағлар миқдори аниқланади. Тузилмаларни олиб кириш маршрутлари, авария-қутқарув бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланади.

Ўқув машини олиб бориш режаси асосида раҳбарнинг ёрдамчилари (воситачилари) ва тармоқ фуқаро муҳофазаси хизмати бошликлари шахсий режаларини (ёзма ёки чизма тарзда) тузадилар. Унда қуйидагилар кўзда тутилади:

- таклид вақти ва турлари;
- таклид ишлари учун куч ва воситалар;
- масъул шахслар, таклид учун алоқа ва сигнал воситалари;
- таклид жойини қўриқлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш чоралари.

Чизмада шартли белгилар билан ёнғинлар, уюмлар, вайроналар, коммунал-энергетика тармоқларидаги ҳалокатлар, «шикастланганлар» жойлашган жой ва уларнинг

сони, муҳофаза иншоотларининг, машиналар ва йуловчилар ўтиш жойларининг ҳолати белгиланади.

Таклид режасини ўқув машини раҳбари тасдиқлайди. Вайроналар, ёнғинлар, портлашлар, сув босган ва зарарланган зоналар, қувурлардаги ва катта ҳажмдаги идишлардаги ҳалокатларни таклид қилиш даражаси объектнинг хусусиятига, жойнинг характерига ва таклид воситаларининг мавжудлигига боғлиқ. Таклид ўқув машинининг мақсади шароитга мос келиши керак. Ўқув машини учун зарур бўлган нарсасига таклид қилинади. Унинг айрим элементлари белгиланган воситалар: белгилар, кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкин (5-илова). Шартли шикастланганларни таклид қилиш учун зарур миқдордаги шахсий таркиб ажратилади. Одамларни

вайрона уюмлари остидан, ёнаётган биноларнинг юкори каватларидан ёки сув босган ертўлалардан олиб чиқиш таклид қилинаётганда манекенлардан фойдаланилади. Сув қувурлари, канализация, иссиқлик, газ, энергетика ва технология тармоқларининг шикастланган жойларини таклид қилишни яратиш муҳимдир. Коммунал-энергетика тармоқларидаги ҳалокатларни чеклаш ва бартараф этиш ишлари мутахассисларнинг раҳбарлиги остида ҳавфсизлик чораларига катъий риоя қилиш билан олиб борилиши зарур (6-илова).

Таклид билан шуғулланувчи тузилманинг шахсий таркиби таклид қилиш тартибини яхши билиши, ёнилғи ва портлашдан ҳавфли материаллар билан ишлаш қоидаларига ўргатилган бўлиши, ҳавфсизлик қоидаларига катъий риоя этиши керак.

Жамоат тартибини сақлаш ва ўқув машқ олиб бориладиган барча ҳудудларда ҳавфсизлик қоидаларига риоя этиш мақсадида комендантлик хизмати, айниқса авария-қутқарув бўлинмалари ва тузилмалар жойлашган ҳудудларда ташкил этилади. Бу хизматни олиб бориш учун кўриклаш бўлинмалари, жамоат тартибини сақлаш объект тузилмалари ва милиция бўлинмалари жалб этилади.

Барча мансабдор шахслар белгиланган ҳарфлар туширилган кўлбоғичлар тақиб юришлари, бошқарув пункти ва раҳбарият автомашиналари эса алоҳида белгиларга эга бўлиши керак (7-илова)

Комплекс ўқув машқлари

Комплекс ўқув машқларида:

-объектларда ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилмаган шароитда тегишли сигнални олишдан тортиб, авария-қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар оқибатларини бартараф этиш борасидаги фуқаро муҳофазаси тадбирлари комплекс ишлаб чиқилади;

-мансабдор шахсларнинг ва тузилмаларнинг маълум бир тоифаси эмас, балки барча ишчи-хизматчилар, раҳбарият таркиби ҳамда ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари, машқ ўтказиладиган объектга яқин яшовчи аҳолининг ҳам тайёрилиги оширилади;

-ўрганувчиларнинг ҳар бир тоифаси учун тайёргарлик шакл ва усуллари бир комплексда қўлланилади. Масалан, раҳбарият ва бошлиқлар таркиби учун команда-штаб ўқув машқи, тузилмалар учун махсус-тактик, қолган катнашчилар учун мавжуд шароитга тўғри келадиган маълум вазифаларни бажаришда олиб бориладиган амалий машғулотлар ва машқлар.

Ўз моҳияти бўйича комплекс ўқув машқлари — шу объектнинг фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш масалалари бўйича тайёрилигининг намоёнишидир.

Ўқув машқига тайёрланиш. Ўқув машқини тайёрлаш қорхона раҳбари фуқаро муҳофазаси бошлиғи зиммасидадир.

Машқни тайёрлаш ва ўтказиш учун раҳбарнинг ўринбосари ва ёрдамчилари тайинланади, раҳбарият штаби ёки бошқарув гуруҳи тузилади.

Комплекс ўқув машиниға тайёргарлик таквимий режаға мувофик амалга оширилади (8-илова). Режа ихтиёрий равишда тузилади, уни раҳбарият штаби бошлиғи имзолайди ва ўқув машини раҳбари тасдиқлайди.

Ўқув машини ўтказиш учун раҳбарнинг кўрсатмалари асосида кўйидаги хужжатлар тайёрланади:

- ўқув машини ўтказиш режаси;
- ташкилий кўрсатмалар;
- ўринбосар ва ёрдамчилар (воситачилар)нинг шахсий режалари;
- таъминот режаси (моддий-техник алоқа, таклид, комендантлик хизмати ва бошқ);
- хавфсизлик чоралари бўйича йўриқнома.

Ўқув машини ўтказиш ва унинг мавзусига, ўқув мақсадлари ва микёсига боғлиқ бўлган боскичлар бўйича режалаштирилади. Ҳар бир боскич ҳаракатнинг маълум бир даврини қамраб олган масалаларни ўз ичига олиши керак. Масалан, ўқув машини раҳбарияти таркибига табиий офат ёки техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлгани ҳақидаги хабарни етказиш билан бошланиши мумкин.

Бу боскичда фавқулодда вазиятлар бўлимига, хизматлар ва тузилмаларга хабар бериш ва штабда шошилиш кўриладиган масалалар ишлаб чиқилади. Бошқарув жойи ташкил этилади, муҳофаза иншоотлари тайёр ҳолга келтирилади, агар зарурий бўлса, у ҳолда шахсий муҳофаза воситалари берилади, объект барқарорлигини ошириш бўйича тадбирлар ҳамда «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси»да кўзда тутилган тадбирлар амалга оширилади.

Кейинги боскичда (ўқув машини мақсадига мувофик) ишлаб чиқаришни ҳалокатсиз тўхтатиш, авария оқибатларини қамайтириш, ишчи ва хизматчиларни қисман эвакуация қилиш, қорхонада қолаётганларни муҳофаза қилиш, тузилмаларни тўла тайёр ҳолга келтириш масалалари ишлаб чиқиши мумкин.

Учинчи боскичда, авария-қутқарув хизматлари ва тузилмалар томонидан қидирув-қутқарув ишларини ва жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш масалалари ҳал этилади.

Ўқув машини режасини тугаллашдан аввал, рекогносцировка ўтказилади. Унга машини раҳбарининг ўринбосарлари ва ёрдамчилари, раҳбарият штаби жалб этилади. Шундан сўнг машини раҳбари зарур хужжатларни қайтадан тайёрлаш ва ўқув машини тайёрлаш билан боғлиқ амалий тадбирларни бажариш тўғрисида кўрсатма беради.

2 - савол Ўқув машини ўтказиш режаси.

Ўқув машини масалаларини ишлаб чиқиш кетма-кетлигини аниқлайдиган асосий хужжат

- ўқув машини ўтказиш режасидир (9-илова).

Раҳбар ўқув машини режасини тадбирларнинг бошланишидан қаида икки ҳафта аввал тасдиқлайди.

Корхона ўқув машкида тайёргарлик борасида ташкилий кўрсатма раҳбарнинг буйруғи сифатида расмийлаштирилади ва ижрочиларга аввалроқ (одатда ўқув машки бошланишидан бир ой олдин) етказилади.

Ташкилий кўрсатмада:

- ўқув машкининг мақсади ва ўтказиш муддати;
- катнашчиларнинг таркиби ва уларни тайёрлаш тартиби (алоҳида раҳбарлар таркиби, тузилмалар, ишчи-хизматчилар, объект атрофида яшовчи аҳоли);

- техникадан, мол-мулкдан фойдаланиш тартиби ва моддий-техника таъминоти масалалари;

- таклидни тайёрлаш куч ва воситалари, масъул шахслар;

- хавфсизлик чоралари кўрсатилиши лозим.

Раҳбар ўринбосарлари ва ёрдамчиларининг шахсий режаларида:

- ўқув машкининг мавзуси, ўргатилаётганларнинг тегишли тоифалари учун ўқув мақсади;

- ўқув машкининг босқичлари, давомийлиги, ўқув масалалари;

- тузилмалар таркиби, айрим масалаларни ишлаб чиқиш учун жалб этилган ишчи-хизматчилар сони;

- мураккаб шароит, алокани ташкил этиш, бошқарув жойлари ҳамда умумий режадан келиб чиқиб, ўқув машкининг бориши баён этилади, ўқув масалалари ишлаб чиқилаётган шароит, режалаштирилаётган вақт, шароитни кучайтириш тартиби ва усуллари, сардорларнинг мақсадга мувофиқ (кутилган) қарорлари ва ўрганилаётганларнинг ҳаракатлари кўрсатилади.

Таклид режасини раҳбар ёрдамчиси чизмали жадвал тарзида тузиб чиқади (10-илова). Унда объект ва аниқ жой, таклиднинг тури, усули ва вақти; бунинг учун ажратиладиган куч ва воситалар; ҳар бир ҳудуд учун масъул шахслар, таклид бўйича ёрдамчи билан боғланиш воситалари ва бошқарув сигнали; таклид жойини кўриклаш ва хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрсатилади.

Ўқув машкини ўтказиш услуги.

Машки шахсий таркибга шошилиш хабар бериш ва йиғишдан, техникани олиб чиқиш, уларнинг ҳаракатга тайёрлигини текширишдан бошлаш керак.

Тактик вазифаларни (буйруқлар, кўрсатмаларни) ёки шартли топширикни топширгандан сўнг сардорлар олинган вазифани тушуниб олиши, шароитни баҳолаши, қарор қабул қилиши ва ходимларга вазифа бериш учун зарур бўлган вақт берилади.

Тузилмалар сардорларининг кутқарув ишларини ташкил этиш борасидаги қарорини ўқув машки раҳбари эшитиб кўради ва баҳолайди.

Ўқув машки авария-кутқарув ишлари ниҳоясига етганлигини эълон қилиш билан якунланади.

Машк якунида раҳбар шахсий таркиб ва техникани текшириш, ўқув машки олиб борилган ҳудудни тартибга келтириш ҳамда муҳофаза ўтказиш жойи ва вақти ҳақида кўрсатма беради.

№	Асосий кўрсаткичлар (тадбирлар)	Аъло	Яхши	Кониқарли
1	Катнашувчилар сони: - тузилмалар - ишчи ва хизматчилар	90% 70%	80% 70%	65% 50%
2	Раҳбарият ва бошликлар таркибига хабар бериш ва тайинланган жойга тўплаш	Аниқ режага биноан	Режадан 10% кечроқ	Режадан 15% кечроқ
3	Тайёр ҳолатга келтириш: - бошқарув пунктини -муҳофаза иншоотларини - тузилмаларни	Режа буйича Режа буйича Режа буйича	10% кечроқ 10% кечроқ 10% кечроқ	15%кечроқ 15%кечроқ 20% кечроқ
4	Ўқув маъшига жалб этилаётган тузилмаларни бутлаш: - шахсий таркиб билан -техника ва мол-мулк билан	90% 90%	75% 65%	65% 60%
5	Ўқув машини пайтида кузланган барқарорликни ошириш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши	100%	80%	60%
6	Авария-куткарув ва бошқа шохилинч ишларнинг олиб	Меъёрлар барча тузилмалар томонидан бажарилган, улардан:		
		50% - аъло	60% аъло ва яхши, 30% кониқарли	75% ижобий

	борилиши			баҳоланган
7	Бошқарув	Ташкилотчилик бир текиелвк кўрсатилди. Бошқарувда талафотлар бўлмади.	Вазифалар ўз вақтида бажарилди. Айрим камчиликлар ҳам бор.	Вазифа асосан ууддаланди. Узилишлар бўлиб турди.
8	Ишчи ва хизматчиларга хабар бериш.	Маълумот режада курсатилган муддатда 100% ишчи ва хизматчиларга етказилди.		Маълумотни хамма олмаган ва кечикиб олган.
9	Алоқа	Ишончни бошқарувни таъминлаб, узилишсиз ишлади		Узилишлар бўлди

Сардорларнинг маърузаларидан кейин тузилмалар жойларига кайтгандан сўнг раҳбар ўқув машини яқунлайди.

Ўқув машини баҳолаш мезони. Вазифаларнинг тайёрлик даражасини, сифати ва бажарилиш самарадорлигини, бошқарув органи, хизматлар ва тузилмалар ишининг ўқув машинидаги фаоллигини баҳолаш учун ўзини амалда оқланган асосий сифат ва миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Эслатма:

1. Булардан ташқари:

- умумий ташкилотчилик;
- қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- ўқув машини давомида яратилган ҳужжатларнинг тўлалиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- қарорларнинг ўз вақтида етказилиши ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши;
- ҳамкорликни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш;
- ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш эътиборга олиниши лозим.

2. Умумий баҳо қуйидагича қўйилади:

- «аъло» баҳо, агарда 50 ва ундан кўп фоиз кўрсаткичлар «аъло»га баҳоланган, 25% дан кам бўлмагани «яхши»га ва «қониқарсиз» баҳолар бўлмаган тақдирда;
- «яхши» баҳо, агарда 50% дан кам бўлмаган кўрсаткичлар «аъло» ва «яхши» баҳога, қолганлари «қониқарли» баҳоланган бўлса;
- «қониқарли» баҳо, агарда 65% дан кам бўлмаган кўрсаткичлар «қониқарли» баҳоланганда.

3. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар сифатсиз ёки сифати паст бўлганда, хизматлар ва тузилмалар ишида ташкилотчилик бўлмаганда умумий баҳо бир баллга пасаяди.

Ўқув машини муҳокамаси. Хотима қисм муҳокамани қорхона раҳбари

шахсан ўзи ўтказди. Раҳбар муҳокамага олдиндан тайёрланиши керак. Машк давомида у далилий маълумотлар тўплайди, ўринбосарлари ва раҳбарият ахборотларини эшитади.

Коидага мувофиқ муҳокама аввал сардор-бошликлар таркиби билан, сўнгра колган катнашчилар билан ўтказилади. Муҳокама охирида раҳбар ўқув мақсадига эришиш даражасини аниқдайди, ҳар бир тоифада ўргатилаётганларнинг ҳаракатларига баҳо беради ва кейинги ўқув жараёнларида ёки қўшимча машғулотларда очилган камчиликларга барҳам бериш борасида вазифалар қўяди.

Умумий муҳокамадан сўнг ўринбосарлар ва ёрдамчилар хизматлар ва тузилмалар, кидирув-куткарув бўлинмалари (агарда улар жалб этилган бўлсалар) билан шахсий муҳокама ўтказадилар.

Объектда ўқув машини натижалари асосида камчиликларни бартараф этиш тадбирлари режаси тузилади. «Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси» ва «Фукаро муҳофазаси режаси»га зарур тузатишлар киритилади, машк якуни бўйича фукаро муҳофазаси бошлигининг буйруғи чиқарилади.

тактик-махсус ўқув машини ўтказиш режаси

1. Мавзу: Тармок раҳбарияти ва тузилмаларнинг техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлар содир бўлганда тегишли фукаро муҳофазаси хизматлари билан ҳамкорликлаги ҳаракатлари.

2. Ўқув машини мақсади:

- Тармокда ёнғин, портлашларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда авария-куткарув ишларини амалга ошириш бўйича тузилган тадбирларнинг самарадорлигини текшириш.

- Фавкулудда вазият содир бўлган ҳудудда одамларни кутқариш ва моддий бойликларни асраш бўйича тармок раҳбарияти ва сардор-бошликлар, тегишли хизматлар билан ҳамкорликла ҳаракатланиш тадбирларини амалга ошириш бўйича амалий малакаларини ошириш.

- Тармок «Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳаракат қилиш режаси»га аниқлик киритиш, нефтни қайта ишлаш корхоналарида содир бўлиши мумкин бўлган техноген хусусиятли фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва корхона барқарорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. Машкни ўтказиш вақти. 200__йил_____

4. Машкни ўтказиш жойи. «Н» шаҳар нефтни қайта ишлаш корхонасининг ҳудуди.

5. Ўқув машини катнашчиларининг таркиби:

- Корхона раҳбарияти (маъмурият, диспетчерлик хизмати, бўлим ва бошкарма раҳбарлари) — 26 киши.

- Корхона тузилмалари (газ-куткарув, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси, санитар дружина, куткарув гуруҳлари) -119 киши.

- Шаҳар фукаро муҳофазаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари -4 киши.

- «Н» вилояти фукаро муҳофазаси раҳбарларидан - 2 киши.
- Шаҳар фукаро муҳофазаси хизматлари бошликлари - 18 киши.
- Вилоят фукаро муҳофазаси хизматлари бошликлари - 6 киши.
- Миллий хавфсизлик хизмати бўлинмаси - 25 киши.
- Вилоят фавкулудда вазиятлар бошкармасининг авария-кутқарув гуруҳи - 10 киши.

Шаҳар фукаро муҳофазаси хизматларининг тузилмалари:

Жамоат тартибини саклаш	-47 киши
Тиббий хизмат	-15 киши
Автотранспорт хизмати	-30 киши
Ёнғин хавфсизлиги хизмати	-12 киши
Энергетика ва никоблаш хизмати	- 6 киши

6. Моддий-техник таъминот:

Автотранспорт	-30 та
Махсус автотранспорт	- 6 та
Муҳандислик техникаси	- 6 та
Ўт ўчириш машинаси	- 8 та
Тиббий ёрдам машинаси	- 6 та
Йўл ҳаракати хавфсизлиги транспорти	- 4 та

Тери ва нафас йўллари муҳофазалаш воситалари:

Газникоб (ИП-4, ГП В, С)	- 140 дона
Енгил муҳофаза кийими Л-1	- 24 дона
Газ ўлчов асбоблари	- 5 дона

Тиббий анжом ва воситалар:

Санитар сумкалар	- 24 дона
Махсус тиббий ёрдам мажмуаси	- 3 дона
Санитар замбиллар	- 6 дона

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон ва боғлов воситалари.

Таклид воситалари:

Тутун чиқарувчи шашка ДМ-11	- 10 дона
Тутун чиқарувчи кўл гранатаси РДГ-2	- 20 дона
Солярка аралашмали ёнувчи восита	- 6 дона

Ўқув машки давомида қўлланиладиган белги ва кўрсаткичлар

1. Вайроналар, уюмлар, заҳарланиш, коммунал-энергетика тармоқларидаги шикастларни, бино ва иншоотлар ҳолатини белгилаш учун белгилар фанердан (картондан, тунукадан) 20x40 см ўлчамда тайёрланади. Тепа томонда йирик ҳарфлар билан зарарланиш (заҳарланиш) тури ёзиб қўйилади, пастки томонида эса унинг ўлчамларини кўрсатувчи маълумот берилади.

Белгилар ердан 1,0-1,5 м баландликла ўрнатилади. Кечаси кўриниб туриши учун имкон қадар ўз-ўзидан товланувчи бўёқлар берилади ёки ёритиб қўйилади.

2. Кўрсаткичлар фанердан (картондан, тунукадан) ясаиб ердан 1,0-1,5 м баландликла ўрнатилади.

Улар уюмлардаги ўтиш жойлари, зарарланган ҳудудлардаги тўсикларни, пиёда ва транспортда айланиб ўтиш йўналишини кўрсатиб туради.

Эслатма: Ўқув машини мавзуси ва ишлаб чиқиладиган масалаларга боғлиқ равишда зарур шароитни яратиш учун бошқа белги ва кўрсаткичлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўқув машини ўтказиш вақтидаги хавфсизлик чоралари

1. Ўқув машинида хавфсизлик чораларини ташкил қилиш ва таъминлаш учун раҳбар жавобгардир. У хавфли жойларда комендантлик (тартибга солиш) хизматини жорий қилиш, ёнғинлар, вайроналар, коммунал-энергетика тармоқларидаги аварияларни тақлид қилиш, бу участкаларни тўсиб (қуршаб), белгилаб қўйиши шарт. Маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўтказилиши керак бўлган ўқув машинида хавфсизлик чоралари бўйича йуриқнома ишлаб чиқилиб, барча шахсий таркиб томонидан унинг ўрганилишини ташкил этиши шарт.

2. Хавфсизлик чораларига риоя қилиш учун жавобгарлик ўқув машинида қатнашаётган тузилмалар сардорлари зиммасига юкланади. Улар шахсий таркиб билан йуриқномани ўрганишлари, хавфли ҳудудларни (жойларни) белгилаш тартибини кўрсатиши, техника ва транспорт воситаларининг соҳ ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилишлари шарт.

3. Ўқув машинида қўйидагилар тақикланади:

- хавфли тақлид воситалари ва бошқа буюмларни транспортда одамлар билан биргаликда ташиш;
- носоз техникани ишлатиш;
- тролларга чиқиш, кўтарма кранларнинг ўқи (стреласи) остида, экскаваторларнинг чўмичлари остида туриш, вайроналарда муҳандислик техникаси ишлаётган пайтда у ерда туриш;
- «жабрланганлар» белгиси қилган ҳудудга шахсий таркиб ва техникани жойлаштириш;
- бекатларда чап томонга чиқиш, машиналар ўртасида туриш ва улар остида дам олиш, ёнилғи моддалар қолинган идишлар олдида чеқиш;
- шахсий таркибдан ва тез алангаланадиган материаллардан 50 метргача масофада тугун берадиган шашкалар ёқиш ва тақлид гранаталарини портлатиш;
- тутун билан тўла биноларга газниқобсиз, газ-тутундан муҳофазаловчи комплектсиз қириш;
- машиналарни ва уларнинг атрофини синчковлик билан текширмасдан туриб машиналар двигателини ишга қолиш ва юргизиш;
- шахсий таркиб жойлашган жойда ҳамда ёнгил алангаланувчи моддалар йўналишида портловчи пакетлар ташлаш, ёритувчи ва сигнал

ракеталарини учириш;

- тегишли ташкилотлар билан келишмасдан туриб ер казиш ишларини олиб бориш;

- текширилмаган манбалардан олинган кайнатилмаган сувни ичиш.

4. Тузилмаларнинг сардорлар таркиби авария-куткарув ва бошқа шошилиш ишларни олиб боришда хавфсизликни таъминлаш учун куйидаги тадбирларни ўтказиши шарт:

- бажариладиган ишлар ҳудудини синчковлик билан (текшириб чиқиш; механизация воситалари, пневмо ва электр ускуналар, портловчи моддалар ва ёнғиндан хавфли воситалар билан ишлаганда техника хавфсизлиги борасида амалдаги кўрсатма (йўриқнома)лар қоидаларига қатъий риоя этиш;

- кулаб тушиши хавфи бўлган бино ва иншоотлар конструкцияларини мустаҳкамлаш ёки ағдариб ташлаш;

- ишлар олиб борилаётган жойларга огоҳлантирувчи (сигнал берувчи) белгилар ўрнатишни амалга ошириш;

- ўқув машини бошлангунга қадар муҳандислик техникаси ҳисобларида муҳофаза воситаларида ишлаш машқларини ўтказиш.

5. Совук пайтида ўқув машини ўтказиш учун куйидагилар зарур:

- шахсий таркибни иссиқ уст-бош ва оёқ кийим билан таъминлаш;

- шахсий таркибни совук олдирмаслик чоралари билан таништириш;

одамларни автобусларда ёки тентлар билан жиҳозланган машиналарда ташишни амалга ошириш.

Ўқув машинидаги алоҳида белгилар

1. ўқув машинида катнашувчи барча мансабдор шахслар ва тақлид тузилмасининг шахсий таркиби чап кўлларида ўлчами 20x10 см бўлган ва тегишли ҳарф тасвири туширилган; ўқув машини раҳбари ва раҳбарият штаби учун - «Р», раҳбар ёрдамчилари ва воситачилар учун -«Ё», тақлид тузилмасининг шахсий таркиби учун - «Т», ок енгбоғ» тақиб олишлари керак

2. Ўқув машини раҳбарининг бошқарув пункти жойлашган жой ўлчами 150x100см бўлган « Р» ҳарфи белгиси бўлган ок байроқ Билан, тунги пайтда эса ок рангли фонус Билан белгиланади.

3. Мансабдор шахсларнинг автомобиллари ўлчами 20 x 10 см бўлган, радиаторнинг устки копламасига ёки олдинги ён устунига маҳкамлаб ўрнатилган ок байроқчалар билан белгиланади.

4. Тузилмаларнинг шахсий таркибини биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига ўргатиш учун статистлар - «жабрланганлар»ин тақлид қилувчи одамлардан фойдаланилади. Уларга шикаст тури кўрсатилган талонлар берилади.

Ўз - ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ўқув машини ўтказиш вақтидаги хавфсизлик чоралари

2. Ўқувмашини ўтказиш режаси.

3. Ўқув машини ўтказиш услуги.

4. Тактик-маҳсус ўқув машини ўтказиш режаси

Таянч атамалар:

РТТМ – раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази.

«Р» - ўқув машки раҳбари ва раҳбарият штаби учун.

«Т» - таклид тузилмасининг шахсий таркиби учун

«Ё» - раҳбар ёрдамчилари ва воситачилар учун

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятдан муҳофаза қилишнинг ҳукукий асослари. *Меёрий ҳужжатлар тўплами.*

2.Илмий-амалий анжуман материаллари. *Фукаро муҳофазаси институти.*

3.маҳалла-фукаролик жамиятининг асоси. *М.Ғуломов.*

4. Фукаро муҳофазаси асослари. *Маърузалар тўплами.* Ф.М.Иниститути.

5.Ўзбекистон давлат стандартлари. Ф.М.Иниститути.

6.Учебная рекомендация-памятка. *Фукаро муҳофазаси институти.*

7..«Гражданская оборона» учебник для педагогических институтов.

8. «Гражданская оборона» А.М.Костров.

9.Ўзбекистон Республикаси « Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонуни. 20 август 1999й.